



ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙ
ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ
ЎЛМАС УМАРБЕКОВ
СТЕФАН ЦВЕЙГ



ЭНГ САРА

*Сени айблмайман, қандай бўлсанг, шундай-
лигингча яхши кўраман, жуиқинлигинг ҳам,
ункутувчанлигинг ҳам, оинислигинг ҳам, беваф-
лигинг ҳам менга ёқадн, ҳамини қандай бўлсан
бўлсанг, шундайлигингча яхши кўраман.*

МУҲАББАТ ҚИССАЛАРИ

севги ва азоб, орзу ва армон

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____


--	--

«...Муҳаббат бу – ибодат демак. Бунда бардошинг синовдан ўтади, туйғуларинг чархланиб, нозиклашади. Дағаллик унинг учун ёт. Юрагингдаги титроқ ҳар нафас олганигда сенга атрофингни ўраб турган оламдан бошқа сирлироқ, гўзалроқ бир хилқат бор эканлигини шивирлаб таъкидлайди.

Ҳоди Тоҳтошнинг «Муҳаббат бу – эски нарса, лекин ҳар бир юрак уни янгилайди», деган машҳур гапи бор. Бу тилсимнинг туб замирига етиш учун қалбимиз ожизлик қиладиган сирлари кўп. Ҳар бир юрак ўзининг имкониятидан келиб чиқиб унинг тугунларини ечади.

Истардимки, муҳаббатнинг ранг-баранг ҳамда зиддиятли қирралари, оғриқлари, азоблари, таскинлари акс этган жаҳон ва ўзбек адабиётининг энг сара асарлари тўплам ҳолида чоп этилса, замондошларимизга таништирилса... Бундай китоблар инсонга ўзлигини англаатар, деб умид қиламан...»

Нашириётга келган мактубдан





Хурматли

.....

.....

.....

.....

.....

.....

.....

.....

.....

Камоли эҳтиром ила

.....

.....

.....



ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙ
ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ
ЎЛМАС УМАРБЕКОВ
СТЕФАН ЦВЕЙГ



ЭНГ САРА

– Сени айбламайман, қандай бўлсанг, муно-
дийликнингча яшши кўраман, жушқинликнинг ҳам,
унутувчанликнинг ҳам, ошиқликнинг ҳам,
бевафаликнинг ҳам менги ёрдам, ҳаммага қандай
бўлган бўлсанг, мунодийликнингча яшши кўраман...

МУҲАББАТ ҚИССАЛАРИ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ – 2017

YENI SHAHAR «BILIM»

УЎК: 821(100)

КБК: 84.(0)

Э – 96

**Энг сара муҳаббат қиссалари / Тўпловчи Маъмура Қутлиева.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 320 б.**

ISBN 978-9943-27-957-5

Муҳаббат не қудратки, инсон қалбида ана шу тилсимли оламга эҳтиёж, интилиш бор? Унда не қудрат яширинки, уриб турган юрак ўзга бир қалб томон ҳамиша илҳақ бўлаверади, юраги соғинч азоби билан ўртанаверади? Бу саволга дунёда қанча одам истиқомат қилса, худди шунча жавоб бор, яъни ҳар бир инсон юрагида гоҳида ошкор, гоҳида пинҳон муҳаббат яшайди.

Дарҳақиқат, Дунё муҳаббатдан пайдо бўлди. Муҳаббат тириклик устуни бўлди. Муҳаббат шахсларни камолга етказди. Муҳаббат маънан комил Инсонни тарбиялади. Муҳаббат одам боласига Ўзини танитди. Муҳаббат – ҳайратлар, азоблар, оғриқлар, дардлар, қайғулар билан келди. Ва инсон фарзанди уни шу ҳолида қувонч билан қабул қилди, оғир дамларида ундан паноҳ истади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган китобга биз ўлмас ва абадий мавзу – муҳаббат ҳақидаги энг сара қиссаларни жамладик.

Тўплам юрагингиз қатидаги ечими йўқ саволларга жавоб беролса, неларнидир ёдингизга солса, қалбингизда мудраб турган туйғуни қайта ҳаяжонлантурса ва уни ўқишга яна эҳтиёж сезсангиз, биз ўз мақсадимизга эришган ҳисоблаймиз ўзимизни.

УЎК: 821.(100)-93

КБК: 82.3(0)

**Тўпловчи
Маъмура ҚУТЛИЕВА**

ISBN 978-9943-27-957-5

© «Энг сара муҳаббат қиссалари». «Янги аср авлоди», 2017.

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ

Ўзбекистон

(1934 - 1994 й.й.)



СЕВГИМ-СЕВГИЛИМ

1

Бу воқеага анча бўлди. Мен эндигина институтни тамомлаган йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги йигит эдим. Орзу-ҳавас катта. Қаёққа кўл узатсам, етади. Билакларимда қувват, қалбимда ғайрат жўш урарди.

Ёшлик эндигина қанот чиқарган учирма қушга ўхшайди. Ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳеч нарсадан чўчимайди. Бутун борлиқ унга янгича, сирли бўлиб туюлади. Ҳамма нарсани кўргиси, билгиси, ҳамма нарсада ўзидан қандайдир из қолдиргиси келади. Лекин бу изнинг қандай бўлишини, унга севинч бахш этадими, ё ғам келтирадими, тўғрироғи, билишни истамайди. Агар шу истак унда ҳамма нарсадан кучли бўлганда эди, ўзини бунчалик тутмасмиди?! Ким билади, балки мен хато қилаётгандирман. Ростини айтганда, бунинг ҳозир мендан бошқа ҳеч кимга аҳамияти йўқ. Бироқ мен ўзимни учирма қушдек ҳис қилиб, ўша пайтлар нотаниш жойларга кетиб қолганимдан сира афсусланмайман.

Гап шундаки, мен Яккачинор қишлоғига ишга жўнадим. Ростини айтсам, отам мажбур қилди. Институтда мени аспирантурага олиб қолишмоқчи эди. Отам шаҳарда қолмайсан, қишлоқда ишлаб келасан, бу ўзингга фойда бўлади, деб туриб олди. Қанақа фойда келтириши мумкин қишлоқ шаҳар турганда?

Мен унга аввал тушунмадим. Жаҳлим чиқди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, мен унинг ёлғиз ўғли бўлсам, бунинг устига ўзи анча кексайиб қолган бўлса, нега мени ҳайдайди?

Мен жуда эрка ўсган эдим. Онам тўққиз ёшлигимда зотилжам касаллигидан вафот этган. Шунинг учун бўлса керак, отамнинг менга бўлган муносабатида икки кишининг меҳрини ҳис қилардим. Тарбиямга бу таъсир қилмай қолмади, албатта. Мендаги иккиланиш, ҳадиксираш каби иллатлар, балки шунинг оқибатидир? Сирасини айтганда, бир онадан ҳар хил бола туғилади, дейишади. Аммо бунинг ҳозир қизиғи йўқ. Ҳар ким ўз қилмишларига ўзи жавобгар бўлиши керак.

Шундай қилиб, жаҳлим чиқса ҳам отамнинг раъйини қайтармадим. Институтда менга таклиф қилинган жойлар орасида «Яккачинор» номли колхоз ҳам бор эди. Самарқанд областида, тоғнинг тагида экан бу колхоз. Қишлоқ ҳам Яккачинор, деб аталар экан. Шунини танладим. Ҳозир ўша йилларни эсласам, институтда қолмаганимга хурсанд бўламан, хурсанд бўламану бутун ҳаётимни бир умр оғир мусибатларга ғарқ қилганимдан ўксинаман...

Диплом олган куним кечқурун шаҳарда қолган ўртоқларим билан «Тошкент» ресторанида қуюқ хайрлашиб, уйга келдим-да, йўл ҳозирлигини кўра бошладим. Самолёт Самарқандга тунда учиши керак эди. Хайрлашаётиб отам бир оз кўз ёши қилиб олди. Унинг қовоқлари салқиган, тарам-тарам ажин босган озғин юзига қараб, раҳмим келиб кетди. Лекин на чора? Ўзи кетишимни истаган эди. Тез-тез хат ёзиб туришга ваъда бериб, уйдан чиқдим. Икки соатча аэропортда санқиб, ниҳоят самолётга ўтирдим.

Чарчаган эканман, дарров кўзим илинди. Самолёт ерда пилдираб кетаётганида уйғондим. Кўп ўтмай, тонг ота бошлади. Яна йўл ҳаракатига тушдим. Лекин

анча вақт шаҳарда қолиб кетдим: Яккачинорга борадиган биронта ҳам машина йўқ эди. Шофёрлардан биттаси бозорга боришни, «Яккачинор» колхоз дўконини топишни маслаҳат берди.

– Топсам нима бўлади? – ҳайрон бўлиб сўрадим.

– Топсангиз, машина бўлади-да, акаси! – деди шофёр. – Дўконга мол-пол келади-ку, ахир!

Миннатдорчилик билдириб, бозорга йўл олдим. Бир амаллаб дўконни топдим ҳам. Бироқ у берк эди. Бошим қотиб бозорнинг ўртасида жойлашган чойхонага кирдим. Ҳали ўтирганим ҳам йуқ эдики, шопмўйлов чойхоначи бир чойнак кўк чой билан патнисда тўрт чақмоқ қанд ва янги узилган Самарқанд нонидан келтириб кўйди.

– Меҳмон нима истайдилар? – сўради у табассум билан чойни шопирар экан.

– Қаймоқ, – дедим мен.

Шу тобдаёқ бир сопол товоқ қаймоқ олдимда ҳозир бўлди.

– Мана, меҳмон, марҳамат қилсинлар, – деди чойхоначи яна табассум қилиб.

Самарқанд бозорларидаги қаймоқ билан тандир нонининг доврўғини эшитган эдим. Аммо бунчалик мазали бўлишини билмасдим. Нон кўринишдан Тошкентнинг ширмонидан фарқ қилмайди. Фақат безаксиз, сипо. Шунинг учун ҳам ширмондан анчагина ейилди. Қаймоқ ҳам қуюқ, товоқнинг четларида янгилигидан дарак бериб, кўпириб туради. Мазаси демасангиз, худди нишолданинг ўзи. Бир тишлам нонни унга ботириб, оғзингизга солдингизми, тамом, товоқни соб қилгунингизча ўрнингиздан турмайсиз.

Нонушта қилиб бўлиб, қаёққа боришимни билмай турганимда:

– Йўл бўлсин, меҳмон? – деб сўради чойхоначи.

– Яккачинорга, – дедим ҳафсаласизлик билан. Кейин ниманингдир илинжида сўрадим. – Биласизми?

– Ким билмайди? – деди чойхоначи жилмайиб. – Узумнинг кони бу қишлоқ. Иннайкейин, биззи жиян Яккачинорда дўхтир!.. Сизни ўша ёққа отправка қилишдими?

– Ҳа, – дедим мен ҳам ноилож илжайиб. Чойхоначи бошини лиқиллатиб қўйди. Афтидан, менга ачинаётгандай эди.

– Жуда олис... – деди чойхоначи баттар бошини лиқиллатиб. – А, ничаво!.. Кўникиб кетасиз. Мана, биззи жиян. Уч-тўрт ойдан бери жим. Унгача беш-олти марта қочаман, деб категорический хат ёзган. Ҳозир жим. Иннайкейин...

– Автобус юрадими? – сўрадим гапини бўлиб.

– Автобус? – чойхоначи афтини буриштирди, кейин яна оғзини катта очиб жилмайди. – Автобус йўқ. Лекин хафа бўлманг. Попутний машина бўлиб туради. Қани, тўхтанг-чи!

Чойхоначи кўлидаги пиёла сочиқни елкасига ташлаб, чойхонадан чиқиб кетди. Анча кутдим. Бир маҳал тожикча гаплашиб, қоп-қора бир йигитни бошлаб келди.

– Шу йигит элтиб қўяди, – деди чойхоначи йигитга ишора қилиб. – Чой ҳақи берсангиз бўлди.

– Хўп, – дедим. Кўп савдолашмай кирани келишдик. Йигит йўл бошлади. Чойхоначи бозор дарвозасигача кузатиб чиқди. Машинага ўтирганимда у битта кир халтани узатди.

– Шўрданак. Биздан жиянга – Мавлонга бериб қўйинг. Салом айтинг. Онасига хат ёзсин. Омон бўлинг. Самарқандга келсангиз кириг!

Йўлга тушдик.

2

Яккачинор – икки тоғ оралиғида қисилиб ётган кичкина қишлоқ. Аҳолиси ҳам унча кўп эмас. Юз хонадондан ошмайди. Одамларнинг деярли ҳаммаси шу

ерлик. Шу ерда туғилишган, шу ерда ўсишган, шу ерда ажойиб боғлар яратишган. Бу боғларнинг доврўғи бутун республикага кетган. Қайси бир ёзувчининг китобида ёзилганидек, пўстини арчиб, танглайингга босининг билан эриб кетадиган сап-сарик шафтолилар, ҳар бири пиёладек-пиёладек келадиган аччиқ-чучук қизил олмалар шу ерда битади. Чет эл ярмаркаларида ўттиздан ортиқ олтин медаль олган ўзбекнинг «Оқ мусаллас»и ҳам Яккачинорнинг бувакисидан. Токзор бу ерда бир неча ўн гектарга чўзилган бўлиб, бир ёғи Зарафшонга, бир ёғи тоққа туташиб кетган.

Яккачинор қишлоғи янги келган кишига кўримсизроқ, бетартиброқ кўринади. Лекин бу биринчи таассурот. Сўнгги йилларда мен кўп қишлоқларда бўлдим. Ҳаммасининг ўзига хос фазилати, хусни бор. Аммо ҳеч қайсиси Яккачинорга тенглаша олмайди. Қишлоқни иккита тенг қисмга бўлиб кўча ўтган. Самарқанддан чўзилиб келган бу кўча шу ерда тоққа туташиб, йўқолиб кетади. Катта йўл фақат шу. Бироқ қишлоқ ҳисобсиз тор кўча ва сўқмоқлар билан тўла. Деярли ҳар бир уйдан тоққа, далага йўл чиқади. Паст-баланд бу йўллардан шаҳарлик кишининг юриши қийин. Лекин яккачинорликлар парво қилишмайди. Бошларига катта-катта саватларни кўйиб олиб, тоғдан қишлоққа, қишлоқдан тоққа чиқиб кетаверадилар. Болалар ҳам, аёллар ҳам худди шундай.

Уларнинг меҳмондўстлигини айтмайсизми? Агар бирон кишиникига меҳмон келиб қолса, ҳаммаси навбатма-навбат чақиривади. Бормаганингизга кўйишмайди. Бордингизми, тамом, бутун бойлигини олдингизга тўкади. Ҳеч нарсаси бўлмаса, бир патнис нон билан чой кўйиб, ашула қилиб беради. Қишлоқда бирон-та одам йўқки, ашула айтишни ёки қандайдир мусиқа асбобини чалишни билмасин! Эрта тонг маҳали, ҳали қуёш тоғнинг ортидан кўтарилмасдан далага чиқсан-

гиз, қишлоқнинг ўнг томонида осма кўприк кесиб турган олмазордан ўтиб, дарё лабига борсангиз, ҳисобсиз қўй-қўзи подаларини кўрасиз. Улар эндигина бошини сувдан кўтариши билан олисдан най товуши эшитилади. Кўйлар бу майин, юз хил оҳангда янграётган ёқимли товушни билишади ва бирин-кетин ўша томонга юришади. Сизнинг ҳам ўша ёққа беихтиёр оёғингиз тортади, бир дақиқа ташвишларингизни унутасиз, ўзингизни қандайдир бир сеҳрли дунёда ҳис қиласиз, оналаридан ўйноқлаб ортда қолиб кетган кўзиларнинг ҳар чеккадан тартибсиз маъраши ҳам қулоғингизга худди най садосидек ёқимли эшитилади. Мен кўп тонглари ана шундай, дарё лабида ўтказганман. Қуёшнинг олтин нурларига чўмилган дарахтлар, кумуш жилғаларга тикилиб, чўпон найининг сирли садоларига қулоқ солганман. Зарафшоннинг бешик-бешик тўлқинланиб, секин оқиши мени мафтун қилган...

Яккачинор оқшомларининг ҳам гўзал ҳусни бор. Кун қорайиши билан бутун қишлоқ қоронғилик ичига ғарқ бўлади. Олтинранг деразаларгина бу ерда уйлар борлигидан дарак беради, холос. Ярим кечага бориб чироғлар бирин-кетин сўнади. Шунда далада бўлсангиз, олисда, баланд қоянинг тепасида ой нуридан барглари майда-майда юлдузчалар ҳосил қилиб, қишлоқ томонга эгилиб турган дарахтни кўрасиз. Бу – яккачинор. Қишлоқ шу чинорнинг номига қўйилган. Чинорни қишлоқнинг ҳамма еридан кўриш мумкин. Қоронғиликда у худди кўлини қишлоқ томон чўзиб турган девқомат инсон ҳайкалидай туюлади. Баъзи қариялар серхараша болаларини шу чинор билан олабўжи, деб кўрқитадилар. Лекин севишганлар учун эса у абадий севги, вафо тимсоли бўлиб туюлади. Ривоятларга қараганда, бир чўпон йигит бегона мамлакат маликасини тушида кўриб, ошиқ бўлиб қолибди. Дард зўр келиб, қари онаси ва ой деса ой, кун деса кун-

дек ёшгина хотинини ташлаб, қишлоқдан бош олиб кетибди. Орадан кўп йиллар ўтибди. Бир куни тонг маҳали тул қолган бечора жувон кўза кўтариб сувга чиқса, эшик тагида бевафо эри турган эмиш. Йигит унга бошидан ўтган воқеаларни гапириб, ўз юртидан бўлак юрт йўқлигини, ўз хотинидан кўҳлик аёл йўқлигини айтибди ва гуноҳидан ўтишни сўрабди. Жувон кўнмабди. Йигит кетибди. Тоғда макон қилибди. У кундузлари ҳеч кимга кўринмай қоялар орасида ётар экан. Қош қорайиши билан баланд қоя устига чиқиб, қишлоғига, уйига термилар ва гуноҳидан ўтишни сўраб, худога илтижо қилар экан. Кейин у ғойиб бўлиб кетибди. Ривоятда айтилишича, чинор шу йигит эмиш. Яккачинорнинг фақат бир томонга, қишлоқ томонга қараб шох отиб ўсганининг боиси шу экан.

Бу қадимий ривоят қарияларнинг деярли ҳаммасига таниш. Ёшлар ҳам билишади. Ҳатто, ашулалар ҳам тўқишган. Кечқурунлари гулхан атрофига тўпланиб, ёшлар севги ҳақидаги ана шундай кўшиқларни айтишганда қалбинг тўлқинланади, бутун вужудинг билан инсоннинг нақадар софлигига, нақадар олижаноб ва нақадар гўзаллигига таҳсин ўқигинг келади!..

Афсуски, мен буларнинг ҳаммасини кейин билдим, кейин тушундим. Қариялар, ҳаёт кўрсанг одам кўрасан, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Ҳаёт кўрмаган, довон ошиб ўзга жойларда бўлмаган киши яхши-ёмонни ажратиши, одамларнинг дилини англаши мумкинми?! Албатта йўқ. Чоғимда мен чалғиб кетдим. Буларнинг ҳаммаси кейинчалик айтиладиган гаплар эди. Хўш, шундай қилиб, бундан ўн икки йил муқаддам Самарқанд бозоридаги чойхоначининг ёрдамида машина топиб, Яккачинорга йўл олдим. Чамамда, уч соатча юрдик. Кўзим атрофда, биринчи кўраётган жойларимда. Кўчанинг икки четида бир текисда бўй чўзиб турган толларни ҳисобга олмаганда, ҳамма ёқ

пахтазор, бепоён кўм-кўк пахтазор. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Лекин Зарафшоннинг тор жойига қурилган, битта машина юрарли ингичка ёғоч кўприкдан ўтишимиз билан манзара кескин ўзгарди. Дов-дарахт шу қадар кўпайиб кетдики, мен ўзимни ўрмонзорга кириб қолгандек ҳис қилдим. Чехрам ёришиб кетди, жилмайиб шофёрга қарадим. Аммо у парвосиз эди. Йўл бўйи садо чиқмаган, саволларимга ҳам имо билан жавоб берган бу йигитдан бошқа нима ҳам кутиш мумкин эди? Балки, бу ерларда кўп бўлганидан кўникиб кетгандир, балки, ўзи шунақа бепарво одамдир? Шу хаёллар билан бўлиб машина пешайвонли оқ бино олдига келиб тўхтаганини сезмай қолибман.

– Идора шу, – деди шофёр йигит. Унинг йўлга чиққанимиздан бери айтган гапи шу бўлди. – Тушинг.

Мен тушиб улгурмасимдан у чамадонимни йўлкага дўқ этиб қўйди-да, қўлимдаги пулни юлиб олиб, жўнаб қолди. Мен идорага разм солдим. Тоққа қаратиб қурилган бу бир қаватли баланд бинонинг атрофи гулзор эди. Олдидан ингичка ариқ ўтган. Тоза, тиниқ сув жилдираб оқиб ётибди. Ичкарига кирдим. Идорада ҳеч ким йўқ эди. Чамадонни айвонга қўйиб, очиқ турган эшиклардан биттасини секин тақиллатдим. «Ким?» деган ингичка овоз эшитилди ва шу ондаёқ олдимда атлас кўйлак кийган ёшгина қиз пайдо бўлди.

– Салом, келинг? – деди у.

– Раис шу ердами?

– Райондалар. Идорада мендан бошқа ҳеч ким йўқ, – қиз, менинг қўлимдан ҳеч қандай иш келмайди, дегандай уялинқираб жилмайди.

Шу тоб қўлимдаги шўрданак эсимга тушди.

– Медпунктни биласизми?

– Ҳа, чойхонанинг ёнида, – деди қиз ҳозиржавоблик билан. – Юринг, олиб бораман.

– Йўқ, раҳмат. Кўрсатсангиз бўлди.

Ташқарига чиқдик. Қиз рўпарадаги оқ тунука томони кўрсатди.

Шу уйнинг орқаси чойхона.

Дарров топдим. Чойхона кўчанинг шундай лабида, катта ҳовузнинг бўйида эди. Панжара эшикдан киришим билан гуп этиб райҳон ҳиди димоғимга урилди. Энтикиб кетдим. Ҳовузнинг атрофига беш-олтита ҳаворанг бўёққа бўялган тахта сўри қўйилган эди. Биттасида икки чол, иккинчисида оқ жужун китель кийган бир одам ўтирарди. Афтини кўролмадим. У ҳовузга тескари ўгирилиб, эринчоқлик билан папирос тутатарди. Олис йўл босиб чарчаганим сезилди. Жовдираб, ўтиришга маъқулроқ жой қидира бошладим. Шу пайт ўн уч-ўн тўрт ёшлар чамасидаги, юзларига сепкил тошган, малла соч бир бола югуриб олдимга келди-да, саломлашиб кўлимдаги чамадонни илди.

– Бу ёққа ўтиринг! – деди у дўрилдоқ овозда ва шохлари ҳовузга шўнғиб, муздек шабадада тебраниб турган мажнунтол тагидаги кичкина сўри томон юрди. Боланинг товушини эшитиб, чоллар биз томонга ўгирилишди. Кўлимни кўксимга қўйиб саломлашган бўлдим. Сиполик билан соқолларини тутамлаб, алик олишди. Жужун китель кийган киши ўгирилиш у ёқда турсин, кўз қирини ташламади ҳам. Янги атлас кўрпача устига ўтирдим. Малла соч бола чой олиб келиб қўйди. Жуда чанқаган эканман, икки пиёла босиб-босиб ичдим. Кейин болани чиқардим.

– Акаси, докторни кўрмадингми?

– Мавлонбой аканими? – сўради бола.

– Ҳа.

– Ана ўтирибдилар, – бола кўли билан ишора қилиб кителли кишини кўрсатди. – Мавлонбой ака!

Доктор эринчоқлик билан биз томонга ўгирилди. У – йирик қора кўзлари устидаги бароқ қошлари бир-бири билан туташиб кетган, думалоқ юзли, мен тенги йигит эди.

– Нима дейсан? – деди у бир менга, бир болага зарда билан қараб.

– Меҳмон акамлар сизни сўраяптилар, – деди бола менга ишора қилиб. – Баққа келинг.

Доктор аввалгидек эринчоқлик билан ўрнидан турди. Мен ўзимча кулиб қўйдим. Бола уни кўрсатиши билан унинг олдига боришим мумкин эди. Билмадим, ғурур йўл қўймадими – ёшлиқда нималар қилмайди киши – ё унинг менга эътиборсизлик билан қарагани ёқмадими, бормадим, ҳатто, қаршисига ҳам юрмадим. Доктор олдимга келиб, савол назари билан саломлашди.

– Ўтиринг, – дедим қаршимдаги жойни кўрсатиб. – Мавлон сиз бўласизми? – қўшиб қўйдим у ўтиргач Мавлонлигини билиб турсам ҳам.

– Мен, нима эди? – доктор қошларини чимирди.

– Манавини тоғангиз бериб юбордилар, эрмак қилармишсиз.

Доктор нимагадир қизарди-да, кўлимдан халтани олди.

– Чойга қаранг, – дедим мен пиёлани узатиб.

– Раҳмат. Баҳодир! – доктор кимнидир чақирди. Югуриб бояги малла соч бола келди. – Узумдан олиб чиқ. – Бола кетгач менга қаради. – Хўш, келинг?

– Ишга юборишди, – дедим мен ва нима учундир ён чўнтагимдан дипломимни олиб, олдига ташладим.

Доктор дипломни кўриб, қайтарар экан, жилмайиб қўйди. У жуда чиройли жилмаярди. Пастки қалин лаби сал чўзилиб, ўнг юзида кичкина чуқурча ҳосил бўларди. Ингичка мўйлови ёнидаги мошдек хол бўртиб чиқиб, уни худди ёш болага ўхшатиб қўярди. Бунини ўзи ҳам сезса керак, жилмайганда юзларига қизиллик югурарди. Ўшанда ҳам худди шундай бўлди. У қизариб, мендан кўзини олди-да:

– Қалай, қишлоқ ёқдими? – деб сўради.

– Тузук, – дедим мен. – Яхши жойлар экан.

– Қишлоқ яхши! – гапимни бўлди доктор. – Бир ёғи тоғ, бир ёғи дарё, мевазор боғ, узумзор... Инсонга яна нима керак? Қорни тўқ, соғ бўлса – бўлди-да. Лекин бу менга тўғри келмайди, йўқ. Баҳодир!

– Лаббай-й, – деди дўриллоқ овоз қаердадир ичкарида ва шу ондаёқ бир патнис ҳусайни кўтарган Баҳодир олдимизда пайдо бўлди. – Янги узиб келақолдим, – деди у гуноҳкорона жилмайиб.

– Яша акаси.

Доктор патнисни менга яқинроқ суриб, бир шингил узум олди-да, карсиллатиб чайнар экан, гапида давом этди:

– Мана, бир йилча бўлиб қолди келганимга. Ўзим келганман. Ҳеч ким мажбур қилгани йўқ. Лекин роса пушаймонман. Кечирасиз, бу гапларни сизга айтмаслигим керак эди. Янги одамсиз. Лекин на чора. Мана-ви чолларга айтолмайман. Бу ерда ҳеч кимга ҳеч нима деёлмайман. Мени бегона одам тушуниши мумкин. Мен сизга айтсам, зерикиш нималигини шу ерда билдим. Мени чўчитяпти, деб ўйламанг, йўқ. Сизнинг йўлингиз бошқа. Агроном экансиз. Эрталабдан кечгача очик ҳавода, далада бўласиз. Юрасиз, ишлайсиз. Менчи? Мен дераза ёнида турли хил сассиқ, – доктор афтини буриштирди, – аччиқ дориларни ҳидлаб, касал пойлашим керак. Касал бўлмаса нима қиламан? Шаҳарда бемор доктор изласа, бу ерда доктор бемор излайди.

– Касал кам бўлгани яхши эмасми? – ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

– Бошқаларга яхшидир, лекин докторларга, айниқса менга, бунинг бир тийинлик фойдаси йўқ. Касал бўлмаса даволаш ҳам йўқ. Даволаш бўлмагандан кейин ўз-ўзидан тажриба ҳам бўлмайди-да.

Мен беихтиёр кулиб юбордим.

– Кулманг, – зарда билан деди доктор ўчиб қолган папиросини қайтадан тутатиб. – Бунинг ҳеч кулгили жойи йўқ.

– Наҳотки битта ҳам касал бўлмаса? – сўрадим ўзимни тутиб олиб.

– Битта ҳам? Тўғриси, касаллар бор, лекин қанақа касаллар денг? Биттаси майиб – оёғи чиққан. Биттаси – отдан йиқилиб тушган – қўли синган. Хуллас, ҳаммаси яра-чақалар. Расмана касал йўқ.

– Сизга ачинаман, – дедим мен ҳам жўрттага хўрсиниб.

– Ачинманг, – жавоб қилди доктор. – Фойдаси йўқ. Бари бир кетаман. Шаҳарга кетаман. Айтгандай, сиз раисни кўрдингизми?

– Йўқ, районга кетган экан.

– Қаерда яшайсиз? Хабар қилганмидингиз олдин?

– Йўқ, – дедим мен елкамни қисиб.

– Бўлмаса, бизникига юринг. Иккаламиз турамиз.

Доктор ялинганомуз менга тикилди. Йўқ деёлмадим.

Шу заҳотиёқ йўлга тушдик. Мавлон кўярда-кўймай чамадонимни кўтариб олди. Кўп ўтмай, етиб бордик. Мавлон яшаётган уй тоғнинг этагидаги тепаликда жойлашган бўлиб, ўртаси катта равонли икки хонадан иборат эди. Эгаси эри ўлиб кетган бир кампир экан. Мавлон янги келганда яқиндагина ҳарбий хизматга кетган ўғлининг хонасига кўчириб олиб келибди.

Уйга кирганимизда кампир йўқ эди.

– Боғда бўлса керак, – деди Мавлон ва ўз хонасига кириб, деразаларни очиб юборди. Хона бирдан ёришиб, муздек шамол юзга урилди. Мен дераза ёнига келдим.

– Қалай? – деди Мавлон завқ билан.

– Яхши! – дедим тўйиб нафас оларканман.

Бу ернинг фақатгина ҳавоси эмас, манзараси ҳам яхши эди. Олисда, кўм-кўк олмазорнинг ортида кумушдек товланиб Зарафшон оқарди. Чап томонингизда турли хил дарахтлар пана қилиб турган оқ, сариқ уйлар... Ўнг томонингизда эса кўм-кўк осмон билан ўпишиб кетган паст-баланд тоғ тизмалари ва қиррабурун қора қоя устида девқомат чинор...

– Яхши!.. – дедим деразадан кўзимни узолмай. – Яхши.

– Хўп, бўлмаса, – деди Мавлон жилмайиб. – Сиз ётиб дам олинг. Манави каравот сизники. Мен кўлбола ош тайёрлайман. Кейин мактабга борамиз.

– Мактабга?

– Ҳа, мактабга, – деди доктор. – Қишлоқда қолган болалар йиғилишади. Базм бўлади. Томоша қилиб келамиз. Айтгандай, мен ҳалигача сизни...

Доктор жилмайди. Исминни айтдим. У чиқиб кетгач, кўйлагимни ечиб, муздек каравотга чўзилдим. Ўрнимдан турганимда куёшнинг ботишига бир қарич қолган эди. Эшикка чиқиб, тошлари кўриниб турган ариқ сувида ювина бошладим.

– Турдингизми? – Бу доктор эди. У катта сочиқни елкасига ташлаб ёнимда турарди. – Бу ерда кўзингиз илинса бўлди, кечаси-кундузининг фарқига бормай ухлайверасиз. Қани, юринг.

Биз уйга кирдик. Стол устида учи синган графин билан тақсимчада аччиқ-чучук турарди. Мавлон уялинқираб жилмайди:

– Айбга буюрмайсиз, бошқа идиш йўқ эди мусалласга. Қани, марҳамат. Кампирнинг ўзи қилган. Кўлбола. Марҳамат.

У пиёлаларга рангпар мусалласдан тўлатиб қуйди-да, биринчи ўзи ичди. Ҳайрон бўлиб ичмай турганимни кўргач:

– Ҳали кўп ичамиз бу ерда, – деди лабларини сочиқ билан артиб. – Иннайкейин, гапиришиб ичишни ёмон кўраман. Гап иштаҳани бўғади. Олинг.

Ичдим. Кўп ўтмай, ош сузиб келинди. Доктор тошкентча ошга уста экан. Иштаҳа билан едик, ора-чора нордон, лекин ёқимли мусалласдан ичдик.

– Боя мен сизга, ўз ихтиёрим билан келганман дедим, – деди гап орасида қизишиб Мавлон. – Тўғри,

шундай бўлган. Лекин сизга ростини айтсам, бу ёққа мажбуран жўнатишган.

Мен ҳам шундай, дегандай кулиб қўйдим. Кўчага чиққанимизда қуёш ботган, қишлоқнинг пастки томони қоронғилашиб, бирин-кетин чироқлар милтиллай бошлаган эди. Катта йўлга чиқиб, чойхонага яқинлашганимизда аллақадан чирманда товуши эшитилди.

– Бошланяпти, – деди Мавлон. – Демак, мажлис тамом бўлибди. Мактабни ўн икки киши тамомлади. Ўнтаси қишлоқда қоляпти. Одам кераклигини билишади-да. Айтгандай, бу ерда томоша ғалати бўлади. Ҳамма ўйнаши, ўйинни билмаган одам ҳамма қатори айтилаётган ашулага жўр бўлиши керак. Бўлмаса кулги қилишади. Албатта, меҳмонлар бундан мустасно.

Мавлон менинг чимирилиб кетганимни кўриб, жилмайди:

– Сиз бугун-эрта меҳмонсиз, чўчиманг.

Биз колхоз идораси жойлашган гулзордан ўтиб, катта дўнгликка чиқдик. Кўзларим қамашиб кетди. Майдоннинг ўртасига гулхан ёқилган эди. Бир йигит украинча кўйлагининг енгларини тирсагигача шимариб олиб, чирманда чаларди. Унинг ёнида зар дўппили ёшгина бир бола қашқар рубобининг қулоғини бурар ва «секин, секин» деб чирмандакашни туртарди.

Чирмандакаш парво қилмасди. Майдонда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Мен ҳайрон бўлдим. Мавлон, шошмай туринг ҳали, дегандай енгимдан тортиб қўйди. Бўш скамейкалардан бирига ўтирдик. Кўп ўтмай, қаёқдандир бир гала қиз ёпирилиб келди. Майдонни қий-чув, кулги босиб кетди. Оёғим тагида пайдо бўлиб қолган катта ола чиноқ ит вовиллаб юборди. Қаердандир шу тобда қора этик кийиб, оқ яқтаклари устидан кўк қийиқ боғлаб олган йигитлар келиб қолишди. Ҳеч қандай эълонсиз, гапсиз рақс бошланиб кетди. Мен маҳлиё бўлиб қолдим. Ҳозиргина тўполон қилиб, бе-

тартиб турган қизлар гулхан атрофида товусдек бир текис сузиб кетишди. Мен Тошкентда бунақа ўйинни кўрмаганман. Доктордан сўрадим, ўзлик ўзи тўқишган, «Беш қарсак» деб аталади, деди у. Мен рақсдан кўзимни узолмадим. Гулхан атрофида доира бўлиб, бошларини эгганча оёқ учида тебранаётган қизларни йигитлар ўраб олган эди. Уларнинг оёқ тепиши, кўкракларини кериб, сиполик билан қизлар атрофида айланиши ва чирмандага жўр бўлиб қарсак чалишларидан чексиз шодлик ва ғурур нафаси уфуриб турарди. Ўйин давомида беихтиёр янграган кулги, соф, сокин кулги, фақат ёшларга хос бўлган самимий кўз уриштиришлар мени ром қилиб кўйди... Ўйин тугаб, лапар бошланиб кетди. Майдонни тўлдириб кўнғироқ овозлар янгради. Кейин яна ўйин... Бу гал якка ўйин бўлди. Ҳамма қатор тизилиб, кенг доира ташкил этди, чирманда билан рубоб «Тановар»ни куйлаб юборди. Ўртага хонатлас кийган бир қиз чиқди. У бошидаги ҳаво ранг пешонабоғини янгитдан боғлаб, ингичка қўлларини ёзганича секин ўйинга тушиб кетди. Ловуллаб ёнаётган гулхандан қизариб кетган нозик юзларида енгил табассум ўйнай бошлади. Қийиқ қора кўзлари олис-олисларга қадалди... Назаримда «Тановар» – бу оғир, аммо ҳаёт муҳаббати билан тўлган рақс унинг учунгина яратилгандек эди.

– Ким бу? – сўрадим беихтиёр доктордан.

– Ойпопук, – деди у. – Усмон аканинг қизи. Усмон аканинг кимлигини билмасам ҳам, сўрамадим.

Лекин доктор ўзи изоҳ берди:

– Раиснинг қизи. Қойил-а?!

Сўнгги сўз қизнинг ўйинига қаратилганмиди, ё ўзигами, биллолмадим.

– Тузук, – дедим, яхши дейишдан ўзимни тийиб.

– Чақирайми? – сўради доктор ёш болалардек кўзларини ўйнатиб ва жавобимни кутмасдан кўшиб кўйди: – Ҳозир тамом бўлсин.

Бир маҳал майдонда қарсак кўтарилди. Мавлон ўрнидан туриб, қизлар давраси томонга бир-икки қадам қўйди.

– Ойпопук!

– Лаббай?

Ойпопук «ялт» этиб қаради. Унинг ёқимли, қўнғироқ овози бор эди.

Мени кўриб уялди шекилли, бошини сал эгиб салом берди. Унга тикилиб қолдим. Ойпопук ўрта бўйли, қотмадан келган қиз эди. Қора ипак толасидек ингичка, узун киприклари худди сурма сургандек кўзларини ажратиб турарди. Гулхан нуридан ялтираб, юзига озгина соя ташлаб турган қирра бурни остидаги чизиклар озғинлигини бўрттирар, лекин бу озғинлик унинг ўзига ярашиб тушган эди.

– Дадангиз уйдадилар? – сўради Мавлон.

– Йўқ, районга кетганлар. Мажлис бор экан, – деди қиз.

– Мана, танишинг, янги агроном, – гапида давом этди Мавлон менга ишора қилиб. Отимни айтиб, қўлимни узатдим. У ялт этиб менга бир қаради-да, секингина қўлини узатди.

Кичкина қўл муздек эди. Бунини ўзи сезди шекилли, дарҳол тортиб олди.

– Тошкентданмисиз?

– Ҳа.

– Мен ҳам. Тошкент иссиқ.

– Сизга ёқмайдими?

Ойпопук нима дейишини билмай, кўзларини жавдиратди.

– Йўқ, ёқади. Лекин бу ер яхши. Сизга ёқдими?

– Ёқди, – дедим ҳозиржавоблик билан.

Нимагадир у қизариб кетди-да, жилмайди. Кейин, кетавераими, дегандай қилиб Мавлонга қаради.

– Майли, боринг, – деди Мавлон уни тушуниб. – Биз ҳам кетамиз. Кеч бўлиб қолди.

Ойпопук кетди. Лекин биз ўрнимиздан қимирламадик. Билмайман, нима мени ўзига тортди? Нима мени бунчалик ҳаяжонга солди? Майдондаги ўйин-кулгига тикилиб ўтирган бўлсам ҳам ҳеч нимани кўрмасдим. Хаёлим нималар биландир банд эди. Лекин нима билан? Билмасдим. Аммо бир нарса аниқ эди. Мен хурсанд эдим, ниҳоятда хурсанд эдим. Мендаги бу ҳаяжонни ўзича тушуниб, Мавлон уйга қайтаётганимизда:

– Булар нима бўпти! Ҳали шундай томошаларни кўрасанки!.. – деди.

Кулдим, ундан эмас, ўзимча кулдим. Назаримда, мен бу ерга бугун эмас, бир йил олдин келганману, лекин шу бир йил ичида кўролмаган нарсаларни бугун кўргандай эдим.

3

Эртасига эрталаб Усмон ака билан учрашдим. У идорада мени кутиб ўтирган экан. Секретарь қиз олдига бошлаб кирди. Кўришдик. Усмон ака кеча районда узоқ қолиб кетиб, мени учратолмаганига афсусланиб, кечирим сўради. Мен айб ўзимдалигини, хабардор қилиб қўймаганлигимни айтдим. Дипломимни олиб таниша бошлади. Рўпарасига ўтириб, унга разм солдим. Унда қизига ўхшайдиган биронта аломат йўқ эди. Кулча юз, сарғиш қошлари сийрак, япалоқ гўштор бурни ғадир юзига ёпишиб кетган. Лекин икки чаккасидан оқара бошлаган қалин сочлари уни анча савлатли қилиб турарди.

– Жуда яхши! – деди бир маҳал у ўрнидан туриб. – Худди бизга керак касбни танлаган экансиз. Жуда яхши. Яккачинорда боғ кўп, аммо қаровнинг мазаси йўқ. Энди йўлга тушади. Нима дейсиз?

Бирон нарса дейишга ожиз эдим, жилмайиб қўя қолдим.

– Мен ҳам янгиман бу ерда, – деди Усмон ака ўнғайсизланганимни кўриб. – Фақат бир йил бўлди келга-

нимга. Илгари районда ишлардим. Бир боғдорчилик билан шуғуллангим келиб қолди.

Шу пайт эшик тақиллаб, секретарь қиз кириб келди.

– Ойпопук чақиряпти. Чой тайёрмиш, – деди у.

– Жуда яхши. Бугун мириқиб чой ичсак бўлади. Қани, юринг.

Усмон ака эътирозимга қарамай уйга бошлади. Ростини айтсам, ўзим ҳам шунчаки номига эътироз билдирдим. Аслида, Ойпопукнинг исмини эшитишим билан уни яна бир марта кўришни истаб қолган эдим.

Уй олис эмас экан. Бирпасда етдик. Пахса девор билан ўралган ҳовлига кирганимизда:

– Попук-к! – деб чақирди Усмон ака. – Меҳмон олиб келяпман. Бу ёққа чиқ!

Айвонга чиқганимизда ичкари эшик очилиб, Ойпопук кўринди. У ироқи дўппи кийиб, сочини чамбарак қилиб танғиб олган, нўхат гулли кўйлаги баданига ёпишиб турарди. Салом бердим.

– Таниш, – деди Усмон ака менга ишора қилиб. – Янги агрономимиз.

Ойпопук жилмайди.

– Танишмиз, – деди секин менга ер остидан қараб кўйиб.

– Танишмиз? – ҳайрон бўлди Усмон ака. – Ахир, кеча келдилар-ку, қаёқдан танийсан?

Гапга аралашдим.

– Кеча кечқурун мактабда танишдик, – дедим. – Доктор таништириб қўйди.

– Э, бундай денг! Жуда яхши, – деди Усмон ака қизига ўгирилиб. – Сен ҳам ўйнадингми?

Ойпопук бош силкиди.

– Аттанг, мен бўлмадим-да, – деди Усмон ака. – Нимага ўйнадинг? Яна «Тановар»гами? Нега уяласан?

Ойпопук қизариб, ичкарига кириб кетди. Усмон ака кулди.

– Бунни қаранг, мендан уялади. Ҳалигача унинг ўйинини кўрганим йўқ. Ҳамма кўрди, фақат мен кўрганим йўқ.

Мен жуда яхши ўйнадилар, демоқчи эдим, демадим. Уялдимми, ё сир тутгим келдими, билмайман.

Кўп ўтмай, Ойпопук ичкаридан чиқди-да, айвонга дастурхон ёзди ва ўзи ҳам ўтирди. Лекин ҳеч нарса емади. У ўнг чаккасидан тушиб турган бир тутам сочи-ни ингичка бармоқлари билан ўйнаб лабларига тек-кизар, баъзи-баъзида отасига қараб қўйиб, олдидаги совиб қолган чойни эринчоқлик билан култ-култ қи-либ дори ичгандай ичарди.

У менга эрка кўриниб кетди. Якка қиз бўлгандан кейин шу-да. Истаганини қилади. Лекин эрка бўлса нега қишлоқда қолади, колхозда ишлайди? Наҳотки, бу ҳам эркалик бўлса? Мен тушунолмадим. Аммо се-кин-секин аччиқ кўк чойни ичар эканман, ундан кў-зимни узолмасдим. Бунни сездими, бир маҳал ўрнидан туриб, ичкарига кириб кетди.

Нонушта қилиб бўлиб, кетай деб турганимизда у эшиқдан мўралаб отасини имлаб чақирди ва нимадир деди. Усмон ака кулди.

– Майли, олиб чиқ бўлмаса, – деди у кулги аралаш. Ойпопук кўп ўтмай, ичкаридан янги кўқон дўппи олиб чиқди ва отасига кийгизиб қўйди.

– Раҳмат, қизим, раҳмат, – деди Усмон ака қизини бағрига босиб. Кейин менга ўгирилди. – Ўзи тикди!

Ойпопук қизариб кетди.

– Кечга нима қилай? – сўради кўзларини мушти би-лан яшириб.

– Кўнглинг тусаганини қил. Мен сал кеч келаман, – деди Усмон ака.

– Ўзингиз келасизми?

– Билмадим, – деди Усмон ака менга қараб қўйиб. – Лекин ҳар ҳолда, кўпроқ қилганинг маъқул.

Ойпопук бош силкиди. Биз эшикка чиқдик.

Ўша куни кечқурун мен Усмон акаларникига келмадим. Биринчидан, иш кўпайиб кетди. Иккинчидан, Ойпопукнинг хатти-ҳаракати мени иккилантириб қўйган эди. Бу қандай қиз ўзи? Нега ўзини бундай тутяпти? Нима учун менинг олдимда ўзи тиккан дўппи билан мақтанди? Шуларни ўйлаб, бошим қотди. Кейин ишга берилиб кетдим. Ўша куни биз Усмон ака билан узумзорга бордик. Раис мени Саксонбой ота билан таништирди. Анча ёшга бориб қолган бу одам узумчилик бригадасининг бошлиғи экан. Кейин раис кетди. Литвадан ўнта наслдор сигир келган экан. Шунини кўргани кетди. Мен бригадада қолдим.

Усмон ака айтганидек, Яккачинорда боғ кўп, лекин қаровнинг мазаси йўқ эди. Район асосан пахтакор район бўлгани учун ҳамма куч пахтага берилиб, боғдорчилик унутилган эди. Ўша йиллари фақатгина бизда эмас, бошқа кўпгина колхозларда ҳам аҳвол шундай чатоқ эди. Бунинг устига мен янги одамман қишлоқда, кўлимда агрономлик дипломидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Тажриба қаёқда дейсиз! Эсимда, беш йил давомида беш-олти мартагина бир ой-бир ойдан учхозда бўлганмиз. Қолган вақтларда институтдан ташқари чиқилмаган. Шунинг учун ҳам бепоён узумзорни кўриб ваҳмим келди.

– Чўчиманг, ўғлим, – деди Саксонбой ота кўзим жавдираётганини пайқаб. – Кўрққан кўзга қўша кўринадди. Кўникиб, ўрганиб кетасиз.

Мен ишшайдим. Ўша пайтдаги ўзимнинг аҳволимни бошқача тасвирлай олмайман. Ўзининг ожизлигидан бўлак ҳеч нарса кўзига кўринмай, шу қишлоққа келганига ачиниб турган одам кекса деҳқоннинг бу гапини қандай кутиб олиши мумкин эди?!

– Усмонжон ҳам янги келганида чўчиган эди, – гапида давом этди Саксонбой ота. – Унда аҳвол ҳозиргидан ҳам ёмон эди. Келди-ю, ўт босиб ётган узумзорга тикилиб, худди сиздек бошини қашиди. Кейин папирос чекиб,

хаёл суриб кетди. Ўшанда унга ҳам чўчиманг, дедим. Қўрққан кўзга қўша кўринади, дедим. Кулди. Эртасига ўнта одамни бошлаб келиб, менга топширди. Баҳор эди ўшанда. Энди ток очаётган эдик. Топширди-ю, шулар кузгача сизда ишлайди, деди. Дам севинаман, дам ҳайрон бўламан. Қаердан топди шунча одамни дейман.

– Усмон ака асли шу ерликми? – сўрадим гапини бўлиб.

– Ҳа, – деди Саксонбой ота. – Шу ерда туғилган. Лекин кетиб қолган. Қайтиб келганига йилдан ошиб қолди. Илгари райкомда ишлаган. Анча ишлаган. Кейин обкомга олишди. Ундан олдин нима қилган, билмайман. Эшитишимча, Тошкентда катта хизматда ҳам бўлган. Яккачи-нор газетага тушгандан кейин бу ёққа келди.

– Газетага нега тушади?

– Эшитмаганмисиз? – Саксонбой ота бошини чайқаб, мошкичири соқолини бир-икки силади-да деди: – Ўтган йили колхозимизни бутун областга кўтариб уришди. Бу шундай бўлди. Колхозга қандайдир йўл билан Эгамқул Тошматов деган одам раис бўлиб қолди. Урушдан кейин ўзини эплломай, инқиллаб-синқиллаб турган колхоз у келганидан кейин бирданига орқага ташлаб юборди. Юлғичлар кўпайди, бошимиз қарзга ботиб кетди. Бир-икки шикоят қилиб, районга бордик. Фойда бермади. Кейин газетга ёздик. Бир йигит ўн кунча қишлоқда бўлиб, бошлаб ёзди. Эгамқул қочди. Ҳали ҳам қорасини кўрсатмай қочиб юрибди. Шундан кейин бир ой ўтиб, Усмонжон келди. Барака топсин, тузук. Э, ўғлим, кишида ғайрат бўлса ҳаммасига ўрганиб кетади. Гап ғайратда, меҳнатда.

Чолнинг гапи анча далда бўлди. Ишни узумзордан бошлашга ўзимча аҳд қилдим. Тўғри қилган эканман, Саксонбой ота менга кўп нарсани ўргатди. Ойпопук хаёлимдан кўтарилди. Эрталаб уйдан чиқаману, кечгача гоҳ Усмон ака билан, гоҳ ўзим, баъзида эса Саксонбой

ота билан, Ҳайдарали ака билан далада бўламан, қирга бораман. Бир хонада турсак ҳам Мавлон билан баъзан кўришмайдиган бўлиб қолдим. Мен келганда у бўлмайдди, у келганда мен ухлаб ётган бўламан. Шундай вақтларда уй эгаси Шаҳодат хола орқали алоқа қиламиз.

Бир куни эрталаб ишга кетаётганимда Шаҳодат хола орқамдан чиқиб тўхтатди.

– Бугун бир амаллаб дўхтурхонага кирармишсиз, – деди у сирли оҳангда. – Доктор ғалати дори топган эмиш. Тушда келиб, ичиб кетармишсиз.

– Қайдам, – дедим мен ишим кўплигини билиб.

– Бунақа деманг, – деди кампир ялиниб, – доктор ўтиниб сўради, кейин, келмаса бошқа уй топсин, деди.

Кампир кулди.

– Уй меники, шу ерда тураверасиз. Аммо лекин ўртоғингизнинг сўзини қайтарманг. Бечора кун бўйи бир ўзи, зерикади-да.

Шу пайт Мавлоннинг ҳовуз лабида эснаб ўтиргани кўз олдимга келди.

– Хўп, келаман. Шундай деб айтинг, – дедим. Ваъдага мувофиқ кун тиккага келганда, узумзордан чиқиб чойхонага келдим. Медпункт берк эди. Ҳайрон бўлиб сўрига ўтирдим. Шу пайт чойхонанинг томида малласоч болани кўриб қолдим. У дарё томонга ўгирилиб олиб, ҳадеб дўпписини силкитарди. Кўп ўтмай, у тушди ва бир чойнак чой олиб келиб:

– Мавлонбой акам ҳозир келадилар, – деди ва маънодор кулиб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам чорак соат ўтар-ўтмас Мавлон келди. Кўлида челак. Нуқул жилмаяди.

– Тинчликми? – сўрадим ҳеч нарсага тушунмай. – Қанақа дори топдингиз?

– Мана, – деди Мавлон челакни олдимга қўйиб. – Сизни кўролмай шуни ўйлаб топдим. Ишлаш ҳам эви билан-да.

Челакка қарадим. Ичида бир неча балиқ бор эди.

– Ўзим тутдим! – деди Мавлон ғурур билан. – Ҳозир қовурамыз.

– Хўп, сиз қовурасиз, – дедим. – Мен нима қиламан?

– Дам олинг. Чарчагандирсиз? – деди доктор. – Бугун кун жуда исиб кетди.

Кун ҳақиқатан ҳам иссиқ эди. Ҳаво дим. Дарахтнинг учи қимирламайди. Чурқ этган товуш йўқ. Куш-қумурсқа ҳам афтидан ўзини панага олган эди. Бундай кунлар тоғли жойларда камдан-кам бўлади.

– Чўмилиб келаман, – дедим мен.

– Майли, – деди доктор.

Қишлоққа келганимдан бери дарё томонда бўлмаган эдим.

– Лекин қолиб кетманг, тез қайтинг, – деди доктор.

– Ярим соатда келаман, – дедим мен.

Зарафшон жуда тинч эди. Қаёққа қараб оқаётгани билинмасди. Ечиниб, шамол бўлмаса ҳам кийимларимнинг устига тош бостирдим-да, сувга шўнғидим. Шундагина дарёнинг катта куч ва тезлик билан оқаётганини сездим. Студентлик йилларимда болалар билан кўлга бориб мусобақа ўтказардик. Шунда сузишнинг бир нечта турларини ўрганиб олган эдим. Оқимга қарши баттерфляй усулида сузиб кетдим. Бир маҳал бундай қарасам, анча жойга бориб қолибман. Қирғоққа чиқдим. Яна бояги жойга бориб тушмоқчи бўлдим. Борганимда эса, айнидим. Сув муздек, жуда чўмилишли эди. Олисроқдан оқиб келмоқчи бўлдим. Бирпас қирғоқ бўйлаб юриб, олмазорга келиб қолдим. Рўпарамда, шундай сувнинг лабида катта харсангтош турарди. Шунинг устидан калла ташламоқчи бўлиб, энди оёқ кўювдим, нима бўлдию, шалоп этиб сувга ағдарилиб тушдим. Шўх кулги қулоғимга кирди. Ўзимни эплаб олиб, таги пастроқ жойга ўрнашдим-да, қирғоққа қарадим. Сершоҳ олма тагида Ойпопук ўтирарди. Эгнида ўша мен уйида кўрган нўхат

гулли кўйлаги, бошида ўша ироқи дўппи. У ўзини кулгидан тўхтатолмасди. Нима қилишимни билмай қолдим. Қулоғим шолғомдай қизариб кетган, жойимдан қимирламайман. Бунни сизди шекилли, тиззасидаги китоб билан юзини яшириб, кулгисини тўхтатди. Ноқулай аҳволдан қутулишни ўйлаб, савол ташладим.

– Нима ўқияпсиз?

– «Денгиз сирлари»ни, – деди Ойпопук ҳозиржавоблик билан. Афтидан, у ҳам бу аҳволдан мени қутқармоқчи эди. – Ўқиганмисиз?

– Йўқ, – дедим пушаймон билан. Ўқиш у ёқда турсин номини ҳам эшитмаган эдим. – Сир кўп эканми денгизда?

– Билмадим, – деди у жилмайиб. – Энди бошладим. Лекин ҳалитдан ёқмаяпти. Уруш ҳақида бўлса керак. Урушни ёмон кўраман.

Ойпопук бирданига жиддийлашди. Лаблари юмилиб, чап кўзи сал қисилди:

– Ким яхши кўради урушни? – дедим мен. – Ҳамма ёмон кўради.

– Ҳеч ким менчалик ёмон кўрмайди, – деди Ойпопук эътироз билдириб бўлмайдиган оҳангда. Кейин бирдан кулиб юборди. – Сиз яхши сузар экансиз!

Қулоқларим яна қизариб кетди.

– Кулманг, – дедим ялингансимон.

– Кулаётганим йўқ, – деди Ойпопук. – Чиндан айт-япман. Ҳув анави ерда сузганингизни кўрдим. Мен сира шундай сузолмайман.

– Ўргатиб кўяйми? – дедим гапим унга қандай бо-тишини ўйлаб ўтирмай.

– Раҳмат, – деди у ва негадир қизариб кетди. – Боринг, совуқ қотгандирсиз.

Кетгим келмаса ҳам унинг сўзини қайтаролмадим. Бунинг устига вақт ҳам бўлиб қолган эди. Шундай бўлса ҳам:

– Шу ердалигингизни билсам, чўмилмасдим, – дедим уни гапиртириш учун.

– Нега? – ҳайрон бўлиб сўради у.

– Яна куласиз-да.

Ойпопук кулди. Мен ҳам унга кўшилдим.

– Боринг, совуқ қотиб кетгандирсиз.

– Кулмайсизми?

– Йўқ, кулмайман.

Мен бир шўнғиб сузиб кетдим.

– Бизникига келинг! – деб қичқирди анчадан сўнг орқамдан у.

Кўл силкидим.

– Талқон еб сизни сувга юборадиган экан! – деди Мавлон чойхонага келганимда. – Қани, манави пиёзни тўғранг.

У кўлимга иккита тухумдек пиёзни тутқазиб, ўзи ошхонага кетди.

Кўп ўтмай, қип-қизил қилиб, бутун-бутун қовурилган балиқлар келтирилди. Мавлон ўзида йўқ хурсанд эди.

– Энди бу ёққа қаранг! – деди у пиёзга мурч сепиб аралаштиргач. – Тобингиз қалай?

– Нимага? – дедим мен.

– Мана бунга-да, – у ҳовуздан атир шишага ўхшаган идишни тортиб олди ва сирли оҳангда деди: – Кўлбола. Тўқсон олтиталиқдан.

Иштаҳа билан овқатландик. Мавлон озгина ичиб олиб, одатдагидек гапга тушиб кетди.

– Бу ерда нима бор бизга? Ишми? У ҳам сизда бор, менда йўқ. Олинг, тузук-тузук олинг. Ё кетаман, ё бошқа ишга ўтиб кетаман. Бу ер менга тўғри келмайди. Қалай, балиқ тузукми?

Бош ирғитиб, мақтаб кўйдим. Мавлон яна гапга тушиб кетди. Аммо нима деганини эшитмадим. Хаёлим дарё лабида бўлган учрашувда эди, қулоғим остида ҳамон «Бизникига келинг!» – деган кўнғироқ овоз жарангларди.

- Ойпопукни бугун кўрдингизми? - сўрадим бирдан доктордан.

- Қаерда? - деди у. Дарёга ишора қилдим.

- Йўқ.

Докторнинг бу гапи негадир менга ёқиб кетди. Кўз олдимда Ойпопукнинг кулиб турган чехраси пайдо бўлди.

- Қуйинг, доктор! Кўлболадан қуйинг! - дедим завқ билан.

...Салқин тушганда далага йўл олдим. Хаёлим ҳамон дарё лабида эди. Нима бўлди менга? Нега бунчалик шодман? - дердим ўз-ўзимга.

4

Ўша куни кечаси туш кўрдим. Икки томони тоғ билан ўралган кўм-кўк адир эмиш. Адирнинг ўртасига қизил гилам тўшалган. Унинг устида мен оқ от миниб турган эмишман. Қаердандир, олисдан кўшиқ эшитиларди. Сўзларини англамасам ҳам, унинг менга бағишланганини билар эмишман. Бирдан осмонни қора булут босди, момақалди роқ гулди раб чакмоқ чакди. Тагимдаги от типирчилаб қочмоқчи бўлди. Аммо мен юганидан маҳкам ушлаб, қадам босгани кўймадим. Ҳамма ёғим ивиб кетди, гилам қаёққадир йўқолди, кўшиқ тинди. Ҳамма ёқни мудҳиш сукунат қоплади. Кўзларимни юмдим. Бир маҳал бундай қарасам, ҳаво очилиб кетибди. Олдимда эса... олдимда катта қизил гиламни, худди бояги остимдагидек гиламни ёзиб, Ойпопук турибди.

Ростини айтсам, ўша куни ўзимнинг тушимдан ўзим чўчиб кетдим. Нега чўчидим, билмайман. Бироқ бир нарса равшан эди. Мен Ойпопук ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолган эдим. Бу севгим, ё шунчаки йигитлик шўхлигим, аниқлаш қийин эди ўшанда. Севги десам, унинг бунчалик тез пайдо бўлишига ишонмасдим. Шўхлик десам, ўзимни яхши биламан, шўхликка тобим йўқ эди. Лекин борди-ю шундай бўлиб қолса, қизга хиёнат қилмаслик, уни ҳеч нарсага ишонтирмаслик лозим эди.

Шундай хаёллар билан кун бўйи сармаст одамдай гангиб юрдим. Қаерларга бордим, нималар қилдим, кимлар билан гаплашдим – яхши билолмайман. Лекин олмазорга ўтаётиб, осма кўприкдан думалаб тушай деганим ҳали-ҳали кўз олдимда.

Уйга одатдагидан эртароқ қайтиб, каравотга чўзилдим. Шаҳодат хола овқат олиб кирди.

– Мошхўрда, болам, – деди у столга буғи чиқиб турган косани кўйиб. – Аччиқ-аччиқ ичиб олинг. Бутун гармдоридан иккита солганман. Мазангиз йўқ кўринади.

– Сал бош оғрияпти, – дедим гапни кўпайтирмаслик учун. Кампир бир гапга тушиб кетса, тўхтатиш қийин эди. Бахтга қарши бу гал ҳам шундай бўлди.

– Ўзим ҳам айтдим-а, – деди у стулга яхшилаб ўтириб олиб. – Кўзларингиз киртайиб турибди. Иссиғида ичиб олинг. Кейин ўралиб ётсангиз, ғуборларингиз чиқади-кўяди терлаб. Собирим омон бўлғур, доим шунақа қиларди. Қилмаганига кўймасдим-да ўзим ҳам. Сизга ўқиб бердимми-йўқми, анов кун хатида, мошхўрдангизни соғиндим ойи, депти. Мусофир юртда мошхўрда бўлармиди!

Инграб юбордим.

– Тура қолинг, болам, – деди у гапидан тўхтаб, – доктор келгунларича ичиб олинг, зора ўзингизга келиб қолсангиз. Бош оғриғи ўлсин, одамнинг тинка-тинкасини қуритиб юборади. Бир-иккита дори ҳам ичиб юборинг. Дори ҳам фойда беради. Мавлонбой янги келганларида мен шунақа бўлдим. Икки чаккам ёрилиб кетай-ёрилиб кетай деди...

Кампир яна гапга тушиб кетди. Бошим ростданам оғриб қолмасмикин, деб чўчиб турган эдим, Мавлон келиб қолди. Анча енгил тортдим.

– Қайнонангиз суйган экан, болам-ей, бирга ича қолинглар. Туринг, болам, – деди Шаҳодат хола хонадан чиқаётиб.

Аччиғим чиққанидан кулиб юбордим-да, ўрнимдан турдим.

– Ҳа, тинчликми? – сўради Мавлон беихтиёр жилмайиб.

– Кампир тушмагур миямни қоқиб, кўлимга берай деди, – дедим.

Шу тоб Шаҳодат хола яна бир коса мошхўрда олиб кирди. Қоладими, деб кўрқиб турувдим, йўқ, тез чиқиб кета қолди.

– Ича қолинглар. Бирам ширин бўптики! – деди кетаётиб.

Мавлон бирданига овқатга ёпишди.

– Бугун тузук, – деди у оғзини тўлдириб. – Иккита касал кўрдим. Иккалови ҳам грипп. Биттаси оғирроқ. Биласизми ким?

– Йўқ, – дедим мен.

– Раиснинг қизи. Ойпопук.

– Ойпопук?

– Ҳа, – деди Мавлон парвосизлик билан. – Нима, унинг касал бўлиши мумкин эмасми?

– Ахир, кеча... – дедим мен ҳайрон бўлиб, лекин гапим оғзимда қолди. Дарё лабидаги учрашувни айтгим келмади.

– Ҳа, худди кеча шамоллаб қолибди, – деди Мавлон. – Кечаси билан иситмалаб чиқибди. Ҳозир ҳам температураси қирқ. Усмон аканинг ваҳми учиб кетибди. Битта қиз-да. Арзанда. Шаҳарга юбормоқчи эди, керакмас дедим; наҳотки оддий гриппни шу ерда тузатиб бўлмаса! Рози бўлди. Ичсангиз-чи, овқат совиб қолди.

– Нима қилиб шамоллабди?

Мавлон кулди.

– Чўмилибди дарёда. Янгича сузишни ўрганмоқчи бўлибди. Кечқурун шамол турди-ю, ўшанда ҳам дарёда экан.

Мен тилимни тишладим.

– Ётибдими?

– Ётибди. Анча ётади. Ҳамма касалнинг асосий давosi – қимирламай ётиш. Бу қонун. Ўн кунча ётади. Ҳа, ўйланиб қолдингиз? Ичинг.

– Бир-икки қошиқ ичиб, жойимга бориб ётдим. Лекин уйку келмади. «Бу қанақаси бўлди? – дердим ўзимча. – У мендан кулмаган экан-да. Кулса, мендақа сузишни ўрганмоқчи бўлармиди? Шунақа сузиш нега керак бўлиб қолди унга? Наҳотки, мени ёқтириб қолган бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Мени билмайди-ку! Балки, шундай, ўзича ўрганмоқчи бўлгандир?»

– Доктор, – дедим фикрим чалғиб кетганини сезиб.

– Лаббай? – Мавлон мен томонга ўгирилди.

– Ойпопук қанақа қиз?

– Яхши қиз, – деди у ҳайрон бўлиб. – Нима эди?

– Сизга ёқадими?

– Йўқ.

– Нега?

– Меъёр йўқ унда. Бир қарасангиз, чарақлаган кун, бир қарасангиз, қовоғидан қор ёғилади. Бунақалар менга ёқмайди. Мана, Фарида бошқа гап, – деди доктор тамшаниб. Секретарь қизнинг исми Фарида эди. – Жаҳли қирқ даражага чиқиб кетса ҳам илжайиб тураверади. Ҳа, айтмоқчи, нима эди?

– Ўзим, шундай, – дедим хаёл суриб.

– Бир гап борга ўхшайди. Яширманг, – деди доктор ёнбошлаб олиб. – Врачлар сир сақлашни билади. Айтинг.

– Йўқ, ҳеч гап йуқ, – дедим аввалгидай хаёлчанлик билан.

– Сизга ёқадими?

– Билмадим, – дедим мен.

Ростини айтган эдим. Шундай бўлса ҳам докторнинг саволидан негадир юрагим жизиллаб кетди. Ойпопук ёқармиди менга? Бунга жавоб бериш қийин эди.

Эрталаб идорага чиқдим. Усмон ака иккаламиз қирга

бориб келадиган эдик. Беш гектар ердаги беда шу пайтга-ча ўрилмабди. Бригадир правление мажлисида нимадир деб ғўлдиради. Ўзимиз бориб кўрмоқчи ва ўша ернинг ўзида нима экишимизни маслаҳатлашиб келмоқчи эдик.

Идорада раис йўқ эди. Фарида телефон қилмоқчи бўлувди, йўқ, дедим. Ойпопукнинг касали эсимга тушди. Мавлон ҳам ўша ерда эди. Анча кутдим. Бир маҳал раис келди. Ранги сўлғин, ухламаганга ўхшайди. У кечирим сўраб, Фаридага, тушга қайтиб келаман, деб бир қанча топшириқ берди-да, отга минди. Йўлга тушдик. Мен Ойпопукнинг соғлиғини сўрамоқчи бўлиб, бир-икки марта оғиз жуфтладим, лекин ботинолмадим, уялдим. Қишлоқдан чиққунча жим бордик. Усмон ака отнинг тизгинини бўш қўйиб, қўлини эгарнинг қошига тираб олган эди. Сезиб турибман, чарчаган. Кўзлари баъзан ўзидан ўзи юмилиб кетади. Олмазордан ўтдик. Усмон ака папирос тутатди. Оғзи-бурни аралаш куч билан тутун чиқариб, менга ўгирилди.

– Уйқу босяпти, – деди гуноҳқорона жилмайиб. – Кечаси билан миужа қоқмай чиқдим. Попукнинг тоби йўқ.

– Оғирми шунақа? – сўрадим секин.

– Йўқ, оғирмас, – деди раис. – Лекин кўрқитиб юборди. Етти-саккиз йилдан бери ўзининг ҳам энди оғриши. Биласизми, уйингиздаги яккаю ягона одамингиз ўзини нохуш сезса, кайфингиз жуда бузилиб кетар экан. Айниқса, ёшингиз ўтиб қолганда. Кечқурун келсам, уй жимжит. Кундузи фермада ҳам кўрганим йўқ эди. Ҳайрон бўлдим. Илгари эшикдан киришингиз билан ванғиллаб радио гапирарди ё пластинка қўйиларди. Ўртоқлариникидадир, деб ичкарига кирдим. Ётибди. Нуқул аксиради. Докторни чақирдим. Иситмаси қирқ. Қандайдир янгича сузишни ўрганмоқчи бўпти. Кимга керак экан бу!

Қизариб кетганимни сездим-да, кўзимни раисдан олиб қочдим.

У гапида давом этди.

– Ўзи анча чайир. Шамол турди-ку, шунда оғриб қолган-да. Оғирмас. Мавлонжон ҳам шундай деяпти. Лекин мен жуда кўрқиб кетдим. Бир марта шунақа, ёмон юрак олдириб қўйганман. Анча бўлди бунга. Ўн яшар бола эди Ойпопук ўшанда. Нима бўлди-ю, бир кечада ҳамма тиши тушиб кетди. Қўл-оёғи шишиб, майда-майда пуфакчалар ҳосил бўлди. Тошкентда ишлардим. Битта таниш ошнам ишлайдиган клиника бор эди. Шу ёққа олиб бордим. Врачлар кўриб, касалхонага ётқизишди. Уч ой ётди. Уч ой менинг учун уч йил бўлиб кетди. Бўш қолдим, касалхонага югураман. Эрталаб, кечқурун-ку, сўзсиз. Бир ойча ҳар борганимда, ана кетади-мана кетади, деган гапни эшитиб юрдим. Йўқ, тузалиб кетди. Ўшандан бери юрак ўйноғиман. Лекин ҳозир ўзини эплаб олган. Докторнинг айтганини қилади. Илгари дори ичмай хуноб қиларди.

Усмон ака кулди.

– Кеча ҳатто уколга ҳам рози бўлди. Аммо роса афти буришди.

– Келинойимлар йўқмилар? – дедим бирдан мен. Нега бундай деб сўрадим, ўзим билмайман. Лекин бу савол менга кўп нарсани ойдинлаштирди.

Усмон ака саволимни эшитиб, аввал ўйланиб қолди, кейин эса, янгитдан папирос тутатиб, чуқур тортди-да, деди:

– Сиз менга қийин савол бердингиз. Бунинг тарихи катта. Майли, сизга айтсам, айта қолай. Ростини, бунинг ҳеч қандай сири йўқ, лекин дуч келган одамга гапиришни ёқтирмайман. Одамлар бир хил эмас. Баъзилар тўғри тушунади, баъзилар нотўғри. Сиз тушунишга ҳаракат қиларсиз, деб ўйлайман. Хўп, бўлмаса эшитинг. Йўл олис, зерикмайсиз ҳам.

– Мен уйланмаганман, – деди анчадан сўнг у. – Бунинг сабаблари кўп. Яхшиси бир бошдан айтиб берақолай. Уруш бошланганда мен эндигина институтни битирган эдим. Асли ўзим тарихчиман. Қишлоқ хўжалиги иккинчи мутахассислигим. Дипломимни олган кунимоқ военкоматга чақиришди. Уч кундан кейин эса, фронтга жўнадим.

Менинг ҳеч кимим йўқ, болалар уйида тарбияланганман. Отам ҳам, онам ҳам ёшлигимда ўлиб кетган. Қариндош-уруғларим борми-йўқми, билмайман. Рост, унчалик кўп қидирганим ҳам йўқ. Болалар уйи – бор қариндош-уруғим, ўз уйим эди.

Мен тушган полк уч ойча Саратовда машғулот ўтказиб, Украинага юборилди. Киев учун жанг қилдик. Мендақа олий маълумотлилар полкда кам эди. Шунинг учун икки ой ўтар-ўтмас ротага командирлик қила бошладим. Лекин фронтда кўп бўлганим йўқ, чекинаётганимизда оғир ярадор бўлиб қолдим. Душман бомбаси шундай блиндаж устига тушди. Уч-тўрт жойимга осколка тегди. Ичкарига жўнатишди. Икки ой госпиталда ётдим. Шундан кейин мени бутунлай жўнатиб юборишди. Госпиталда мен бир ҳамшира билан танишиб қолдим. Операциядан чиқиб, кўзимни очсам, олдимда чиройли бир қиз менга тикилиб ўтирибди. Унинг оппоқ юзи, билинар-билинемас сепкил тошган кичкина бурни, айниқса доим кулиб турадиган осмондек тиниқ кўм-кўк кўзлари ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Табиий, мен уни яхши кўриб қолдим. Бахтимга у ҳам мендан ўзини олиб қочмади. Бўш қолди дегунча мен ётган палатага келарди. Мен ҳам унинг келишини сабрсизлик билан кутардим. Келганида эса, гапга тушиб кетардим. Гапимиз сира адо бўлмасди.

Яхши нарсалар ҳақида гаплашсак, баравар шодланар, ёмон нарсалар ҳақида гаплашсак, баравар нафратланардик. Назаримда, биз тилга олмаган, ҳаяжон билан муҳо-

кама қилмаган бирон нарса дунёда қолмаган эди. Биз урушдан кейин тўй қилишга аҳд қилдик. Хайрлашадиган кунимиз у ўзининг энг севимли ва менга ёққан украинча кўйлагини кийиб келди. «Кўришгунимизча мени шундай эслаб юр», – деди. Анча жойгача кузатиб кўйди. Биз хат орқали алоқа қилиб туришга аҳд қилдик. Урушдан кейин Олеся, унинг исми ҳам чиройли эди, Тошкентга келишга ва умрбод шу ерда мен билан яшашга ваъда берди. Уруш кўп чўзилмайди, деб ўйлаган эдик ўшанда биз. Кейин хайрлашдик. Мен уни бошқа кўрмадим. Тошкентга келганимда ички ишлар министрлигига ишга юборишди. Ўша пайтлари менинг учун қаерда ишлашимнинг аҳамияти йуқ эди. Биронта иш билан машғул бўлсам бўлди, деб ўйлардим ўзимча. Ахир айтинг, анча ишдан чиққан соғлиқ билан тузукроқ иш танлашим мумкинмиди?! Ишга тушган кунимок Олесяга хат ёзиб юбордим. Аммо бир ой ўтар-ўтмас госпиталь бошлиғидан хунук хабар олдим. Олеся бомба тагида қолиб, ҳалок бўлган эди. Ўзимни йўқотиб кўйдим. Ҳеч нарса кўзимга кўринмай қолди. Назаримда, дунёнинг лаззати мен учун қолмаган эди. Унда фақат битта мажруҳ одам бор, у ҳам бўлса – мен эдим. Бунинг устига ёлғизлик... Юракни эзадиган, ёруғ кунни ҳам қора парда орқасидан кўрсатадиган бадбахт ёлғизлик. Нима қилишимни билмай, муккамдан ишга тушиб кетдим. Мен сизга айтсам, кишини ҳар қандай оғир аҳволдан қутқарадиган нарса бу меҳнат экан. Уч-тўрт ой ишлаб, ҳаётга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолдим. Нима қилмай: корхоналарда бўлиб, порахўрлик, алдамчиликни текширайми, ё дезертирлик қилиб юрганларни тутайми, уруш йиллари бизга шундай ишлар билан ҳам шуғулланишга тўғри келарди, ҳамма жойда, ҳамма нарсада ўзимнинг ҳаётга кераклигимни тушуниб олдим, ғам унутила бошладди. Бир куни Қашқар маҳалладан ўтиб кетаётиб, болалар уйига кўзим тушиб қолди. Нимадир юрагимни

тирнаб кетди. Ичкарига кирдим. Ҳовлининг ўртасида болаларга пирожки улашишаётган экан. Бирпас қараб турдим. Болалар навбат билан тарбиячи олдига бориб, биттадан пирожки олишар ва қувонганларидан ҳовлини бошларига кўтариб чуғурлашарди. Бир маҳал кичкина бир қизча «Дада!» деб қичқириб юборди ва югуриб келиб, ўзини оёғимга ташлади. Мен то саросимадан қутулиб, қизчани қўлимга олгунимча, атрофим одамлар билан тўлиб кетди. Катталарнинг чехрасида кулги, болалар эса «урра, урра!» – деб чапак чалишарди. Мен ҳайрон эдим. Қизча бўйнимга маҳкам ёпишиб олган, бутун бадани титрарди. Қўлимга оқиб тушган иссиқ ёш мени ўзимга келтирди, уни секин ерга қўйдим.

– Йиғлама, қизим, йиғлама, – дедим бўғилиб. Лекин унинг дўмбоқ юзига тирқираб оқиб тушаётган ёшни кўриб, ўзимнинг ҳам кўзларим намланиб кетди.

– Нега ҳеч хат ёзмадингиз? Жудаям соғиндим, – деди қизча ўпкасини тутолмай.

Мен яна ҳайрон бўлиб қолдим. Қизча мени дадаси билан адаштираётган эди. Шу ерда мен хато қилдим. Унинг саволига ёлғон бўлса ҳам бирон нарсани баҳона қилиб, жавоб беришим керак эди. Мен бўлсам:

– Отинг нима? – деб юбордим.

– Отим? – қизча бақрайиб менга қараб қолди. Кейин хўнграб йиғлаб юборди-да, қочиб кетди.

Шу пайт мени кўрсангиз эди! Оёқларим увишиб, рангимда ранг қолмаган... Ҳеч ким бунчалик ачинарли аҳволга тушмаган бўлса керак. Болалар тарқалиб, ҳовлида мендан бошқа ҳеч ким қолмади. Ҳамма ёқни аянчли жимлик қоплади. Кўзларим яна ёшланди. Ўпкам тўлиб кетди. Қимирламай жойимда туриб қолдим. Қанча турдим, билмадим, орқамдан кимнингдир йўталгани эшитилди. Ўгирилдим. Олтмишларга бориб қолган бир мўйсафид ҳассага таяниб турарди.

– Ҳаммасини кўрдим, – деди у қалтироқ овозда. – Адашди. Сизни отам, деб ўйлади. Отасининг ҳалок бўлганини билмайди бечора.

У жим бўлиб қолди. Мен ҳам индамадим. Чунки, бу мудҳиш сукунатнинг маъноси иккаламизга ҳам аён эди.

– Онаси ҳам йўқ, – деди у бир оздан сўнг. – Бир ёшлигида ўлган. Мана, йил бўлди, ўтай она бизга ташлаб кетди.

– Кечирасиз, сиз ким бўласиз? – сўрадим ундан.

– Директорман. Асомиддин Қориев. – Мўйсафид салом бериб, қўлини узатди. – Сиз кимсиз?

Танишдик.

– Энди нима қилиш керак, домла? – сўрадим маслаҳат солиб.

– Нима қилиб бўларди?! – деди у. – Ёш нарса кўникиб кетади. Аммо қийин бўлди, анча қийин бўлди. Эндигина отасини унута бошлаган эди. Сиз отасига ўхшаб кетасиз. Адаштиргани ҳам бежиз эмас. Қийин бўлди, жуда қийин бўлди. Ичкиб, соғлиғини йўқотиши ҳам мумкин.

– Олиб кетсам нима дейсиз? – бирданига миямга шу қарор келиб қолди. Асомиддин ака ялт этиб менга қаради.

– Олиб кетсам? Бутунлайми?

– Ҳа, – дедим мен.

– Билмадим, билмадим, – деди у бош чайқаб. – Қарорингиз қатъийми?

– Қатъий! – дедим жиддий оҳангда ва қисқа қилиб сўнгги йиллардаги ҳаётимни гапириб бердим, ёлғизлигимни айтдим.

– Ихтиёрингиз, – деди у ниҳоят. – Лекин эплай олармикансиз?

– Эплайман, беринг, – дедим мен.

– Бўлмаса, ўзидан сўранг. Кимлигингизни айтинг. Қизи тушмагур жуда зийрак. Беш-олти марта уйингизга олиб боринг, ўргансин. Кейин олиб кетинг, майли.

Асомиддин ака шундай деб мени кабинетига бошлади. Кўп ўтмай, қизчани олиб киришди. У мени

кўриб, уялиб кетди. Бағримга босдим. Нималарнидир деб, юпатдим. Кўкрагимдаги орденни олиб қўлига бердим. Анча ўзига келди.

– Дадамлардаям шунақа орден бор-а? – деди жилмайиб.

– Ҳа. Биттамас, иккита, – дедим. – Даданг жуда ботир одам. – Кейин:

– Юр, уйга олиб кетаман. Анча суратларим бор, кўриб келасан, – дедим.

– Хўп, – деди.

Уйда бор нарсаларни дастурхонга ташлаб, уни меҳмон қилдим. Лекин уруш йиллари, уйда нима ҳам бўларди, дейсиз? Икки-уч бурда нон, уч-тўрт чақмоқ қанд. Менга ногиронлигим учун озгина оқ нон ҳам қўшиб беришарди. Қизча шу нонни еди. Озгина ош ҳам қилдим. Бошим осмонда эди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, бир йилдан бери хувиллаб ётган уйда бола товуши янграйди-ю, бошим осмонга етмайдими?! Лекин қоронғи тушганда у кетаманга тушиб қолди. Алдадим, ялиндим, фойда бермади. Кейин ўзим ҳам зўрламадим. Асомиддин аканинг гаплари эсимга тушди. Элтиб қўйдим. Лекин кунда ўша ерда бўламан, ишдан кейин эса, бир неча соатга уйга олиб келаман, кейин яна элтиб қўяман. Бир ойча шундай қилдим. Қизча ҳақиқатан ҳам, Асомиддин ака айтгандек, зийрак эди. Қоронғи тушдим, тамом, кетаман, деб туриб олади. Бир ойдан кейин кўрқиб кетдим. Менга ўрганмаса нима қиламан? Авваллари унга ачиниб юрсам, энди ўзимга ачина бошладим. Чунки, усиз туролмаслигим равшан бўлиб қолган эди.

Асомиддин акага яна маслаҳат солдим У бир-икки кун келмасликни айтди. Шундай қилдим. Тўртинчи куни чи-долмай, болалар уйига бордим. Қизча мени кўриб югуриб келди-да, бағримга ўзини отди. Шундай қилиб, Ойпопук уйимга бутунлай келди. Мен болали бўлиб қолдим.

Мен сизга айтсам, ҳаётим шундан кейин ўзгариб кетди. Ташвишим ортди. Бу ташвиш қандайдир қувонч-

ли, орзу-умидларга тўла ташвиш эди, оталик ташвиши эди. Лекин мени ҳамон бир нарса қийнайди: Ойпопук кўпинча дераза олдига ўтириб олиб хаёл сураб, отасини сўрарди. Даданг олисда, у ёқдан хат ёзиб бўлмайди, уруш тамом бўлсин, ўзи келади, деб овутардим. Уруш тамом бўлган йили у олтинчи синфга ўтди. Асомиддин ака билан маслаҳатлашиб, ростини айтишга қарор қилдик. У катта бўлиб қолди, айтсангиз бўлади, деди Асомиддин ака. Айтдим! Унинг ўшанда қанчалик қийналганини кўрсангиз эди?! Икки-уч кун ичида кўзлари киртайиб, чўп бўлиб қолди.

Усмон ака оғир хўрсинди. Кейин йўлга қараб қўйиб, ҳали анча борлигига ишонч ҳосил қилгач, папирос тутатди-да, гапида давом этди. Мен худди шимол афсонасида қорбобо бир умрга музлатиб кетган боладек отнинг устида қимир этмай борардим.

– Шундай қилиб, икки-уч кун ичида чўп бўлиб қолди. Ҳеч нарса емайди, ҳеч нарса ичмайди, деразанинг олди-га ўтириб олиб, нуқул хаёл суради. Кечалари эса, менга билдирмай йиғлаб чиқади. Лекин мен сизга айтсам, дунёда одамдек бақувват махлуқ йўқ экан. Одам ҳамма нарсага чидар экан, ҳамма нарсага кўникар экан. Кунлар, ойлар ўтди, Ойпопук ҳам секин-секин ўзига кела бошладди. Аввалги қувноқлиги оз бўлса ҳам қайтди, юзларига қон югурди. Эркин нафас ола бошладим.

Еттинчи синфни аъло битириб, шаҳодатнома олганда зиёфат қилиб бердим. Ҳамма ўртоқларини, ўқитувчиларини чақирдим. Асомиддин ака ҳам келди. Ўйин-кулги, мусиқа уйни тутиб кетди. Кечқурун эса, ҳамма кетгач, Ойпопук мени биринчи марта ростакамига «дада!» деб чақирди. Мен учун ҳамма нарсадан ширин ва азиз бўлган бу сўзга у бор муҳаббатини ва миннатдорчилигини кўшиб айтди. Шунда мен унинг учун энг меҳрибон одам эканлигимни тушундим. Бошим осмонга етиб кетди. Ўша лаҳзада дунёда мендан

бахтлироқ одам йўқ эди. Севинчим ичимга сиғмай, уни маҳкам бағримга босдим, йиғлаб бордим. Бу – кўп йиллардан бери юрагимда зардоб бўлиб йиғилган ғам, алам, ўкинч ёшлари эмас, йўқ, бу – катта бахтга эга бўлган одамнинг чексиз севинч ёшлари эди. Бу ёшлар бир зумда юракдаги ҳамма ғуборларни ювиб ташлади. Бутун жаҳон кўз олдимда ёришиб, жами яхшиликлар ер юзига калқиб чиққандек бўлди. Ота-бола келажак режаларини тузиб, тонг оттирдик.

Уч йилдан бери Самарқанддамиз. Ўтган йили бу ерга кўчиб келдик. Бутунлай кўчиб келдик.

Усмон ака жимиб қолди. Қалбимни қандайдир илиқлик қоплади. Шимириб нафас олдим. Ҳаво худди қалбимдаги илиқлик сингари ёқимли эди. Атрофга суқ билан қарай бошладим. Ҳамма нарса олисда, баланд чўққилар устида тутундек буралиб кўтарилаётган булутлар ҳам, ёстаниб ётган кўм-кўк адир ҳам, дарё ҳам, тош ҳам, ҳамма-ҳамма нарса кўзимга худди бошқача – гўзал ва оромбахш кўриниб кетди. Ҳамма нарсада ҳаёт қулф урарди. Ҳаёт! У нақадар мураккаб ва нақадар улуғ! У инсонни гўзал ва олижаноб сеҳргар каби ўзига чорлайди, эркалайди. У инсон учун нималар қилмаган, яна нималар қилиши мумкин эмас!

– Энди нима учун келинойингиз йўқлигини тушунгандирсиз? – деди Усмон ака хаёлимни бўлиб.

– Ҳа, – дедим.

– Қизим – бу менинг ҳаётим, – деди у ўйчан ҳолда ва йўлга бир қараб кўйиб, отига қамчи босди.

Усмон аканинг хуноб бўлганича бор экан. Бедазор – бедазор эмас, ёввойи ўт босиб ётган ташландиқ жойга ўхшар эди. Айрим ерларда сарғайиб чақиртиканак ҳам ўсиб ётибди.

Буни кўриб Усмон аканинг қовоқлари осилиб кетди.

– Кўряпсизми? – деди у отдан тушаркан. – Ўтган йили қирнинг бағридан тортиб олган эдим бу ерни. Қанча куч сарф бўлган, қанча кун овора бўлинган.

- Лекин ер кучли экан, - дедим мен.
- Ер кучли, - раиснинг чеҳраси ёришгандек бўлди. - Аммо бекор ётибди. Ток экиш керак. Янги келганимда шундай ўйлаб қўйган эдим. Нима дейсиз?
- Мен нима дердим? Маъқул, - дедим.
- Камида йигирма тоннадан ҳосил кўтариш мумкин. Йигирма тонна-я! - гапида давом этди раис. - Шу йилиёқ экамиз! Ўзингиз бош бўласиз. Биринчи катта ишингиз шу бўлсин.
- Маъқул, - дедим яна мен негадир ўзимдан уялиб. Шу пайт бригадир келди. У бошини қийиқ билан боғлаб олган эди. Усмон аканинг яна қовоқлари осилиб кетди.
- Комбайн чақирдингизми? - сўради у саломлашишни ҳам унутиб.
- Ҳа, чақирдим, - деди секингина бригадир.
- Нима қилди? - Усмон ака қийиққа ишора қилиб сўради.
- Кечадан бери иссиғим ошиб турибди.
- Дори-пори қилдингизми?
- Йўқ, ўзи босилиб қолар.
- Бунақа эмас-да. Докторга боринг. Доктор касал йўқлигидан пашша кўриб ўтирибди. Ҳозироқ боринг. Айтгандай, - Усмон ака бедазорнинг этагидаги омонатгина қурилган чайлага қараб сўради, - ўроқ борми?
- Бор, нима эди? - бригадир ҳайрон бўлди.
- Олиб келинг, - Усмон ака кителини ечиб, ўт устига ташлади. - Комбайн келгунча ўриб турамиз. Вақт кетяпти.
- Қўйинг, ўзимиз қиламиз, - деди бригадир қизариб. - Уялтирманг.
- Олиб келинг, олиб келинг!
- Бригадир, нима қилай, дегандай менга қаради. Индамадим.
- Эринчоқ одамни кўрсам, жиним кўзғайди, - деди Усмон ака бригадир кетгач. - Эркак киши деган ти-

ниб-тинчимаса-да! Саксонбой отанинг шунисига қойил қоламан.

– Мана, – бригадир кетмон сопи қоқилган ўроқни олиб келиб, раисга узатди.

– Яхши, – деди Усмон ака ўроққа тикилиб. – Ўткир экан. Хўп, сиз энди қишлоққа боринг. Мавлонга учрашинг.

Бригадир жавдираб, анчагина дам раисга, дам менга қараб турди-да, кейин бошини қашиганича битта-битта юриб кетди.

Усмон ака яхшигина ўроқчи экан. Оғзим очилганича унинг эпчил ҳаракатларига қараб қолдим. Уста қайиқчи қўлида эшилган эшкакдек, унинг қўлидан ўроқ ҳам бир оҳангда «ширт-ширт» этиб тортилар ва ҳар тортилганда бир боғлам бир боғлам ғумай, уруғлаган беда бир текисда ерга қуларди ва ғалати чучмал ҳид димоққа уриларди.

Анча вақт ўтди. Усмон ака жикқа терга ботди. Аммо, парво қилмади. Пешонасини билаги билан сидириб ташлайверди. Уялиб кетдим. Қўлидан бориб ўроқни олдим. Биринчи тортишимдаёқ оёғимни тилиб кетишига сал қолди.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Усмон ака, – ўрганиб кетасиз, ғайрат бўлса, бас. Ғайрат бўлса, одам уддалай олмай-диган иш йўқ.

Шу куни оқшомгача қирда қолиб кетдик. Аммо менинг ҳаракатларим тўрт-беш боғ пичанга тўғри келди, холос. Бунга фақат уқувсизлигим эмас, бошқа сабаб ҳам бор эди. Хаёлим қишлоқда, Ойпопукда эди. Шунинг учун ҳам қишлоққа киришим билан медпунктга югурдим. Аммо у берк эди. Чойхонага кирдим.

– Мавлон аканг қани? – сўрадим Баҳодирдан.

– Ҳозир кетдилар, – деди у ҳар галгидек ҳозиржавоблик билан. Уйга чопдим. Доктор овқатланиб ўтирарди.

– Ойпопук тузукми? – сўрадим ҳовлиқиб.

– Тузук, – бепарво гапирди Мавлон, – иссиғи тушди. Нима эди?

Жавоб бермадим. Юрагим анча таскин топган эди. Чарчаганим сезилди. Апил-тапил овқатланиб, ётдим. Ётдим-у, уйқуга кетдим.

6

Эрталаб нонушта қилаётганимизда доктор кечагидек парвосизлик билан деди:

– Айтгандай, сизни Ойпопук сўради.

– Мени?

– Ҳа, сизни.

– Нима деди?

– Қиз бола нима дерди? Соғлиғингизни сўради. Яхши юрибдиларми, деди. Қишлоққа ўрганияптиларми, деди.

– Сиз нима дедингиз?

– Сиз сўраганингиздан бери ўрганияптилар, дедим. – Мавлон кулди. – Фақат кечалари тошкентлик қизларнинг исмларини айтиб, уйқусирайдилар, дедим. Кулди.

– Нима қилардингиз ёлғон гапириб?

– Уни кулдириш керак эди-да, – деди Мавлон жилмайиб. – Лекин сизни жиндек қурбон қилдим. Нима бўпти?

Усмон аканинг ҳикояси мени остин-устин қилиб юборган эди. Докторнинг гаплари унга қўшимча бўлди. Боришга қарор қилдим. Қиладиган ишларим кўп бўлишига қарамай, доктор билан бирга йўлга тушдим. Юрагим шунчалик кучли дукиллаб урардики, раисникига қандай қилиб етиб келганимни сезмай қолдим. Ойпопук дераза қаршисига қўйилган каравотда ётарди. Бўйнигача кўрпа тортилган. Қалин қилиб ўрилган узун қора сочлари ёстиқ устидан тушиб, полга тегай-тегай деб турарди. Мени кўриб, қизариб кетди, ингичка қорамтир қўли билан кўрпани даҳанигача тортиб қўйди.

– Бугун анча тузук, – деди Усмон ака қизига қараб. Ойпопук енгилгина жилмайди.

– Қани кўрайлик-чи! – Мавлон қизнинг пешонаси-ни ушлади. – Ҳа, яна икки кундан кейин юриб кетадилар. Йўтал қолдими, ё ҳали ҳам борми?

Ойпопук бош чайқади.

– Ўтиринглар, – деди у секин менга кўз қирини ташлаб.

– Айтгандай, ўтиринглар, ўтиринглар! – Усмон ака дераза ёнида турган стулни менга яқинроқ кўйди. – Кечирасизлар, уй бетартиб. Кеча кеч келдим райондан. Бугун яна чақиришибди. Мажлислар ҳам кўпайиб кетди-ди ўзи! – деди у қизига гуноҳкорона тикилиб. – Ёлғиз қоласан яна.

– Йўқ, Фарида келади, Махфуза ҳам келади, – деди Ойпопук. – Хавотир олманг.

– Майли, дарров келаман, – деди Усмон ака. – Доктор, кеча районга тушмоқчи эдингиз тушасизми?

– Ҳа, – деди Мавлон ўрнидан туриб. Мен ҳам турдим. Усмон ака менга қаради.

– Сиз нега турдингиз? – деди у ялингансимон. – Шошинч ишингиз бўлмаса, ўтира туринг. Ҳозир қизлар келиб қолади.

– Хўп, – дедим ва жойимга ўтирдим. Ойпопук жилмайиб кўйди.

Кўп ўтмай, Усмон ака билан доктор кетди. Хонага ноқулай жимлик чўкди.

– Келганингизга жуда хурсандман, – деди бир маҳал Ойпопук.

– Мен ҳам сизни кўрганимга хурсандман, – дедим мен. – Тузалиб қолибсиз.

Ойпопук бошини қимирлатди.

– Сиз мендан хафа бўлсангиз керак-а? – сўради у орага тушган жимликни бузиб.

– Нега?

– Анави куни йиқилиб тушганингизда кулганимга-да.

- Йўғ-е, эсимдан чиқиб кетди.
- Менинг эсимдан чиққани йўқ. Сиз яхши сузар экансиз. Ўшанақа сузишни баттерфляй дейдими?
- Ҳа.
- Яхши сузар экансиз. Лекин хафа бўлдингиз.
- Йўқ, – дедим қатъий қилиб. – Нега хафа бўлай? Сира хафа бўлганим йўқ.
- Мен жуда сезгирман, – деди у қандайдир болаларга хос завқ билан. – Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганда хафа бўларди.
- Сиз хафа бўлармидингиз? – сўрадим мен.
- Билмадим, – деди у кўзларини яшириб, кейин деразага тикилди. – Сиз Яккачинор афсонасини эшитганмисиз? – сўради у тўсатдан менга ўгирилиб.
- Ҳа, – дедим мен.
- Мен ишонмайман, – деди у қошларини чимириб.
- Аёл киши шунчалик қаҳри қаттиқ бўладими? Сиз нима дейсиз?
- Қайдам, – дедим мен елкамни қисиб.
- Ҳаётда бундай бўлмаса керак, – деди у гапида давом этиб. – Агар бировни севсанг, уни кечиринг керак. Тағин ким билади? Айтгандай, тошкентлик анави қизнинг суратини менга кўрсатмайсизми?
- Қайси қизнинг суратини? – ҳайрон бўлдим.
- Доктор айтган қизнинг-да, – унинг лаблари билинар-билинемас титради.
- Доктор бекор айтибди, – дедим жаҳлимни босиш учун жилмайиб. – Мен Тошкентда ҳеч кимни яхши кўрган эмасман.
- Кечиринг, сизни яна хафа қилдим, – деди Ойпопук майин оҳангда ва жим бўлиб қолди.
- Мен ғалати одамман, – деди бир маҳал яна қошларини чимириб. – Бировни қувонтираман, деб хафа қилиб кўяман. Нега шундай, ўзим ҳам билмайман. Ёшлигимда исиб кетаётган бўлсам, совуқ еб кетяпман,

деб йиғлар эканман. Қизиқ-а? Баъзан эса... баъзан дераза тагига ўтириб олиб, хаёл сураман, ўйлайман.

– Нималарни ўйлайсиз?

– Ҳамма нарсани. Ҳаётни ўйлайман, – деди у кўзларини хаёлчан сузиб. – Ҳаёт жуда қизиқ. Унда ҳамма нарсани мукамал билган, ҳамма орзуларига етишган одам бўлмаса керак. Мана, мен ўн саккизга қадам қўйдим. Балки, ҳаётимнинг ярми ўтиб кетгандир, ким билади. Аммо ҳали ҳеч нарса қилолганим йўқ. Қиладиган ишларим эса жуда кўп. Менинг қарзим бор, жуда катта қарзим бор. Шунини узишим керак.

– Узасиз, – дедим ишонч билан қанақа қарзлигини билмасам ҳам.

Ойпопук парво қилмай, гапида давом этди:

– Менга яхшилик қилишди. Ҳаётни севишни ўргатишди. Бунга фақат раҳмат айтиш кифоя қилмайди. Сиз эртақларни яхши кўрасизми? – Ойпопукнинг овози ўзгарди. Ҳозиргина хонани сеҳрлаб турган майин, сал ғамгин, лекин қатъий овозни шўх, ўйноқи, қўнғироқ овоз эгаллади.

– Мен жудаям яхши кўраман. Фақат биров айтиб турса, мен кўзимни юмиб эшитсам. Мени деб дадамлар бир қанча эртақларни ёдлаганлар. Қизиқ-а?

Мен бошимни қимирлатдим. Гапиришга қувватим йўқ эди. Унга тикилиб қолган эдим. Деразадан тушаётган қуёш нурлари унинг сал чўзилган нозик юзини, қошларини ёритиб турарди. Полга тегай деб турган сочлари қимирлаши билан тебраниб, юз хил тусда товланарди.

– Нега жим бўлиб қолдингиз? – дедим бир маҳал зўрға овоз чиқариб.

– Сизга қараб қолдим, – деди Ойпопук жилмайиб. – Мени жуда эзма экан, деб ўйласангиз керак-а? Унчалик эмас. Баъзан шунақа кўп гапиргим келиб қолади. Ишонмайсизми?

– Ишонаман, – дедим мен. – Сиз жуда яхши қизсиз.

– Ростданми?

– Ҳа, – дедим мен. Унинг чеҳраси очилиб кетди.

– Бўлмаса, битта эртак айтиб бераман. Саксонбой отамдан эшитганман. Кулоқ солинг. Бир йигит бор экан. У кекса, касалманд онаси билан олис бир шаҳарда яшар экан. Йигит катта бўлиб, яхши-ёмонни ажратадиган бўлгач, бир донишманднинг олдига борибди-да, нима қилсам онамнинг розилигини оламан, деб сўрабди. Донишманд, онангнинг касалини давола, обизамзамга опичлаб олиб бориб, чўмилтир, дебди. Обизамзамга бориш учун қирқта тоғни ошиб ўтиш керак экан. Йигит кўп ўйлаб ўтирмай, онасини опичлаб олиб кетибди. Уч йил уч ой деганда қайтиб келибди-да, яна ўша донишманднинг олдига борибди. Мана, айтганингни қилдим, онамнинг розилигини олдимми? – деб сўрабди. Шунда донишманд: сен онангнинг сени боққандаги бир кунлик азобидан қутулдинг. Розими-йўқми, ўзидан сўра, – дебди.

Ойпопук жимиб қолди. Лаблари юмилди, кўзлари ялтираб кетди.

– Менинг ана шу оқ сут берган онадан ҳам азиз одамим бор, – деди анчадан сўнг жиддий оҳангда.

Бу одамнинг кимлигини сўрамадим. Гап отаси ҳақида бораётгани аниқ эди.

Кўп ўтмай, қизлар келишди. Хайрлашиб, ўрнимдан турдим. Қўлимни узатган эдим, маҳкам қисди.

Уйдан чиқиб, ўзимдан-ўзим дарё томонга юриб кетдим.

Ҳаво очик, осмон зангори шишадай тиник эди. Дарё лабига келиб, мени йиқитган харсангтош устига ўтирдим. Дарё тинч оқарди. Фақатгина дарё эмас, атрофимдаги ҳамма нарса тинч эди. Чурқ этган товуш қулоғимга чалинмас, гўё бутун борлиқ сокин уйқуга кетгандек эди. Бир маҳал ниманингдир овози эши-

тилди. Қулоқ солдим. Кимдир най чаларди. Товуш гоҳ яқинлашар, гоҳ яна олислаб кетарди. Кўп ўтмай, у бир меъёрда эшитила бошлади. Худди баланд қоя устидан қимир этмай қорайиб турган чинордай сеҳрланиб қолдим. Куй ҳамма нарсага жон киргизгандай бўлди. Енгил шамол юзимни силай бошлади, дарё тўлқинланди, уфққа туташган тоғ чўққилари устидан оппоқ булут парчалари кўтарилди бошлади. Кўк, сариқ, қизил рангдаги товланиб ётган олма барглари майин шитирлаб, ажойиб оҳанг касб этди. Дарёга тикилар эканман, шу тўлқинлар билан баравар сузгим келди. Ечиниб, ўзимни сувга ташладим-да, худди Ойпопук билан учрашган кунимдагидек сузиб кетдим.

Сувдан чиққанымда найнинг товушини эшитмадим. Ниманидир йўқотган одамдек осмонга қарадим. Ҳавода қора булутлар сузиб юрарди. Бир маҳал ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди. Қаердадир момақалди роқ гулдиради, дарёнинг нариги қирғоғида ўтлаб юрган тарғил бузоқ шаталоқ отиб қочди. Ёмғир томчилай бошлади. Аммо мен парво қилмадим. Рухим шунчалик тетик, кўнглим шунчалик шод эди! Яккачинорга келганимдан, шундай ажойиб қиз билан, шундай ажойиб одамлар билан танишиб олганимдан чексиз хурсанд эдим...

Ўша куни биринчи марта кўнглим офтобдек чарқлаб отамга хат ёздим. Бу хат яккачинорликларга бағишланган қасида эди.

7

Эртаси куни кечқурун Мавлоннинг отдай, деганига қарамай Усмон акаларникига йўл олдим. Усмон ака беқасам тўнини елкасига ташлаб, лейкада гулларга сув қуярди.

– Жуда яхши қилдингиз келиб! – деди у кўлини уза-тиб.

Кун бўйи уч-тўрт марта кўришган бўлсак ҳам салом бердим.

– Бир кириб кетай дедим.

– Жуда яхши, жуда яхши! Бу ёққа юринг!

Усмон ака айвонга бошлади. Кўтарилдим. Айвоннинг тўрида Ойпопук бир коса гуручнинг курмагини тозалаб ўтирарди. Сочлари ироқи дўпписи устига чамбарак қилиб ўралган. Бир ўримининг учи қулоғининг устига тушиб, кичкина ёқут кўзли зирагини беркитиб турибди. Мени кўриб, турмоқчи бўлди.

– Ўтираверинг, ўтираверинг! – дедим шошиб. – Тузалиб кетибсиз-ку!

Ойпопук енгил жилмайди.

– Жуда яхши бўлди-да, келганлари, – деди Усмон ака қизига қараб, кейин менга ўгирилиб, кўшиб кўйдди: – Ўзим бир ош қилишга орзуманд эдим. Бугун вақт-соати келган экан.

– Ўзингизга олманг. Мен айтдим ош қилайлик деб, – деди Ойпопук уялинқираб.

– Сен ҳам айтдинг, – Усмон ака кулди. – Ўчоқ бошида юришимни ёқтирмайди. Нуқул ўзи қилади, лекин бугун менинг қилгим келиб қолди. Бошлайверайми?

Ойпопук ҳа дегандай бошини қимирлатди.

– Мен ёрдамлашай? – дедим Усмон акага.

– Йўқ, иккита эркак ўчоқ устида турса, ош бузилади. Сиз шу ерда ўтиринг. Ана, Ойпопукка қарашинг.

Усмон ака кетди. Айвонда Ойпопук иккалаамиз қолдик.

– Хомуш кўринасиз? – сўрадим рўпарасига ўтириб.

– Ҳа, – деди у кўзларини узун киприклари орасига яшириб. – Кўп ўйладим.

– Нималарни ўйладингиз?

– Айтолмайман. Ўйладим-да. Ёшлигимдан шундайман. Деразанинг олдида ўтириб олиб ўйлайвераман, ўйлайвераман. Сиз ҳам кўп ўйлайсизми?

– Сизчалик эмас, – дедим мен кўлимга бир кафт гуруч олиб.

Ойпопук, кўяверинг, ўзим, дегандай кўлимни ушлади. Кўллари ёнарди.

– Нималарни ўйлайсиз?

– Ҳар нарсани, – дедим елкаларимни қисиб.

– Бу ерда-чи? Уйингизни, Тошкентни ўйларсиз? – Ойпопук кўзларини айёрона сузди. – Балки қишлоғимиз ёқмагандир?

– Йўқ, жуда ёқди. Келганимга пушаймон эмасман.

– Агар Тошкентга чақиришса, кетармидингиз?

– Қайдам, бир нарса дейиш қийин. Сиз-чи?

– Йўқ, – деди у қатъий. – Тағин ким билади? Агар дадамлар бошқа ишга ўтиб кетсалар, иложи йўқ. Шу ер менга жуда ёқиб қолди. Тинч, чиройли. Одамлари ҳам яхши. Шовқин-суронни ёмон кўраман. Ғалати-а? Тўғрими?

– Нега? Ҳар кимнинг ўз ихтиёри.

– Ҳа, ҳар кимнинг ўз ихтиёри... – Ойпопук ўйланиб қолди. Ингичка бармоқлари орасидаги курмаклар косага тушиб, гуручга аралашиб кетди. – Биласизми, мен шу ҳақда ўйладим. Нега одамлар ҳар доим ўз ихтиёрлари билан иш қилолмайдилар? Нима уларни шунга мажбур қилади? Яхши одамларда ёмон хоҳиш бўлмайдими-ку! Яхши одамлар эса жуда кўп.

– Мен нимани назарда тутиб гапираётганингизни билолмаяпман, – дедим хижолат бўлиб.

– Билмаганингиз маъқул. – Ойпопук хўрсинди. – Яхшиси, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг. Танишмизу сизни билмайман. Фақат отангиз борлигини биламан, холос.

– Шунин билсангиз, бошқасини гапиришнинг ҳожати йўқ.

– Нега? – ҳайрон бўлди у.

– Қизиқ эмас, – дедим мен.

– Майли, гапириб беринг.

– Ўттизинчи йилда туғилдим. Тишим чиқиб, олти ярим ёшга тўлганимда мактабга бордим. Битириб, институтга кирдим. Уни тамомлаб, бу ёққа келдим. Тамом. Бунинг нимаси қизиқ?

– Билиб қўйган яхши-да, – деди Ойпопук жилмайиб.
– Қизиғи энди келади.

– Ким билади, – дедим мен.

– Мен биладан, – деди Ойпопук қувонч билан. – Қани, кўлингизни беринг-чи, бир фол очиб қўяй!

Мен кўлимни узатдим.

– Ўхў, – деди у завқ билан кафтимга тикилиб. – Бунақа катта кўл билан истаган орзуингизга етасиз. Иннайкайин, чизиқларини қаранг. Айтаверайми?

У менга ғалати тикилди. Мен ҳа, дегандай бошимни қимирлатдим.

– Ишингиз яхши. Мартабангиз баланд бўлади. Манави чизиқни қаранг-а, мунча узун. Узоқ умр кўрар экансиз. Лекин, лекин... Айтаверайми?

– Айтаверинг! – дедим ҳаяжон билан.

– Лекин... сизга севгининг йўли берк.

– Нима?!

Анграйиб қолдим. Ойпопук бирдан қаҳ-қаҳ отиб, кулиб юборди.

– Ҳазиллашдим, ҳазиллашдим, – деди у кулгидан ўзини тўхтатолмай. – Наҳотки фолга ишонсангиз? Ҳаммаси ёлғон-ку! – Кейин жиддий оҳангда қўшиб қўйди: – Мен сизнинг бахтли бўлишингизни истардим, жудаям истардим.

– Мен ҳам сизга шуни истайман, – дедим мен.

– Раҳмат, – деди у ўйланиб.

Шу пайт Усмон ака чақириб қолди.

– Бу ёққа юринг, ошнинг тузини кўриб юборинг!

Ўчоқ бошига бордим.

Ярим соатдан кейин ош сузиб келинди. Ойпопук бир графин «Ҳосилот» олиб чиқди. Бир пиёладан тўла-

тиб ичдик. Ойпопук ичмади. Шундай лабига теггизиб кўйди. Усмон аканинг икки кўзи қизида эди. Ойпопук бир ошам олиб:

– Жудаям ширин бўпти, дада, – деганидан кейин кўл узатди.

Овқат маҳали Ойпопук негадир бўшашиб ўтирди. Ошдан ҳам тузук емади. Биз Усмон ака билан ўзимизнинг ишларимиз, кузги сабзавот, янги очилмоқчи бўлган ер ва бошқа ишлар ҳақида гаплашдик. У чурқ этмади. Лекин сезиб ўтирибман, ер остидан менга қараб-қараб кўяди.

Вақт алламаҳал бўлганда ўрнимдан туриб хайрлашдим. Эшикка етганимда Ойпопук:

– Ўктам ака! – деб чақириб қолди. – Сўраган китобингиз қолиб кетди.

Ҳайрон бўлиб, тўхтаб қолдим. Мен ундан ҳеч қандай китоб сўрамаган эдим. Ойпопук югуриб олдимга келди. У алаҳсирарди.

– Кечирасиз, – деди паст овозда. Афтидан, гапиришга қийналарди. – Китоб... шунчаки баҳона. Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим...

– Нимани?

– Мен... мен... ёқаманми сизга?

– Нима? – деб юбордим шошиб, юрагим дукиллаб уриб кетди.

– Кечирасиз, – деди у ҳам шошиб. – Бундай демоқчи эмас эдим. Кечирасиз, – у лабини тишлади. – Шу кунларда менга нима бўлганини билмайман. Ғалати бўлиб қолдим. Касалликдан эмас бу, йўқ. Дадамлар ҳам ҳайронлар. Сезяпман. Сиз мени билмайсиз. Мен бунақа эмас эдим. Мендан кулманг!

Ойпопук жимиб қолди. Унинг кўзларида ёш йилтирарди.

– Кўйинг, – дедим титроқ кўлларини ушлаб. – Сиз жуда яхши қизсиз. Нега сиздан кулар эканман? Ишонинг, гапим чин. Сизни, сизни жуда ҳурмат қиламан!

– Ростданми?

– Ёлғонни ёмон кўраман.

У кўлимни маҳкам қисди-да, чеҳраси ёришиб, орқасига қайтди.

«Нима бўлди ўзи? – дедим кўчага чиқиб. – Унга нима бўлди? Наҳотки мени севиб қолган бўлса?!»

8

«Наҳотки мени севиб қолган бўлса?!» – дердим мен ўз-ўзимга. Бунга ўзимни ишонтиришга ҳаракат қилиб, севинардим ва айни вақтда нимадандир чўчирдим.

Севинишимнинг сабаби – шундай ажойиб қизнинг менга муҳаббат кўйишини бутун вужудим билан истаганим эди. Ҳа, мен унинг мени севишини истардим. Унинг севгисисиз ҳаётнинг менга қизиғи йўқ эди. Бунини энди яхши билардим. Чунки, мен уни аллақачон яхши кўриб қолган эдим. Мен уни бетоблигида бориб кўрганимда эмас, аллақандай китобни баҳона қилиб, мен билан ғалати хайрлашганида ҳам эмас. Йўқ, мен уни Яккачинорга биринчи келган куним ловуллаб турган гулхан ёнида кўрганимда, юзлари анордек қизариб, сокин рақс тушганида, уятчанлик билан кўзларини яшириб, эшитилар-эшитилмас салом берганида севиб қолган эдим. Биринчи кўрганимдаёқ безовта бўлиб, юрагимни қандайдир ҳали менга таниш бўлмаган лаззатли туйғу қоплаган, ҳаётнинг янги бир сеҳрли дунёси менга ўз қучоғини очган эди. Мен бунини Ойпопукларникидан ярим кечада қайтаётганимда тушундим, тушундим ҳамма нарса бошқача туюлиб кетди. Қоронғи бўшлиқда хирагина қалқиб турган ой прожектор сингари йўлимни ёритди, юлдузлар чарақлай бошлади, уйлар, дов-дарахт кумушдек ярқираб, ажойиб хусн кашф этди. Жимжит қишлоқни тонггача айланиб юрдим.

Ойпопук, Ойпопук!.. Булоқдек тиниқ, соф инсон, тенги йўқ қиз!.. Уни севмай бўлармиди?! У ҳаётнинг

Ўзи, у – келажак, битмас-туганмас орзулар!.. Ҳали-ҳали унинг шўх кулгилари, юракни аллаловчи гаплари, кўнғироқ овози қулоғим остида жаранглайди, тиззаларини қучоқлаб, битта-битталаб гуруч тозалаб ўтиргани кўз олдимдан кетмайди...

Ҳа... Мен унинг менга муҳаббат қўйишини истардим ва айни вақтда нимадандир чўчирдим. «Мени севмаса-чи? – дердим ўзимча. – Шундай, яқин олиб юрган бўлса-чи?» Аёлларнинг жуда мураккаб ва муғамбир бўлишини эшитганман. Лекин Ойпопукни шундай аёллар қаторига мутлақо қўшгим келмасди. Тўғри, у жуда мураккаб табиатли қиз эди. Уни дарров тушуниш, гапираётганида хаёлида нималар кезаётганини билиш анча қийин, кўпинча эса мутлақо мумкин эмас эди. Хўш, севмаса нега бундай тутади ўзини? Нега бундай ғалати фол очади? Унинг ҳақидаги фикрларимдан нега худди ёш боладек хурсанд бўлиб, чапак чалади? Бошим қотди. Учрашишга, бутун дардимни тўкиб солишга аҳд қилдим.

Эртасига уйига бордим. Уй берк эди. Қайтиб кетаётиб, идоранинг олдида Фаридани учратиб қолдим. Иккалови ўртоқ эканлигини, мактабни бирга тамомлаганликларини билардим. Ҳар қандай уятни йиғиштириб қўйиб, сўрадим:

– Ойпопукни кўрмадингизми? Уйда йўқ. Тузукмикан?

– Тузук, – деди Фарида. – Бугундан ишга чиққан. Фермада. Нима эди?

Жавоб беришга сабрим чидамай, фермага югурдим. Аммо у ерда ҳам йўқ эди. Ҳозир шу ерда эди, қаёққадир кетди, дейишди. Қаёққалигини айтишмади. Бутун қишлоқни айланиб чиқдим, аммо тополмадим. Кунни зўрға ўтказдим-да, кечқурун уйига бордим. Усмон ака айвонда чўт қоқиб, қандайдир хужжатларни текшириб ўтирарди. Ойпопук кўринмади. Сўрашга эса, ботинолмадим. Бир маҳал, унинг эшиги очилиб, у чиқди. Лекин... лекин кўриши билан қайтиб кириб кетди.

Ҳайрон қолдим. Юрагим орқамга тортиб, оёқларимга-ча бўшашиб кетди. Анча ўтирдим. Лекин у чиқмади.

Хомуш бўлиб уйга қайтдим.

Мавлон Шаҳодат хола билан гаплашиб ўтирарди.

– Собирдан хат келибди, – деди у мени кўриб. – Минг метр баландликдан парашютда сакрабди.

Собир кампирнинг ўғли эди.

– Яхши, – дедим парвосизлик билан.

– Ҳа, кайфингиз бузуқ? – сўради доктор. Индамадим.

– Бу кишининг мучали қишми дейман, нима бало?! – деди Шаҳодат хола. – Сал нарсага куюнаверасизми, болам? Мундоғ ёзилсангиз-чи!

Эринибгина жилмайиб қўйдим. Гапиришга мажолим йуқ эди.

Зўрға тунни ўтказдим. Бошим гувиллаб оғрирди, нима қилишимни билмасдим. Руҳим тушган, кайфим бузуқ эди. «Нега бундай қилди? Нега бирдан ўзгариб кетди?» – ўйлардим нуқул. Қанча ўйласам ҳам ўйимнинг тагига етолмасдим. Кечқурун правление йиғилиши бўлди. Йиғилишда худди нина устида ўтирган-дек ўтирдим. Юрагимга ҳеч нарса сиғмасди. Йиғилиш тамом бўлиши билан отилиб эшикка чиқдим.

– Ўктам ака! – деди шу пайт орқамдан кимдир. Ўғирилдим, Фариди эди.

– Хўш?

– Манави хат сизга, – деди у. – Попук бериб юборди. Юрагим ҳапқириб кетди. Хатни шу ердаёқ очиб ўқий бошладим.

«Безовта қилганим учун кечиринг, – дейилган эди хат-да. – Сизда зарур ишим бор. Дарё лабидаги ўша ўзингизга таниш бўлган харсангтош ёнида кутаман. Йиғилишдан чиқиб келинг. Ўтиниб сўрайман. Ойпопук».

Менга жон кирди. Хатни маҳкам ушлаганимча ол-мазорга қараб югурдим.

Ойдин кеча эди. Ҳамма ёқ кумушранг нурга кўмилган. Жимжитлик. Фақат олма барглари сеҳрли шитирларди. Харсангтош олдида нимадир қорайиб кўринди. Ойпопук! Юрагим баттар ўйнаб кетди. Яқинлашдим. Ойпопук менга ўгирилди, унинг кўзлари чарақларди.

– Салом. Тинчликми? – дедим муздек кўлини қисиб.

– Тинчлик. Мени кечиринг, – деди у. – Бемаҳалда қиз боланинг бундай пастқам жойга эркак кишини чақириси одобдан эмас. Биламан. Лекин мажбур бўлдим. Мен... мен...

У жимиб қолди. Боши эгилди, бирдан елкалари титраб кетди. У йиғларди.

– Нима бўлди ўзи? Айтсангиз-чи! Мени қийнаманг! – дедим ўпкам тўлиб бораётганини сезиб.

– Мен... мен.. сизни яхши кўриб қолдим...

Ойпопук шундай деб, бошини кўкрагимга ташлади.

– Мен ҳам... мен ҳам!.. – дедим уни бағримга босар эканман. – Ўша биринчи кўришган кунимизоқ яхши кўриб қолдим!.. Гулхан ёнида...

– Ростданми? – сўради у бошини кўтармай.

– Ростдан, ростдан! – дедим мен. – О, қандай яхши! Ойпопук, жоним!.. – ўпа бошладим. У индамасди. Кейин ҳозиргина менга бахт ато қилган лабларидан ўпмоқчи бўлиб, ёниб турган қулоқларини қисиб, бошини кўтардим. Унинг жиққа ёш кўзлари меҳрибонлик билан менга тикилди. Бирдан у силтаниб кўлимдан чиқди. Харсангтошнинг иккинчи томонига ўтди-да, менга тескари ўгирилиб, унга суянди. У йиғидан тўхтаган, лекин хомуш эди. Ёнига бориб, биллагидан ушладим.

– Кўйинг, – деди кўлини тортиб. – Сизни бунга чақирмаган эдим. Кўрққанам бўлди. Шундан кўрққан эдим.

– Нима бўлди? Нима деяпсиз ўзи? – сўрадим мен.

– Ўктам ака, – деди Ойпопук саволимга жавоб бермай, жиддий оҳангда. – Сиздан катта илтимосим бор. Шуни бажарсангиз, мен сиздан бир умр миннатдор бўламан.

– Айтинг, қандай илтимос?

– Кетинг бу қишлоқдан... Бутунлай кетинг.

– Нима?! – ҳайрон бўлиб қолдим. – Нима деяпсиз ўзи?

– Кетинг, деяпман, – Ойпопук менга тик қараб гапирди. – Ёшсиз. Яхши қизлар кўп бошқа жойларда ҳам, ўтиниб сўрайман, кетинг. Мен билан ҳаётингиз азобда ўтади.

– Ундай деманг, – дедим мен жаҳл билан. – Нега азобда ўтар экан? Мени севасиз-ку!

– Ҳа, севаман, жудаям севаман. Лекин... лекин, – деди Ойпопук. – Мен ўзимни яхши биламан. Яримта одам билан ҳаёт қуриб бўлмайди. Мен эса, сиз билан бўлсам яримта бўлиб қоламан.

– Нега ахир?

– Дадамлар-чи? У киши менинг туғишган отам эмас. Лекин мен учун туғишган отамдан ҳам азиз. Ташлаб кетолмайман. Худди менга ўхшаб, у ҳам ёлғиз. Мени деб ҳатто турмуш қурмаган. Мен ҳам ўзимни унга бағишламоқчиман. Бунинг учун мен ҳамма нарсадан, севгимдан ҳам, бахтимдан ҳам воз кечишим мумкин. Кетинг. Агар мени севсангиз, кетасиз. Ахир, айтинг, бир одам ўзини икки кишига бағишлай оладими?

Мен турган жойимда қотиб қолган эдим. Ҳозиргина юрагимни ёритиб турган бахт чироғи сўнаётгандек эди. Унинг охириги сўзлари мени ўзимга келтирди.

– Мен ҳамма нарсага тайёрман, – дедим ҳаяжон билан. – Нима десангиз, шуни қиламан. Фақат сиз билан бирга бўлсам бўлди. Ҳайдаманг, Ойпопук!

– Йўқ, йўқ! – у кўзларини юмди. – Кетинг, ўтинаман, кетинг. Севаман, дедингиз-ку! Мени қийнаманг.

– Хўп, – дедим ниҳоят. – Ҳозир кетайми?

– Ҳа, ҳозир кетинг.

Бутун вужудим бўшашиб, маст одамдай гандираклаб йўлга тушдим. Мен йиғлардим. Бирдан оғир йўқотиш бошимга тушганига йиғлардим. Боягина кўзимга минг хил рангда товланиб кўринган дунё қоронғи зимистонга айланди. Тимирскиланиб олмазорга кириб кетдим. Шу пайт:

– Ўктам ака! – деган чинқироқ овоз қулоғимни тешиб юборай деди.

Тўхтаб қолдим.

– Ўктам ака! – деди яна шу овоз. Энди яқинроқдан эшитилди. Қулоқ солдим. Кимдир мен томонга югуриб келарди. Танидим. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Бу Ойпопук эди! У югуриб келиб, ўзини бағримга отди-да, йиғлаб юборди...

9

Ўша куни димоғимда нозик, ёқимли ҳид қолдириб, Ойпопук кетди. Мен ҳам уйга йўл олдим. Кайфим чоғ эди, лабларимда табассум ўйнардди. Уйга кирганимда доктор отамдан хат келганини айтди. Олиб ўқий бошладим.

«Ўғлим, – деб ёзибди отам. – Сўнгги хатингни олиб хурсанд бўлдим. Яккачинорнинг яхши жойлигини билардим. – Эскадронимиз 29-йили ўша қишлоқда турган, лекин сенга бунчалик ёқиб қолишини ўйламаган эдим. Кетиб қоласанми, деб қўрқиб юрувдим. Энди кўнглим жойига тушди. Оғир бўл, ножўя ишлар қилиб қўйма.

Менинг аҳволимни сўрасанг, ёмон эмас. «Семашко»га ётинг дейишяпти. Ётгим йўқ, тузукман.

Ҳа, айтгандай, бир нарсани сўрамоқчи эдим. Хатинг бу гал анча тарқоқ, эга-кесимининг тайини йўқ. Тинчликми ўзи, ё ишинг кўплигидан шошиб ёздингми? Бир кун олдин, бир кун кейин, шошма.

Салом билан отанг».

Ўша заҳотиёқ жавоб ёздим.

«Хатингизни олдим, – дедим унда. – Саломатлигингизни билиб, хурсанд бўлдим. «Семашко»га ётсангиз, яхши бўлармиди? Ҳар ҳолда, юрак билан ўйнашиб бўлмайди.

Менинг ишларим яхши. Аввалги хатимнинг тарқоқлигига сабаб кўп. Бу ер менга жуда ёқиб қолди.

Кузнинг охирларида икки-уч кунга бориб келаман. Шунда бафуржа гаплашармиз».

Ҳа, Яккачинор ҳақиқатан ҳам менга ёқиб қолган эди. Ўзимни бахтли ҳис қилардим. Инсон ўзи билмаган, лекин тусмол қилиб юрган бутун орзуларига етишади-ю, бахтли бўлмайдимми?!

Биз Ойпопук билан ҳар куни учрашардик. У дадасига турли баҳоналарни қилиб, уйдан чиқарди, бир-икки соат дарё лабида, олмазор ичида айланардик, гаплашардик... Гапимиз сира адо бўлмасди. Ҳаяжон, ҳазил, кулги аралаш тузилган минг хил режа, минг хил орзуларни, ҳаттоки оддий гапларни кунда минг мартадан қайтарсак ҳам жонимизга тегмасди. Аксинча, ҳар гал ҳар хил жарангларди.

Ёшликдаги орзу, режаларни биласизми? О, бу орзулар!.. Қандай ширин, лаззатли... уларни тилга олиш биланоқ ўзингизни ўзга дунёда ҳис қиласиз, қалбингиз тўлқинланади, кўзларингизда, лабларингизда табассум ўйнайди.

Бир қарасангиз, қуш бўлишни орзу қилиб, турналар сингари кўкда парвоз қилардик. Бир қарасангиз, дала-лар, қир, тоғ-тошлар ошиб, севгимизни бутун дунёга жаранглатиб куйлардик. Бизнинг юзга киришимиз аниқ эди. Шу юз йил ичида қиладиган ишларимиз ҳам аниқ эди. Ойпопук доим ёнимда бўлади. У мендан бир қадам силжимайди. Менга тикилиб ўтиради, албатта кечкурун, ишдан кейин. Дадаси ҳам биз билан бўлади. У биз билан бирга яшайди, биз билан барабар умр

кўради. Унинг биздан олдин ўлиб кетиши мумкин эмас. Шундай одамнинг ўлиши мумкинми? Иккаламизга баравар дада бўлади. Мен ҳам отамни олиб келаман. Биз ишда бўлганда, иккалови зерикмай ўтиришади. Биз кўп саёхат қиламиз, бутун дунёни айланиб чиқамиз. Яккачинорда эса, биз бормаган жой қолмайди.

Бир куни биз, одатдагидек, дарё лабида учрашдик. Кузнинг ўрталари эди ўшанда. Боғлар, далалар олтин тусга кирган. Ҳаво бир оз совиган бўлса ҳам, илиқ шамол эсарди. Биз оёқларимизни сувга осилтириб, дарёга тикилиб ўтирардик.

– Ўктам ака, – деди бир маҳал Ойпопук, – эсингиздами, худди шу ерда «Денгиз сирлари»ни ўқиб ўтирганимда, сир кўп эканми денгизда, деб сўрадингиз. Эсингиздами?

– Ҳа, сиз ҳали билмайман, дедингиз. Тўғрими?

– Тўғри. Эсингизда экан. – У кулди.

– Нима эди? – сўрадим мен.

– Денгизда сир кўп экан, – деди у хаёлчан. – Одамларда ундан ҳам кўп бўлса керак-а?

– Ҳа, ундан ҳам кўп, – дедим мен. – Лекин улар ўз сирларини яширмайдилар. Яширишса, шундай гўзал жойларда яшармидик?

– Сизнинг ҳам сирларингиз борми? – сўради у кўзларини айёрона сузиб.

– Сиздан яширадиган ҳеч қандай сир йўқ менда.

– Қайдам?.. – у оёқларини шапиллатиб, кўзларини айёрона сузди.

– Нима, менга ишонмайсизми?

– Қайдам?

Мен унинг ҳазиллашаётганини билардим, лекин билсам ҳам негадир ташвишландим.

– Ахир, кечагина, ишонаман, деб айтган эдингиз-ку!

– Кеча бошқа, бугун бошқа, – деди у қошларини чимириб. – Кеча ҳаво булут эди, бугун эса очик.

У хахолаш билан бирдан ўрнидан турди-ю, пешонамдан ўпди.

– Сизни яхши кўраман. Ишонаман. Юринг, тоққа чиқамиз!

Ойпопук туфлисини кўлига олиб югуриб кетди. Мен ҳам ўрнимдан турдим. Чинорли қояга етиб келганимизда кун анча оғиб қолган эди. Ҳаво ҳам салқин эди. Курткамни ечиб, қорамтир билакларини кучоқлаб олган Ойпопукнинг елкасига ташладим. Осмонда катта-катта булут парчалари сузиб юрарди. Улар орасидан тушиб турган ингичка шуълалардан чинорнинг қизғиш барглари олтин тангалардек ярақларди. Кўзим қамашиб кетди.

– Юринг, қояга чиқамиз, – деди Ойпопук, – сира чиққан эмасман.

Тошдан-тошга битта-битта оёқ кўйиб, қоянинг устига кўтарилдим.

– Вой-бў! – деб юборди Ойпопук атрофга қараб.

Кўз олдимизда ажойиб манзара очилган эди. Бутун қишлоқ, паст-баланд уйлар, боғлар, полизлар, тўлқинланиб оқаётган дарё тагимизда эди. Тепамизда эса баланд қоялар, оқ-қора булутлар, ғувиллаган шамол!

– Қандай чиройли! – деди Ойпопук энтикиб.

– Ҳа, жудаям, – дедим мен.

– Тез-тез келиб турамиз, хўпми?

– Хўп.

– Мен қишлоғимизнинг бунчалик чиройлилигини энди билдим! Қаранг, ҳов ана, уйимизни кўряпман. Ҳов ана, толнинг тагида. Кўряпсизми?

– Ҳа, ҳов ана идора.

– Ҳа. Сизнинг уйингизни топиб берайми? Ойпопук баҳайбат чинорга яқинлашиб, суянди.

– Топдим, топдим. Бу ёққа яқин экан-ку! Қаранг.

Унинг ёнига бориб, мен ҳам чинорга суяндим.

– Ҳа. Доктор уйдага ўхшайди. Дераза очиқ.

Бир маҳал Ойпопук титраб кетди-да, менга ёпишиб олди.

– Қаранг! – деди қўли билан пастни кўрсатиб. Қарадим-у, юрагим орқамга тортиб кетди. Қоянинг таги қандайдир чуқур бўшлиқ эди. Кичкина жилға худди илондек тўлғаниб оқарди. Катта-кичик тошлар атрофида думалаб ётарди.

– Шу ердан тушиб кетган одам ўлса керак-а? – деди Ойпопук сирли оҳангда.

– Ҳа. Чуқурлигини қаранг. Бунчалик баланддамиз, деб ўйламаган эдим.

– Мен ҳам. – Ойпопук ўйланиб қолди, бир оздан кейин деди: – Балки хотинини ташлаб кетган йигит шу ердан йиқилиб ўлгандир?

– Қайси йигит?

– Яккачинор афсонасидаги йигит-да. Менинг унга раҳмим келади. Бечора қандай азоб чекканикин?

– Юринг, қайтамиз, – дедим гапни бошқа ёққа буриш учун.

– Йўқ, йўқ. Яна бир оз турайлик, – деди шошиб Ойпопук ва қўлимни ушлади. – Қаранг, қуёш ботяпти. У худди сўнаётган вулқонга ўхшайди. Сиз қуёш ботишини яхши кўрасизми? Мен жуда яхши кўраман. Шундай қараб ўтираверсам, ўтираверсам. У ботиб, қоронғи тушишини эса, ёмон кўраман. Ҳамма жониворлар ҳам буни ёмон кўрса керак. Нега бўлмаса сигирлар маърайди, товуқлар қақиллайди? Мен ҳам ўзимни ёмон ҳис қиламан. Ичимда нимадир узилиб кетгандай бўлади. Ўктам ака?

– Лаббай? – дедим унинг гапларига берилиб.

– Мени яхши кўрасизми?

– Жудаям!

– Мени ҳеч ёлғиз ташлаб кетмайсиз-а?

– Йўқ!

– Доим мен билан бирга бўласиз-а?

– Ҳа!

– Сизсиз бир соат ҳам, бир дақиқа ҳам туролмайман, денг!

– Сизсиз бир дақиқа ҳам туролмайман.

– Мен ҳам. Мен ҳам сизсиз бир дақиқа туролмайман. Сизни сира ҳам, сира ҳам ёлғиз ташлаб кетмайман. О, мен нақадар бахтлиман, бахтлиман!

Ҳа, биз иккаламиз ҳам бахтли эдик. Гўё, дунё фақат биз учун яратилгандек, ундаги ҳамма нарса, бепоян далалар ҳам, кўкўпар тоғлар ҳам, кумуш дарёлар, жилғалар, лоларанг чамандек ястаниб ётган боғлар ҳам биз учун, ёлғиз биз учун барпо этилгандек эди. Қайтаётганимизда сўрадим:

– Усмон акамга нима дейсиз?

Ойпопук қизариб кетди.

– Ҳар кунги гапимни айтаман. Фаридаларникидай-дим, дейман.

– Ҳеч нарсани сезмаяптиларми?

– Йўқ, – деди у хаёл суриб. – Сезмаётган бўлсалар керак. Айтиш керак эди. Лекин қандай қилиб айтаман?

– Мен айтайми?

– Йўқ, йўқ, – деди шошиб Ойпопук. – Мен ўзим... ўзим айтаман. Бари бир, айтиш керак-ку ахир. Яшириб бўлмайди.

– Қиз боласиз, қийин бўлар? Мен айтақолай?

– Йўқ, – деди у, – дадамлардан ҳеч нарсани яширмайман. Бунга ҳам айтаман. Лекин... икки кундан бери нашъалари паст.

– Ҳа, мен ҳам сездим, – дедим мен. – Лекин нега? Колхозда ишлар ёмон эмас.

– Мен биламан, – деди Ойпопук. – Тошкентда бир ўртоқлари бор эди. Қосим ака деган. Инженер. Шу киши қамалибди.

– Қамалибди? – ажабланиб сўрадим мен.

– Ҳа.

– Нега қамалибди?

– Ҳеч ким билмайди. Уйдагилар ҳам. Дадамлар, адашиб қамалгандир, бунақа воқеалар бўлиб туради, дейптилар. Қосим ака бизникига кўп келиб турардилар. Ўтган йили кузда Яккачинорга ҳам келиб, уч-тўрт кун туриб кетганлар. Доктор у кишига жуда ёқиб қолган эди. Айниқса, пазандалиги. Яккачинорга яна келсам, Мавлонжоннинг оши учуноқ келаман, деган эдилар. Урушда ҳам бўлганлар, кўп қийинчиликларни тортганлар. Асирда бўлганлар-да, кейин қочганлар. Польшадан. Анча вақт ишга жойлашолмай юрдилар. Дадам жойлаштириб қўйдилар. Эҳ, тортган азобларини гапириб берсалар, юракларингиз эзилиб кетади. Ўктам ака, адашиб қамалгандир-а, нима дейсиз?

– Менимча ҳам шундай бўлса керак, – дедим мен.

– Бирам яхши ойилари бор. Худди кўғирчоқнинг ўзи дейсиз.

Ойпопук кулди.

– Уйларида кўп бўлганман. Мени нуқул пучуқ, дейдилар. Мен пучуқманми?

Ойпопук эркаланиб менга қаради.

– Пучуқсиз, – дедим мен. Иккаламиз кулдик.

Уйга келганимда Мавлон юзига журнал ёпиб, каравотда ётарди.

– Ҳа, доктор? Касалмисиз? – дедим ҳазиллашиб. У уҳ тортди.

– Туринг, овқатланамиз. Шундай қорним очди.

– Кўпроқ юринг, – деди у заҳархандалик билан, кейин кўшиб қўйди. – Тағин менинг тегишимни ҳам тушириб қўйманг. Ўлаётган бўлсам ҳам овқатни ейман. Менга қаранг!

– Хўп, қарадим, – дедим овқатга ёпишиб.

– Мен кетаман.

– Қаёққа?

– Шаҳарга. Бу ерда мен ишлолмайман. Йўқ. Кетаман.

– Жиннилик қилманг.

– Бу жиннилик эмас. – Доктор ўрнидан туриб, ёнимга келиб ўтирди. – Бир йилдан ошди, чидадим. Энди тоқатим йўқ. Қишлоқ – қишлоқда. Умрим бекорга ўтиб кетадиганга ўхшайди. Медикка шаҳар керак.

– Фарида-чи? – сўрадим мен.

Уларнинг сўнгги пайтларда бир-бирларига бошқача қараб юришганини билардим.

– Нима бўпти? Қиз бола бировнинг хасми, – деди Мавлон бепарволик билан. – Жойлашгач, олиб кетаман.

– Рози бўлармикин?

– Кўндираман, – деди қатъийлик билан у.

– Ихтиёрингиз, – дедим мен овқатдан бош кўтармай, Мавлон мендан бундай жавобни кутмаган эди шекилли, бўшашиб қолди.

– Эртага бир ош қилайлик, – деди анчадан сўнг менга айбдорларча боқиб. – Қўлболадан озгина бор. Кетар жафосига ярайди.

– Ошингизнинг тарихини Тошкентда ҳам билишаркан, – дедим Ойпопукнинг гаплари эсимга тушиб.

– Йўғ-е, ким билар экан? Э-ҳа, инженер Воҳидовми? Ўтган йили кузда келган эди у. – Мавлоннинг чехраси очилиб кетди. – Ошни шу чойхонада қилиб берган эдим. Жуда очиқ, сергап одам. Уч кун турибди-ю, биттамизга оғиз очирмабди-я! Тағин нималарни гапиради денг? Нуқул қандайдир шпиндель-мпинделларни!

– Шу одам қамалибди.

– Қамалибди? Нега?

Елкамни қисдим. Мавлон ҳам жимиб қолди.

Кўп ўтмай ётдик. Дарров кўзим илинди. Мавлон ҳам хуррак ота бошлади. Бир маҳал чўчиб уйғониб кетдим. Кимдир жонҳолатда деразани тақиллатарди.

– Ким, ким? – шошиб очдим. Ойпопук экан.

– Дадамлар! Дадамларни!.. – деди у энтикиб ва гапиролмай хўнграб юборди.

– Бу ёққа киринг! Нима бўлди ўзи? – деб эшикка югурдим. Ойпопукни қўлтиқлаб олиб киргунимча, уйдагилар аллақачон туришган эди. Шаҳодат хола лаблари титраб гапиролмасди. Мавлоннинг ранги қув ўчиб кетган. Нуқул энтикаётган Ойпопукка қараб қолган эди.

– Нима бўлди? – дердим мен нуқул ва зўр бериб Ойпопукни хонага олиб киришга ҳаракат қилардим.

Стулга ўтқазганимда ўзини босиб олди шекилли:

– Дадамларни... дадамларни... қамоққа олиб кетишди, – деди ва ҳушидан кетиб қолди. Мавлон уйқуси қочиб, нима бўлганига тушунди ва Ойпопукни мендан олди. Оғзи очилиб, бизга қараб турган Шаҳодат хола бирдан:

– Вой, вой шўрим! – деб бақириб юборди. Бирпасда уй қўни-қўшнига тўлиб кетди. Ҳовлини қий-чув босди. Аёллар бир-бирларига кулоқ солмай, нималарнидир ҳовлиқиб гапиришар, ора-сира йиғлаб ҳам олишарди. Ҳайдарали ака, колхоз парторги келиб, ҳаммани ҳайдаб юборди-да, хонанинг эшигини беркитди. Ойпопук ўзига кела бошлади. Бир оздан сўнг кўзларини очиб, хонадагиларга бир-бир қараб чиқди-да, пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Йиғлама, қизим, – деди Ҳайдарали ака. – Эрталаб ҳаммаси аён бўлади. Отангнинг гуноҳи йўқ, мен билман. Англашилмовчилик бўлса керак бу. Эрталаб ҳаммаси аён бўлади. Отангнинг гуноҳи йўқ. Йиғлама.

Ойпопук ўрнидан турмоқчи бўлиб, кўзғалди.

– Турманг, – деди Мавлон. – Бугун шу ерда ётинг.

– Ҳа, шу ерда қолинг, – дедим мен ҳам.

– Қаёққа борасан? Шўтга қол! – деди Шаҳодат хола.

– Шу ерда қол, – деди Ҳайдарали ака ва менга ўғирилди. – Эрталаб идорага йиғилайлик.

– Хўп, – дедим мен.

– Энди ётинглар, ҳали эрта, – деди Ҳайдарали ака. – Бари бир фойдаси йўқ.

У кетди. Лекин ҳеч қайсимиз мижага қоққанамиз йўқ. Тонг отиши билан идорага бордим. Усмон аканинг кабинети одамлар билан лиқ тўла эди. Кўп ўтмай Саксонбой ота билан Ҳайдарали ака ҳам келишди. Ҳамма негадир жим, ҳеч ким гапни нимадан бошлашни билмасди. Бу аянчли сукунат анча давом этди. Ниҳоят, Саксонбой ота чидай олмади шекилли, мендан сўради:

– Ойпопукка нима қилибди, ётибдими?

– Ётибди, мазаси йўқроқ, – дедим мен.

– Нима қиламиз? – деди Ҳайдарали ака ҳаммага бир-бир қараб чиқиб. – Бир нарса қилиш керак.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Мен кечаси бутун ишларимни хомчўт қилиб чиқдим, – деди Ҳайдарали ака. – Колхозда чатоқлик йўқ. Бошқа иш бўлса керак, чамамда, фақат Усмонжоннинг ўзига алоқадор бўлган иш.

– Нима иш бўлиши мумкин? – сўради Саксонбой ота. – Доим катта-катта ишларда ишлаб келган. Доим мукофотланиб юрган.

– Билмадим, – унинг гапини бўлди Ҳайдарали ака. – Менимча, қандайдир англашилмовчилик бўлса керак.

– Ишқилиб, шундай бўлсин-да, – деди кимдир енгил хўрсиниб, – яхши одам эди.

– Ҳа, тилла одам Усмонжон, менимча бундай қилсак... – деди Ҳайдарали ака бир оз ўйланиб. – Раис ўрнини билинтирмай ишлайверамиз. Ваҳимага тушиш керак эмас. Икки-уч киши районга борайлик. Ҳар ҳолда, у ерда билишса керак. Нима дейсизлар?

Ҳамма бу таклифни маъқуллади.

– Қизи нима бўлади? У ёлғиз-ку! – деди кимдир.

– Нима бўларди? – қизишди Ҳайдарали ака. – Ҳеч нарса бўлмайди.

– Фарида билан туради, – деди Саксонбой ота. – Ё бизникида, ё ўзиникида.

– Уч-тўрт кунлик гап бу, – деди Ҳайдарали ака. – Ҳеч нима қилмайди. Усмонжон келгунча Саксонбой ота айтгандай туратуради. Хўп, райкомга мен бораман. Яна ким боради?

– Мен! – дедим ўрнимдан туриб.

– Бўлмаса кетдик. Икки киши бўлади.

Ҳайдарали ака одамларга баъзи топшириқларни берди-да, эшикка чиқди. Кетидан мен ҳам чиқдим. Шу заҳотиёқ районга жўнадик.

– Жуда эрта кетяпмиз, – деди йўлда Ҳайдарали ака.

– Райкомда ҳеч ким бўлмаса керак.

Лекин бундай бўлиб чиқмади. Машинамиз гулзор ёнида тўхтаганда Қодировнинг ўзи чиқиб келаётганини кўриб қолдик.

– Жуда яхши бўлди, – деди Ҳайдарали ака. – Ўзини учратиб қолдик.

Қодиров бизни кўриб, қаршимизга юрди.

– Ҳа, бунча саҳарлаб юрмасаларинг? Салом, – деди у кўлини омонатгина чўзиб.

– Усмонжон кеча қамалди, – деди Ҳайдарали ака.

– Ҳа, эшитдим, – деди Қодиров. – Яхши бўлмабди.

– Сабабини билсангиз керак? – сўрадим мен.

– Афсуски, билмайман, – деди у бош чайқаб. – Билмайман.

– Нима қиламиз энди? – сўради Ҳайдарали ака.

– Сизлар қишлоққа кетаверинглар, – деди Қодиров.

– Суриштирамиз. Уч-тўрт кун сабр қилинглар. Айби бўлмаса ўзи ҳам келиб қолади.

– Унинг қанақа айби бўлиши мумкин! – деди зарда билан Ҳайдарали ака. – Тилладай соф одам!

– Биладан, биладан, – деди Қодиров уни бўлиб. – Суриштирамиз.

Қишлоққа қайтиб, ҳамма гапни одамларга етказдим-да, бизникига бордик.

Ойпопук ҳали шу ерда эди. Бизни кўриб, сакраб ўрнидан турди. Бечора қиз бир кечада чўп бўлиб қолибди. Ранги қув ўчган, киртайган кўзлари жавдирайди.

– Нима гап? Тинчликми? – сўради у ҳовлиқиб.

– Тинчлик, қизим, тинчлик, – деди Ҳайдарали ака вазминлик билан. – Хавотир олма. Дадангнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Бир оз сабр қилиш керак. Бир-икки кунда ҳаммаси равшан бўлади. Ё дадангнинг ўзи кириб келади. Сабр қиласанми?

– Ҳа, – дея Ойпопук итоаткорона бошини эгди. Орадан, Қодиров айтгандек, уч-тўрт кун эмас, бир ой ўтиб кетди. Райондан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ойпопукнинг бир ой ичида сурати қолди, холос. Бечора қиз тиқ этса эшикка югурар, ҳол-аҳвол сўраб келган одамларга, бирон янгилик айтишармикан, деб нажот билан боқарди.

– Мана, – деди бир куни у ҳоли учрашганимизда. – Ҳамма орзуларимиз булут парчаларидек тарқалиб кетди. Кетинг, деб илтимос қилганимда нега кетмадингиз? Мана, энди битта мен билан дадамлар эмас, сиз ҳам бахтсизсиз.

– Ундай деманг, – дедим мен юпатишга интилиб. – Дадангиз келади, яна ҳамма нарса ўз изига тушиб кетади.

– Йўқ, энди изига тушмайди, – деди у лабларига оқиб тушган ёшини артар экан. – Тушмайди. Юрагим сезиб турибди. Мен жудаям бахтли эдим. Бахт эса доимий нарса эмас. Дадамларга ачинаман. Яна ёлғиз қолдилар. Нима қилаётган эканлар ҳозир?

– Кўйинг, хафа бўлманг, яна бир оз сабр қилинг.

– Сабр!.. Сабр қилмай иложим қанча?

Лекин менинг иложим қолмади. Ҳайдарали ака билан маслаҳатлашиб, яна райкомга боришга қарор қилдим. Бордик. Қодировни топдик.

– Э, келинлар, – деди у бизни кўриши билан ўрнидан туриб, – ишлар яхшими? Дуруст, дуруст. Узумчи-

ликдан бу йил биринчи ўринга чиқибсизлар. Кеча ҳисоб қилишди. Дуруст, дуруст...

– Биз Усмонжон масаласи билан келувдик, – деди Ҳайдарали ака унинг гапини бўлиб.

– Ҳа, ҳа, тушундим.

– Биласизларми, – деди у бир оздан сўнг. – Кўп жойлар билан гаплашдим. Лекин натижа бермади.

– Айби нима экан?

– Билолмадим, билолмадим. Лекин ўзларинг айтинглари, айби бўлмаса қамалармиди?

– Айби йўқ унинг! – деди қизишиб Ҳайдарали ака. – Ҳалол одам-ку у ахир!

Қодиров елкаларини қисди.

– Биз уни яхши биламиз! – деди Ҳайдарали ака.

– Тўғри, – деди Қодиров секинлик билан. – Мен уни яхши билмайман. Лекин уни биладиган одамлар, ташкилотлар бор. Балки адаш қамалгандир, балки... Яна ким билади дейсиз. Мен кўлимдан келганини қилдим. Бир неча жойга телефон қилиб... суриштирдим. Хўш... Лекин нега қамалади, билмайман. Айби бўлмаса қамалармиди!

Қодиров қошларини чимириб, гап тамом, дегандай соатига қаради. Бўшашганимизча ташқарига чиқдик.

Қишлоққа келиб, Ойпопукка Қодиров айтган гапларнинг биронтасини ҳам айтмадик.

– Ўзи зўрға юрибди, – деди Ҳайдарали ака, – бунга эшитса, тамом бўлади-қўяди. Қодировнинг гаплари рост бўлса, кейин ўзи билиб олар.

Бу фикрга мен ҳам қўшилдим. Ойпопукка ҳали ҳеч нарса маълум эмас, деб қўя қолдик.

Яна бир неча кун ўтиб кетди. Ойпопук энди йиғламас, афтидан секин-аста кўника бошлаган эди. Лекин ҳамон чехраси сўлғин, камгап эди. Бу орада миямда бир фикр пайдо бўлди. Тошкентга тушиб, Қосим ака-

нинг оиласи билан гаплашиб келмоқчи бўлдим. Ахир иккаловининг бир вақтда қамалиши бежиз эмасдир! Фикримни Мавлонга, Ҳайдарали акага айтдим. Маъқуллашди. Ойпопук бўлса, севиниб кетди.

– Мен ҳам бораман! – деди у.

– Қандай қилиб борасан? – гапга аралашди Фарида.
– Эртага райкомда бўлишинг керак. Эсингдан чиқди-ми? Сени тасдиқлашади.

– Хаёлимдан кўтарилибди, – деди Ойпопук бўшашиб. – Энди нима қиламан-а? Жуда ҳам боришни истардим!..

Менинг ўзим ҳам ичимда унинг боришига қарши эдим. Нима қилади қийналиб? Яхши гап эшитсак майли. Ҳеч нарса билолмасак-чи? Қодировнинг гапларини у ерда ҳам эшитсак-чи?

– Сиз қолинг, – дедим. – Райком чақиртирган бўлса, шу ерда бўлишингиз керак.

– Хўп, – деди у, – сизга ишонаман. Қуруқ қайтмай-сиз.

– Албатта, – дедим мен. – Ҳаммасини суриштираман. Мана, кўрасиз, дадангиз чиқиб келадилар.

– Кошкийди...

– Ўзингизни қийнаманг. Ваъда берасизми?

Ойпопук индамади. Бағримга оҳиста босдим-да, иссиқ пешонасидан ўпдим...

Ўша куниёқ правлениедан рухсат олиб, Тошкентга жўнадим.

10

Отам мени ҳам севинч, ҳам ҳайрат билан қарши олди.

– Кутмаган эдим, – деди уйда ўтирганимизда гап орасида. – Ўзинг келдингми ё иш биланми?

Ҳаммасини гапириб бердим.

– Энди Қосим аканикига бораман, – дедим гапимнинг охирида. – Балки Усмон аканинг бунга алоқаси бордир?

– Усмон акангни... – деди отам менга диққат билан тикилиб, – яхши биласанми?

– Ҳа, – дедим мен. – Нима эди?

– Ўзим, шундай, – отамнинг негадир гапиргиси келмади. – Одамни билиш қийин. Баъзиларнинг тили бошқа-ю, дили бошқа бўлади.

– Билмадим, – дедим қандай жавоб қилишни билмай. – Лекин Усмон ака бунақа бўлмаса керак.

– Ишқилиб, шундай бўлсин, – деди отам. – Ўзингга эҳтиёт бўл.

– Нега бундай деяпсиз? – сўрадим ҳайрон бўлиб. Отам индамай кўрпача устида ётган газетани олиб, менга узатди-да:

– Тўртинчи бетдаги эълонни ўқи, – деди.

Ўқий бошладим. Булар ажралиш ҳақидаги эълонлар эди.

Отамга қарадим.

– Ўқи, ўқи, охиригача ўқи, – деди у

Яна ўқишга тушдим. Сўнгги сатрларда Санобар Воҳидова деган қандайдир аёлнинг Қосим Воҳидовдан ажралиши ҳақидаги аризаси шаҳар судида кўрилади, деб ёзилган эди. Ҳайрон бўлиб қолдим.

– Воҳидовни танийсизми? – сўрадим отамдан.

– Йўқ. Лекин ёмон гап тез тарқалади. Хўш, энди нима дейсан? – деди отам. – Айби бўлмаса ажралармиди? Асирликда бўлган экан, нималар қилган у ёқда, ким билади?!

Отам билан бўлган бу суҳбатдан сўнг Қосим аканикига оёғим тортмай бордим. Эшикни секин тақиллатдим. «Ким?» – деган хаста овоз эшитилди. Кўп ўтмай эшик очилди.

Олдимда оқ дока рўмол ўраган бир кампир турарди. Салом бердим.

- Алайкум салом. Келинг, болам? - деди кампир менга кўзларини тикиб. - Ичкарига кириг. Кимсиз, болам?

- Танимайсиз мени, - дедим унинг орқасидан ичкарига кириб.

- Судданмасмисиз?

- Йўқ. Мен қишлоқданман. Яккачинордан.

- Яккачинордан? - сўради кампир ҳовлининг ўртасидаги супага ўтириб. - Усмонжоннинг олдиданми?

- Ҳа.

- Вой айланай-эй, саломатмисиз? Усмонжон ўзи эсон-омон юрибдими? Попук қалай? Катта қиз бўлиб юрибдими? Анчадан бери кўрганим йўқ. Мактабни битирай дедими?

- Ҳа, битирган. Колхозда ишляпти.

- Барака топсин. Бирам ақлли қизки! Бирам ёқимтойки! Худди попукнинг ўзи дейсиз. Омин! Ҳамма бало-қазолардан худо ўзи асрасин, Оллоҳу акбар!

Кампир фотиҳа ўқиб, менга юзланди.

- Келинг, болам?

- Келинойим уйдадилар?

- Йўқ, ҳализамон келиб қолади. Нима эди?

- Усмон акам... Усмон акам қамалиб қолди.

- Вой шўрим? Вой шўр пешонам! Вой бола бечора!..

- Кампирнинг кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди. У энтикарди. Анчадан сўнг оғир хўрсиниб, рўмол учи билан кўзларини артди-да, менга қаради.

- Нега қамалди? Нима гуноҳ қилган экан?

- Билмаймиз, - дедим мен. - Қосим акамларнинг ишларига алоқадормикин, деб бу ёққа келдим. Келинойимлар билан суриштирсакмикин?

- Суриштиришнинг ҳожати йўқ, - деди шу тоб орқамдан бегона овоз.

Ўгирилдим. Бу ёш, келишган жувон эди. Қосим аканинг хотини эканлигини дарров пайқадим.

– Суриштиришнинг ҳожати йўқ, – деди у мен билан сўрашар экан янгитдан. – Ҳеч қандай натижа бермайди. Мен биламан.

– Сен ҳаммасини биласан, болам, – деди кампир истеҳзо билан.

– Ҳа, биламан, ойи! – деди жувон жиддий оҳангда. – Кесатманг.

– Билганинг учун ажралаётган экансан-да! – кампир йиғлаб юборди.

– Ҳа, билганим учун! – деди жувон ўзини жаҳлдан зўрға тутиб. – Майли, мендан хафа бўлаверинг. Лекин бир нарсани яхши билиб қўйинг. Ўғлингиз сизга қанчалик азиз бўлса, менга ҳам шунчалик азизлар.

Жувон шундай деб менга ўгирилди-да, оғир хўрсиниб, деди:

– Ҳозир ўша ёқдан келяпман. Усмон акам шу ерда эмиш. Қосим акам кўрибдилар. Лекин гаплаша олмаптилар. Менимча, Усмон акам Қосим акамнинг ишлари билан қамалган бўлсалар керак. Улар жуда яқин эди. Бормоқчимисиз?

Бошимни қимирлатдим.

– Фойдаси йўқ, – деди жувон. – Ҳеч нарса билолмайсиз. Саломат, дейишади, холос. Ҳеч нарса қилолмайсиз. Яхшиси, қайтинг, Ойпопукни овутинг, кўп қайғурмасин. Пешонамиздагини кўрамиз. Мендан салом айтинг. Сал тинчий, бораман ўзим.

Кампир билан хайрлашдим-да, эшикка йўл олдим. Жувон кузатиб қўйди.

– Менга қаранг, – деди кетаётганимда тўхтатиб. – Сиздан илтимос, ойимлар билан, бояги... ажралиш ҳақидаги гапимиз орамизда қолсин. Хўпми?

– Хўп, – дедим.

– Раҳмат.

Шундай деб, у кириб кетди. Эшик ёпилди. Мен жойимда туриб қолдим. Бошим гангиган эди. Ҳеч

нарсани тушунмас эдим. Аммо борган сари юрагимда пайдо бўлган ғулғула кучаярди. «Наҳотки рост бўлса? – дердим ўзимча. – Наҳотки Усмон ака айбдор бўлса!» – Шундай дердим-у, бу гапга ишонишимни ҳам, ишонмаслигимни ҳам билмасдим.

– Нима гап? – сўради отам уйга келганимда. – Бирон нарса билдингми?

– Йўқ, – дедим мен. – Лекин Қосим аканинг хотини, ҳаммалари бир иш юзасидан бўлса керак, деяпти.

– Ҳа... – деди отам ўйланиб. – Айби бўлмаса қамалмасди.

Мен индамадим. Назаримда, отам ҳақдай эди...

Ана шундай аҳмоқона, бир умрга мени бадбахт қилган гуноҳкорона ишонч билан учинчи куни қишлоққа қайтдим. Тўғри уйимга бордим. Мавлон ниманидир ёзиб ўтирарди.

– Нима гап? – деб сўради у ҳам отамга ўхшаб.

Ҳеч гап йўқ, дегандек бошимни қимирлатдим-да, каравотга чўзилдим. Мавлон ёнимга ўтирди. Қанча вақт ўтди, билмайман, бир маҳал:

– Ойпопукни тасдиқламади, – деди у. Ўрнимдан туриб кетдим.

– Алдаманг!

– Алдаб нима қиламан? – деди доктор. – Рост.

– Нега? Нима учун?

– Билмайман. Вақтинча сабр қилинг, дейишибди. Бошқа ҳеч нарса билмайман. Отаси учун бўлса керак-да!

– Отаси учун?

Мавлон индамади. Бўшашганимча ёстикқа ёнбошладим. Мен ўйлардим. Аммо мияга ҳеч нарса келмасди. Қоронғи тушди. Қаердадир товуқ кўрқув аралаш қақиллади. Мен ҳамон ёнбошлаб ётардим.

– Ойпопукни кўрдингизми? – сўради доктор.

– Йўқ, – дедим.

– Бормайсизми? Сизни кутиб ўтиргандир?

Бу гап мени ўзимга келтирди. Ўрнимдан туриб, Ой-попукларникига йўл олдим.

Ҳовлида Фарида мени қарши олди.

– Келдингизми! – деди у қувониб. – Попукнинг ма-заси йўқ. Ҳеч нарса емайди, ҳеч нарса демайди. Рай-комда тасдиқлашмади...

У пиқирлаб йиғлаб юборди.

– Эшитдим, – дедим мен, – ўзи қани?

– Уйда. Ўтирибди. Кўзи ойнада.

Ичкарига кирдим. Ойпопук дераза олдида ўтирар-ди. Эгнида нўхат гулли кўйлаги. Бошида дадасига ти-киб берган кўқон дўпписи. Ҳали-ҳали эсимда. Менинг кирганимни сезмади. Кўзларини олис-олисларга қа-даб ўтираверди. Маҳлиё бўлиб қолдим. Кўзларимга у бутунлай бошқача бўлиб кўриниб кетди. У анча улғай-ган, бутун қоматида, чимирилган қошлари бир-бири-га ёпишиб, ғунчадек тугилган лабларида салобат, ваз-минлик сезилиб турарди.

– Ойпопук? – дедим секин.

У чўчиб, орқасига қаради-да, севиниб кетди.

– Келдингизми?! – деди қаршимга юриб. – Сизни росаям кутдим. Лекин келгунингизча йиғлаганим йўқ. Мана, қаранг. Йиғлаганга ўхшайманми?

У ўзини қанчалик шўх тутишга ҳаракат қилмасин, қалтироқ овози, қовоқлари шишган кўзлари анча азоб тортганини, йиғлаганини билдириб турарди.

– Йўқ, ўхшамайсиз, – дедим жилмайиб.

– Хўш, нима гап? Қосим акамникига бордингизми?

Мен ҳаммасини айтиб бердим. Ойпопук яна хомуш бўлиб қолди. Кўзлари деразага қадалди, рангсиз лаб-лари ниманидир шивирлай бошлади.

– Йўқ! – деди у бир маҳал қатъий оҳангда. – Дадам-ларнинг айблари йўқ. Бу тухмат. Дадамларда айб йўқ.

– Ким билади, – дедим мен. – Айблари бўлмаса қамашмасди.

Бу гап, шу биргина шафқатсизлик билан айтилган гап мени умрбод бадбахт қилди, ҳамма нарсдан – азиз ва қимматли бўлган одамимдан жудо қилди. Нега шундай дедим, нима мажбур қилди, ҳозиргача билолмайман.

Ойпопук менга ялт этиб қаради. Унинг бу қараши-ни мен сира ёдимдан чиқара олмайман. Унинг кўзлари худди ғазабга келган шернинг кўзларидек ёнарди.

– Нима?! – деди у бўғилиб ва яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин айта олмади. У титрарди.

– Кетинг, – деди у бир маҳал босиқ овозда. – Кетинг бу уйдан.

– Ойпопук, ахир мен...

– Кетинг деяпман! – У кўзларини юмиб, мендан юзини ўгирди.

Чиқиб кетдим. Нега чиқиб кетдим. Нега қолиб юпатмадим, кечирим сўрамадим? Ахир ҳар қандай бағритош одам ҳам бундай қилмайди-ку! Энди ўйлаб кўрсам, мен ўшанда «ҳақоратланибман», ҳа, унинг «кетинг» деганидан ҳақоратланибман. Эҳ, бачкана ғурур, пасткаш одам!.. Мен Ойпопукдан хафа бўлибман-у, аммо ўзим уни ҳақоратлаганимни, ипақдек нозик қалбига бир гап билан ханжар санчиб қўйганимни сезмапман.

Уйга келганимда доктор ухлаб ётарди. Мен ҳам ётдим. Аммо уйқу келмади. Миямда минг хил фикр, лекин нималигини билмасдим. Фақат бир нарсани, тузатиб бўлмайдиган ҳодисанинг юз берганини ва бунга битта ўзим айбдор эканлигимни аниқ ҳис қилардим.

Орадан кўп вақт ўтмади. Дераза секин-секин тақиллай бошлади. Очдим. Фарида эди.

– Нима гап? – сўрадим ундан.

– Попук йўқ, – деди жавдираб. – Сиз кетганингиздан кейин, бир айланиб келаман, бошим оғрияпти, деб чиқиб кетувди, ҳалиям келмаяпти.

Деразадан сакраб кўчага тушдим. Нима қилишимни, қаёққа боришимни билмасдим. Юрагим дукуллар, дам йиғламсираб турган Фаридага, дам кўчага қараб аланглардим. Кейин дарё томонга югуриб кетдим. Барглари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолган олмазордан ўтиб, харсангтош ёнига бордим. Ойпопук йўқ эди. Қирғоқ бўйлаб чойхона томонга чошиб кетдим. У ерда ҳам йуқ эди. Орқамга қайтиб, узумзор томонга югурдим. Бир марта шу ерда айланган эдик. Йўқ, кўринмади. «Ойпопук, Попув-в!» – деб қичқирдим. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Кўрқиб кетдим. Қишлоққа югурдим. Ойпопукларнинг уйи одамга тўлиб кетган эди.

– Йўқми? – сўради Саксонбой ота.

– Йўқ, – дедим.

– Қаёққа кетдийкин?

– Қидирамиз! – деди Ҳайдарали ака.

Ҳамма ҳар тарафга тарқалиб кетди. Мен ҳам кетдим. Бирга бўлган жойларимизни бошқатдан айлана бошладим. Ойпопук йўқ эди. Ҳамма ёқ жимжит. Фақат олис-олислардан: «Попув-в! Попув-в!» деган бўғиқ товушлар эшитиларди...

Тонгга яқин Яккачинор ўсган қоя тагида Ойпопук топилди. Аммо у... жонсиз эди.

11

Дунё кўзимизга қоронғи кўриниб кетди. Мен ҳар қандай қийинчиликни кутган эдим, аммо бундай фожиа хаёлимга ҳам келмаган эди. Ҳамма ҳайрон. Унинг қандай қилиб ҳалок бўлганини ҳеч ким билмас эди. Лекин мен учун бунинг мутлақо аҳамияти йўқ эди. У қандай қилиб ҳалок бўлган бўлса ҳам, айбдори мен эдим. Ҳа, мен, шафқатсиз, кўрқоқ ўз тинчлигини ўйлаган бадбахт одам! Агар мен ўшанда биргина сўзни айтмаганимда, уни юпатганимда, ҳеч кимга қулоқ солмасдан, унга

ишонганимда, бу фожиа, бутун қишлоқни зилзилага солган бу мудҳиш фожиа юз бермасди. Ҳа, юз бермасди.

Буни яхши билардим. Шунинг учун ваҳимага тушиб қолдим. Нуқул йиғлайман. Тилимга сўз келмайди. Агар ўшанда: «Одамлар! Виждонини йўқотган одам мен, мен қотил! Мен уни, бу сахий, меҳрибон, катта қалб эгаси бўлган қизни, булоқдек соф, ҳаётининг ўзидай гўзал қизни ўлдирдим!» – деб ҳаммасини рўй-рост айтганимда енгил тортармидим? Йўқ, бу гапни айтмадим, айтолмадим, қўрқоқлик қилдим.

Ойпопукни дафн этиб қайтганимизда Мавлоннинг олдига кирдим.

– Доктор, – дедим унга. – Эсингиздами, кетаман бу ердан, деган эдингиз. Юринг, бирга кетамиз.

Мавлон ўйланиб қолди. Кейин менга еб юборгудай бўлиб тикилиб:

– Йўқ. Энди мен кетмайман, – деди. – Кетсангиз ўзингиз кетаверинг, катта йўл.

Ўша куниёқ Яккачинордан кетиб қолдим. Назаримда, бутун қишлоқ дов-дарахт, ўт-ўлан менга нафрат ва чексиз ғазаб билан қараётгандек эди... Кўкдаги юлдузлар ҳам сўник, кечагина тўлишиб турган ой булутлар орасига кириб йўқолган, йўлим қоронғи эди.

12

Орадан олти йил ўтди. Ҳаёт бутунлай ўзгариб кетди. Неча йиллаб берк турган деразалар очилиб, уйлар сахий қуёш нурига кўмилди. Кулги унутилган хонадонларда қадаҳлар жаранги, шўх қаҳқаҳа садолари яна пайдо бўлди. Кўчаларни ишонч билан ташланган дадил қадамлар босиб кетди.

Ишонч! Инсон ишонч билан тирик. Унга ишониш керак. Агар инсонга ишонилмаса, фалокат юз беради. Афсуски, мен буни кейин тушундим. Мендақалар эса озмиди?!

Мен уларга ачинаман. Инсонга ишонмай улар нима фойда кўришди? Нима орттиришди? Фақат ғам ва изтироб!

Мен-чи? Мен ғам ва изтиробдан ташқари ёлғизлик орттирдим. Ғамим бир умрга етади, ёлғизлигим эса у билан доим эш.

Яккачинордан кетиб қолганимдан бери фақат ишгина овунчоғим бўлди. Тошкентга келиб илмий-текшириш институтига кирдим. Эрталаб келаман-у, турли қоғозларга муккамдан тушиб, кунни кеч қиламан. Кейин ёлғизлик... Пушаймон, ўкинч. Менинг айбим умр бўйи ювилмаса керак. Баъзан қишлоқни ўйлаб кетаман. Ойпопук билан юрган жойларимиз, бепоён далалар, қир, шўх дарё, узумзор, боғлар бирма-бир кўз олдимдан ўтади. Докторни эслайман. Негадир малласоч бола – Баҳодир хаёлимга келади. Баъзан Шаҳодат холанинг серқатик мошхўрдаси димоғимни қитиқлайди. Усмон акани негадир кам ўйлайман. Лекин кўп тушимга киради. Тушларим негадир деярли бир хил: бепоён дала. Ўртасига қизил гилам тўшалган. Усмон ака шу гиламнинг устида оқ от миниб туради. Ойпопук унга оқ сариқ, қизил гуллардан гулдаста туттади.

Қачонлардир тушимда шу оқ отни мен миниб турган эдим...

Усмон ака чиқиб келган. Анча бўлган келганига. Бунни тасодифан билиб қолдим.

Бир куни кечқурун кўчада кетаётсам, олдимда икки киши кўринди. Улар мен томонга келишарди. Бири аёл, бири эркак. Аёл эркакни қўлтиқлаб олиб, ниманидир гапириб келяпти. Иккови шод. Яқинроқ келишганда уларни танидим. Қосим ака билан хотини, ўша мен учратган аёл эди.

Улар мени кўришмади. Ёнимдан ўтиб кетишаётганда юрагим ўйнаб кетди. Салом бериб юбордим.

– Салом, – деди Қосим ака тўхтаб ва кўлини узатди. Шу пайт аёл билан кўзимиз тўқнашди.

– Э, салом, – деди у жилмайиб, – яхши юрибсизми?

– Усмон акамдан ҳеч қандай хабар борми? – сўрадим шошиб.

– Ҳали хабарингиз йўқми? – деди аёл. – Аллақачон келганлар. Мана, Қосим акангиз билан бирга келишган.

– Раҳмат, кечирасиз, безовта қилдим, – дедим мен.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ! – деди Қосим ака ва бу ким, дегандай хотинига қаради.

Аёл кўзларини билинар-билинемас қисиб қўйди. Мен йўлга тушдим.

– Яхши йигит! – чақирди бир-икки қадам босганимда аёл.

Тўхтадим.

– Агар у кишини кўрмоқчи бўлсангиз, якшанба куни кечқурун бизникига келинг. Адрес эсингиздадир.

– Эсимда, раҳмат! – дедим мен.

Якшанба куни бордим. Лекин кирмадим. Киришга журъат қилолмадим. Анча вақт уйнинг атрофида айланиб юрдим. Кейин, ўғри одамдай дераза ёнига бориб, ичкарига мўраладим. Усмон ака рўпарамда ўтирарди. Юрагим ўйнаб кетди. Худди Ойпопукни кўргандек бўлиб кетдим. Усмон ака ўзгармабди. Фақат сочи кумушдек оқариб кетибди, кўз остидаги ажинлари кўпайибди. Узоқ қараб турдим. У ниманидир гоҳ куйиниб, гоҳ кулиб ҳикоя қиларди. Кўп ўтмай, ўрнидан турди. Ўзимни панага олдим. Эшикда хайрлашиб, яна анчагача гаплашиб туришди. Кейин Усмон ака «Газик»ка ўтириб жўнади.

Бу учрашув менга қандай таъсир қилганини билсангиз эди! Ёлғиз ўзим тонггача кўчаларни айланиб юрдим. Миямни турли фикрлар қоплади. Мен Яккачинорга боришим керак. Ҳа, боришим керак. Мен улар билан бирга бўлишим керак, дедим ўзимга ниҳоят ва шундай қилдим.

Қишлоққа оқшом пайти етиб бордим. Узоқда, колхоз идорасининг орқасида кимдир чирманда чаларди.

Нимадир томоғимга келиб тиқилди. Ойпопук билан биринчи учрашган куним худди чақмоқ чаққандек кўз олдимдан ўтиб кетди. Тўғрига юролмадим.

Чапга бурилдим. Кўприқдан ўтганимда оёқларим бўшашиб, тўхтаб қолдим. Қанча турдим, билмайман. Ниҳоят, ўзимни босиб олиб, дарё лабидан битта-битта юриб кетдим. Олисдан чойхона кўринди. Ўша, ўша чойхона. Ўзгармабди. Фақат ёнига икки қаватли бино тушибди. Шу томонга юрдим. Чойхонага яқинлашганимда медпунктдан ёшгина аёл кичкина бир болани етаклаб чиқиб кетди. Юрагим дукиллаб ура бошлади. Ичкарига кирдим. Оқ халат кийган тўлагина бир киши микроскопда ниманидир кўриб ўтирарди. Танидим. Мавлон.

– Доктор, – дедим секин.

У ўгирилди. Бирпас қараб турди. Кейин:

– Ўктамжон! – деб даст ўрнидан турди.

Қучоғига ташланиб, ўзимни тутолмай, йиғлаб юбордим.

– Бутунлайми?! – деди у анчадан сўнг.

– Ҳа, – дедим қатъий равишда. – Бутунлай. Лекин...

– Нима лекин? – қошларини чимирди Мавлон.

– Лекин мени қабул қилишармикин? Мен ахир ўшанда... – гапиролмадим. – Мен гуноҳкорман, ахир!

Мавлон индамади. Анчагина жим қолди. У ўйларди. Қошлари чимирилган, лаблари юмуқ.

– Ҳа... – деди у бир маҳал. – Қандай кунларни бошимиздан кечирмадик. Лекин кўп қайғурманг, давр ўзи шунақа эди. У баъзи одамларни эсанкиратиб қўйди, юрагига ғулғула солди, йўлдан оздирди, ҳатто ўзидан чўчийдиган ҳам қилиб қўйди. Бахтимизга у кунлар ўтиб кетди. Юринг, уйга борамиз. Ҳойнаҳой, чарчагансиз. Фарида чучвара қилмоқчи бугун. Ўзи ҳам ҳозиргина ўғилча билан шу ерда эди. Юринг.

– Йўқ, – дедим мен ўрнимдан туриб. – Аввал бошқа жойга боришим керак.

Доктор қаергалигини суриштиради.

Медпунктдан чиқиб, тоғ томонга кетдим. Қабристон олис эмас эди. Бирпасда етиб бордим. Ойпопукнинг қабри устига катта қора мрамртош ётқизи-либди. Тошнинг устида янги узилган гуллар сочилиб ётибди. Майин шамол уларнинг муаттар ҳидини ди-моғимга урди. Сесканиб кетдим. Лабларимни илиқ нам ачита бошлади. Бошимни эгганимча туриб қол-дим. Бир зумда кўз олдимдан Ойпопук билан ўтказ-ганим ажойиб дамлар, унутилмас кулги жарангларди, дунёдаги энг лаззатли гапларнинг мусиқий оҳанги, юракни эзувчи кўз ёшлар ва мудҳиш фожиа ўтиб кет-ди. Хаёлга чўмдим. Нима қилиш керак, нима қилсам кўнглим таскин топади, нима қилсам ҳаёти гулламай хазон бўлган, менинг учун дунёдаги энг азиз одам-нинг руҳини шод қилган бўламан, – дердим ўзимча ва ўйга ботардим. Шу алфозда қанча турдим, билмайман. Бир маҳал кимдир тирсагимни ушлади. Бу доктор эди.

– Бўлди, юринг, – деди у.

Қайтдик. Осма кўприкка етганимизда орқамга ўги-рилдим. Қоронғи тушган, ҳеч нарса кўринмасди. Фақат баланд қоя устида қишлоқ томонга эгилиб ўсган якка-чинор ботаётган қуёшнинг қизғиш нурларидан ялти-рарди. У худди қўлларини чўзиб, севикли ҳаёт йўлдо-шига олтин гулдаста узатиб турган паҳлавон йигит-га ўхшарди. Юрагим баттар эзилиб кетди. Чинорга ҳавасим келди. Бу ҳавас, тирик эканман, қалбимда сўнмайди ва доим Ойпопук қабрини зиёрат қилгани борганимда, унга қараб: «Одамлар! Севги ишончсиз бўлмайди. Бир-бирингизга ишонинг. Дунёда бундан катта бахт йўқ!» – деб қичқиргим келади.

1961–1962 йиллар

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

Қирғизистон

(1928 - 2008 й.й.)



ЖАМИЛА

Ҳар гал сафарга чиқишим олдидан кичкина ёғоч рамкага солинган сурат олдида туриш менга одат бўлиб қолганди. Эртага овулга жўнашим керак. Мана, ҳозир ҳам ўша суратга тикилиб, гўё ундан оқ йўл тилаётгандек кўзимни узолмай, узоқ термилиб қолдим.

Суратни ҳали бирон марта ҳам кўргазмага қўйганим йўқ. Овудан қавм-қариндошларим келишганида кўриб қолишмасин, деб яшириб қўяман. Демак, суратда бирор ножўя нарса тасвирланган экан, деб ўйламанг тағин, унинг ийманадиган, шунингдек, бу бир нодир асар, «кўз тегади» дейдиган ҳеч жойи ҳам йўқ, шунчаки ўргамчикка чизилган бир сурат. Унда оддий дала манзарасининг айнан тасвири берилган, холос.

Суратнинг орқа планида сўлғин куз осмонининг чеккалари оқариб кўринади. Шамол парқу булутларни узоқ-узоқларга, қорайиб кўринган тоғ чўққилари сари ҳайдаб борарди. Суратнинг олд қисмида сарғиш либос кийган бепоён дала, кенг дарё тасвирланган. Ёгин-сочиндан кейин пўрсиллаб ётган, чеккаларидаги қамишлар бир-бирига айқашиб кетган йўлда икки йўловчининг оёқ излари кўзга ташланади. Йўловчилар узоқлашган сайин, оёқ излари хиралаша боради, гўё яна бир-икки қадам юришса рамкадан чиқиб кетадигандек туйиларди. Ҳа, айтмоқчи, йўловчилардан бири... Келинг, бир бошдан гапириб бера қолай.

Бу воқеа болалигимда юз берган эди. Иккинчи жаҳон уруши учинчи йилга қадам қўйган, айниқса, Курск билан Орёл остоналарида даҳшатли жанглар

борарди. Ўшанда биз бир гала ўспирин болалар хўжалиқда экин суғориб, арава ҳайдаб, ўт ўриб юрар эдик, хуллас, урушга кетган эркакларнинг оғир меҳнати бизнинг зиммамизга тушган эди.

Айниқса, ҳосил йиғим-теримида ҳафталаб уй бетини кўрмасдик, кечаю кундуз хирмонда бўлардик ёки станцияга ғалла таширдик.

Станцияга қатнаб юриб, кўпдан бери уйдагиларни кўрмаганим учун ўроқнинг айна қизиган, саратон кунларининг бирида йўл-йўлакай уйга кириб ўтай, деб бўш аравамни йўлдан бурдим.

Биз азалдан кўчанинг бошидаги ёнма-ён тушган икки уйда турардик. Уларнинг баландлиги уч метрча келадиган деворлари жуда пишиқ қурилган бўлиб, дарё томони дарахтлар билан ўралган ҳовли бизники эди. Мен катта уйнинг ўғли эдим. Акаларим урушга кетган, улардан хат-хабар йўқ эди. Иккаласи ҳам балоғатга етиб, айна уйланадиган вақтда кетишган. Кекса отам – дурадгор-уста. Тонг саҳарда намозини ўқирди-да, устахонага жўнарди, шу кетганича қош қорайганда келарди. Хўжалиқдаги барча аравалар унинг қўлидан ўтарди. Уйда онам билан сингилчам қоларди, холос.

Бериги кичик уйда эса яқин қариндошларимиз туришарди. Қариндошимиз дейишимнинг боиси, орадан икки-уч авлод ўтиб кетган бўлса ҳам, улар билан азалдан мол-жонимиз бир эди. Ота-боболаримиз бирга кўчиб, бирга қўниб, жуда аҳил яшаган экан, бу одатни муқаддас билиб, биз ҳам орага совуқлик туширмай, апоқ-чапоқ бўлиб келардик. Жамоа хўжалиги тузилганда оталаримиз бир жойда ўтроқлашганлар. Бугина эмас, икки сув ўртасидаги Орол кўчада турувчиларнинг ҳаммаси бир отанинг фарзандлари эди.

Кейинчалик бериги уйнинг эгаси дунёдан ўтиб, хотини икки гўдак боласи билан қолди. Эски одат бўйича қариндош-уруғлар есирнинг бошини боғлаб қўяйлик, деб

арвоҳ ва Худони пеш қилиб, уни отамга никоҳлаб қўйганлар. Гарчи у уйнинг қозон-товоғи, мол-жони, чорбоғи бўлак бўлгани билан, аслида биз бир хонадон эдик. Уларнинг ҳам икки ўғли аскарга кетган эди. Содик деган катта ўғли уйланиши билан кетганди. Улар, «биз фронтдамиз», – деб онда-сонда хат ёзиб туришарди. Кичик уйда кичик ойим билан келини қолган эди. Мен уни доим «кичик ойи» деб чақирардим. Иккаласи ҳам эртадан қора кечгача далада ишлашарди. Кичик ойим (уни овулдагилар ишчан аёл, барака топсин, бунақаси топилмайди, деб мақташарди) бригадир билан ади-бади айтиб ўтирмас, буюрган ишини қилаверар, юр деганига юраверар, анави ёш келинчаклар қатори ариқ чопишга ҳам, экин суғоришга ҳам йўқ демасди, қўлидан сира кетмон тушмасди. Худо билиб берганми, дейман, унинг келини Жамила ҳам серғайрат, бақувват бўлиб, бироқ феъл-атвори сал бошқачароқ эди.

Жамила янгамни чин қалбимдан яхши кўрардим. Бир томони янгам, иккинчи томони мендан бир оз катта, лекин биз худди тенгқур дўстлардек эдик. Мени «кичкина бола», деб ўз укасидек эркалатганини айтмайсизми.

Хуллас, иккала хонадоннинг тирикчилигини, рўзгорини ойим билан сингилчам тебратиб турарди. Сингилчам жуда шўх қиз эди. Лекин ўша оғир кунларда анча қуйилиб, ойимга жон-дили билан ёрдамлашганини сира-сира унутмайман. Икки хонадоннинг қўй-эчкиларига қараган ҳам ўша, тезак териб, ўтин-чўп ғамлаган ҳам ўша, дом-дараксиз кетган болаларини қўмсаб ғамгин хаёлларга чўмган ёлғиз ойимнинг кўнглига тасалли берган ҳам ўша эди. Энди, ҳар иккала оиланинг бошини қовуштириб, ризқ-рўзини сақлаган ҳам ойим, билармони ҳам ойим эди. У ўлганларнинг арвоҳини ҳурматлаб, сеники-меники демай, икки хонадонга баравар қараб турган, овулнинг кўпни кўрган обрўли, диндор хотинларидан бири эди. Бизга тааллуқли ҳар қандай ишни ойим ҳал қиларди. Отам бўлса ҳеч кимнинг эсига ҳам келмасди. «Ҳой,

уста акангга бормай қўя қол, унинг ғилдиракдан бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ, ҳар икки рўзғорни ҳам бойвучча хотини тебратиб турибди; ўшанга бор», дейишардилар. Мен ҳам ёш бўлишимга қарамай, унча-мунча ишларга аралашиб турардим. Дарвоқе, акаларим ҳарбийга кетиб қолганидан, мен икки уйнинг дастёр йигити бўлиб қолгандим. Шунинг учун ҳам ўзимда қандайдир масъулият ҳис этардим. Бу ойимга жуда ёқарди, пишиқ бўлсин, ёғочдан бошқани билмайдиган отасига ўхшамай, рўзғор ишларига аралашиб кўзи пишсин, дер эди. Мен аравамни чорбоғнинг четига, кўланкага ҳайдаб келсам, қамчисини қанжиғасига қистириб олган бригадир Ўрозмат оға билан ойим эшик олдида негадир айтишиб турган экан. Уларга яқинлашганимда ойимнинг овози эшитилди:

– Бормайди! Ахир бу инсофдан эмас-ку. Худодан кўрқишсин! Хотин кишининг арава ҳайдагани нимаси. Худо хайрингни берсин, айланай, келинимга тегма, ўроғини ўриб юраверсин, шусиз ҳам ёлғизлик азобини тортиб, иккала хонадоннинг тирикчилигидан бош қаширга ҳам кўли тегмайди! Бунинг устига, бир ҳафтадан бери белим санчиб, анави жўхорилар қаровсиз қолди. Бахтимга, яхшиям ўша муштдек қизча бор экан..

Ойим одатича рўмол учларини кўйлагининг ёқаси остига қистирар эди.

Ўрозматнинг чайқала-чайқала тинкаси қуриди.

– Оббо сиз-ей, – деди у, – агар тўрт мучам соғ бўлиб, кўлимдан келса, ўзимоқ илгаригидек қопларни аравага ирғитиб-ирғитиб, отларни чоптириб кетмасмидим! Ҳожи йўқ-да, ёш келинларга арава ҳайдаиб бўладими, десак, ўзи рози бўлган келинингизни сиз йўлдан урсангиз, бунақада план тўлармиди, бошлиқлар фронтга юбориладиган ғаллани нега тўхтатдинглар, деб столни муштлаб бизга дўқ урса, ахир нима қилайлик, сиз ҳам тушунинг-да!

Бригадир менинг қамчини судратиб келаётганимни кўриб, гўё миясига бир яхши фикр келгандек хурсанд бўлиб кетди.

– Агар келинимга йўл-пўлда тентак аравакашлар тегажоглик қилади, деб кўрқсангиз, мана, қайин иниси бор-ку, – деди мени кўрсатиб. – Бу иним янгасига бировни яқин йўлатиш у ёқда турсин, қарагани ҳам қўймас. Сеит ҳам чакана эмас, азамат йигит-ку. Садағаси кетай, жонимизга ора кираётганлар мана шу болаларда....

Ойим мени кўргач, бригадирнинг сўзини бўлиб, ялина бошлади:

– Қаёқларда тентираб юрибсан, болам? Сочларинг ўсиб, девонага ўхшаб кетибсан-ку. Отаси тушмагур боласининг сочини олишга ҳам қўли тегмайди... Ота эмиш...

– Ундай бўлса майли, бугун сочини олиб, чол-кампирлар ёнида бир дам олсин, – деди Ўрозмат чехраси очилиб, – Сеитжон, ука, бугун уйда қолиб, отларингга бир оз дам бер. Эртага Жамилага арава берамиз, янгангни бирга олиб, унга ўзинг бош бўл. Сиз эса, онаси, Сеит бор экан, кўнглингиз тўқ бўлсин, камлик қилса янги келган Дониёрни ҳам қўшиб берай: ўзингиз биласизки, у бировга зиёни тегмайдиган хокисор одам... Ўзларича уч арава бир бригада бўлиб, станцияга қатнай беришсин, майли, буларнинг ёнига бошқаларни қўшмай... Хўш, Сеит, сен нима дейсан? Бу, ойинг, Жамилага арава ҳайдатайлик, десак, кўнмаяпти. Қани, ўзинг бир нарса де-чи...

Бир томони, бригадир мени роса кўкларга кўтариб мақтагани, иккинчидан, катта кишилардек мендан ақл сўрагани, бунинг устига, янгам ёнимда арава ҳайдаб юрса қандай маза бўлади, деган болаларча хаёл билан ишбилармон одамлардек ойимга дедим:

– Ҳайдаса ҳайдайверсин, нима, бўри еб кетармиди! – деб худди катта аравакашлардек чирт эткизиб тупурдим-да, қамчини судраганимча салмоқ билан қадам ташладим.

– Э, жин урсин сени, бўри еб кетармиди, дейди-я! Кўй, болам, сен нимани билардинг! – деди ойим аччиқланиб.

– Ие, нега билмас экан, икки уйнинг азамат йигити бўлади-ю, билмайдими? – деб юборди Ўрозмат. Ойим эндигина кўнганда яна айниб қолмасмикин, деган шубҳа билан нима деярини билмай шошиб қолди.

Ойим бўлса оғир бир уҳ тортиб қўйди.

– Э, Худойим, шу тирноқдек боламизга ўзинг умр бер... Девдек азамат йигитларимиз қаерларда юрибди: уйларимиз уларсиз ҳувиллаб қолди...

Шундан кейин мен уларнинг гапини эшитмадим. Бора туриб уйнинг муъолишига қамчи урдим, кокиллари селкиллатиб, кичкина қўлчалари билан шипиллатиб деворга таппи ёпаётган, менга очиқ чеҳра билан жилмайиб турган сингилчамга ҳам назар солмай ўтиб кетдим, даҳлизда турган чўян қумғонни энгаштириб, шошилмай қўлимни ювдим-да, қўлтиғимга артдим, кейин уйга кириб, ҳаш-паш дегунча катта косадаги айронни шимириб ташладим, иккинчисини эса дераза олдига олиб бориб нон тўғраб едим. Ойим билан Ўрозмат ҳали ҳам ташқарида суҳбатлашиб туришарди. Бироқ, бу сафар улар ҳасратлашаётгандек кўринди. Ойим енглари билан йиғидан қизариб кетган кўзларини артиб, тасалли бераётган Ўрозматнинг сўзларини бош ирғаб маъқуллар, ич-ичига ботиб кетган кўзлари билан дом-дараксиз кетган болаларини гўё кўрмоқчи бўлгандек олис-олисларга тикиларди. Ҳайтовур, анча дардлашиб кўнгли юмшаган ойим Жамиланинг арава ҳайдашига кўнди, шекилли, бир оздан кейин бригадир кўнгли тинчиб йўрға байталини йўрттириб кетди.

Ўшанда бу ишнинг оқибати нима билан тугашини ойим ҳам, мен ҳам билмаган эдик. Жамиланинг икки от қўшилган аравани бемалол ҳайдаб кетишига ҳеч ҳам шубҳа қилганим йўқ. Чунки у ёшлигидан йилқичилар

орасида ўсиб, катта бўлган, тоғ этагида жойлашган Бақайир овулидаги йилқичининг қизи эди, Содик акам ҳам чавандоз бўлган экан, у бир куни яйловдаги чорвадорлар тўйи муносабати билан ўтказилган пойгада Жамилага етолмай қолган экан. Шундан кейин изза бўлиб, уни олиб қочиб кетганлигини билардим. Овсин-ажинлар бўлса, ҳечам-да, улар бир-бирларини яхши кўриб топишган, дейишарди. Ҳар қалай, нима бўлса ҳам улар уч-тўрт ой бирга туришган, кейин Содик акамни ҳарбийга олиб кетишган эди. Билмадим, ёшлигидан отаси билан бирга дала-даштарда йилқи ҳайдашиб, от чопишиб эрка ўсганиданми ёки биттаю битта қиз бўлганлиги учунми, ишқилиб, Жамиланинг хатти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркаларга хос фазилат бор эди. Ҳар бир ишга астойдил киришар, бошқа келинлардек бошим, белим оғрияпти, деб сира зорланмасди. Бироқ ўзи ҳам бировга ҳақини кетказмайдиган, айтишган билан айтишиб, сўкишган билан сўкишадиган ўжар аёллардан эди. Унинг овулдаги келинлар билан юмдалашган вақтлари ҳам бўлганди.

Ён-атрофдаги одамлар:

– Э, бу қандай шаддод келин ўзи! Тушганига ҳеч қанча вақт бўлмай, тилидан заҳар сочади-я! – деганларида, ойим:

– Майли, шуниси яхши! Келинимиз очиқ-ёриқ, сира бўш келмайди... Ана шундай кўнглида кири йўқ одам яхши, индамай юрган писмиқлардан кўрқиш керак, ҳамма фисқ-фасод ўшалардан чиқади, – деб жавоб қайтарарди.

Отам билан ҳалиги «ишчан» деган ойим бошқа қайнота, қайноналардек Жамилани туртмай, сўкмай, аксинча, ўз фарзандларидек эркалатишиб: «Худо ишқилиб ўзига инсоф берсин, тўғри юриб, тўғри турса бўлгани!» – дейишарди. Улар вояга етган тўрт ўғилларини ҳарбийга жўнатишиб, икки хонадондаги яккаю ягона келинини ранжитишадими? Бироқ мен ойимнинг баъзи ишларига

ҳайрон қолардим. Бошқаларни қўйиб турайлик, ойим бировларнинг қўлига қарайдиган аёллардан эмас эди. Ҳар йили баҳор келиши билан одати бўйича отам тайёрлаган олти қанотли оқ ўтовни тикиб, арча тутатарди. Бизларни чизган чизиғидан чиқмайдиган қилиб тарбиялаб, ҳаргиз икки оиланинг бошини қовуштириб келарди. Ойимнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Аммо Жамила орамизда ажралиб турарди. Тўғри, у кампирлардан бир оз тортинар, уларнинг ҳурматини жойига қўяр, бироқ овулдаги кўпчилик келинлардек индамай бошини қуйи солиб ўтирмас ёки тескари қараб пўнғилламас, кўнглида борини яшириб ўтирмай, шартта гапириб қўя қолар эди. Гаплари ўринли бўлса, ойим уни кўпинча маъқуллар, лекин ўшанда ҳам ўз гапини икки қилмасди. Назаримда, ойим уни бир сўзлиги, тўғрилиги учун ўзига яқин тутар, келажақда уни икки хонадоннинг бошини қовуштириб, рўзғорнинг ризқ-баракасини ўзидек сақлай оладиган уддабурон ўринбосар қилиб қолдириш ниятида бўлса керак.

– Худога шукр, тагли-жойли ерга тушдинг, болам. Бу ҳам бўлса сенинг бахтинг, буни сира ҳам ёдингдан чиқарма. Хотин деган Тангрининг берганига шукр қилиб, рўзғорида бирини икки қилиб юрса, шунинг ўзи катта давлат. Биз чол-кампир топган-тутганимизни ўзимиз билан бирга гўрга олиб кетармидик... Ўз қадр-қимматингни билсанг, сира кам бўлмайсан, доим мартабанг баланд бўлади, болам, – деб эслатиб турарди. Тўғри, чол-кампирларнинг чўчиганича бор эди: Жамила жуда шўх, ёш болага ўхшарди. Бир қарасангиз ўзидан-ўзи кампирларга суйкалиб эркаланар, ё бўлмаса бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулар ёки кўчадан кириб келаётганида худди ёш қизчалардек ариқдан лорсиллаб сакраб ўтар, ёхуд ўзича хиргойи қилиб юрарди. Кампирлар Жамиланинг бу қилиқларини ўзларича гап қилиб: «Ҳали бола-да, бора-бора қуюлиб қолади», деб қўйишарди.

Менга бўлса янгамнинг шунақалиги ёқарди. Баъзида икковимиз олишиб, курашиб, қувлашиб ҳам кета-верардик.

Жамила сарвқомат, бежирим аёл эди. Икки ўрим қора сочини бошига чамбарак қилиб ўриб, устидан танғиб олган оппоқ дурраси унинг буғдойранг кулча юзига шундай ярашиб тушар эдики, асти қўяверасиз! Жамила кулганда унинг шахло кўзларида навқирон ёшлик барқ урар, шунда у беихтиёр қаддини ростлаб, овулнинг шўх лапарларини куйлаб юборарди. Овулдаги йигитлар, айниқса, фронтдан қайтиб келган йигитларнинг Жамилани кўз остига олишиб, тегишиб юрганларини неча бор пайқардим. Ҳангоматалаб янгам улар билан бемалол ҳазил-хузул қилишарди-ю, бироқ ҳаддидан ошганларнинг таъзирини бериб қўярди. Бари бир бу менинг иззат-нафсимга қаттиқ тегар, янгамни рашк қилардим. Шунинг учун ҳам ҳалиги «безориларга» ўзимни кўрсатиб қўяй деб: «Ҳой, билиб қўйинглар, бу менинг янгам бўлади-я, кўп пашшахўрда бўлаверманглар», дегандек, уларнинг сўзини шартта бўлиб, виқор билан хўмрайиб қарардим.

«Энди нима қилдик, бунинг янгаси экан-ку!» деб йигитлар масхара қилиб кулишганида, қизариб-бўзариб, азбаройи хўрлигим келганидан йиғлаб юборай дердим. Буни сезган янгам хурсанд бўлиб, кулгидан ўзини тиёлмай жилмайиб: «Ишларинг бўлмасин, нима, янга деган ерда қолибдими? Юр кетдик, қайним!» деб уларнинг баттар қитиғига тегар, сўнгра бошини мағрур кўтарганча дадил қадам ташлаб кетарди. У йигитларнинг таъзирини берганидан ҳам хурсанд бўлиб, ҳам ўзига хўрлиги келиб, менга қараб бир кулимсираб қўярди. Балки у: «Э тентак, янгамга кўз-қулоқ бўламан, дейсанми? Агар бузиламан десам, минг кўз-қулоқ бўлсанг ҳам бузиламан. Ахир мен чумчуқ эмасман-ку», деган хаёлга борган-

микин? Мен ҳам ўшандай вақтларда айбдор кишидек ғинг демасдим. Аммо бир оздан сўнг янгам хиёл ёзилиб: «Оббо кичкина бола-ей, жуда ғалатисан-да!» деб мени яна бағрига босиб, пешанамдан ўпарди.

Ҳа, чиндан ҳам янгамни ҳеч кимга раво кўрмай рашк қилардим. Унинг қувноқлиги, ўзини эркин тутиши билан фахрланардим. Биз у билан жуда апоқ-чапоқ, бир-биридан ҳеч нарсани яширмайдиган сирдош дўстлардек эдик. Нега шундайлигини ўзим ҳам билмасдим. Ўша кезларда овулда эркаклар жуда оз эди. Шу сабабли баъзи йигитлар кўкрак кериб, баландпарвоз гапириб, овулда «мендан бошқа йигит йўқ» дегандек, аёлларни ҳечам назар-писанд қилишмасди. Бир куни пичан ўримида, юр десам бўлди, орқамдан эргашиб келаверади, деб ўзига ишонганларнинг бири – узоқ қариндошимизнинг ўғли Усмон янгамга тегажаклик қилаверган эди, у Усмоннинг кўлини силтаб юборди-да, ғарам соясида ўтирган жойидан тураркан:

– Тур йўқол! – деб ўшқирди ва тескари қараб олди.
– Қўлларингдан модабозлик қилишдан бошқа иш келармиди.

Ғарам остида талтайиб ётган Усмон қалин лабларини нафрат билан буриштириб тўнғиллади:

– Ол-а, мушукнинг бўйи шифтда осиглиқ турган гўштга етмай, пуф сассиқ деган экан... Шунга ўхшаб, кўп ноз қилаверма. Ичингда жон-жон деб турибсану, яна...

Жамила унга ялт этиб қаради-да:

– Жон-жон деб турсам тургандирман. Лекин пешанамга ёзилгани шу экан, нима қилай. Эй, аҳмоқ, бунинг куладиган жойи борми? Жон-жон дейиш у ёқда турсин, минг йил тоқ ўтсам ҳам сенга ўхшаган шумшукларга назаримни солмайман. Аҳмоқсан. Илгаригидек тинч замон бўлганда шундай деб бўпсан эди! – деди.

– Шуни айтяпман-да! Урушнинг касофати билан қамчи емай қутуриб юрибсан-да, – деди истехзо билан Усмон кўзларини ўйнатиб тамшанаркан. – Менинг хотиним бўлганингдами, нима қилишимни ўзим билардим!

Жамила лаблари дир-дир титраб, Усмонга еб қўйгудек бўлиб қаради, унга бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин «шу аҳмоқ билан айтишиб нима обрў топдим», деб ўйлади шекилли, жирканиш билан «тфу» деди-да, ерда ётган паншахасини елкасига ташлаб, индамай нари кетди. Мен бериги томонда араванинг устидан хашак тушираётган эдим, Жамила мени кўриши билан бошқа томонга бурилиб кетди. Янгам менинг қай аҳволда эканимни сезган эди. Назаримда, янгамни эмас, мени ҳақорат қилишганларидек изза бўлиб, ғазабим қайнаб кетди. «Нега уларга ёндашасан, нега улар билан гаплашасан?» – деб янгамга жоним ачиди-ю, ичимда уни койидим.

Жамила ўша куни кечгача нохуш юрди, кулмади ҳам, гапирмади ҳам. Мен шоти аравани ҳайдаб ғарам олдига борганимда, Жамила мени гапирмасин деб атайлаб ишга алаҳситиб, дилини ўртаётган ўй-фикрларини яширишга ҳаракат қилди, у паншахасини каттакон пичан ғарамига санчди-да, гўё тоғни ағдараётгандек уни ердан шартта кўтариб, юзини яширганича ғайрат билан пичанни аравага отаверди. Ундан узоқлашар эканман, қайта-қайта орқамга қайрилиб қарардим: янгам паншаха дастасига суяниб бир оз хомуш турар, ўйланиб қолар, кейин яна ишга тушиб кетарди.

Мен аравага охирги марта пичан босар эканман, Жамиланинг ботиб бораётган қуёшга узоқ тикилиб турганини пайқадим. Қуёш дарёнинг нариги ёғида, қозоқ даштларининг аллақаерида ўт ёқилган тандирнинг оғзидек алангаланиб, ҳолдан тойиб, осмонда сузиб юрган паға-паға булут парчаларини қизғиш рангга бўяб, бинафшаранг даштликка сўнгги шуълаларини сочиб,

аста-секин уфқ орқасига ўтиб борарди. Жамила қўли билан қуёшни тўсиб, ўша томонда ажиб бир манзара бордек, кўзларини узмай, кулимсираб қараб турарди. Энди унинг чехраси очилиб, кўнгли анча кўтарилган эди.

Ўшанда Жамила менинг айтмаган, лекин юрагимда тугилиб, тилим учида турган: «Нега уларга ёндашсан, нега улар билан гаплашасан!» – деган таънамга жавоб бераётгандек:

– Ҳалиги гапларимни кўнглингга олма, кичкина бола,
– деб қўйди энг яқин сирдоши билан дардлашаётгандек.
– Усмон ҳам одамми? Ит ҳам бир, у ҳам бир.

Жамила ботиб бораётган қуёшдан кўзини узмай, индамай қолди, кейин гўё менга эмас, ўзига гапираётгандек, яна шундай деди:

– Бундай кишилар кўнглингдагини билармиди...
Буни ҳеч ким билмайди. Худо билсин, бундай эркаклар дунёда йўқдир ҳам!

Мен аравани қайтаришга ҳам улгурмасдан қарасам, Жамила аллақачон нариги томонда ишлаётган келинлар олдига югуриб бориб, улар билан чақчақлашиб, қувалашиб юрибди. Оловдек товланиб турган кечки шафаққа қараб кўнгли очилдими ёки бугун яхши ишлаганидан хурсанд бўлдими, билмадим, ҳар қалай, кайфи чоғ эди. Хашак ортилган арава устида ўтирар эканман, Жамиланинг қўлларини кенг ёзганча оппоқ дуррасини ҳилпиратиб чопиб бораётганини кўриб, кўнглим анча таскин топди: «Ҳа, Усмон ўзи киму унинг сўзи нима бўларди?»

– Чух, жонивор, чух! – деб отга қамчи урдим.

Бригадир Ўрозмат оға айтгандек, сочимни олдириб кетайин, деб отамнинг устахонадан қайтишини кутдим. Лекин у келгунча бекор ўтирмай, деб Содиқ акамнинг хатига жавоб ёздим.

Дарвоқе, хат ёзишда бизларнинг ўзимизга хос бир таомилигимиз бор. Ҳарбийдаги акаларим хатни отамнинг номига ёзишарди, почталон бўлса уларни онамга

берарди, хатларни ўқиб бериш, уларга жавоб ёзиш менинг вазифам эди. Хатни ўқий бошлашим биланоқ унда нималар ёзилганини дарров билиб олардим. Чунки ҳамма хатлар эгиз қўзилардек бир-бирига ўхшарди. Содиқ акам ҳар доим хатни «Соғинчли салом хат» деган сўздан бошларди. Кейин: «Етиб маълум бўлсинки, у томонда, яъни гуллаб-яшнаётган Толоснинг салқин ҳавосида соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрган жондан азиз, меҳрибон отажоним Йўлчибойга», – деб саломни отамдан бошларди, кейин катта ойимни, сўнгра ишчан ойимни, ана ундан кейин қавм-қариндошларимизнинг соғлиғини сўраб, энг охирида: «шунингдек, хотиним Жамила ҳам эсон-омон юрибдими?» – деб бир оғиз қистириб ўтарди.

Ота-онаси, қавм-қариндошлари турганда дастлаб хотинини эсга олиш, хатни унинг номига ёзиш одобдан эмас, албатта, бу нарса фақат Содиққа эмас, балки, умуман эркак зотига тўғри келмайди. Бироқ биз шу икки энлик хат олиб турганимизга ҳам минг қатла шукр қиламиз, овулдагилар учун бу бир катта бахт эди. Ойим хатни менга икки-уч марта ўқитиб олгандан кейин, қозон-товоқ, иссиқ-совуққа уравериб ёрилиб кетган қўлларига олиб, гўё учириб юборишдан қўрққандек уни авайлаб учбурчак қилиб буклаб қўярди.

– Э-е, тумордек хатларингдан онанг айлансин, – дерди у кўзига ёш олиб, оғир хўрсиниб. – Ота-она, қариндошларнинг аҳволини сўрайди-я! Ахир, биз уйданиз-ку, бизни жин урармиди! Бахтимизга, ишқилиб, сизлар омон бўлинглар, Худо ўз паноҳида сақласин. Икки энлик хат ёзиб: соғ-саломат юрибман, деб қўйсаларинг, шунинг ўзи ҳам катта бахт.

Ойим хатга яна бир оз термилиб қараб турарди-да, сўнгра уни сандиқдаги хатлар сақланадиган халтачага яшириб қўярди.

Агар шу пайт Жамила уйда бўлиб қолса, у ҳам хатни бир карра ичида ўқиб чиқарди. Жамила ҳар сафар хат-

ни кўлига олиши билан ўз-ўзидан қизишиб кетар, уни ҳарислик билан тез-тез ўқий бошларди. Лекин хатнинг охирига яқинлашган сайин юзидаги қувонч алангалари сўниб, ранги ўчиб, қошлари яна чимирилиб қоларди.

Баъзида хатни охиригача ўқиб чиқишга ҳам сабри чидамай, ҳафсаласи пир бўларди-ю, ғинг демасдан, гўё қарз олган нарчасини қайтариб бераётгандек бўшашиб, хатни ойимнинг кўлига тутқазарди.

Хат сақланадиган халтачани сандиққа бекитаркан, келинининг тумшайиб қолганини пайқаган ойим унга тасалли берган бўларди:

– Хабар келганига қувониш ўрнига хафа бўлганинг нимаси, болам. Ёки фақат сенинг куёвинг аскарликка кетганми? Барчага баробар мусибат, сабр қил... Кўз очиб кўрган ёрини ким соғинмайди дейсан, соғинсанг ҳам сир бой берма, ичингда сақла.

Жамила бўлса миқ этмасди. Лом-мим демаса ҳам, паришон чехраси гўё: «Эҳ, кошки эди тушунсангиз!» деётгандек бўларди.

Содиқ акам бу хатини ҳам Саратовдан, госпиталдан ёзган эди. Худо хоҳласа, кузнинг ўрталарига бориб қоларман, дебди. Илгари ҳам шундай деб ёзганида биз жуда қувонган эдик.

Отам ишдан қайтгач, тезда сочимни олдирдим уйда қолмай, отларни бедазорга қўйиб юбордим-да, ўзим ҳар кунгидек хирмонда тунадим. Раисимиз молларни бедазорга ёйишга рухсат бермасди, бироқ мен отларим яхши тўйсин деб уларни кўздан овлоқ жойдаги бедазорга тушовлаб қўярдим. Буни ҳеч ким билмасди. Бу сафар, аравани хирмонда қолдириб борсам, пастликда яна тўрт от ўтлаб юрибди. Жаҳлим чиқиб, уларни чеккароқ жойга ҳайдаб юбормоқчи бўлдим. Бироқ отларнинг иккитаси бригадир айтган ўша Дониёрники эканини таниб қолдим. Мен, эртадан бошлаб баримиз бир бригада бўлиб, станцияга бирга қатнаймиз, деган ўй билан отларга тек-

каним йўқ. Сўнгра хирмонга келсам, Дониёр ҳам шу ерда экан. У эндигина аравасининг ғилдиракларини мойлаб бўлиб, ўқнинг гайкаларини бураётган экан.

– Дониёр ака, отлар сизникими? – деб сўрадим ундан.

У менга бир қараб қўйди-да:

– Иккитаси меники, – деди.

– Қолган иккитаси-чи?

– Ҳалиги, ҳа, оти нима эди, Жамиламиди, ўша келинники. Айтмоқчи, у сенинг янганг бўладими?

– Ҳа, янгам бўлади.

– Бўлмаса, бугун кечаси Сеит қараб турсин, деб бригадирнинг ўзи ташлаб кетди.

«Яхшиям уларни ҳайдаб юбормаган эканман-а!» – деб қўйдим ичимда.

Кеч кириб, тоғдан эсган майин шабада ҳам тиниб, хирмон жимжит бўлиб қолди. Дониёр ҳам мен ётган сомон устига келиб ёнбошлади. Лекин кўп ўтмай яна ўрнидан турди-да, сой бўйига томон кетди. У тик жар ёқасига борди-да, бошини сал қийшайтириб, қўлларини орқасига қилганича туриб қолди. Орқасидан қараганда унинг гавдаси ой ёруғида кўзга аниқ ташланиб турарди.

Дониёр, афтидан, мудроқ, сокин тун уйқусини бузиб, тошлардан тошларга урилиб, шариллаб оқаётган сой сувининг мусиқий оҳангини ё бўлмаса бошқа бир қулоқ илғамас товушларни тинглаётгандек қимир этмай турарди.

«Одатича сой бўйига бориб тунамоқчи шекилли», деб кулиб қўйдим мен ўзимча. Дониёр овулимизга яқиндагина келганди. Пичан ўроғи энди бошланган кезлар эди. Бир куни битта бола чопиб келди-да, овулга бир ярадор аскар қайтади, лекин кимлигини ўзим ҳам билмайман, деб қолди.

Овулда биров аскардан қайтиб келгудек бўлса, кўргани ҳамма ёпирилиб борарди. Аммо бу сафар фронтдан келган кишининг насл-насаби номаълум бўлгани учун, ўроқчилар тозаям шов-шув кўтаришди.

– Бегона дейишади-ку.

– Бегона бўлса, бизнинг овулга келармиди?

– Шунга айт-а?

Шундай қилиб, у ким экан, ўзимизнинг қариндош-уруғимизда битта-яримтасининг боласи бўлмасин тагин, дейишиб, бир тўда одам овулга ҳам бориб келишди.

Кейин билишса, Дониёр асли шу ерлик экан. Айтишларича, у ёшлигидан етим қолиб, ҳар кимларнинг эшигида юрган, охири Чақмоқдаги қозоқ тоғалариникига кетиб қолган, шу-шу, болани излаб боргудек биронта ҳам жонкуяри бўлмаган экан. Шундай қилиб, у элуруғнинг ёдидан ҳам чиқиб кетган экан. Овулдан кетиб қолганидан кейинги ҳаёти тўғрисида эса Дониёр унчалик ёзилиб гапирмаганмиш. Бироқ ҳозир ўйлаб кўрсам, унинг тортмаган азоб-уқубатлари қолмаганга ўхшарди.

Турмуш бу муштдек болани не кўйларга солмаган, тирикчилик дардида у қаерларга бош урмаган. Дониёр кўп вақт Чақмоқ даштида кўй боқиб юриб, вояга етгач, жазирама жойларда канал қазиган, янги тузилган пахта совхозларида пахта экиб, экин суғориб, охири Тошкент яқинидаги Оҳангарон шахталарида ишлаб, ўша ердан ҳарбийга кетган эди.

Хуллас, Дониёрнинг ҳарбийдан қадрдон овулга қайтиб келганига овулдагилар хурсанд бўлишганди, бечоранинг туз-насибаси узилмаган экан, мана, охири ўз элига қайтиб келди! Шунча йил четда юрса ҳам, тилимизни эсдан чиқармабди-я. Бироқ тили сал-пал қозоқчага тортиб кетади, дейишарди.

«От айланиб қозиғини топади, деганлар. Туғишган ер, эл-юртни унутиш осонми? Келганингга биз ҳам, ота-боболарингнинг арвоғи ҳам хурсанд, гирмонни енгиб, тинчлик бўлса, сен ҳам уй-жой қиларсан, бола-чақали бўларсан», – дейишарди кексалар. Улар Дониёрнинг етти пуштини суриштириб, унинг қайси уруғдан эканлигини, овулдаги баъзи бир туғишганла-

рининг кимлигини ҳам айтиб беришди. Хуллас, овулдагилар: «Дониёр дунёга янги келгандек бўлди», дейишадиган бўлишди.

Орадан кўп ўтмай бир куни бригадир Ўрозмат шинелини елкасига ташлаб, чап оёғи сал оқсоқланган новча, бўйни узун бир кишини эргаштириб келди. Йўрға байталини гижинглатиб келаётган пакана Ўрозматнинг ёнида ҳалиги новча аскар салмоғини ўнг оёғига солиб, орқада қолмай, тез-тез юриб келарди.

Бизлар, пичан ўрадиган машинада ишлаётган болалар Дониёрни биринчи кўришимиз эди. Дониёр яраси яхши битиб кетмаганидан оёғини буколмасди. Уни ўроққа ярамайдиган бўлгани учун биз билан бирга машинага қўйишди. Ростини айтсам, биз уни аввалига унчалик ёқтирмадик. Чунки Дониёр жуда одамови эди, гапиришганда ҳам унинг бутунлай бошқа, фақат ўзигагина маълум бўлган нарсалар тўғрисида хаёл сураётгани, кишига тикилиб турса ҳам, кўнгли бошқа ёқда эканлиги шундай сезилиб турарди. У оғир хаёлга ботгандек анграйиб турарди. Бунини пайқаган кишилар: «Бечора, фронтдан кейин ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмаса керак», деб юришди. Лекин Дониёрнинг ўзини тутишига, қўли-қўлига тегмай чаққон ишлашига, ҳаракатчанлигига қараб, уни очиқ-ёриқ ақлли, гапга чечан одам экан, деб ўйлайсан киши. Балки етимлик азоб-уқубатини кўп тортганидан у меҳнаткаш, лекин камгап, сир-асрорини ҳеч кимга айтмайдиган бўлиб қолганмикин? Эҳтимол, шундайдир. Серсавлат, бўй-басти келишган Дониёрнинг жағи бир-бирига ёпишиб кетган, қовоғи сира очилмас, кўзлари бир хилда ғамгин боқарди. Фақат доим учиб турадиган қошлари унинг юзига ҳусн бериб турарди. Гоҳогоҳ у қандайдир бир сирли товуш эшитгандек хушёр тортар, қошлари учиб, гўё бир нарсадан хурсанд бўлгандек кўзлари чақнаб кетарди. Лекин биз бунинг сабабини билмасдик. Бугина эмас, унинг бошқа қизиқ одатлари

ҳам бор эди. Қош қорайганда отларни аравадан чиқариб, овқат қачон тайёр бўларкин, деб ўчоқ атрофида дам олиб ўтирардик. Дониёр бўлса ёнимиздаги Қоровултепага чиқиб, қоронғи тушгунга қадар ўша ерда ўтирарди.

«У ерда нима бор экан? У кимни кўриқлайди, у нимани кўриқлаяпти», деб кулишардик биз. Кунлардан бирида мен ҳам қизиқиб, унинг ёнига чиқиб ўтирдим. Бу ерда айтарли ҳеч нарса йўқ эди. Тоғ этаклари бўйлаб ястаниб ётган бепоён даштлик чуқур денгизга чўкиб бораётгандек, оқшом кўйнида йўқолиб борарди. Дониёр менинг келганимга парво қилмади. У чеҳраси ёришиб, бир тиззасини кучоқлаганича хаёл суриб ўтирарди. У мен англаб етмаган, маъносига тушунмаган аллақандай сирли товушларни бутун вужуди билан берилиб тинглаётгандек туйиларди. Баъзан қошлари чимирилиб, кўзлари чақнаб, кучи танасига сиғмаётгандек тўлғанар, гўё ўрнидан ирғиб туриб, қулочини ёзганча бутун борлиқни кўксига босиб, кучоқламоқчи бўлаётгандек туйиларди. Бир қарасанг, қаттиқ чарчаган одамдай яна бўшашиб, ғамгин бўлиб қоларди.

Хўжалигимизнинг пичан ўрадиган машиналари буралиб-буралиб оқаётган каттакон Гуркуров сойининг бўйларида худди шу Гуркуров сойидек гуркираб юрарди. Пичан ўроғи сойларнинг тўлиб-тошиб оқаётган даврига тўғри келди. Тошдан-тошга урилиб, кўпикланиб, пишқириб оққан сув кеч кириши билан яна кўпаярди ва ярим кечага бориб шариллаб оққан овозидан қапада ётган еримда уйғониб кетардим. Қаймоғи олинган сутдек осмонда муздек шабада ғир-ғир эсиб, кўкдаги юлдузлар шуъла сочиб мўралаб турарди. Тун оғушида ҳайқириб оққан сой сувининг тўлқини яна ҳам кучлироқ сезилиб, гўё устимизга босиб келаётгандек туйиларди. Биз қирғоқдан олисда бўлсак-да, қапамизни сув оқизиб кетмасмикин, деган ваҳима беихтиёр кўнгилга ғулғула соларди. Дўстла-

рим ҳеч нарсадан хабарсиз, донг қотиб ухлашарди. Мен ташқарига чиқиб кетаман.

Тунда сой бўйи ҳам кўркам, ҳам ваҳимали бўлади. Ўтлоқнинг у ер, бу ерида ўтлаб юрган отлар қорайиб кўри-нарди. Ҳамма ёқ жимжит. Отлар шабнам инган ўтларга тўйиб, дам-бадам пишқиришар ва енгил мудрашарди. Сал нарида Гуркуров суви қутуриб, майда тол новдаларини эгиб, тошларни юмалатиб, сокин тун жимлигини бузиб, гўё ер қаъридан қайнаб чиқаётгандек даҳшат билан шариллаб оқарди. Шундай кечаларда мен доим Дониёрни эслардим. «Дарвоқе, Дониёр қаерда қолди экан», деб сўрардим ўзимдан ўзим. У доим якка ўзи сув бўйидаги пичан ғарамлари устига бориб ётарди. «Нима бало, у кечаси кўрқмайдими, сувнинг шариллашидан қулоғи битмайдими?» – деган фикр хаёлимдан ўтарди. «У ҳозир ҳам ухлаётганмикин ёки уйғоқмикин? Тавба, ёлғиз сув бўйига бориб ётишнинг нима ҳожати бор экан? Бунинг нима ҳаловати бор? Қизик, сира одамларга кўшилмайди-я. У ҳозир қаерда экан?» – деб атрофга назар ташлаб, қулоқ соламан, ҳамма ёқ жимжит.

Қирғоқ бўйлаб қия тепалик чўзилиб кетган тоғ этакларига қоронғилик чўкмоқда, осмоннинг у ер бу ерида юлдузлар милтиллаб кўринмоқда.

Овулга келганига бир неча кун бўлса ҳам, ўзини четга тортиб, ҳеч кимга кўшилмай юрган Дониёр ошна-оғайни орттира олмади. Бировга ёндашмас, жанжаллашиш, тортишиш нималигини билмас, бировга яхши ҳам гапирмас, ёмон ҳам гапирмас эди. Овулга яхшилик ҳам қилиб, ёмонлик ҳам қилиб, йиғилишларда сўзлаб, тўй ва маъракаларда қариялар билан ёнма-ён ўтириб, элнинг иссиқ-совуғига араллашиб юрган ўктам йигитлар қадр-қимматли бўлиб, дарров тилга тушадиган, хотин-қизларнинг назарига илинадиганлар ҳам шулар бўларди.

Дониёрга ўхшаб эртадан-кечгача тер тўкиб ишлайдиган, лекин ўзини бошқалардан четга олиб юради-

ган, ўзи билан ўзи бўлиб, бировга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишилар тўғрисида: «Бир амаллаб кун кўриб юрган бечора-ку», дейишарди. Бизларга ўхшаган ўзи билармон, маҳмадона болалар эса ҳалигидек чинакам асил йигитлардек бўлишни ҳавас қилиб, Дониёрнинг юз-кўзи олдида бўлмаса ҳам, орқасидан мазах қилардик. Унинг кўйлагини ўзи ювганига ҳам кулар эдик. У ҳарбийдан битта кўйлак билан келганлиги учун ҳам уни қурир-қуримас кийиб оларди. Бироқ, қизиғи шундаки, Дониёр мўмин-қобил бўлса ҳам, биз у билан бемалол, ботиниб гапириша олмасдик. Гап унинг катталигида эмас эди, албатта. Чунки у, жуда нари борса, акаларим билан тенг келарди. Шунинг учун ҳам биз у билан сансираб гаплашар эдик. Нима, ўзимизни пастга урармидик. Гарчи Дониёр улуғсифат бир одам бўлмаса-да, унинг шундай ҳеч ким билан гапиришмай, вазмин юришида қандайдир бир хосият бордек, шўх, шайтон болалар ундан ҳайиқиб туришарди.

Бунга қисман ўзим ҳам сабабчи бўлдимми, дейман-да. Чунки мен одамлардан, айниқса, фронтга бориб келганлардан кўрган-билганларини ипидан-игнасигача гапириб беришни илтимос қилиб, уларни ҳол-жонига қўймасдик, саволларни ёғдириб юборардим. Шунинг учун ҳам мен «Сеит хира» деган лақаб орттирганман.

Дониёр келган дастлабки кунларда, мен ундан уруш тўғрисида кўп нарсаларни сўраб билиб оламан деб юрдим. Бир кун ишдан сўнг гулхан атрофида овқат ичиб дам олиб ўтирганимизда Дониёрдан сўраб қолдим.

– Дониёр ака, урушда кўрган-кечирганларингдан бир гапириб бермайсанми?

Дониёр ҳадеганда гапира қолмади. Чамамда, менинг бу гапим унга ёқмади, шекилли.

– Уруш дейсанми? – деди у ва худди ўзига жавоб бераётгандек паст овоз билан қўшиб қўйди: – Урушнинг номи ўчсин, уни билмаганларинг яхши!

Дониёр нарида ётган хашакдан катта бир тутам олиб гулханга ташлади ва оловни тез-тез пуфлаб ёндирди-да, ҳеч кимга қарамай қўлларини ўтга тоблай бошлади. У алангаланиб ёнаётган оловга тикилганча узоқ жим қолди.

Дониёрнинг нега бундай қилганини ким билсин, лекин унинг ўша икки оғиз гапидан ҳам урушни эртакдек эрмак қилиб гапириб бўлмаслиги, у одамнинг юрак-юрагига сингиб кетиши, у ҳақда гапириш ниҳоятда оғир эканлиги шундай сезилиб турарди. Уялганимдан бошимни ердан кўтара олмадим. Шу-шу, Дониёрдан уруш ҳақида сўрамайдиган бўлдим. Болалар ҳам унга тегажаклик қилмайдиган бўлишди.

Бироқ, кўриниши тунд, одамга аралашмайдиган Дониёр ўзича якка-ёлғиз юравергани учун унинг ҳарбийдан келганлигининг қизиғи ҳам қолмади. Қай бир кишилар: «Шунчаки бир одам-да» дегандек қилиб уни назарига илмас, бошқа бировлар эса ундан рўйи-рост кулиб, кўпчилик эса раҳми келиб: «Бошпанасиз, бир амаллаб жон сақлаб юрган бир ғариб-да... Хўжаликнинг далада берадиган иссиқ овқати бўлмаса, тентираб кетиб қолармиди... Ўзиям, қўйдек ювош экан...» – деб ачиниб гапиришарди. Бора-бора кишилар Дониёрга кўникиб қолишди шекилли, уни бошқа гап қилмайдиган бўлишди. Одамларнинг у билан иши бўлмай кўйди.

Эртаси саҳарлаб Дониёр иккаламиз отларни хирмонга олиб келдик: шу пайт Жамила янгам келиб қолди. У бизни кўриши билан узоқдан қичқирди.

– Эй, кичкина бола, қайсиси менинг отларим, бу ёққа ҳайдаб кел! Хомутлари қани? – деб умри бўйи аравакашлик қилган одамдек, ғилдираклари жойидамикин дегандек тепиб кўрар, у ёқ бу ёғини синчиклаб кўздан кечирарди. Биз Дониёр билан отларни етаклаб, хирмонга яқинлашиб келганимизда, иккаламизнинг афту ангоримиз Жамилага ғалати кўринди,

шекилли, у бир кулимсираб кўйди. Дониёрнинг узун ва ориқ оёқларидан кўнжи кенг солдатча этиклари чиқиб кетгудек бўлиб шалвираб турарди, мен бўлсам, қорайиб, тошдек қотиб кетган оёқларим билан отни ниқтаб келардим.

– Ўхшатмагунча учратмас, деганларидек жуда топишибсизлар-ку. – Шу-шу гўё бизнинг жиловимизни кўлига олгандек, у буйруқ қилаверди: – Қани, тез-тез бўлинглар, урушда туриш йўқ, эртароқ салқинда жўнай қолайлик, – деб отларини аравага кўша бошлади.

Жамила, Дониёрнинг бори ҳам, йўғи ҳам билинмайди, дегандек, уни назарига илмасди. Гапиришса ҳам мен билан гаплашарди. У биздан қолишмай елиб-югуриб ишларди. Жамиладаги бу жасорат, айниқса, ўзини катта олиб гапириши Дониёрга қаттиқ теккандек бўлди. Дониёр чаккаси тиришиб, уни ҳам ёқтирмагандек, ҳам ҳайратда қолгандек, тумшайиб тескари бурилиб олди. Жамила буни пайқагани ҳам йўқ. Дониёр тарози устидаги қоплардан бирини индамай даст кўтариб аравасига ташлаганда, Жамила унга ёпиша кетди:

– Бу нима қилиқ, ҳар ким ўз билганича ишлайверадими? Қани, кўлингни бер, кўллашгани Худо кўллайди! Ҳой кичкина бола, аравага чиқ, қопларни жойлаштир!

Жамила Дониёрнинг кўлидан шартта ушлаб, қопни икковлашиб кўтарганида, Дониёр уялганидан қип-қизариб кетди. Шундан кейин ҳам улар қопларни кўллашиб кўтариб босишди, кўллари бир-бирига чирмашиб, қоп устидан аста сирпаниб тушаркан, Дониёр ўнғайсизланиб унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Жамила бўлса парвойи фалак, ҳар сафар тарозибон хотиннинг ёнига келганида, у билан ҳазил-ҳузул қилиб, ҳиринг-ҳиринг кулишарди. Жўнаш олдидагина у кўзини бир қисиб кўйиб, Дониёрга:

– Ҳой йигит, исминг нима, Дониёрмиди, кўринишдан эркакка ўхшайсан-ку, қани йўл бошла! – деди.

Дониёр бу сафар ҳам миқ этмади, Жамилага чўчигандек бир қараб кўйди-да, аравани ҳайдаб кетди. «Оббо шўринг курғур-ей, мунча уялмасанг!» – деб ачиhib кўйдим унга.

Йўл олис, даштдан йигирма чақиримча йўл босиб, Қоратоғ дарасидан ўтиб, станцияга бориш керак.

Шуниси яхшики, хирмондан то станциягача йўл қиялаб боради, отларга ҳам анча енгил эди. Улуғтоғ тоғининг этагидаги кўм-кўк дарахтлар ичига кўмилган овулимиз то дарадан чиқиб кетгунча, худди кафтдагидек аниқ кўриниб турарди. Даранинг этагидан эса темир йўл кесиб ўтади.

Шундай қилиб, биз ҳар куни станцияга ғалла ташиб юрдик. Овулдан эрталаб чиқиб, станцияга пешинда етиб борамиз. Тақир йўлдаги шағал арава ғилдираклари остида ғичирларди. Кун исиган сайин отларнинг яғринларидан тер қуйилиб оқарди...

Саратоннинг жазирама қуёши ҳамма ёқни қовжиратиб куйдиради. Станцияга келсанг от-араванинг кўплигидан қадам босолмайсан. Тоғ этагидаги узоқ хўжаликлардан эшак ва хўкизларга ғалла ортиб келган болалар билан хотинларнинг кийимлари тердан шўри чиқиб, чанг босган бетлари қорайиб куйиб, шамолдан лаблари ёрилиб, ялангоёқ, ялангбош ҳориб-толиб келардилар. Заготзернонинг ҳовлиси қий-чув бўлиб, унинг дарвозасига: «Ҳамма ғалла фронт учун!» деган шиор ёзиб кўйилганди. Пахса билан айлантириб олинган пасқам ҳовлининг ташқарисида вагонларни бир-бирига улаб юрган паровоз қайноқ буғ чиқариб, кумурсқадек тинмай ҳаракат қиларди. Сал наридан поездлар қулоқни кар қилгудек даражада бўкиришиб ўтишади. Худди дарвоза олдига чўктирилган туялар ўрнидан тургиси келмай, жини кўзиб, кўпик сочиб овозининг борича бўкирарди.

Каттакон коппоннинг ичига ғалла тоғ-тоғ қилиб уйиб ташланган. Ғалла солинган қопларни орқалаб

тахта трапдан ана шу уюмларнинг тепасига олиб чиқиб тўкиш керак. Коппоннинг қизиган тунука томидан чиққан бўёқ аралаш темир ҳиди буғдой чанги билан бирга қўшилиб димоғни қичитарди.

Уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган омборчи пастда қўлини пахса қилиб сўкинарди:

– Ҳой бола, кўзингга қара, устига чиқариб тўксанг-чи!

У нега сўкинади? Сўкинмаса бўлмайдими? Ўша ерга олиб чиқиб тўкиш кераклигини ўзимиз ҳам биламиз-ку.

Биз бу ердагина эмас, балки даланинг ўзида, ерга дон ташланган кундан меҳнат қиламиз. Ёш-яланг, хотин, болаларимиз ёз бўйи тинмай парвариш қилади, комбайнчиларимиз ҳар куни юз марталаб бузиладиган, парти кетиб, шарти қолган комбайнни бир нафас ҳам тўхтатмай, саратоннинг жазирама кунларида ҳам даладан чиқишмайди. Ҳозир ҳам далада ўроқчилар тонг саҳардан қоронғи кечгача зирқираб оғриган белларини ёзолмай ғалла ўрмоқдалар, бир қарич болалар битта ҳам бошоқни қолдирмай териб олмоқдалар. Ўша кунларда биз барча топган-тутганимизни фронтга жўнатамиз. Бу бизнинг ғалабага қўшган тер билан қонимиздир.

Ҳали-ҳали эсимда, ёш бола эканман, забардаст йигитлар кўтарадиган катта-катта қопларни елкамга ташлаб, унинг бир бурчагидан маҳкам тишлаб трапдан юқорига чиқар эканман, қовурғаларим майишиб, кўзларим тиниб кетарди. Қадам сайин трапнинг тахталари эгилиб, коппон ичидан кўтарилаётган чанг аралаш ғубор ўпкани қисарди. Неча марта ҳолдан тойиб, орқамдан сирғалиб тушиб бораётган қопни елкамдан ирғитиб, ўзим ҳам сакраб юборгим келарди. Лекин орқамдан ҳам қоп кўтарган одамлар келарди. У ҳам менга ўхшаган бир ёш боладир, ё бўлмаса тушиб-чиқиб юрган аёлларнинг биридир. Агарда уруш бўлмаганида бундай оғир юкни уларга ким кўтартириб қўярди. Шундай оғир ишга аёллар чидаш бераётганда нолишга ҳақим борми?

Ана, олдинда Жамила янгам боряпти. Этагини қистириб олган, унинг буғдойранг чиройли оёқ мускуллари таранг тортилиб, пайлари узилиб кетгудек бўлади. У гўё юкини енгиллатаётгандек букилиб, эгилиб оғир қадам ташлаб борарди. Гоҳ-гоҳ у менинг ҳолдан тойиб бораётганимни сезгандек тўхтаб қоларди-да:

– Бўшашма, кичкина бола, оз қолди! – деб кўярди. Бироқ ўзи ҳам қаттиқ чарчаганидан овози бўғилиб чиқарди.

Буғдойни тўкиб, орқага қайтаётганимизда, доим Дониёрга дуч келардик. У одати бўйича ҳеч кимга кўшилмай, жимгина, салмоқ билан оёғини оқсоқланиб босарди. Биз унга ёндашганимизда, оғир тортган бўйнини чўзиб, қистирилган кўйлагининг барини ёзиб келаётган Жамилага Дониёр энкайганича қовоқ остидан тикилиб ўтарди. У Жамилани гўё биринчи марта кўраётгандек ҳамиша ана шундай тикилиб қарарди. Лекин Жамила бунга сира эътибор бермасди. Бирга ишлаганимиздан буён уларнинг бирон марта ҳам очилиб гаплашганини кўрганим йўқ. Жамила баъзан шунчаки ҳазиллашиб, тегишиб кулиб гапирса, баъзида мутлақо иши бўлмасди. Бу унинг кайфиятига боғлиқ эди. Ҳуши келса, йўлда келаётиб Жамила менга: «Қани, чух де, кичкина бола, кетдик!» – дерди-да, ўтирган еридан сапчиб туриб, қийқириб, қамчинини ўйнатганча аравани ҳайдаб кетарди. Мен ҳам ундан қолишмасдим. Ҳаш-паш дегунча олдинда бораётган Дониёрни қувиб ўтиб кетардик. Дониёр орқада чанг-тўзон ичида қоларди. Аслида бу ҳазил бўлса-да, лекин бундай ҳазилга ҳамма ҳам чидайвермасди. Бироқ Дониёр ғинг демас, ранжимас эди. Биз чанг-тўзон кўтариб, унинг ёнидан тасира-тусур қилиб ўтиб кетсак ҳам, у гўё айбдор кишидек мулойимгина кулимсираб, аравада тик турганича отларга устма-уст қамчи босиб бораётган Жамилага ажабланиб, индамай қараб қоларди. Унинг жаҳли чиқдимикин, деб орқамга қай-

рилиб қараганимда, чанг қуюни ичида қолган Дониёрнинг мамнун бўлгандек Жамиладан кўзини олмай тикилиб турганини пайқардим. Унинг бу қарашида ўта кўнгилчанлик, олижаноблик билан бирга, юрагини куйдираётган аллақандай сирли бир ҳасрат борлиги сезилиб турарди. Жамиланинг бу қилиқларини, истехзоли кулишларини, ёнида гўё менсимаган кишидек индамай ўтишларини Дониёр ҳечам кўнглига оғир олмас, барига чидаб, бир оғиз сўз қайтармас эди. Баъзида Дониёрга раҳмим келиб:

– Кўйдайд ювош одамнинг дилини оғритганинг нимаси, янга? – десам, Жамила менга:

– Ке, кўй, шуни гапирма! – деб кўлини силтаб кулиб кўярди? – Э, шунчаки бекорчиликдан ҳазиллашаманда. Нима бирон жойи камайиб қолармиди!

Бора-бора янгамга кўшилиб мен ҳам ҳазил-хузул қиладиган бўлдим. Чунки Дониёрнинг Жамилага маъноли тикилиб қарашлари менга ғалати туйила бошлади. Айниқса, Жамила қоп кўтарганида Дониёр кўзининг қири билан унга тикилиб қоларди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб, кўпчилик иш билан алаҳсиб, буни пайқамайди, деб ўйлайди, шекилли. Аравакашлар қийқириғи от-араваларнинг кўплигидан станциянинг худди бозорга ўхшаб кетган тўс-тўполон ҳовлисида Жамила қанчалик қийналмасин, сира бўш келмай елиб-югуриб ишлаганидан, қаҳқаҳа уриб кулганидан у ҳаммадан ажралиб, кўзга яққол ташланиб турарди. Жамила арава четига кўйилган қопларни кўкрагини кериб елкасига оларкан, қоп-қора, кўнғир соч ўримлари ерга тегай-тегай деб кетар, салмоқ билан орқасига бурилганида эса қисик кўзларининг қорачиқлари киприклари орасидан ялт этиб кўринарди. Ўшанда қоп кўтарган Жамила коппоннинг эшигига етгунга қадар Дониёр уни зимдан кузатиб қоларди. Мен буни пайқаб юрардим. Ҳадеганда кўнглимга оғир олмаган бўлсам ҳам, лекин кейинчалик

Дониёрнинг янгамга бундай зимдан назар ташлаб юриши менга ёқмади, ҳатто иззат-нафсимга теккандек бўлди. Ҳеч кимга раво кўрмай, қизганиб юрсаму, Жамилага бошқалар қолиб, Дониёрбой кўз тикса-я. «Дониёрки Жамилага кўз тикдим, бошқалардан хафа бўлмасам ҳам бўларкан! Тавба!» – дердим жаҳлим чиқиб ўзимга ўзим.

Энди Дониёрни мўмин-қобил йигит деб айтмоқ у ёқда турсин, ёмон кўра бошладим. Шундан кейин мен яна янгамга қўшилиб, уни масхара қила бошладим. Аммо бу ҳазилимизнинг таги зил бўлди.

Ғалла ташиб юрган қопларимиз орасида олачадан тикилган етти пудлик катта бир қоп бор эди. Ҳамиша янгам икковимиз уни коппонга олиб бориб ерга тўкардик, чунки уни бир киши кўтаролмасди. Бир куни хирмонда араваларга юк ортаётиб, янгам билан бирга ҳалиги катта қопни Дониёрнинг аравасига ташладик-да, устидан бошқа қопларни бостириб қўйдик. Қани, нима қилар экан, деб ўйладик ўзимизча.

Хирмондан кун чиқарда жўнаб кетдик. Йўлда рус қишлоғида бировнинг боғига кириб, Жамила икковимиз олма ўғирлаб чиқдик-да, йўл-йўлакай қаҳқаҳлаб кулишиб кетдик. Жамила бора-боргунча Дониёрга «илиб ол!» деб олма отиб борди. Олма тугагандан кейин биз одатдагича уни чанг-тўзонда қолдириб, анча узоқлашиб кетдик. Дониёр дарадан чиқа беришдагина бизни қувиб етди, темир йўл берк экан, унинг очилишини кутиб туришга тўғри келди. Бу ердан то станциягача бирга келдик. Бу орада ҳалиги етти пудлик қоп ёдимиздан кўтарилиб кетибди, хаёлимизда ҳеч гап йўқ, ғаллани ташиб бўлай деб қолдик. Бир маҳал Жамила биқинимга туртиб, Дониёрни кўрсатиб бир кулиб қўйди. Дониёр арава устида турган экан. «Буни нима қилсам экан?» дегандек ҳалиги катта қопнинг у ёқ бу ёғига қараб турарди. Сўнг-ра у Жамиланинг қиқир-қиқир кулаётганини пайқаб қо-

либ, бизнинг синамоқчи бўлганимизни сезди, шекилли, қип-қизариб кетди.

– Ҳой, иштонингни баланд кўтар, тушиб кетмасин тағин! – деб қичқирди Жамила.

Дониёр унга бир ўқрайиб қаради-да, қопни нари-бери суриб араванинг четига келтирди, сўнгра уни бир қўли билан суяб туриб, ерга сакраб тушди. Ҳашпаш дегунча бўлмай, зилдек қопни бир силтаб елкасига олди-да, коппон томон юра бошлади. Биз, қани, нима қилар экан, деб ўзимизни гўлликка солиб, сир бермай турдик, бошқалар ҳам унга парво қилишгани йўқ. Ҳамма ҳам қоп кўтариб юришибди-да, ким билан кимнинг иши бор, дейсиз. Аммо Дониёр трапга яқинлашганда Жамила унинг орқасидан югуриб кетди:

– Буни қаерга олиб боряпсан, эсинг жойидами ўзи, шу ерга ташла, нима, ҳазилни тушунмайсанми?

– Нарини тур! – деб Дониёр уни жеркиб солди. Шохи синган Жамила ўнғайсизланиб, трапдан чиқиб кетаётган Дониёрнинг орқасидан кулиб қараб:

– Бу ўлармонни қаранглар, кўтариб кетди-я! – деб худди айбли кишидек илжайиб, ўзича тўнғиллаб қўйдди. Гарчи Жамила ҳадеб қиқир-қиқир кулса ҳам, борган сари унинг кулгиси сунъийлашиб, ўзини зўрлаб кулаётгандек бўлиб туйилди. Дониёр қопни кўтариб борар экан, ярадор оёғига зўр келиб, оқсай бошлаганидагина, биз уни қандай азобга қўйганимизни тушундик.

Дониёрнинг оёғи ярадор эканини нега илгарироқ ўйламадик ахир? Эҳ, болалигим курсин-а, шу гап менадан чиқди-я!

– Орқангга қайт! – деб қичқирди Жамила кулги аралаш. Бироқ энди бунинг иложи йўқ эди. Чунки орқасидан ҳам қоп кўтарган одамлар келишаётган эди.

Мен эсимдан оғаёзиб, кейин нима бўлганини билмайман. Кўз ўнгимда ўша каттакон қора қопни кўтар-

ган Дониёр. У букилиб, трапдан ер бағирлаб юқорига чиқиб борарди. Ярадор оёғини авайлаб босар, унга зўр келмасин деб қанчалик уринмасин, бари бир, ҳар қадам ташлаганда оғриққа чидаёлмай, тишини тишига қўйиб, бошини чайқарди. У юқорилаган сари устидаги оғир қоп елкасига миниб олган бало-қазодек уни баттар босар, у тобора кўп чайқаларди. Янгам билан ўйламай қилган бу қилмишимизга азбаройи уялганимдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгудек бўлдим, кўрққаннимдан юрагим орқамга тортиб кетди. Қоп кўтарган Дониёр эмасу, гўё мен ўзимдек, оёқларим зирқираб, кўз ўнгим қоронғилашиб кетди.

Дониёр яна тўхтаб, қопни тишлади-да, кўзини юмди. Менинг ҳам бошим айланиб, ер ўпирилиб кетаётгандек бўлди. Бир нафас ҳеч нарсани билмай қолдим.

Кимдир билагимни чангаллаб, синдириб юборгудек сиқиб ушлади. Бундай қарасам, Жамила экан. Кўрққанидан мурдадек оқариб кетган, лаблари дирдир титраб, кўзларини катта очганча Дониёрга термилиб турарди. Атрофимизни омборчи ва бошқалар ўраб олишибди. Улар ҳам нима гаплигига тушунмай, Дониёрга ҳайрон бўлиб қарашарди.

Мана, Дониёр юриб бораётиб сирғалиб кетаётган қопни ўнглаб олай деб бир силкиди-ю, лекин оғирликка ортиқ тоб бера олмай чўккалай бошлади.

– Ташла! Ташла қопни! – деб қичқириб юборди Жамила. Дониёр кулоқ солмади. Орқада келаётганларга тегиб кетмаслиги учун қопни трапнинг четидан пастга ташлаб юборса бўларди. Бироқ у ўжарлик қилиб қопни кўтарганича тураверди. Жамиланинг овозини эшитиши билан яна оёқларини ростлаб, олдинга қараб интилди. Бир-икки қадам юриб орқага тисарила бошлаганида, тарозибоннинг жон-пони чиқиб кетиб, овозининг борича қичқириб юборди:

– Ташла! Ташласанг-чи, ит эмган!

– Ташла! – деб бошқалар ҳам қичқиришди. Дониёр бу сафар ҳам ўз билганини қилиб, чайқалиб-суриниб илгари босди.

– Йўқ, у қопни ташлайдиган эмас. Ўз айтганини қиладиган йигитга ўхшайди, – деди кимдир қўл силтаб.

Энди, фақат ҳалиги одамгина эмас, балки ёнимизда турган бошқа одамлар ҳам, унинг орқасидан қоп кўтариб бораётган кишилар ҳам бунда бир сир борлигини сезишиб, Дониёр қоп билан бирга қулаб тушмагунча уни ташламаслигига ишонч ҳосил қилишди.

Ҳамма бир зум жим бўлиб қолди.

Коппоннинг орқасида паровоз зир югуриб вагонларни бир-бирига уламоқда. Дониёр юқорига юк тортиб чиқиб кетаётган отдек илгарилаб борарди. У чайқалиб йиқиладигандек бўлса, шартта тўхтаб, куч тўплар, кейин яна олдинга қараб интиларди. Дониёрнинг орқасидан келаётган одамлар ҳам ноилож у тўхтаганда тўхтаб, у юрганда юришарди. Уларнинг ҳам тинкаси қуриб, қора терга ботиб кетишганди. Бироқ улардан биттаси ҳам Дониёр билан сен-менга бормади. Улар тойғоқ йўлдан гўё бир-бирларига кўринмас ип билан боғлангандек турнақатор бўлиб жим боришарди. Борди-ю, биттаси тойиб кетгудек бўлса, бошқалар ҳам хароб бўладигандек туйиларди. Уларнинг индамай қадам ташлашларида, бир хил чайқалишларида кучли ғайрат ва шижоат, ҳамкорлик сезилиб турарди. Дониёрнинг орқасидан келаётган аёлнинг оёғи чалишиб, йиқилишига сал қолди-ю, шунда ҳам у ўзига эмас, Дониёрга Худодан мадад сўраётгандек унга раҳмдиллик билан термилиб қаради. Мана, оз қолди. Дониёр яна бир зўр берса маррага етадигандек кўринарди. Лекин Дониёр яна гандираклаб, ярадор оёғи унга итоат қилмай қўйди. Агар у елкасидаги қопни ташлаб юбормаса, ўзининг ҳам қулаб кетиши мумкин эди.

– Югур! Орқасидан суяшиб юбор! – деб қичқирди Жамила менга. Ўзи бўлса гўё Дониёрни ушлаб қолмоқчи

бўлгандек қўлларини олдинга чўзарди. Мен трапдан юқорига югурдим; қоп кўтарганлар орқасидан сиқилиб ўтиб, Дониёрга етиб олдим. У қўлтиғи остидан менга бир қараб олди. Бетидан тер қуйилиб, манглай томирлари бўртиб чиқиб, кўзига қон тўлиб кетган эди. Мен унга кўмаклашмоқчи бўлган эдим, Дониёр менга:

– Нарн тур! – деди зарда билан, кейин қопни бир силкиди-да, бор кучини тўплаб, яна олдинга интилди.

Дониёр қавариб, қадоқ бўлиб кетган қўлларини шалвиратиб, оқсоқланиб трапдан тушганда, пастдагилар ломмим дейишмасдан йўл беришди. Фақат тарозибонгина ўзини тутолмай жаҳли чиқиб Дониёрни койиб кетди:

– Нима, сени жин урдими, ё эсингни едингми? Ёки мени одаммас деб ўйладингми, ахир бир оғиз айтсанг, пастга тўктирардим-ку. Бундай оғир қопни кўтарсин деб сенга ким айтди?

– Ишинг бўлмасин, ўзим биламан, – деди Дониёр секингина, сўнгра, чирт эткизиб тупурди-да, араваси томон кетди. Орқасидан Жамила:

– Ҳазилни тушунмаган тентак! – деб пичирлаб қўйди.

Шундай деди-ю, бошини ердан кўтара олмади. Дониёр бунн уқдими-уқмадими, ҳар қалай, янгам икковимиз унинг юзига тик қарай олмас эдик.

Йўл бўйи ҳам биронтамиз оғиз очганимиз йўқ. Дониёрнинг-ку камгаплиги ҳаммага маълум, сўзга нўноқ. Айниқса, бугунгисига тушунолмай ҳайрон эдик, у биздан хафами, юз кўришмайдиган бўлдими, ё оққўнгиллик қилиб, ҳамма гапни унутиб юбордими, билмасдик. Бизнинг сукут сақлашимизнинг боиси бор эди, бир томони, уялганимиздан юзига қараёлмасак, иккинчидан, ҳазилимизни кўнглига оғир олиб юргани учун ундан хафа эдик.

Эрталаб ғалла қоплаётганда Жамила бу касофат қопни олди-да, уни чок-чокидан шир-шир йиртиб юборди.

– Ма, топган матоингни бошингга ур! Бригадирингга айтиб қўй, иккинчи марта бундай қопларни бера

кўрмасин, – деб ҳалиги йиртилган қоп парчаларини тарозибоннинг олдига отиб юборди.

– Ҳой, ақлинг жойидами, бу нима қилганинг?

– Ҳеч нима!..

Эртасига ҳар кунгидек станцияга келиб, қош қорайганда яна овулга йўл олдик. Дониёр олдинда кетиб борар эди. Унинг кўнглидаги хижиллик ёзилдими-йўқми, била олмадик, зотан, буни билиш осон эмасди. Худди ўртамизда ҳеч гап ўтмагандек, Дониёр индамай ишини қилаверди. Шуниси борки, ярадор оёғи кўпроқ лат еган бўлса керак, у қаттиқроқ оқсаб, айниқса, қоп кўтарганда қийналиб юрди. Гарчи у ҳеч нарса демаса ҳам, унинг юриш-туриши гуноҳкор эканлигимизни эслатиб, кўнглимизни оғритар эди. Лоақал Дониёр сал-пал ҳазиллашиб, кулиб қараса ҳам майли эди, кўнглимиз равшан тортарди.

Жамила отдан тушса ҳам, эгардан тушмай, гўё кўнглида ҳеч гап йўқдай ҳазил-хузул қилиб юраверди. Лекин ич-ичидан эзилиб, хафа бўлиб юрганини аниқ сезардим.

Мана, овулга кетиб боряпмиз. Латофатли ажойиб тун. Сутдек ойдин август кечаларини ким билмайди дейсиз. Осмондаги юлдузлар узоқ-узоқлардан мўралашса ҳам, гўё улар шундай яқиндан ҳар бири ўзича нур сочаётгандек туйиларди.

Юлдузлар чарақлаган шундай гўзал кечада биз дара бўйлаб келардик. Отлар гўё уйга шошилаётгандек тобора тез йўрғаларди. Майда шағал от туёқлари ва арава ғилдираклари остида ғирчиллаб, атрофга учиб чиқарди. Ғир-ғир эсиб турган майин шабада эрманнинг аччиқ иси билан ғарқ пишган хушбўй ҳидини димоққа келтириб урарди. Буларнинг ҳаммаси отларнинг терга ботган эгар-жабдуғидан чиқаётган ҳид билан қўшилиб бошни айлантлар эди. Йўлнинг бир томонида наъматаклар билан қопланган қоялар қад кўтариб турарди, йўлнинг иккинчи томонида, пастликда, тол ва ёввойи тераклар орасидан Гуркуров жўш уриб оқарди. Орқада кўприқдан

тарақа-туруқ қилиб ўтаётган поездларнинг янгроқ гудоги олис-олислардан ҳам эшитилиб турарди.

Бундай сўлим тунда йўл юришнинг ўзига яраша гашти бор. Тун кучоғида балиқдек сузиб бораётган отларнинг сағрисига қараб бориш, сон-саноксиз ҳашаротларнинг ёқимли «чир-чирига» кулоқ солиш, шамол димоққа ураётган хушбўй ҳидларни тўйиб-тўйиб шимириш қандай яхши!

Жамила олдимда кетиб борарди. У тизгинни бўш қўйиб атрофга суқланиб қарар, ўзича аллақандай ашулани хиргойи қиларди. Бизнинг оғзимизга толқон солгандек жим келаётганимиздан Жамиланинг тоқати тоқ бўлаётганини сезиб турардим. Шундай кечада жим юриб бўладими? Юрагида ўти бор одам шундай гўзал табиат манзарасини кўриб жим тура оладими?!

Йўқ, Жамила жим туролмади, у овозини баралла қўйиб куйлаб юборди. Менимча, унинг яна бир бошқа нияти – Дониёрнинг кўнглини очиб, хафачилигини ёзмокчи бўлса керак. Зотан, одамлар бир-бирларининг гуноҳларини кечирмасмикин, деб иккиланиб турган пайтда қандайдир бир туртки керак бўлади-ку. Эҳтимол, Жамила шу фикрга боргандир, хуллас, у бир силкиниб қўйди-да, қалбидан қайнаб чиқаётган янгроқ овоз билан куйлаб юборди:

*Шоҳи рўмолинг боғлаб,
Ёнимда юрсанг яйраб...*

Жамила бундай шўх-шўх лапарларни жуда кўп биларди. Унинг ашуласи кишига ором бағишларди. Жамила ашуласини бир зум бўлиб, олдинда бораётган Дониёрга қичқирди:

– Ҳой, бўшанг йигит, овозингни бир чиқарсанг-чи! Йигитмисан ўзинг?

Дониёр аравасини тўхтатди-да, орқасига қайрилиб:

– Куйлай бер, Жамила, қулоғим сенда, – деб қўйди тортиниб.

– Нима, бошқаларнинг қўшиқ эшитгиси келмайди, деб ўйлайсанми? – деди кесатиб Жамила. – Айтмасанг, айтма, таранг қилишини қара-ю!

Шундан сўнг у «сен айтмасанг мен айтаман» дегандек, Дониёрга ўчакишиб яна ашулани олди. Унинг нима учун Дониёрни ашула айт, деб қистаганини билолмадим. Гап-га солмоқчи бўлдимикин? Шундай бўлса керак, чунки бир оздан кейин Жамила яна илтимос қила бошлади:

– Ҳой, Дониёр, умрингда бировни севганмисан? – деди-ю, нима учундир кулиб юборди.

Дониёр жавоб қайтармади, Жамила ҳам чурқ этмай қолди. Дара ичига бир нафас жимлик чўқди. Фақат ғилдиракларнинг дукур-дукур овози, отларнинг пиш-қиргани эшитиларди, холос.

«Жуда одамани топиб сўрадинг-да», – деб кулиб қўйдим мен.

Йўлни кесиб ўтиб, шарқираб оқаётган сойга етганимизда, Дониёр аравани секинроқ ҳайдаб, от тақаларининг кечувдаги кумушдек ярақлаган тошларга тегиб шақиллашига диққат билан кулоқ сола бошлади. Сўнгра «чух» деб отларга бир қамчи урди-да, бирдан титроқ овоз билан:

*Эҳ, Олатоғ, Олатоғ,
Ота-бобом ўсган ер!*

– деб куйлаб юборди. Бироқ у яна тўхтаб, йўталиб қўйди, лекин кейинги икки мисрани юракдан чиқариб завқ билан айтди:

*Эй, Олатоғ, Олатоғ,
Оқ булут қалқиб кўчган ер!*

Дониёр нимадандир чўчигандек яна жим бўлиб қолди. Киши деган уялмаса-да, нима энди, шу ҳам ашула айтиш бўлдими, бундан кўра, айтмагани тузук эди. Худо биледи, юзи олов бўлиб ёниб кетгандир. Негадир унинг учун ўзим ҳам мулзам бўлдим.

Лекин Дониёрнинг шу бир оғиз куйлашида ҳам қандайдир бир жозиба, нафосат борлиги аниқ сезилиб турарди. Ҳа, овози ҳам яхши эди.

«Қойилман!» – деб қўйдим ичимда ҳайратланиб. Жамила ҳам қичқириб юборди:

– Ие, дурустсан-ку, илгари қаерда юрган эдинг? Қани айт, яхшилаб айт!

Дониёр миқ этмай келаверди. Олдимизда дарадан водийга чиқадиган жой оқариб кўринарди, ўша томондан шабада эсарди. Дониёрнинг ҳали бошлаган куйини яна давом эттиришини сабрсизлик билан кутардим. Дониёр яна куйлай бошлади, мен ўзимда йўқ қувониб кетдим.

Дониёр аввалига тортиниб-тортиниб секин куйлай бошлади. Аммо бора-бора овозини баралла қўйиб, эркин айта бошлади, унинг ашуласи дарада қўнғироқдек янграб, узоқ-узоқлардаги қояларда акс садо берди. Дониёрнинг қўнғироқдек овозигина эмас, балки куйнинг оҳанраболиги, жўшқин ҳис-туйғуларга бойлиги ҳам кишини мафтун этарди. Бунинг нималигини ақлимга сиғдира олмай лол бўлиб қолдим. Бу ашулачининг овозими ё бўлмаса юракдан қайнаб чиқаётган бошқа бир нарсами? Киши қалбининг энг нозик торларини чертиб, унда эзгу ниятлар уйғотаётган бу нима ўзи? Ростини айтсам, бу саволга ҳозир ҳам жавоб бера олмайман.

Қани энди, қўлимдан келса-ю, буларнинг ҳаммасини қоғозга битиб ўтирмай, иложи бўлса ўша ажойиб куйнинг ўзгинасини яратиб берсам. Унда деярли сўз йўқ, лекин бу куй сўзсиз ҳам самимий, соф ниятли қалб эгасининг бутун қувончи, умид-орзулари ва

тилакларини ифодалаб берарди. Мен умрим бино бўлиб бундай куйни эшитган эмасман. У қирғизчага ҳам, қозоқчага ҳам ўхшамасди, бироқ бу куйга азалдан бир-бирига қондош-жондош бўлган қирғиз билан қозоқ халқининг куйларидаги энг нафис, энг дилрабо оҳанглар сингдирилгандек бўлиб туйиларди. Бу куй гоҳ қирғиз тоғларидек баланд-баландларга парвоз қилса, гоҳ поёни йўқ қозоқ далаларидек узоқ-узоқларга тараларди. «Ё тавба, Дониёрни шунчалик ашулачи деб ким ўйлаган эди», – дердим мен ўзимга ўзим.

Дарани босиб ўтиб кенг далага чиққанимиздан кейин Дониёрнинг ашуласи қанот ёзиб, яна ҳам кучлироқ янгради. Бу дилрабо куй бир-бирига уланиб, бир-бири билан алмашилиб борарди. Бугун Дониёрга нима бўлди, тинчликми ўзи, ҳеч нарса тушуна олмасдим. Гўё у шу кунни, шу дамни кўпдан бери орзиқиб кутгандек, қалбидаги бутун сир-асрорини тўкиб солди. Дониёрнинг нима учун меров одамдай элга кулги бўлиб юрганини, нима учун кечқурунлари Қоровултепага чиқиб олиб, ёлғиз ўйга чўмиб ўтирганини, нима учун киши илғамас товушларга кулоқ осганида қошлари чимирилиб, кўзлари қувончга тўлганини энди бир қадар тушуна бошлаган эдим. У – қалбида юксак инсоний муҳаббат туғён урган бир инсон эди! Менимча, унинг севгиси бирор кишига ишқи тушиб, ўша одамга ато қилинган севги эмас, балки инсонни яратиб, уни камолга етказган кенг оламга, ёруғ дунёга бўлган чексиз, жўшқин севги эди! Ҳа, у бу севгини ўз қалбида ардоқлаб сақлаган, ана шу севги билан яшаган эди.

Агар у шундай юксак қалб эгаси бўлмай, диди паст, юраги муз бир киши бўлганда эди, табиат уни қанчалик истеъдодли қилиб яратган бўлмасин, бари бир у бунчалик куйлай олмас эди.

Дониёрнинг куйи тунги дашт устида яна жўш уриб, мудроқ далани уйғотаётгандек бўларди. Кенг, бепоён дала ўзи яратиб, ўзи ардоқлаб ўстирган қадрдон куйчисининг ашуласига жим кулоқ солади. Буғдойзор

ойдинда денгиз каби чайқалар ва мўл ҳосилдан дарак бериб, ўз ўроқчиларини кутарди. Йўл четида жойлашган эски тегирмон атрофидаги мирзатеракларнинг япроқлари ҳам нималарнидир шивирлашарди. Сойнинг нариги томонида, узоқ-узоқларда хирмончилар ўт ёқишиб, гўжа пиширмоқдалар. Ҳув ана, кимдир аллақандай иш билан қишлоққа шошиб кетмоқда. Олдинда қишлоқ боғи кўринар, шабада ғарқ пишган олмаларнинг, айна гуллаган маккажўхориларнинг ёқимли ҳидларини ҳовлиларда ёйилган тезакларнинг ҳидига аралаштириб димоққа келтириб урарди.

Дониёр яна анча вақтгача куйлаб келди. Август туни унинг ашуласига маҳлиё бўлгандек жим кулоқ соларди. Ҳатто отлар ҳам гўё мароқли куйни бузишдан кўрққандек юришини секинлаштирганди. Кишига чексиз ором бахш этиб, завқ-шавқ билан куйлаб келаётган Дониёр айна авжига чиққанида, бирдан жим бўлиб, отларни чоптириб кетди. Ўзимча, Жамила яна унинг орқасидан эргашса керак, деб ўйлаб, мен ҳам ҳозирланиб турдим, бироқ Жамила бошини қуйи солганча чуқур хаёлга чўмиб, қимир этмай ўтирарди. У ҳавода учиб юрган ашула садоларига ҳамон кулоқ солаётгандек эди.

Дониёр шу бўйи тўхтамай, бир оздан сўнг кўздан ғойиб бўлди. Биз то овулга етгунча оғиз очмадик. Баъзида киши ўз дардини сўз билан ифодалашга ожиз бўлиб қолади.

Шу кундан бошлаб, ҳаётимизда қандайдир бир ўзгариш юз бергандек бўлди. Энди кўнглим аллақандай яхши нарсаларни кўмсаб, юрагим ғалати ҳис-ҳаяжонларга тўлиб, ўзимдан-ўзим хурсанд бўлиб юрдим. Эрталаб хирмондан жўнаб, станцияга келиб, ғаллани топшириб бўлгач, Дониёрнинг сеҳрли ашуласини қачон эшитаркинмиз, деб кетишга шошилар, ўша дамни сабрсизлик билан кутар эдик.

Унинг ашуласи юрак-юрагимга сингиб, қаерга бормай, қаерда турмай, кулоғим тагида жаранглаётгандек бўларди.

Тонг саҳарда туриб, ялангоёқ, ялангбош шабнам тушган бедазор орқали ўтлоқдаги тушовланган отларнинг олдига бораётганимда ҳам бу куй менга ҳамроҳ бўларди. Тоғ орқасидан мўралаб кўтарилган қуёш худди менинг қувончимга шерик бўлгандек жилмайиб нур сочарди.

Олтин доналари каби кекса хирмончиларнинг паншахаларидан сачраб тушаётган буғдой доналарининг майин шилдирашида ҳам, кўкда парвоз қилиб юрган ёлғиз калхатнинг қанот қоқишида ҳам, хуллас, кўриб, уқиб, сезиб юрган нарсаларимнинг ҳаммасидан Дониёрнинг куйи эшитилаётгандек бўларди.

Кечқурун дарада арава ҳайдаб бораётганимизда мен ўзимни худди бошқа бир оламга кириб бораётгандек ҳис қилардим. Кўзларимни юмиб Дониёрнинг ашуласига кулоқ солар эканман, она сути билан қонимга сингиб, бир қаричлигимдан таниш бўлган манзаралар кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошларди. Гоҳ овулнинг зумрад осмонидан паға-паға булутлар сузиб ўтишар, гоҳ ўтлаб юрган йилқилар уюри дукурлашиб, кишнашиб яйловда чопиб қолишар, қулунлар кокиллари ни ўйнатиб қоп-қора кўзларини жавдиратганларича оналарини қидиришиб қолар, гоҳ сурув-сурув қўйлар тепаликларда ўтлаб юришар, гоҳ қоялардан оқиб тушаётган шалола ойнадек ярқираб кўзларни қамаштирар, денгиздек мавжланиб ётган қамишзорлар орасига чўкиб бораётган қуёшни лоларанг уфқ сари йўритиб бораётган ёлғиз отлиқ мана ҳозир қўли билан ушлаб оладигандек бўлиб туйиларди, кейин ўзи ҳам қуёш билан бирга буталар орасига кириб ғойиб бўларди.

У, жонажон, бепоён далам! Қозоқ жондошимнинг ери билан пайванд бўлган азамат далам. Мана, тоғларимизни икки ёққа айириб ташлаб, қамиш ва шувоқларга кўмилиб, буюк бир денгиздек чайқалиб ётасан. Нималарга қодир эканлигингни ким билади сенинг! Қароғим,

сиртингдан қараса қимирлаган жон йўқдек бўзариб ётганинг-ётган. Аммо кечагина қон-қардошларинг униб-ўсган бағрингда уруш бошланиб, душманлар ўлкамизга чанг солганда, қучоғингдаги гиёҳлар ёниб, довьорак чавандозларинг душман устига шердек ташланганда, мусаффо осмонингни иссиқ чанг қоплади, ер-кўк ларзага келди. Ўшанда қирғоқнинг нариги бетидан от ўйнатиб келган қозоқ хабарчиси:

– Отлан, қирғиз, отлан! Ёв келди! – деб саратон куюни ичида яна қаёққадир отини елдек учириб кетди. Ўшанда кенг далам, дарёларим, тоғларим ларзага келиб, ўз элини отга мингизди. Йигитлар жангга отланганда осмону замин титраб, ёвни маҳв этишга чорлаб бонг урилди. Минглаб узангилар бир-бирига тегиб шақирлашиб, сон-саноқсиз чавандозларнинг кўзларидан қаҳр ва ғазаб ўти чақнаб, эл билан, юрт билан хўшлашди. Уларнинг олдида қизил байроқлар ҳилпираб, орқада отларнинг туёғидан чиққан чанг орасида оналар ва жувонлар: «Кенг даламиз мададкор бўлсин! Хосиятли она Ер мадад берсин! Буюк Манаснинг руҳи ёр бўлсин!» – деб бўзлаб қолишди.

Сенга жоним фидо, эй муқаддас далам, тоғларим! Элимга шу куч-қудратни сен ўзинг бердинг.

Мана шуларнинг барисини Дониёр куйга солиб, кўз ўнгимда ёрқин гавдалантириб, сермазмун кенг оламнинг бутун зеб-зийнاتини, кўркини очиб кўрсатди. «Ё пирай, буларнинг барини у қаердан ўрганди экан», деб ҳайрон бўламан. Ўзимча, чет ерларда кўп йиллар сарсон-саргардон бўлиб, ўз эл-юртини кўриш иштиёқи билан яшаган, шу қувончли дамни интизорлик билан кутган одамгина ўз она тупроғига шунчалик меҳр қўйиши, уни шу қадар сева олиши мумкин, деган фикрга келдим. Дониёрнинг бу куйларини тинглар эканман, унинг бошпана излаб ўтказган машаққатли етимлик йилларини ҳам, қонли жанг майдонларида босиб ўтган йўлларини

ҳам кўз олдимга келтирар эдим. Эҳтимол, унинг она Ватан ҳақидаги жўшқин куйлари ўшанда туғилгандир. Дониёрнинг ашулаларини тинглаб ўтириб, инсон боласи ўз она тупроғини шунчалик сева олганлиги учун ҳам, тиз чўкиб, ўша тупроқни худди ўз онангдек қучоқлаб ўпгинг келади. Ана шунда, биринчи марта юрагимда қандайдир янги бир ҳис уйғониб, қалбимни ўртаб, қани энди ўша ернинг муқаддаслигини, унинг кўркини Дониёрчалик сеза билсам, сева билсам, унинг мадҳиясини Дониёрчалик тараннум қилолсам, деган бир ҳавас уйғонганлигини сездим. Ниманидир орзиқиб кутардим, лекин нималигини ўзим ҳам билмасдим. Бунга ҳам хурсанд, ҳам хуноб бўлардим. Ўшанда менда рассомлик санъатининг илк куртаклари пайдо бўлганини, келажакда ҳаётни бўёқлар, суратлар орқали тасвирлашга ҳавас уйғонаётганини билмаган эканман.

Мен болалигимдан сурат солишни яхши кўрардим, болалар ўқиш китобларидан кўчириб солган расмларимни кўришиб: «Вой, худди ўзи-я!» – дейишарди. Муаллимларимиз ҳам мактаб деворий газетасини менга топширишар эди. Лекин кейинчалик сурат солишни бир чеккага йиғиштириб қўйишга тўғри келди. Уруш бошланиб, акаларим ҳарбийга кетгач, мен ўқишни ташлаб, ўз тенгқурларим қатори далада ишлай бошладим, ўша вақтларда сурат солмоқ кимнинг ҳам эсига келарди, дейсиз. Келажакда рассом бўламан, деган ўйим йўқ эди, аммо Дониёрнинг куйлари мени ҳаяжонлантириб, ҳаётнинг бутун гўзаллигини сезишга илҳомлантирди...

Мен ўнгимда эмас, гўё тушдагидек бу тотли хаёлга берилиб, худди дунёга янги келиб, кўзим энди очилгандек атрофга суқланиб қарардим. Менинг учун бу жуда катта турмуш сабоғи эди.

Жамиланинг ўзгариб кетганини айтмайсизми! Олдинги шўх, ҳазилкаш, гапга чечан келиндан гўё асар ҳам қолмагандек эди. Унинг ўйноқи ўткир кўзлари

энди гўё булутли кундаги қуёш сингари негадир ғамгин боқарди. Йўлда кетиб бораётганимизда Жамила доимо чуқур ўйга толар, лабларида билинар-билинемас табас-сум ўйнаб, у фақат ўзигагина маълум бўлган аллақандай латиф бир нарсадан ҳузур қилаётгандек, ундан суюнаётгандек туйиларди. Баъзан эса, аксинча, хаёлини бир нарса бузгандек, қопни аравадан елкасига силкиб олиб, шу турганича қотиб қоларди. У шу туришида гўё қутуриб оқаётган сувга дуч келиб, уни кечиб ўтишини ҳам, ўтмаслигини ҳам билмай лол бўлиб турган одамга ўхшарди. Дониёрга эса у нима учундир яқин йўламай, унинг кўзига тушишдан қочиб, четлаб юрди. Жамила ўзини уни аввалгидек назарига илмаётгандек қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасин, охири бир куни сабри чидамай хирмонда Дониёрга гап отди. – Устингдан кўйлагингни ечсанг бўларди. Ювиб берардим.

Кўйлакни сойга олиб бориб ювди-да, қуритиш учун ёзиб кўйиб, буришган жойларини текислаган бўлиб, уни анча вақтгача меҳр билан силади. Кўйлакнинг тўзиган жойларини қуёшга тутиб маъюс тикилар, нимадандир койингандек бошини чайқаб кўярди.

Кейинги кунларда Жамила бир оз очилиб, қаҳ-қаҳ уриб куладиган, ҳазил-ҳузул қиладиган бўлди. Бир куни беда ўроғидан келишаётган бир тўп қиз-жувонлар билан йигитлар хирмонга бурилишди. Ораларидаги ҳарбийдан қайтиб келган йигитлар:

– Ҳой қизлар, буғдой нонни ўзларинг еяверасизларми, қани, бизнинг улушимизни беринглар, бўлмаса ҳаммангни сувга пишамиз! – дейишди ҳазиллашиб ва паншахаларини ўқталишди.

– Бизларни паншахалар билан кўрқитолмайсизлар. Мана бу қиз-жувонларни нима билан меҳмон қилишни ўзим биламан, сизлар туёқларингни шиқиллатиб қолинглар, – деди Жамила ўрнидан сапчиб туриб.

Йигитларнинг ҳафсаласи пир бўлди, шекилли:

– Ундай бўлса, қиз-жувонинг билан барингни қўшиб сувга пишамиз, – дейишди баттар ўчакишиб.

Шу заҳотиёқ тапир-тупур олиша кетган ёшлар шовқин-сурон кўтаришиб, бир-бирини сувга итара бошлашди.

– Ушла, қўйиб юборма! – деб қичқирарди Жамила, ҳеч кимга бўш келмай, усталик билан чап бериб. Йигитлар ҳам шунча қиз-жувоннинг ичида фақат Жамилани кўзлари кўргандек, нима учундир, ҳаммаси ҳам унга ёпишар, тортқилашар, ҳар бири уни кучоқлаб бағрига босишга ҳаракат қиларди. Мана, уч йигит биргалашиб Жамилани ерга йиқитишди-да, оёқ-қўлидан кўтариб, сув бўйига олиб боришди.

– Ҳозир ҳаммамизни ўпасан, бўлмаса, сувга ташлаймиз! Қани, бўл тез! – дейишиб хахолаб кулишган йигитлар уни энкайтира бошладилар.

– Қўйманглар, йигитлар, бўш келманглар!

Ичаги узилиб кулган Жамила балиқдек сирғаниб, қўлдан чиқиб кетар, хотинларни ёрдамга чақириб қичқирар, лекин улар қий-чув кўтаришиб, ўзларининг сувда оқиб бораётган рўмолларини ушлаш билан овора эдилар. Йигитлар хахолашиб Жамилани сувга отиб юборишди, осмонга сачраган сув томчилари худди кумуш доналаридек товланар эди. Ҳали ҳам кулгидан ўзини тўхтата олмаган Жамила сувдан чиқиб келар экан, унинг тўзғиган ҳўл сочи яна ҳам чиройига чирой қўшиб юборган эди. Чит кўйлаги баданига ёпишиб, сийнаси олмадай диркиллаб турарди. Жамила бўлса парвойи фалак, қиқир-қиқир кулар, уст-бошидан сирқиб тушаётган сувни ҳам пайқамасди.

– Ўп, дарров ўп! – деб қисташарди йигитлар.

Жамила уларни ўпар, йигитлар уни яна сувга отишар, у бўлса гўё буни хуш кўргандек, сувдан чиқиб, сочини силкитиб, яна қотиб-қотиб куларди. Ёшларнинг бу қилиғига хирмонда кулмаган одам қолмади. Хирмон

совураётган чоллар ҳам ўзларини йигирма беш яшар бўз болалардек ҳис қилиб, ажин босган юзлари севинчдан порлаб: «Ҳа, ҳа, бўш келма, ушла! Этагидан торт!» – деб кўпкарида улоқ тортишгандек завқ-шавқ билан қичқиришар, шарақлаб кулишарди. Мен ҳам ўзимни тўхтата олмай қотиб-қотиб кулардим. Бу сафар янгамни кўриқлаш эсимга ҳам келмабди. Биргина Дониёр индамай, қовоғини солиб ўтирарди. Унга кўзим тушиши билан мен ҳам жим бўлдим. У хирмоннинг бир чеккасида ёлғиз ўзи ўтирган экан. Дониёр йигитларга еб кўйгудек ўқрайиб қарар, вазоҳатидан гўё ҳозир югуриб бориб Жамилани уларнинг кўлидан ажратиб оладигандек эди. Юзига тик боқишга ботинолмай, фариштадек пок деб билган Жамиланинг йигитларни кучоқлаб ўпиши, тортқилашиб ўйнаганлари Дониёрнинг кўнглига жуда қаттиқ ботди. Унинг бутун фикризикри, эс-хуши Жамиланинг ҳусни-жамолида эди. Дониёр йигитлардан қанчалик қизғанмасин, хандон отиб кулаётган Жамиладан кўзини олмай, унинг бу қилиғига ҳам койиниб, ҳам мароқланиб, хўмрайган қовоқлари остидан мулойим боқиб, тишини-тишига кўйиб ўтирди. Йигитлар Жамилага ҳар томондан ёпишиб, бетларини ўптирганларида Дониёр қути ўчиб, туриб кетмоқчи бўлар, лекин оёқлари итоат қилмаётгандек қимир этолмасди. Бир вақт Жамила унинг қараб турганини пайқади, шекилли, қаноти қайрилгандек бўшашиб хиралик қилаверган йигитларни силтаб ташлади.

– Етар, ҳазилнинг таги зил бўлмасин тагин!

– Ие, сенга нима бўлди, – деб кимдир хахолаб кулиб, уни яна кучоқламоқчи бўлган эди, Жамила унинг кўкрагидан итариб юборди:

– Нима ишинг бор? Нарн тур!

Кейин Дониёрга ялт этиб бир қаради-да, кўйлагини сиққани буталар орасига кириб кетди.

Дониёр билан Жамила ўртасидаги муносабатнинг қандай оқибатларга олиб келишини ўшанда мен

билмаган эдим. Ростини айтсам, бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга кўрқиб, кўпинча ўзимни бошқа нарсаларга алаҳситишга ҳаракат қилардим. Лекин Жамиланинг Дониёрдан четлаб юргани ва бунга ўзи яна ич-ичидан куйингани негадир кўнглимни ғаш қилар эди. Бундан кўра илгаригидек ҳазиллашиб юраверса бўлмасмиди? Ўзим шундай дейману, бироқ кечалари овулга қайта-ётганимизда Дониёрнинг ашуласини эшитарканман, уларни ўйлаб, қалбим қувончга тўлиб-тошар, ҳалиги ғамгин ўй-фикрлар хаёлимдан кўтарилиб, дунёнинг бутун лаззати шу ашулада деб билардим. Дарадан ўтиб, дарё бўйига чиққанимизда Жамила аравадан тушиб, пиёда юрарди. Мен ҳам аравадан тушиб юрардим, яёв юриб, мириқиб куй тинглаганга нима етсин! Бундай пайтда йўлдаги чанг-тўзонлар орасида эмас, худди осмонда, булутлар кўйнида кетиб бораётгандек бўласан киши! Аввал янгам иккаламиз араваларимиз ёнида борамиз, сўнгра аста-секин беихтиёр Дониёрга ёндашиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз. Қандайдир сеҳрли бир куч бизни Дониёр сари етакларди. Қоронғида унинг юз ифодасини, кўз қарашини кўришни истардик, наҳотки, шу қадар юрак билан куйлаётган киши ўша ўзимизнинг камгап, одамови Дониёр бўлса! Юраги талпиниб, куйдан ором олган Жамила ҳар доим унга яқинлаб борганида Дониёр томон секин қўл чўзганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Лекин завқ-шавқ билан куйлаётган Дониёр бунини пайқамас эди. Унинг ўй-хаёли қаерлардадир, осмонда кезиб юргандек узоқ-узоқларга кўз тикиб, қўлларини кўксига қовуштирганча, куй оҳангига чайқалиб ўтирарди. Жамиланинг қўли шилқ этиб тушиб, арава четига текканда худди ҳушига келгандек қўлини тортиб олар ва йўл ўртасида серрайиб туриб қоларди. Жамила ҳангу манг бўлиб, анчагача Дониёрга мўлтайиб қараб турар, кейин яна қадам ташларди.

Баъзан менга янгам икковимизни ҳам бир хил, аллақандай ажиб ҳис-туйғу ҳаяжонга солаётгандек бў-

либ туйиларди. Эҳтимол, бу ҳис-туйғулар икковимизнинг ҳам қалбимизда кўпдан буён яшириниб ётиб, энди вақт-соати келиб, туғён ураётгандир.

Жамила иш билан алаҳсираб, унча сир бой бермасликка ҳаракат қиларди. Лекин хирмонда қолиб, қўли ишдан бўшади дегунча, Жамила ўтиргани жой тополмай каловланиб қоларди. Бекорчиликдан нима қиларини билмаган одамдек шу ўртада айланиб юрар, сўнгра хирмон совураётганларнинг ёнига борар, уларга ёрдамлашмоқчи бўлиб, уч-тўрт курак ғалла ташларди-да, кейин бирдан куракни четга ирғитиб, сомон ғарами олдига кетарди. У дам олмоқчи бўлгандек ғарам соясига ўтирарди-ю, гўё якка-ёлғиз ўтиришдан кўрққандек мени чақирарди:

– Бу ёққа кел, кичкина бола!

Мен, янгам ҳозир менга бутун сир-асрорини очиб, юрагидаги дардини айтса керак, деб кутардим. Лекин у ҳеч нарса айтмас, эркалатиб бошимни ўз тиззасига кўярди-да, ўзи олис-олисларга узоқ тикилганча қалтираган иссиқ кафтлари билан сочимни, юзимни секин-секин силарди. Мен янгамнинг ташвишли, ғамгин чехрасига қарар эканман, негадир ўзимни унга ўхшатардим. Чунки унинг ҳам қалбини аллақандай бир ҳиссиёт ўртаётганини, унинг ҳам юрагида янги умид-орзулар уйғона бошлаганини сезиб қолгандим. Назаримда, Жамила бу оташин ҳисни қалбидан чиқариб ташлашга уринаётгандек бўларди. Бироқ ўз севгисини тарк этолмай, унинг барча заҳматларига чидашга мажбур бўларди. Мен ҳам бунга ўхшаб, бир кўнглим Жамила Дониёрни севса яхши бўларди, деса, бир кўнглим, севмагани яхши, дерди. Ахир, минг қилса ҳам келинимиз-ку, акамнинг хотини-ку. Уни бировга қандай раво кўрай. Бироқ бу хил фикрларни дарров хаёлимдан чиқариб ташлашга ҳаракат қилардим. Жамиланинг тиззасига бош қўйиб ётиб, унинг сал очилган ғунча лабларига, ёш тўла шаҳло кўзларига

термилиб қараш менга дунё-дунё роҳат бағишлар эди. Жамила ўшанда нақадар гўзал, нақадар латофатли эди. Қалбининг нақадар пок, беғуборлиги, ўй-хаёлларининг нақадар теран, ёрқин эканлиги унинг нур ёғилиб турган чехрасидан кўриниб турарди. Ўша кезларда мен шуларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб юрган бўлсам ҳам, аммо туб моҳиятига унча тушуниб етмаган эдим. Лекин ҳозир орадан қанча вақтлар ўтиб кетгандан кейин ўша воқеаларни эслаб, кўпинча ўзимга-ўзим савол бераман: балки севги деган нарса – инсон ҳар томонлама камолотга етиб, ақл-идроки тўлгандан кейин пайдо бўладиган бир туйғумикин? Бу ҳам шоир ёки рассом илҳомига ўхшаб инсонга куч-қудрат бағишлаб, янги орзу-умидлар, истиқбол сари етакловчи бир куч эмасмикин? Эҳтимол, ошиқликнинг бутун сири ҳам шундадир. Жамиланинг юзига қараб, баъзи пайтларда ўзим ҳам ҳис-ҳаяжонларига шерик бўлгандек, қандайдир сирли бир нарса юрагимга қувонч бағишлагандек бўлар эди. Ўрнимдан сапчиб туриб, югургим келар, овул четидаги кенг далага чиқиб юрагимга ғулғула солаётган ташвиш билан қувончининг сири нимадалигини ер ва самодан қичқириб сўрагим келарди. Бир кун мен бу саволимга жавоб топгандек бўлдим.

Кунлардан бирида биз станциядан овулга қайтиб келаётган эдик. Қош қорайиб қолганди. Кўкда юлдузлар жимирларди, атроф жимжит, бу сукунатни Дониёрнинг водий бўйлаб янграган ашуласигина бузарди. Жамила икковимиз унинг орқасидан борардик. Дониёрнинг ашуласи бу сафар негадир ёлғизлик дард-аламларини ифода қилгандек жуда мунгли эшитилиб, киши қалбини поралар эди. Кўзимга қайноқ ёш келиб, томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Жамила бу сафар қўлларини Дониёр томон узатиб, унга яқин борди-да, аравага суяниб, бошини қуйи солганича индамай кетаверди. Дониёрнинг овози тобора

кучайиб, тунги даштда янгидан тўлқинлана бошлаганда, Жамила қаддини ростлаганча аравага сакраб чиқиб олди. У Дониёр билан ёнма-ён ўтирди-да, қимирлашдан кўрққандек, кўлини кўксига қовуштирганча қотиб қолди. Қани, бу ёғи нима бўларкин, дегандек, мен ҳам улардан кўзимни узганим йўқ. Жамиланинг чиқиб ўтирганини Дониёр пайқамади, шекилли, унга қарамай куйлайверди. Бир оздан сўнг Жамила кўлларини аста-секин Дониёрнинг елкасига ташлади-да, унга суяниб, бошини елкасига қўйди. Шунда Дониёрнинг товуши бир зум титради-ю, кейин яна ҳам кучайиб, кўнғироқдек янгради. У севги ҳақида куйларди.

Тонг отиб, гуллаган водий юзидан қора парда кўтарилганда, мен ўша кенг дала ўртасида севишган икки ёшни кўрдим.

Улар менга ҳеч назар солмасалар ҳам, кўз остидан қараб, сеҳрлангандек эргашиб борардим. Севишганлар мен билан иши бўлмай, фақат менигина эмас, балки бутун борлиқни ҳам унутиб юборгандек, жонга ором берувчи куй оқимида чайқалиб, бир-бирига термилишиб секин боришарди. Назаримда, Дониёр билан Жамила бутунлай бошқача бўлиб қолгандек эди.

Булар мен илгари кўрмаган-билмаган қандайдир янги, бахти кулиб боққан кишилар эди.

Ҳа, уларнинг бири, кўзи қоронғида ўтдек ёниб, эски кўйлагининг ёқасини очиб юбориб, дала-даштга янғроқ куй таратиб бораётган Дониёр эди.

Ҳа, иккинчиси, Донёрга эркаланиб жимгина ўтирган менинг янгам Жамила эди! Унинг киприкларида севинч ёшлари милтирар, юзида бахт нури порлар эди.

Чинакам бахт шу эмасми? Дониёр ўзидаги она Ватанга, ёруғ дунёга бўлган оташин, юксак меҳр-муҳаббатини ҳам, ана шу улуғ севги туғдирган дилрабо куйни ҳам Жамилага тортиқ этди. У Жамила учун, Жа-

мила ҳақида куйларди. Ахир, бахт дегани шу эмасми?! Уларга юрагимдан бахт-саодат тиладим. Дониёрнинг куйлари мени яна ҳаяжонга солди-да, бирдан, кутилмаганда миямга ғалати бир фикр келди: «Мен уларнинг суратини чизаман!» – дедим ўзимча ва гўё нодир бир нарса топиб олгандай ўзимда йўқ суюниб кетдим. Лекин шу заҳоти ўз фикримдан ўзим чўчиб кетдим: «Бу иш менинг қўлимдан келармикин, эплай олармикинман?» Лекин орзу-истак қўрқувдан кучли келди. «Ҳа, мен уларнинг суратини, албатта, чизаман, мен уларни худди ҳозиргидек бахтиёр қилиб тасвирлайман!» дердим.

Мен шундай ширин орзу-хаёллар оғушида маст бўлиб, атрофга назар ташлар эканман, август тунни кўзимга яна ҳам гўзал кўриниб, дала гуллаб-яшнаётгандек бўлиб туйиларди. Орзу-ниятимга худди ҳозир етадигандек бўлардим. Лекин энди билсам, ўшанда жуда ғўр, ёш бола эканман, келажакда қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келишимни билмаган эканман. Мен ўзимга, она Ерни Дониёр кўзи билан кўра билиш, Дониёр қалби билан сева билиш керак, дердим. Мен унинг ажойиб ашулаларини бўёқлар ёрдамида ҳикоя қилиб бераман. Менда ҳам ўша тоғлар, далалар, майсазорлар, булутлар, дараларнинг жонли тасвири берилади. Бунинг учун жуда катта маҳорат кераклигини ўйламай, «бўёқларни қаердан олсам экан, мактабдан сўрасам беришмас, ахир ўзларига керак-ку!» – деб ташвишланиб юрардим. Энди билсам, ўшанда чучварани хом санаб, болалик қилиб юрган эканман.

Дониёрнинг ашуласи нима учундир бирдан узилиб қолди. Бундай қарасам, Жамила Дониёрни маҳкам қучоқлаб, уни бағрига босиб олган экан. Бироқ, шу заҳотиёқ нимадандир чўчигандек тисарилиб, аравадан сакраб тушди. Дониёр шошиб қолганидан тизгинни тортиб аравани тўхтатди. Жамила тескари қараганича йўлнинг қоқ ўртасида серрайиб туриб қолди, сўнг бошини шартта бурди-да, йиғи аралаш:

– Нега қарайсан? Менда ниманг бор? Қарама менга, аравангни ҳайда, жўна! – деди-да, орқада қолган араваси томон кетди. Мен лол бўлиб, оғзимни очиб қолган эканман, янгам мени ҳам койиб берди:

– Хўш, сен-чи, сен нега анграйиб турибсан, араванга мин! Бошимга битган бало бўлдиларинг-да!

«Қизиқ, унга нима бўлди, чап ёнидан турганми», деб ўйлардим йўл-йўлакай. Албатта, чуқурроқ ўйлаган одам Жамиланинг ростдан ҳам изтироб чекаётганини изоҳсиз ҳам тушунар эди: кўз очиб кўрган эри Саратов госпиталларидан бирида ётса, яқинда қайтиб бораман, деса, ахир бу осон гапми? Мен ҳеч нарса тўғрисида ўйлагим келмасди. Мен ўзимдан ҳам, Жамиладан ҳам хафа бўлдим, агар Дониёрнинг бундан кейин ашула айтмаслигини, унинг овозини бошқа эшитмаслигимни аниқ билсам, Жамиладан бутун вужудим билан нафратланган бўлардим.

Ҳозир ўлгудек чарчаб, кўнглим негадир ғаш бўлиб, тезроқ хирмонга етиб, сомонга чўзилсам, дердим. Арава тинмай силкиниб, тинкани қуритар, тизгин қўлимдан чиқиб-чиқиб кетарди. Хирмонга етиб келганимизда бир амаллаб отларнинг хомутларини ечдим-да, уларни араванинг тагига ташлаб, кейин сомон ғарами устига бориб чўзилдим. Ўша кеча отларни Дониёр тушовлабди.

Лекин эрталаб жуда хурсанд бўлиб турдим, кўнглим мусаффо тонг сингари равшан, қувончга тўла эди. Ҳа, мен Жамила билан Дониёрнинг суратини чизаман. Лекин «ўхшата олармикинман?» деган гумон бутун миямни чулғаб олган эди. Кўзимни юмиб, уларни қандай тасвир қилмоқчи бўлсам, ана ўшандай тасаввур этдим. Ўрнимдан ирғиб турдим-да, каттакон сой бўйига тушиб, қўл-бетимни ювдим. Кейин ўтлоққа тушовланган отларни кўздан кечирдим. Эрталаб шудринг тушган муздек беда оёқларимни савалаб, тиззамгача шилта ҳўл қилганди. Лекин мен буни писанд қилмай, олдинга чопиб борар, теварак-атрофдаги ҳар бир нарсани син-

чиклаб кўздан кечирар, ёдимда сақлаб қолишга уринар эдим. Мана, қуёш тоғ орқасидан кўтарилиб келар, ариқ бўйидаги ёлғиз кунгабоқар эса унга томон бўй чўзарди. Уни какралар ўраб олган, бироқ кунгабоқар бўш келмай кўкка интилар, сариқ гулли бошларини мағрур кўтариб, қуёш нурини шимиради. Мана, ариқнинг арава ўтган жойидан – ғилдираклар изидан сув жимираб оқмоқда. Сув ўртасида кўкариб турган бинафшаранг ялпиздан атрофга муаттар ҳид тараларди.

«Қани энди рассом бўлсаму мусаффо гўзал тонгни, кўк билан ўпишган азамат тоғларни, шудринг кўнган кўм-кўк бедазорни, ариқ бўйидаги бир туп кунгабоқарни суратга солсам!»

Бироқ хирмонга келишим билан бу ширин хаёлларимдан асар ҳам қолмай, кўнглим ғаш бўлди. Афтидан, Жамила ўтган кечаси ухламай чиққан бўлса керак, кўзлари киртайиб, қовоғидан қор ёғиб турарди. Менга у ҳеч нарса демади, қайрилиб қарамади ҳам. Хирмонга бригадир Ўрозмат келиб, энди отидан тушаётганида, Жамила унинг ёнига борди-да, салом-алик ҳам қилмай, томдан тараша тушгандек гапириб қолди.

– Аравангизни олинг! Қаёққа юборсаларинг ҳам майли, лекин станцияга ғалла ташимайман!

– Ие, сенга нима бўлди, Жамилахон, жин тегдими? – деди Ўрозмат ҳазиллашиб.

– Жин теккани йўғ-у, лекин бормайман дедимми, бормайман.

Ўрозматнинг жаҳли чиқди:

– Бу гапингни қўй, ғалла ташийсан, вассалом! – деди у қўлтиқтаёғини ерга дўқ эткизиб уриб. – Агар биров хафа қилган бўлса, айт, мана шу таёғим билан гарданига бир туширай. Бўлмаса, ишингга жўна. Ғалла менга эмас, фронтга керак, эринг ҳам фронтда-ку. – Бригадир жаҳл билан шартта бурилди-да, тез-тез одимлаб кетди.

Жамила ғинг деёлмай, кўлидаги қамчини ўйнатиб, айбдор одамдек, қизарганича туриб қолди. Бериги ёқда турган Дониёрни кўрди-ю, сир бой бермай, оғир хўрсиниб кўйди. Дониёр ҳамма гапни эшитди-ю, лекин сездирмади. У тескари қараганча хомут ипларини қаттиқ тортиб боғлай бошлади. Жамила ҳам хирмон ўртасида бирпас турди-да, сўнг: «Э, нима бўлса бўлар», дегандек кўл силтаб араваси томон кетди.

Ўша куни биз овулга ҳар кунгидан барвақт қайтдик. Чунки бораётганда ҳам, келаётганда ҳам Дониёр отларини зовталаб ҳайдаб борди. Жамила ғамгин, гапирмас эди. Мен қақраган бийдай далани кўриб кўзларимга ишонмасдим: ахир куни кеча у худди афсоналарда тасвирлангандек гуллаб-яшнаб турганди-ку... Кечаги ажойиб манзара, Дониёр билан Жамиланинг аравада ёнма-ён ўтирганлари сира кўз ўнгимдан кетмас эди. Гўё ҳаётнинг энг гўзал бир лавҳасини кўлимда ушлаб тургандек бўлардим. Ўша ажиб бир лавҳа бутун фикру ёдимни банд қилган эди. Ўйлаган мақсадимга етмагунимча жоним хотиржамлик топмайдигандек эди. Хирмондаги ҳисобчининг бир варақ қалин қоғозини ўғирлаб олиб, ғарам орқасига яширишиб, ғалла совурадиган курак устига кўйганимда юрагим чиқиб кетаётгандек дукуллаб бўғзимга тиқилди. Отам мени биринчи марта от устига мингизгандаги каби «бисмилло!» дедим-да, қаламни қоғозга теккиздим. Ана-мана дегунча Дониёрнинг қиёфасини қоғозга чиза бошладим. Лекин бу ҳали мукамал бўлмаган, шунчаки ўргамчикка чизилган сурат эди. Лекин, Дониёрнинг қомати ўзига анча ўхшай бошлаганида бошим кўкларга етиб, қаердалигимни, нима иш қилаётганимни ҳам унутиб кўйдим. Ўша август туниси, ястаниб ётган бепоён дала қоғоз бетида жилолангандек, Дониёрнинг дилрабо куйи ҳозир ҳам қулоғим остида жаранглаб тургандек бўлди. Кўз ўнгимда аскарча кўй-

лагининг ёқаси очик Дониёр билан унинг елкасига бош кўйган Жамила гавдаланди. Бу менинг умримда биринчи марта чизган мустақил суратим эди! Мана арава, мана ёнма-ён ўтиришган Дониёр билан Жамила, мана бўш ташлаб кўйилган тизгинлар, мана қоронғида сағриси зўрға кўриниб йўртиб бораётган отлар, ундан нарида бийдай дала, узоқ-узоқларда юлдузлар милтиллайди... Ишга шунчалик берилиб кетибманки, кимнингдир тепамга келиб жаҳл билан қичқирганидан ҳушимга келдим. Қарасам, Жамила экан:

– Нима бало, кар бўлиб қолдингми?

У мени излаб юрган экан, шошганимдан суратимни беркитишга ҳам улгуролмай қолдим.

– Буғдойни аллақачон юклаб бўлдик, бир соатдан бери қичқирамиз-а, овозинг чиқса-чи!.. Кўлингдаги нима? – деб Жамила суратни мендан тортиб олди ва: «Бу нима қилиқ!» – деб авзойи бузилиб, қоғозга термилганича қолди.

Ўшанда хижолатдан жуда мулзам бўлдим. Жамила суратга узоқ тикилиб турди-да, кейин ёшланган кўзлари билан менга маъюс боқиб:

– Шуни менга бергин-а, кичкина бола! – деди у секингина. – Сендан менга ёдгор...

Жамила сурат солинган қоғозни икки буклаб кўйнига солиб кўйди.

Биз йўлга чиқиб, овулдан анча узоқлашиб кетгунча ўзимга кела олмадим. Қалбимни шу қадар тўлқинлантирган ўша лавҳани чиндан ҳам қоғозда акс эттира олдимми ёки бу бир туш – хаёлми деб гумонсирадим. Лекин шундай бўлса ҳам қалбимнинг чуқур бир жойида чизган суратимдан фахрланиш ҳисси уйғониб, юрагим севинчдан тўлиб-тошар, яқинда бўёқ топсам, жуда кўп суратлар чизиб, мактабга илиб кўярдим, деган ширин хаёллар мени маст қиларди. Энди билсам, бу болаликка хос бир фазилат экан.

Мен ўз хаёлларим билан банд бўлиб, жуда тез кетаётганимизни ҳам пайқамабман. Чунки олдинда бо-раётган Дониёрдан орқада қолмайлик деб Жамила отларга устма-уст қамчи урарди. Кейинги пайтларда Дониёр аравасини ҳар қачонгидан ҳам тез ҳайдайдиган бўлиб қолганди.

Жамила Дониёр билан ёнма-ён борарди. У гоҳ ўннга, гоҳ сўлга қарар, баъзан эса бирон айб иш қилиб қўйгандек аянчли жилмайиб турарди. Буни кўриб мен ҳам жилмаярдим ва: «Чизган суратим янгамга ёқди, шекилли, хафалиги тарқаб, кўнгли ёзилди. Жамила Дониёрга ашула айт деса, у, албатта, айтиб беради... Демак, бугун Дониёрнинг ашуласини маза қилиб тинглар эканман-да... Эҳ, тезроқ айта қолса экан», деган ўй кўнглимдан кечарди!

Бу сафар биз станцияга анча барвақт етиб келдик, лекин отларимиз қора терга тушиб кетган эди. Тарози ҳам бўш экан, Дониёр аравадан туша солиб, қопларни таший бошлади. Унинг бунча шошиб-пишиб ишлашига, индамай тумшайиб юрганига ҳайрон эдик. Поездлар ўтганда, Дониёр тўхтаб қолиб, уларнинг орқасидан узоқ вақт қараб турар, негадир чуқур ўйланиб қоларди.

Жамила ҳам гўё унинг кўнглидагини билмоқчи бўлгандек, Дониёр боққан томонга қаради. Жамила аравасининг ёнига бориб Дониёрни чақирди:

– Бери кел-чи, Дониёр, қашқа отнинг тақаси тушай деб турибди, шуни юлиб ташлагин.

Дониёр отнинг туёғини тиззалари орасига қисиб, тақани юлиб олиб, қаддини ростлаётганида Жамила секин шивирлади:

– Нима, ҳеч нарсани тушунмайсанми, дейман? Ё мендан бошқа қиз-жувон қуриб қолганми?

Дониёр қиё боқди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

– Нима, менга осон деб ўйлайсанми? – деди Жамила хўрсиниб.

Дониёр Жамилага меҳр билан боқиб, алланима деди-ю, лекин мен эшитмай қолдим, чунки юганидан ушлаб тур-

ган отим бошини силтаб пишқириб юборди. Дониёр нима-дандир мамнун бўлгандек қўлидаги тақани силаб, ўз араваси томон кетди. Мен унга қараб, наҳотки, унинг юраги Жамиланинг ҳалиги сўзларидан таскин топди экан, деб ҳайрон бўлардим. Ахир «менга осон деб ўйлайсанми?» деган сўзининг нимасига хурсанд бўлади?

Биз қопларни ташиб бўлиб, энди овулга қайтмоқчи бўлиб турганимизда, ҳовлига эгнига ғижимланган эски шинел кийган, елкасига халта илиб олган бир ориқ ярадор аскар кириб келди. Ундан сал олдин станцияга бир эшелон келиб тўхтаган эди. Ҳалиги аскар чор-атрофга аланг-жаланг қаради-да:

– Гуркуров овулидан ким бор?! – деб қичқирди. Бу ким бўлдийкин, деб ўйладим-да:

– Мен Гуркуровдан бўламан, – дедим. Аскар қувониб кетди-да:

– Кимнинг боласисан, укажон? – деб сўраб олдимга келмоқчи бўлган эди, бирдан Жамилага кўзи тушиб, турган жойида донг қотиб қолди.

– Кариммисан? – деди Жамила шодланиб.

– Вой, Жамила, сингилжоним! – деб аскар Жамиланинг ёнига югуриб бориб, у билан қўшқўллаб кўриша кетди.

Бу келган йигит Жамиланинг узоқ қариндоши, ҳамқишлоғи экан.

– Буни қара, худди билгандек шу ёққа қайрилибман-а! – деди у ҳаяжон билан. – Содиқнинг ёнидан чиққанимга атиги беш кун бўлди, госпиталда у билан бирга ётдик, Худо хоҳласа, у ҳам бир-икки ойда келиб қолади. Мен кетаётганимда хотинингга хат ёзиб бер, ўз қўлим билан топширай, деб хат ёздириб олгандим... Жуда яхши қилган эканман-да, мана, омонатингни ол! – деб хурсанд бўлиб, аскар шинелининг ичидан учбурчак хатни олиб, Жамилага узатди. Жамила хатни шоша-пиша олди-да, қувонганиданми, ё уялганиданми аввалига

қизариб, сўнгра ранги қув ўчиб, индамай Дониёрга кўз қирини ташлади. У бояги хирмондагидек оёқларини кериб, аравасининг ёнида ёлғиз тураркан, Жамилага маъюс боқарди. Бу орада ҳар томондан югуриб келишган кишилар аскарни ўраб олиб, баъзиси қариндош, баъзиси ҳамқишлоқ чиқиб, ҳол-аҳвол сўрашиб қолишди. Жамила ўз ҳамқишлоғига миннатдорчилик билдиришга улгурмаган ҳам эдики, Дониёр унинг ёнидан аравасини тақир-туқур қилиб ўтди-да, чанг-тўзон кўтариб йўлга тушди. Кишилар унинг орқасидан:

– Нима бало, уни жин урдими? Эси жойидами ўзи? – деб қичқириб қолишди.

Аскарни ҳам таниш-билишлари олиб кетишди, шекилли, ҳовлида янгам иккаламиздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Биз Дониёрнинг араваси кўздан ғойиб бўлгунча, олисда кўтарилаётган чангга қараб турдик.

– Юр, янга, уйга кетайлик, – дедим мен.

– Ўзинг кетавер! – деди Жамила.

Ана шундай қилиб, биз биринчи марта алоҳида-алоҳида кетдик.

Ҳавонинг димлигидан нафас олиш қийин эди. Ердан кўтарилган ҳарорат лабларимни қабарситиб, томоғимни қуришиб юборди. Жазирама қуёш нури эрталабдан куйдириб, қовжиратиб ётган ер бети энди шўрхок туз билан қопланиб, аста-секин совиётгандек бўларди. Қуёш шўрхок ердан кўтарилаётган сароб сингари парда ичида уфқ сари чўкиб борарди.

Узоқда, уфқ тепасида қизил-сур булутлар йиғила бошлади. Баъзан кучли гармсел эсиб, отларнинг тумшукларига чанг аралаш оқиш шўрхокларни келтириб урар ҳамда уларнинг чанг босган ёл ва думларини юлқиб, йўл бўйидаги эрманларни учириб кетарди.

«Ёмғир ёғади шекилли», деб ўйладим. Шунда ёлғизлик дарди ичимни ўртаб, алланимадан кўрққандек отларни жадал ҳайдаб кетдим. Менгина эмас, ҳатто

узун оёқли тувалоқ қушлар ҳам бир нарсадан чўчигандек қамишзорлар орасига кириб яширинишди. Шамол жазирама иссиқдан қовжираган қариқиз япроқларини аллақерлардандир йўл устига учириб келарди. Биз томонларда бундай ўсимликлар ўсмайди. Чамамда, бу япроқлар қозоқ чўлларидан учиб келган бўлса керак. Теварак-атрофда қимирлаган жон йўқ. Дониёр ҳам кўринмайди, орқада қолган Жамиладан ҳам дарак йўқ. Қуёшнинг охирги нури ҳам сўнди. Толиққан дала ҳам мудраб уйқуга кетди.

Мен хирмонга қош қорайганда етиб келдим. У ер тинч, ғир этган шабада йўқ. Дониёрни чақирган эдим, қоровул жавоб берди:

– У сойга кетди, нима ишинг бор эди? – деди-да, сўнгра бир ютиниб олиб, ўзича минғирлади. – Ҳавонинг димлигини-чи, ҳамма уй-уйига кетишди. Шамол бўлмаса, хирмонда иш бўлармиди...

Отларни бедазорга тушовлаб, сойга бурилдим. Дониёр одатдагидек тик тушган жар тепасида тиззасини кучоқлаб, бошини қуйи солганча жар остида сувнинг шовиллаб оқишига қулоқ солиб ўтирарди. Унинг мустар бўлиб ўтириши юрагимни эзиб юборди. Дониёрнинг ёнига бориб, уни маҳкам кучоқлаб, тасалли бермоқчи, илиқ сўзлар билан кўнглини кўтармоқчи бўлдим. Лекин нима ҳам дея олардим, уни қандай юпатаман, ахир. Анчагача иккиланиб турдим-да, сўнгра хирмонга қайтиб кетдим.

Ўшандан кейин ғарам устида ётиб анча вақтгача ухлай олмай, осмонни қоплаб келаётган булутларга қараб хаёл суриб кетдим. «Инсон ҳаёти нега бунчалик мурраккаб, сира тушуниб бўлмайди-я». Жамиланинг бўлса ҳамон дараги йўқ. Нега бунча ҳаяллади экан, қаерларда юрганикин, деб араванинг ғилдирак товушларини эшитишга зор бўлиб қулоқ солиб ётдим. Қаттиқ чарчаган бўлсам ҳам, сира уйқум келмади. Тоғлар тепасидаги булутлар орасидан яшин ялт-юлт этиб чақнарди.

Дониёр келганда ҳали уйғоқ эдим. У нима қиларини билмай, қайта-қайта йўлга қараб, хирмонда бир оз айла-ниб юрди-да, сўнгра ёнимга келиб, ўзини юз тубан отди.

«Энди у овулда қолмайди, бошини олиб кетса керак», деб ўйлардим. Лекин бечора қаерга ҳам борарди? Бошпанасиз бир мусофир кимга ҳам керак? Бечорага қийин бўлди-да, энди нима қилар экан?

Энди кўзим илинган экан, хирмон томондан арава товуши эшитилди. «Жамила бўлса керак», деб ўйладим уйқу аралаш.

Қанча ухлаганимни билмайман, бир вақт нақ қулоғим тагида шитирлаган товуш эшитилиб, биров келаётгандек бўлди. Қанот серпигандек қандайдир бир совуқ нарса бетимни силаб ўтди. Кўзимни очсам Жамила экан. Чўмилиб келган бўлса керак, кўйлагини ҳам хўллаб олибди, шунинг учун ҳам ёнимдан ўтаётганида салқин шабада эсгандек бўлди. Жамила тўхтаб қолди-да, у ёқ бу ёққа аланглаб, Дониёрнинг бош томонига ўтирди.

– Дониёр, мана мен ўзим келдим! – деди у секин шивирлаб.

Атроф жимжит, осмонни гумбурлатиб яшин чақнади.

– Хафа бўлдингми? Қаттиқ хафа бўлдингми?

Яна жимлик чўкди, қирғоқдан тупроқнинг сувга «шўлп» этиб тушгани эшитилди.

– Лекин менинг айбим нима? Сенда ҳам гуноҳ йўқ.

Тоғлар устида яшин гумбурлади. Жамила чўчиб ялт этиб қараганида, яшин унинг юзини ёритиб юборди. Жамила атрофга бир қаради-да, ўзини Дониёр кўксига ташлади, унинг елкаси Дониёрнинг бақувват қўллари остида дир-дир учарди. Жамила ҳам ғарамга чўзилиб, Дониёр билан ёнма-ён ётди.

Кучли шамол сомонни кўкка созуриб, хирмон четида қийшайиб турган ўтовни ялаб ўтди-да, қуюн бўлиб осмонга кўтарилди. Чақмоқ булутлар орасида кўкимтир из қолдириб, қарағай сингандек қасира-қусур қилиб

ҳамма ёқни ларзага солди. Аъзойи баданим титраб, ҳам кўрқиб, ҳам қувониб кетдим. Момақалди роқ, ёзнинг охириги момақалди роғи ёпирилиб келар, илк куз нафаси димоққа уриларди. Энди Жамилани ҳеч қандай куч тўсолмасди. У Дониёрга секин шивирлади:

– Чиндан ҳам гумонсирадингми, наҳотки, мен сени унга алмаштирсам! У мени ҳеч қачон севган эмас, севмайди ҳам! Майли, ким нима деса деяверсин, лекин мен сеникиман! Ёлғизим, азизим, мен сени ҳеч кимга бермайман. Мен сени кўпдан бери севаман. Ғойибона ошиқ бўлиб келишингни интизорлик билан кўзим тўрт бўлиб кутгандим. Кутганлигимни билгандек, мана, сен ҳам мени излаб келдинг...

Жарлик орқасидаги сой қирғоқларидан ивиб сувга қулаб тушаётган тупроқ чақмоқ ёруғида кўриниб турарди. Дастлабки йирик ёмғир томчилари сомон устига шитирлаб ёға бошлади.

– Жамилам, жонгинам, севгим, Жамилахон! – деб Дониёр қирғизча ва қозоқча энг нафис сўзлар билан ўз маъшуқасини эркалатарди. – Мен ҳам сени кўпдан бери севиб юрардим. Умримда кўрмаган бўлсам ҳам, окопларда ётиб сени ўйлардим. Севган ёрим Ватанимда эканлигини билардим. Бу сен экансан, Жамилам!

– Шунқорим, мард лочиним! Бу ёққа қара-чи, кўзларингга тўйиб боқай!

Ёмғир шаррос қуйиб берди. Қора уй тепасига ёпилган наMATлар худди қанот қоққан қушдек шамолда учиб кетди. Гоҳ қиялаб, гоҳ тик қуйган жала ерни орзиқиб кутгандек устма-уст ўпарди. Кетма-кет момақалди роқ гумбурлаб, бутун осмон қаърини тилиб ўтгандек бўларди. Узоқ-узоқлардаги тоғлар баҳор лолаларидек қизариб кўринарди.

Ёмғир кучая борди. Мен бўлсам, сомонга кўмилиб олиб, юрагимнинг дук-дук уришини сезиб ётардим. Мен ниҳоятда бахтиёр эдим! Ўзимни узоқ касаллик-

дан кейин биринчи марта кўчага чиққан одамдек ҳис этиб, ҳар бир нарсага суқланиб қарар, гўё ҳаёт лаззатини энди билаётгандек эдим.

Ёғин ҳам, чақмоқларнинг ёруғи ҳам сомон остида ётган жойимга етиб борарди, лекин мен ўзимни жуда яхши ҳис этардим, уйкуга кетар эканман, ўзимча кулимсираб кўярдим. Қулоғимга чалинган шарпанинг нималигини билмасдим. Бу Жамила билан Дониёрнинг шивирлашими ё бўлмаса, тинаётган ёмғирнинг сомонга шитирлаб тушишими?

«Мана энди ёмғир тинмайди, ҳадемай куз ҳам киради!» дердим ўзимга-ўзим. Нам сомон билан эрман ҳиди димоққа уриб, куздан дарак берарди.

Лекин бу кузда бизни нималар кутаётгани ҳақида ўйламабман.

Ўша кузда мен икки йиллик танаффусдан кейин яна мактабга қатнай бошладим. Дарсдан бўш вақтларимда кўпинча ҳалиги сой бўйидаги жар тепасига бориб ўтирардим. Хирмон ҳувиллаб бўшаб қолган эди. Бу ерда мен мактабдан олган бўёқлар билан ўзимнинг дастлабки этюдларимни чиздим. Чизган суратчаларимдан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмас эди.

«Бўёқларимнинг мазаси йўқ. Қани энди чинакам, асл бўёқлар бўлса!» – деб ўйлардим ичимда. Яхши бўёқларнинг қандай бўлишини билмасдим ҳам. Рассомлар ишлатадиган мойбўёқларни фақат кейинги вақтлардагина кўришга муяссар бўлдим.

Бўёқ ўз йўли билан-у, лекин муаллимларнинг гапида ҳам жон борга ўхшарди: рассом бўлиш учун ўқиш керак. Бу гап тўғрилигини билиб турсам ҳам, ўқишимга сира кўзим етмасди.

Ўқиш қаёқда дейсиз: акаларим дом-дараксиз кетган бўлса, мен икки уйнинг ёлғизгина дастёри бўлсам, ўқишга юборишармиди. Шунинг учун ўқиш тўғрисида оғиз ҳам очмасдим. Лекин ўқишни кўмсаб, борол-

маслигимга ич-ичимдан ачинардим, бунинг устига, бу йил кузнинг бу қадар кўркам келишини айтмайсизми!

Кўлингдан келса, ўтирсангу чизсанг, ажойиб сурат чиқарди-да.

Гуркуровнинг суви камайиб, қозондек-қозондек тошлар туртиб чиқиб, уларнинг усти ям-яшил, сап-сарик йўсин билан қопланганди. Эрталабки изғириндан яланғоч толчаларнинг нозик таналари қизариб кетганди, бироқ теракларнинг сап-сарик япроқлари ҳали тўкилмаган эди.

Йилқичиларнинг ёзи билан ўт ёқилавериб тутундан қорайиб кетган ўтовлари катта сойнинг у ер бу ерида кўзга ташланарди. Ўтовдан буралиб-буралиб чиқаётган кўк тутун худди тўй-тўйлаган хотинлардек овулма-овул сузиб юришарди. Тойчалар атрофга ёйилиб кетган оналарини қидиришиб, зўр бериб кишнашарди. Энди тойчалар кишнагани-кишнаган. Чунки бияларни то баҳоргача уярда сақлаш қийин. Тоғлардан қайтган моллар ҳосили йиғиб олинган далаларда пода-пода бўлиб юришарди. Дашт саҳни туёқ изидан илма-тешик бўлиб кетган эди.

Бу йил ҳам куз кузлигини қилди: ҳамма ёқни тўзитиб изғирин шамол кўзғалди ва осмоннинг авзойи бузилиб, қор аралаш ёмғир ёға бошлади. Бир ҳафта сурункасига ёққан ёмғир бир кун сал тиниши билан, мен Гуркуров томонга қараб жўнадим. Тошлоқдаги бир туп тоғ четани қип-қизил чўғдек ёниб, «мени суратга ол» дегандек бўй чўзиб турарди.

Мен сой бўйидаги буталар орасида сурат чизиб ўтирганимда, қош қорайиб қолган эди. Бир вақт бошимни кўтариб қарасам, нариги соҳилда икки киши турибди, дарёнинг саёз жойидан ўтишган бўлса керак. Уларнинг Дониёр билан Жамила эканини дарров танидим. Мен уларнинг жиддий ва ташвишли юзидан кўзимни уза олмай тикилиб турдим. Дониёр ҳар галгидек дадил қадам

ташлар, юрган сайин шинелининг бари оҳори тўкилган аскарча этигининг қўнжларига шартиллаб тегарди. Жамила бўлса эгнига бозорга борганда киядиган парча-парча қизил гулли кўйлагини, чийбахмал чопонини кийиб, бошига оқ жун рўмолини ўраб олганди. Бир қўлига тугунчак кўтариб, иккинчи қўли билан Дониёрнинг халтасидан ушлаб бормоқда. Улар йўл-йўлакай нималар тўғрисидадир ўзаро гапиришиб боришарди.

Уларнинг овулимизни ташлаб, қаёққадир кетишаётганини сезиб, юрагим «жиз» этиб кетди.

Мана, улар жарликдан ўтиб, қамишзор оралаб кетиб борарди. Мен бўлсам, худди бир нарсани йўқотган кишидек уларнинг орқасидан қараб, нима қиларимни билмай қолдим. Қичқирайин десам, нафасим сиқилиб, овозим чиқмасди.

Куёш тоғлар ёқалаб сузиб бораётган булутларга қизғиш нурларини сўнгги бор сочди, атрофни қоронғилик қоплай бошлади.

Дониёр билан Жамила орқа-олдиларига қарамай, темир йўл разъездини кўзлаб, тез-тез одимлаб боришмоқда. Бора-бора уларнинг қоралари узоқлашиб, бир оздан кейин қамишзор орасига кириб, бутунлай ғойиб бўлди.

Ана ўшандагина мен ўзимга келиб, орқаларидан овозимнинг борича:

– Жамила-а-а-а! – деб қичқирдим.

Дала устида анча вақтгача: «а-а-а» деган акс садо эшитилиб, бир оздан сўнг тинар эди. Яна бир марта жаҳл билан:

– Жамила-а-а-а! – деб қичқирдим-да, сўнг уларнинг орқасидан югуриб қолдим. Сувни сув демай, оёқяланг, бошяланг, уларнинг орқасидан қувиб борардим, уст-бошим жиққа ҳўл бўлганди. Шунга қарамай, яна тезроқ чопа бошладим. Бирдан оёғим нимагадир чалиниб кетди-да, юз тубан йиқилдим. Бошимни кўтармай, икки қўлим орасига олиб, ўксиб-ўксиб йиғлаб

юбордим. Кўз ёшларимдан намланган майин тупроқ қўл-бетимни музлатиб ғира-шира қоронғилик кўнглимга ғулғула солгандек, ўпкам қисилиб, аччиқ-аччиқ йиғладим, қамишлар гўё менинг қайғу-ҳасратимга ҳамдард бўлгандек тинмай шитирлашар эди.

– Жамила! Жамила! – дердим мен ўпкамни босолмай пиқ-пиқ йиглаб. Мен энг яқин, энг азиз одамларим билан хайрлашар эдим. Мана ҳозиргина, ерда ётиб, ўзим ҳам Жамилани севиб қолганлигимни тушундим. Бу менинг илк, болаликдаги севгим эди.

Юзимни кўз ёшидан ҳўл бўлиб кетган енгимга артиб, яна анчагача йиглаб ўтирдим. Мен фақат Жамилалар билангина эмас, балки ўзимнинг болалик даврим билан ҳам хайрлашар эдим.

Қоронғида тимирскиланиб уйга келганимда ҳовлимизда шовқин-сурон авжида эди: ит эгасини танимасди. Кимдир отга эгар урарди. Безори Усмон бўлса, ҳар кунгидек маст, отини гижинглатиб, овозининг борича бақирарди:

– Айтмаганмидим, мана, оқибати нима бўлди. Йўлчибой ота шармандайи шармисор бўлди. Қани кетдик, бу саёқ ит, чала қозоқни ушлаб бўйнини узмасам, отимни бошқа қўяман. Ўн йилга кесилсам, кесиламану, лекин ҳар қандай ялангоёқнинг хотинларимизни олиб кетишига йўл қўймайман. Қани кетдик, йигитлар! Қаерга ҳам борарди, дейсан?

Улар қайси томонга кетишаркин, деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, юрагим шув этиб, аъзойи баданим музлаб кетди. Нима қиларимни билмай, отлиқларнинг орқасидан мен ҳам овул чеккасига югуриб бордим-да, уларнинг разезд томонга эмас, станцияга олиб борадиган катта йўл томонга қараб бурилиб кетганларини кўриб, кўнглим ўрнига тушди. Сўнгра уйга қайтиб келдим-да, йиғлаганимни ҳеч ким билмасин, деб, отамнинг тўнига ўралиб ётдим.

Овулда ҳар хил миш-миш гаплар тарқалди. Ҳамма хотинлар Жамилани қоралашарди:

– Аҳмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туфлаб, санқиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди.

– Шунисига куяман-да! Унинг нимасига қизиқди экан, дейман-да! Эски шинели билан, тешик этигидан бўлак ҳеч балоси йўқ эди-ку!

– Кўтан-кўтан қўйи бормиди! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби бетайин бир дайди-да! Майли, уволи ўзига, ҳали аттанг дейди... Бу танноз хотиннинг ҳолини ўшанда кўрармиз.

– Тавба, Содикдан ортиқ эрни топиб бўпти.

– Қайнонасини айтмайсанми, қайнонаси-чи? Бундай ювош қайнонани қаердан топади! Ўзига-ўзи қилди, жувонмарг, майли!

Бурунги янгамни, Жамилани қораламай, унинг қилмишини тўғри деб топган ёлғиз мен бўлсам керак. Дониёрнинг эски шинели билан тешик этигидан бошқа ҳеч нарсаи бўлмаса ҳам, лекин унинг маънавий бой, қалби юксак одамлигини мен билмаганда ким билади. Жамила Дониёрнинг этагини ушлаб кетиб, ўз бахтини топтади, деган гапларга ишониниш у ёқда турсин, аксинча, мен у ўз бахтини энди топди, деб ишонардим. Фақат ойимга ачинардим, холос. Жамила билан бирга унинг бутун куч-қуввати кетгандек. Ойим ғамгин бўлиб, ўзини анча олдириб, қадди букилиб қолди. Оҳ, бечора ойим. Ҳаёт оқими баъзида эскилик илдизига шафқатсиз болта уриб, янги бахт сари интилишини ойим тушунмаса керак-да. Агар бўрон азим чинорни таг-томири билан кўпориб ташласа, у қайтиб қаддини ростлаёлмайди... Ойимнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан унинг олдинги куч-қуввати қолмаганлиги сезилиб турарди. Илгарилари у ҳеч кимдан игнага ип ўтказиб беришни илтимос қилмас, қарилик ғурури бунга йўл қўймас эди. Бир куни уйга кириб келсам, ойим игнанинг кўзини тополмай, қийналиб йиғлаб ўтирибди.

– Ма, ипни ўтказиб бер-чи! – деди у қалтираган қўллари билан игна ва ипни менга узатиб. Сўнгра оғир хўрсинди-да, кўз ёшларини артиб, ўзича минғирлади: – Э-е, шўрлик келиним, кўра-била туриб ўзингни ўтга ташладинг-а. Уйимизнинг тўри сеники, еганинг олдингда, емаганинг кетингда эди... Ўзингни ўзинг жувонмарг қилдинг... Бизни доғда қолдириб кетдинг... Нега кетдинг... Уйимизда нима камчилик кўрддинг... Шўрлик Жамила...

Ойимнинг шундай мунғайиб ўтирганини кўриб, ўзимни тутолмай, беихтиёр: «Йўқ, ойи, у шўрлик эмас!» – деб қичқириб юборгим келди-ю, лекин ўзимни босдим. Ойимни маҳкам кучоқлаб, Дониёрнинг кимлигини, уни жонимдан азиз кўришимни айтиб, йиғлаб юборишимга оз қолди. Лекин бу сўзларни айтишга тилим борармиди. Бу гапим билан ойимни бир умрга хафа қилган бўлардим.

Лекин бари бир бу бегуноҳ «қилмишларим» сир бўлиб қолмади.

Орадан кўп ўтмай Содиқ акам ҳарбийдан қайтиб келди. Ростини айтганда, у кўринишда унчалик сир бой бермаса ҳам, лекин номусдан қаттиқ куйиниб, жиғибийрон бўлиб юрди, Усмонлар билан ичишиб қолгудек бўлса:

– Кетган бўлса садқайи сар! Сарсон-саргардон бўлиб юриб, охири бир кун очидан ўлади-кетади. Хотинман деганинг тўлиб ётибди, чертиб-чертиб олиш мумкин. Олтин бошли хотиндан, бақа бошли эр яхши! – дерди жаҳл билан.

– Гапинг-ку тўғри-я, – деб жавоб қайтарарди Усмон. – Афсуски, ўшанда кўлимга тушмади-да: унисининг ичак-чавоғини ағдариб, бунисининг сочларидан отга боғлаб судратардим! Эҳтимол, улар жанубда, пахта далаларида, ё бўлмаса қозоқ ерларида тентиб юришгандир. Саёқлик Дониёрга касб бўлиб қолган. Шунисига доғманки, буни ҳеч ким билмай, ҳеч ким сезмай

қолган-а, қандай бұлганига кишининг сира ақли ет-майди-я... Бу ишнинг ҳаммасини ўша қанжиқнинг ўзи қилган, исини ҳам чиқармади-я, лаънати, бұлмаса мен уни нақ!..

Бундай гапларни эшитганимда қоним қайнаб, муштаримни қисардим. Кучим етса, ўша Усмоннинг башарасига туфлаб: «Пичан ўроғида адабингни бергани эсингдан чиқибди-да... Энг ярамас, энг разил одам сенсан-ку!» деган бўлардим.

Бир куни уйда мактаб деворий газетасига сурат чизиб ўтирган эдим, ойим ҳам печка олдида чўққайиб ўт ёқиб ўтирарди, бехосдан эшик очилиб, уйга ранги кўкариб, ғазабидан кўзларига қон тўлган Содиқ акам кириб келди. У мени устимга ёпирилиб келаётганда, елкасига ташлаб олган шинели ерга тушиб кетди.

– Буни сен чиздингми? – деб сўради у бир варақ қоғозни тумшуғимга тиқиб. Қоғоздаги суратни кўриб юрагим орқага тортиб кетди: бу ўша хирмонда ўтириб қаламда чизган Дониёр билан Жамиланинг сурати эди. Суратга кўзим тушиши билан гўё улар менга қараб туришгандек бўлди. «Қизиқ, Жамила буни нега ташлаб кетдийкин? Уни бир ерга яшириб қўйган-у, кейин эсидан чиқариб кетган бўлса керак!» – деб ўйладим ичимда.

– Ҳа, мен чизган эдим! – дедим.

– Бу-чи, бу ким ўзи?

– Дониёр.

– Э, аблаҳ, сотқин! – деб ўшқирди Содиқ акам менга ва суратни майда-майда қилиб йиртди-да, оёғи остига олиб топтаб, кейин эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Уй ичига оғир жимлик чўқди.

– Сен буни билармидинг? – деб сўради ойим бир маҳал.

– Ҳа, билардим.

Ойим печкага ўт ёқиб ўтириб, менга шундай таъна ва ҳайрат назари билан қарадики, мен нима қилишимни билмай, бош бармоғимни узиб олгудек бўлиб:

– Мен уларнинг суратини яна чизаман! – дедим.

Ойим ғинг демай бошини маъюсгина чайқаб, ерга боқди.

Ерда сочилиб ётган суратга қараб, ичимни ўтдек ўртаётган хўрликка ҳеч чидай олмадим. Майли, мен оиламиз, уруғимиз учун «сотқин» бўлайин, бироқ мен одамгарчиликка, ҳақиқатга, ҳаёт ҳақиқатига хиёнат қилганим йўқ. Аксинча, адолат тарафдори бўлдим. Менинг кўнглим соф, ниятим холис эканлигини ҳеч ким билган эмас, буни одамларга ҳам айтиб бўлмайди, бошқалар тугул, ҳатто ойим ҳам буни тушунмас эди, албатта.

Ойим индамай ўтираверди. Изза бўлганимдан кўзларимга ёш келди, йиртиб ташланган сурат парчалари гўё жонлидай ерда айланиб юрарди. Дониёр билан Жамиланинг ёрқин қиёфаси сира кўз ўнгимдан кетмас, Дониёрнинг ўша август кечаси айтган оромбахш қўшиқларини яна эшитаётгандек бўлардим. Уларнинг овулдан кетганларини эсладим-да, мен ҳам ғайратга тўлиб улар каби ўз истиқболим йўлида қийин сафарга отланишга қатъий бел боғладим.

– Мен ўқишга кетаман! – дедим ойимга. – Рассом бўлгим келади, рассомлик ўқишига бораман, отамга ҳам айтиб қўйинг...

Мен, ҳозир ойим урушда ҳалок бўлган акаларимни эслаб, фарёд кўтариб йиғласа керак, деб ўйлаган эдим. Лекин, бахтимга ойим йиғлагани йўғу, фақат ғамгин, эшитилар-эшитилмас қилиб гапирди:

– Майли, ўзинг биласан, борсанг бора қол... Учирма қанот бўлганларингдан кейин гапимизга кирармидиларинг, ҳар қайсинг ўз билганларингни қиласизлар. Биз нимани биламиз, балки сизларнинг билганларинг тўғридир, балки жуда катта одам бўлиб кетарсанлар... Ҳозир замон ўзи шунақа-ку. Майли, боравер... Эҳтимол, ўша ёқларга борганингдан кейин сураткашлик яхши

касб эмаслигини ўзинг тушуниб оларсан... Уйингни, ота-онангни унутма, насиҳатим шу...

Шу кундан бошлаб кичик уй ўз-ўзидан бўлиниб кетди. Ҳадемай мен ҳам ўқишга жўнадим.

Рассомлик мактабини битириб, ўз маҳоратимни ошириш учун яна Санкт-Петербург академиясига ўқишга борганимда, ўз диплом ишимни топширдим. Бу диплом иши – кўпдан бери орзу қилиб, юрагимда сақлаб юрган суратим эди.

Албатта, сизлар бу суратда Дониёр билан Жамила тасвирланганини дарров фаҳмлагандирсизлар. Улар даладаги ёлғизоёқ йўлдан ёнма-ён кетишар эди. Дониёрнинг шинели шамолда елпиниб, юзидан севинч балқиган Жамила унинг халтасидан ушлаб олганди.

Уларнинг олдида Дониёр куйлаган поёнсиз, ёруғ, кенг дала ястаниб ётарди. Ҳозир оламда Жамила билан Дониёрдан бахтли одам бўлмаса керак!

Тўғри, суратимни ҳар томонлама мукамал, беками-кўст ишланган деб айтолмайман, ахир, маҳорат деган ўз-ўзидан дарров келмайди-ку.

Бу – оғир, машаққатли меҳнат меваси... Лекин бари бир бу сурат мен учун дунёда энг азиз, энг қимматли нарса эди. Чунки ўзимдаги санъатга бўлган барча меҳр-муҳаббатим, ихлосим, завқимни мен биринчи марта ана шу суратга бергандим.

Мана энди анча тажрибали бўлиб қолган бўлсам ҳам, баъзан чизган суратларим кўнглимдагидек бўлиб чиқмайди, ўзимга ёқмайди, ўшанда ўз кучимга ўзим ишонмай, гумонсираб қоламан. Шундай оғир дамларда ўша сурат – Дониёр билан Жамила мени ўзига чорлайди. Уларга узоқ тикилиб, ҳар гал улар билан маслаҳатлашгандек бўламан.

«Ҳозир қаердасиз, қайси йўлдан кетяпсиз? Ҳозир даламизда янги йўллар кўп. Қозоғистондан тортиб Олтой ва Сибирга қадар чўзилиб кетган! Ҳозир у ерларда

чўлни бўстонга айлантириш, янги ерда янги турмуш қуриш учун кўплаб азаматлар мардона меҳнат қилмоқдалар! Балки сизлар ҳам ўша ёққа кетгандирсизлар! Ундай бўлса, оқ йўл! Сафарларинг бехатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам ташлаб кетдинг... Ҳозир ҳам ўшандаймисан, ҳозир ҳам йўл юришдан толиқмайсанми? Ё ўз кучингга ишонмай, чарчаган, иккиланиб қолган кунларинг ҳам бўладими? Бўш келма, бардам бўл, Дониёрдан мадад ол! Дониёр сенга севги, вафо, она Ер, ҳаёт тўғрисидаги жўшқин куйларини куйлаб берсин! Ўшанда кўз ўнгингда кенг дала гуллаб, август тунидаги кучли бўрон гувилласин! Олис йўлдан кўрқма, Жамила, сенинг йўлинг бахт йўлидир, сен ўз бахтингни топдинг!»

Мен уларга қараб, Дониёрнинг овозини эшитаман, демак, Жамила иккиси мени сафарга чорлайди. Ҳа, мен йўлга чиқишим керак! Ҳа, кенг дала бағридан ўтиб, овулимга бораман! Туғилиб ўсган ерим – куч-қувватим! Мен ундан янги-янги бўёқлар топаман. Чизган суратимнинг ҳар бир бўёғидан, ҳар бир лавҳасидан Дониёрнинг куйи эшитилиб турсин! Чизган суратимнинг ҳар бир бўёғида, ҳар бир чизиғида Жамиланинг қалби уриб турсин.

1958 йил

**Рус тилидан
Асил Рашидов таржимаси**

ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙ

Россия

(1821 - 1881 й.й.)



МАЪСУМА

(Хаёлий ҳикоя)

Ўлик

Одатдаги «Кундалик»¹ ўрнига бу сафар қисса ҳавола этаётганим учун ўқувчилардан узр сўрайман. Ўтган ой чиндан ҳам асосан шу қисса билан банд бўлганим сабабли ўқувчилар айбситмай илтифот қиларлар деган умиддаман.

Энди ҳикоя ҳақида. Хаёлий деб атаганим билан ўзим уни олий даражадаги ҳаётий ҳикоя деб ҳисоблайман. Аммо, шу ўринда, айниқса, ҳикоя шаклида мавҳумлик борки, буни аввалдан изоҳлашни лозим деб топдим.

Гап шундаки, бу ҳикоя ҳам, кундалик ҳам эмас. Бундан бир неча соат илгари ўзини деразадан ташлаб, жонига қасд қилган жувоннинг эри ҳолатини тасаввур қилиб кўринг: стол устида хотинининг жасади. Эсанкираган эр ҳали хаёлини йиғиб ололмаган. У «хаёлини бир нуқтага жамлаш», содир бўлган воқеанинг маънисига етиш учун у хонадан бу хонага сарсари юради. Қолаверса, ваҳима касали, ўзи билан ўзи гаплашиш хасталиги ҳукм ўтказа бошлаган. Ўзи билан ўзи гаплашиб, гўё содир бўлган ҳодисани баён қиляпти, аслида эса воқеани ўзи учун ойдинлаштиряпти. Гаплари, дастлаб изчилдай

¹ «Ёзувчи кундалиги» назарда тутилаётган бўлса керак. Ф. М. Достоевский 1873–74 йилларда «Гражданин» журнаliga муҳаррирлик қилиб, ҳар ойда «кундалик»ларини эълон қила бошлаган. 1876–77 йилларда давом эттирган. «Маъсума»нинг ёзилиш вақти худди шу даврга тўғри келади. (Тарж.)

туюлса-да, бир неча ерда ҳам мантиқ, ҳам туйғу жиҳатдан қарама-қарши фикрларни айтади. Ўзини оқлаб, уни айблайди, алоқасиз баҳоналарни рўкач қилиб, тушунтиришга киришиб кетганда юрак ва фикр тўмтоқлиги, айнаи чоқда, бунга зид ўлароқ туйғу чуқурлиги аён бўлади. Аста-секин воқеани ўзи учун «ойдинлаштиради» ва «хаёлини бир нуқтага тўплайди». Уйғонган бир қатор хотиралари уни охир-оқибатда ҳақиқатга олиб келади: бу ҳақиқат унинг онги ва қалбини шубҳасиз юксакликка кўтарди. Ҳатто охирига бориб ҳикоя оҳанги бошланишидаги бетартибликка нисбатан анча ўзгаради. Ҳақиқат, ҳеч бўлмаганда шу бечоранинг ўзи учун етарли даражада равшан ва аниқ юз очади.

Мавзу мана шу. Албатта, бир неча соат давом этадиган ҳикоя жараёнида узук-юлуқлик ҳам, оралатиш ҳам, пойма-пойлик ҳам учрайди: дам у ўзига-ўзи гапиради, дам гўё кўринмас тингловчига, қандайдир ҳакамга мурожаат қилади. Умуман ҳаётда ҳамини шундай бўлади. Агар унинг гапларини стенограф яширинча эшитиб ёзиб олганда эди, мен тавсия этаётган ҳикояга нисбатан тўмтоқроқ, ғадир-будирроқ баён юзага келиб, руҳий тартиб эса ўша-ўша қолиши мумкин эди. Стенограф ёзиб олган (мен эсам қайта сайқал берган) деган фаразим ҳикоянинг мавҳумлигини, ҳаётийлигини ташкил этади. Зеро, бу ҳол санъатда илгари ҳам учраган: масалан Виктор Гюго «Ўлимга маҳкум этилганнинг сўнгги куни» деган дурдонасида қарийб шу усулни қўллаган, гарчи стенография назарда тутмаган бўлса-да, ундан ҳам баттарроқ тахминга – ўлимга маҳкум этилган одам фақат сўнгги кунда эмас, ҳатто сўнгги соати, дақиқасида ҳам кундалик ёза олади (ва бунга вақти етарли) деган ақл бовар қилмас фаразга асосланган. Агар бу мавҳумликка йўл бермаганда эди, бу асар ҳам, у ёзиб қолдирган асарлар ичидаги энг ҳаётий, энг ҳақгўй асарнинг ўзи ҳам дунёга келмаган бўларди.

1

МЕН КИМУ У КИМ ЭДИ?

...Ҳозирча у шу ерда, – менга бирмунча осонроқ, – дам-бадам келиб термуламан: эртага олиб кетишади – ёлғиз қоламан – унда ҳолим нима кечади? У ҳозир катта хонада: устига мовут қопланган қарта ўйналувчи икки стол бирлаштирилиб қўйилган – у шу стол устида ётибди, эртага тобут келади, оппоқ ёғочдан ишланган, оппоқ тобут: дарвоқе, гап бу ҳақда эмас... Мен у хонадан бу хонага юра-юра воқеани ойдинлаштирмақчиман. Олти соатдан бери ойдинлаштираман дейману, хаёлимни бир нуқтага тўплай олмайман. Фақат юраман, юраман, юраман... Воқеа бундай бўлган. Мен бир бошдан, тартиб билан (тартиб!) айтиб берай. Жаноблар, мен адабиётчи эмасман, буни ўзингиз сезиб тургандирсиз, шундай бўлса ҳам, фаҳмим етганини айтиб бераман. Мени исканжага олиб турган даҳшат ҳам шунда – ҳамма нарсага фаҳмим етади!

Агар билишни истасангиз аниқроғи, бошидан бошлайдиган бўлсак, бу шундай гапки, яъниким, мураббий уйга қатнаб ҳам, бошқа ерга кўчиб бориб ҳам дарс бера олади, ҳоказо, ҳоказо мазмундаги хабарни «Голос»да эълон қилиш учун етарли маблағга муҳтож бўлиб, буюмларини гаровга қўйгани келган эди. Бу – воқеанинг муқаддимаси; мен уни аввалига бошқалардан фарқламадим ҳам: бошқалар қатори келади, кетади. Кейинроқ фарқлайдиган бўлдим. У ўртадан хиёл тикроқ, оқ-малла сочли, хипчагина эди: менинг олдимда ўнғайсизланганиданми, сал беўхшов ҳаракат қиларди (назаримда у бегонага рўпара келганда ҳаммиша шу ҳолга тушарди: чунки агар гаровчи эмас, оддий одам сифатида қаралса

у учун, менинг бошқалардан фарқим йўқ эди). Пулни оларди-ю, шу заҳотиёқ орқасига ўгирилиб жўнаб қоларди. Чурқ этиб оғиз очмасди. Бошқалар кўпроқ беришни талаб қилиб, талашади, тортишади, ялинади... бу эса... йўқ, овоз чиқармайди. Берганни олади... Мен чалғиб кетяпман шекилли... Ҳа, мени энг аввало унинг буюмлари ҳайратга солди: тилла суви югуртирилган кумуш зирак, алмисоқдан қолган, тақиб юришга номус қиладиган медальон, хуллас, бир чақага қиммат буюмлар. Гаровга қўяётган нарсаларини ярим тангадан ошиққа баҳоламаслигимни ўзи ҳам билади, аммо мен кўзларига қараб, буюмлар у учун бебаҳо эканини сезардим. Зирак, медальонлар ота-онасидан қолган ёдгорлигини кейинроқ билдим. Бир марта уни масхаралагандай бўлдим. Буни ўзим ҳам кутмаган эдим. Чунки, одатим бўйича, мен мижозларим олдида ўзимни сипо тутаман: мулойимлик билан, кам гапираман, аммо жиддийликни, қатъиятни йўқотмайман: «Қатъият, қатъият, қатъият!» – менинг иш услубим шунга асосланган. Бир куни тўсатдан у қуён терисининг юлиб-юлқилган эски қолдиғини (ҳа, ҳа, айнан қолдиғини) келтиришга журъат қилганда ўзимни туюлмаб, қандайдир аччиқ гап айтвордим. Воҳ, отагинам! Ўша заҳоти лов этиб ёниб кетди. Кўзларидан – катта-катта ўйчан, кўм-кўк кўзларидан учқунлар сачрагандай бўлди. Шунда ҳам бир оғиз сўз айтмади, «қолдиғи»ни олди-ю, чиқди-кетди. Ана шунда мен уни илк бор бошқа мижозларимдан фарқлаб, алоҳида кашф этдим ва у ҳақда бошқачароқ ҳа, айнан бошқачароқ фикрга келдим. Ҳатто маълум таассурот ҳам уйғонди менда – унинг ёшлиги, жуда ҳам ёшлиги, худди ўн тўрт ёшли қизалокдай экани (ҳолбуки, ўша дамда у уч ойи кам ўн олтида эди), таассуротим яхлитлигини ташкил этди. Дарвоқе, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим, таассуротим бутунлиги ҳам бундан эмасди. У эртасига яна келди. Кейин билишимча, у мана

шу бир парча тери билан Добронравовга ҳам, Мозерга ҳам йўлиққан экан: улар тилладан бошқа нарсани гаровга олишмайди, шунинг учун бу қиз билан гаплашиб ҳам ўтиришмабди. Мен эса ундан ҳатто нақшин чиғаноқ (алмисокдан қолган) ҳам олиб қолган эдим. Олишга олиб қолиб, кейин ўзим ҳайратга тушган эдим: мен – тилла ва кумушдан бўлак ҳеч нарсани гаровга қабул қилмайдиган одам унинг нақшин чиғаноғига пул берибман-а! Қиз ҳақидаги иккинчи фикрим ўшанда уйғонган, аниқ эсимда.

Бу сафар у Мозерникида ишини битиролмай, яна менга бош эгиб келган эди. Ҳавасга ишланган мундштугининг кўриниши чакки бўлмаса-да, тилла билан муомала қиладиган биздай одамларнинг ўлчовида ҳеч нарсага арзимасди. Кечаги исёндан кейин яна келгани учун уни жиддий қиёфада қаршиладим. Жиддийлигим – қуруқ ниқоб. Унга икки сўм узатаётиб, бир оз ҳаяжон билан гапиришдан ўзимни тутолмадим: «Мен фақат сиз учун шундай қиляпман. Мозер бунақа нарсани сира олмайди». Сиз учун деган сўз маълум маъно англатсин учун алоҳида урғу бердим. Шу гапдан кейин бир чимдим кулга айландим. У эса... «сиз учун»ни мен истаган маънода тушуниб, яна лов этиб ёнди, лекин индамади, пулни қайтариб ташламади, олди – камбағаллик нималарга мажбур қилмайди. Унинг лов-лов ёниши!.. Мен бир сўз билан игна санчиб олганимни сездим. У чиққач, тўсатдан ўзимни ўзим саволга тутдим: наҳот унинг устидан ғолиб чиқишнинг баҳоси икки сўмгина турса? Ҳе-ҳе-ҳе! Аниқ эслайман: бу саволни икки қайта такрорладим: «Икки сўмми? Икки сўмми?» Кейин кулимсираб саволга ўзим истаган, кўнглимни айнитадиган жавоб топдим. Жуда яйраб кетган эдим ўшанда. Аммо қабиҳ ниятим йўқ эди: ўнлаб бир мақсад билан қармоқ ташлагандим: уни синамоқчийдим, чунки хаёлимда шу сўзга тегишли

айрим фикрлар бехос ўралашиб юрарди. Бу у ҳақдаги учинчи алоҳида фикрим эди.

...Хуллас, ҳаммаси ўшандан бошланди. Табиийки, мен ҳар томонлама ўйлаб, сўраб-суриштириб, унинг келишини жуда бетоқатлик билан кута бошладим. Унинг тез орада келишини кўнглим сезган эди. У келгач, беқиёс бир илтифот билан баодоб суҳбатга берилдим. Менга дурустгина тарбия беришган, керак маҳалда муомалам билан ҳамсуҳбатимни ром қила оламан. Ҳм... ана шунда мен унинг ниҳоятда меҳрибон ва мўмин эканини англадим. Меҳрибон ва мўмин қизлар кўп қаршилиқ кўрсатолмайдилар, майлларини буткул бериб қўймасалар-да, суҳбатга чап бериб кетолмайдилар: гапга хасис бўлганлари билан саволингизга қисқа-қисқа жавоб берадилар. Савол қанча кўп бўлса, ўзингизнинг шўрингиз – жавоб борган сари қисқараверади. Шубҳасизки, у ўшанда менга бор гапни тушунтирмади. «Голос» ҳақида ҳам бошқа масалалар ҳақида ҳам мен кейинроқ билдим. У сўнгги умидда бор буд-шудини гаровга қўйиб газеталарда қайта-қайта эълон берарди, дастлаб, табиийки, бир оз такаббурлик билан бошлаган эди: яъники, «мураббия, бошқа ерга кетиши ҳам мумкин, шартлар хат орқали маълум қилинсин» кейин: «ҳамма нарсага розиман: ўқитишга ҳам, надималикка ҳам, уй-рўзғорга қарашга ҳам, хасталарни боқишга ҳам кўнаман, тикишни биламан» ҳоказо, ҳоказо. Бу ёғи маълум... Бу гаплар эълонларга бирин-сирин қўшилиб, охири, пичоқ суякка тақалганда ҳатто «маошсиз, фақат нон эвазига» ишлашга ҳам кўнди. Шунда ҳам жой тополмади! Шунда мен уни сўнгги марта синамоқчи бўлдим: бугунги «Голос»ни олиб эълонни кўрсатдим: «Ҳеч кими йўқ жувон, ёш болали оилада мураббиялик қилиши мумкин, кексароқ бева эркакникида бўлса яна яхши. Рўзғор ишларини енгиллатиши мумкин».

– Мана кўрдингизми, эълон эрталаб чиқди, кечгача жой топади. Эълонни шунақа ёзиш керак!

У яна лов этиб ёнди, кўзларида учкун чақнади, шарт ўгирилди-да, чиқиб кетди. Бу иши менга жуда-жуда ёқди. Қолаверса, мен энди кўрқмасдим, ниятимга етишимга амин эдим: мундштугини бари бир ҳеч ким қабул қилмайди. Ҳолбуки, мундштуги қўлдан кетган. Учинчи куни ранги оқарган, саросимага тушган ҳолда келди – уйда бир гап бўлганини тушундим, дарҳақиқат бўлган экан. Нима гаплигини ҳозир айтаман, аввал башанглигим билан кўзи олдида қандай қад ростлаганимни эслатай. Ҳа, бирдан менда шунақа ният пайдо бўлди. Гап шундаки, у икона олиб келди (журъатни қаранг!). Ҳа, эшитинг! Эшитинг! Ўшанда бошланди ҳаммаси, мен эса боятдан бери чалғияпман. Гарангсишимнинг боиси, мен ҳар бир майда-чуйдани, ҳар бир чизиқчани эсламоқчиман. Хаёлимни бир нуқтага тўпламоқчиман – эплолмаяпман, бу чизиқчалар, чизиқчалар...

Биби Марям иконаси. Гўдак кўтарган Биби Марям – уй тўрига қўйиладиган, қадимий, нақшлари тилла суви югуртирилган кумушдан ишланган икона – нархи олти сўмлар чамаси туради. Иконанинг қадрли эканини билиб турибман. У Биби Марям тасвирини зарҳал нақшидан чиқармай узатди. «Нақшиндор қопламани чиқариб, Биби Марям тасвирини олиб кетаверинг, ҳар ҳолда икона икона-да...» – дедим.

– Иконани олиш мумкин эмасми?

– Гап мумкин ё мумкин эмаслигидамас, балки у ўзингизга...

– Майли, чиқарақолинг.

– Биласизми, мен чиқармайман. Ҳов анави ерга, санам қутиси ёнига қўйиб қўяман, – дедим бир оз ўйлагач, – бошқа иконалар билан жинчироқ ёнида (дўконни очишим билан жинчироқни ёқиб қўйиш одатим бор) туради. Иконанинг шу туришига ўн сўм оласиз.

– Үн сўм керак эмас. Беш сўм етади. Меп пулингизни тўлаб, албатта қайтариб оламан уни.

– Үн сўм керакмасми? Икона шунчага арзийди, – дедим.

Бу гапдан кейин қизнинг ёнганини сездим. У гапирмади. Мен ичкарига кириб беш сўм олиб чиқдим.

– Сиз ҳеч кимдан нафратланманг, мен ҳам бу исканжани татиб кўрганман, аҳволим баттарроқ эди. Гаровчи бўлиб қолишим... ўша азоблардан кейин...

– Үчингизни жамиятдан оляпсизми? А? – деган аччиқ кесатик билан гапимни бўлди. Истеҳзосида ҳам маъсумалик бор эди (у мени бошқалардан фарқлай олмас эди, шу сабабли айтган гапи заррача айбли эмасди). «Ҳа! – деб ўйладим, – янгича йўналишдаги феълинг бор экан-ку, охири фош қилдинг-ку!»

– Биласизми, – дедим ўша заҳоти унга жавобан ярим ҳазил, ярим сирли оҳангда, – «Мен ёвузлик мақсадида уруғ сочиб, яхшилик меваларини етиштирувчилар бўлагининг бир заррасиман».

У зўр қизиқиш билан, ҳатто болаларча қизиқиш билан ялт этиб менга қаради.

– Тўхтанг... Бу кимнинг фикри! Қаердадир эшитганман.

– Бошингизни қотирманг. Мана шу гаплар билан Мефистофель Фаустга ўзини таништиради. «Фауст»ни ўқиганмисиз?

– Ҳа... ўқиганману, сал безътиборроқ..

– Аниқроғи, умуман ўқимагансиз. Албатта ўқиш керак. Лабларингизда яна истеҳзо кўряпман. Сиздан илтимос, мени жуда дидсиз деб ўйламанг, гаровчилигимни яшириш учун ўзимни Мефистофелдай кўрсатмоқчи эмасман. Гаровчи гаровчилигича қолади. Биламиз...

– Қизиқ экансиз... Бу гап хаёлимга ҳам келгани йўқ.

У билимдон эканингизни кутмаган эдим демоқчи эди, лекин айтмади, айтмаса ҳам хаёлидагини ўқидим: мен, унинг кўнглини топган эдим.

– Ҳар соҳада ҳам, – таъкидладим мен, – яхшилик қилиш мумкин. Мен ўзимни назарда тутаётганим йўқ, менинг кўлимдан аҳмоқликдан бўлак иш келмайди, лекин...

– Албатта, ҳамма ерда яхшилик қилиш мумкин, – деди у менга яшин тезлигида нигоҳини ташлаб. – Айнан ҳамма ерда, – деб яна таъкидлаб кўйди. О, эсимда, ҳар бир дақиқа эсимда! Яна бир нарсани қистириб кетишим керак: бу ёшлар, бу дилбар ёшлар қанақадир ақлли, ғалати фикр билан суғорилган гапни айтмоқчи бўлишса бирданига чеҳралари ҳаддан ташқари самимият ва сохталик нурига тўлади: «мана, мен сизга ақлли ва нодир фикрга тўла гап айтдим» – йўқ, бошқалар каби манманликдан пайдо бўлмайди бу нур (асло!), у айтганларини беҳад қадрлайди ва унга ишонади, авайлайди, сиз ҳам худди шундай авайлайсиз деб ўйлайди. О, самимийлик! Мана шу билан ғолиб чиқишадиди-да! Қиздаги самимийлик эса ғоят ёқимли эди.

Ёдимда, ҳеч нимани унутганим йўқ! У чиқиб кетгач, узил-кесил ҳал қилдим. Ўша куниниёқ у ҳақдаги қолган маълумотларни миридан-сиригача билишга киришдим. Билиб олдим ҳам. Аввалги маълумотларни уларникида хизмат қилган, бир неча кун бурун арзимас пулга сотиб олганим Лукерьядан эшитган эдим. Янги маълум бўлган сирлар шу қадар даҳшатли эдики, бу аҳволда қандай қилиб кулиш мумкинлигига, ўзи даҳшатли бир аҳволда бўлатуриб, қандай қилиб Мефистофель сўзларига қизиқиш мумкинлигига ҳали-ҳали ақлим бовар қилмайди. Ёшликнинг қудратими бу! Мен у ҳақда айнан шуларни ҳам ғурур, ҳам шодлик билан ўйладим, чунки бу ерда яна олижаноблик ҳам бор-да: ўзи ҳалокат чоҳида тургани ҳолда, Гётенинг буюк сўзларидан кўзларида нур порлаяпти. Ёшликда бир томчи бўлса-да, биздан тесқари томонга оғиб турса-да, олижаноблик бор. Мен уни, фақат уни назарда тутяпман. Энг муҳими ўшанда қудратимга мутлақо ишониб, унга ўзим-

ники сифатида қарадим. Мутлақо ишонган онларингизда бу фикр шахвоний маъно касб этаркан.

Менга нима бўляпти? Шунақа эзмалик қилсам, фикримни қачон бир нуқтага тўплайман? Тезроқ, тезроқ, э, худойим, ахир гап бошқа ерда-ку!

2

СОВЧИЛИК

Унинг сир-асрорини бир сўз билан айтадиган бўлсам: ота-онаси уч йил аввал ўлиб кетиб, бетайин холалари кўлида қолган экан. Тўғрироғи, уларни бетайин дейиш озлик қилади. Бир холаси бева, бири-биридан кичик олти боласи билан қолган, яна бир холаси – қариқиз, курумсоқ, расво хотин. Иккала холаси ҳам расво. Қизнинг отаси чиновник ўтган, мирзалардан бўлган, дворянликка ўзи эришган одам экан. Хуллас, ҳаммаси менинг фойдамга. Ҳар ҳолда мен – юқори табақа вакилиман, ажойиб полкнинг истеъфодаги штабс-капитаниман. Насл-насабим тоза дворянлардан, бировга муҳтожлик ерим йўқ, ҳоказо, ҳоказо... қилаётган ишимга холалари фақат эътибор билан қарашлари турган гап. Холаларига уч йил чўрилик қилган. Шунда ҳам имтиҳондан ўта олган, кундалик меҳнат азобидан юлқиниб чиқиб, имтиҳондан ўта олиш – унинг олижанобликка, юксакликка интилишидан далолат эди. Ахир мен нима учун уйланмоқчи эдим? Э, ўзим ҳақимдаги гапларга тупураман, бу ҳақда кейин... Гап бу ерда эмас! Холаларининг болаларини ўқитган, тикадиганларини тиккан, охир-оқибатда киргина эмас, шу нимжонгина гавдаси билан эгилиб, пол ҳам ювган. Шу азоби эвазига... холаларининг калтагидан боши чиқмаган. Калтак билан қаноатланмаган маразлар уни сотишгача бориб етишган. Тфу! Ифлос тафсилотларни тушириб қолдираман. Буларнинг ҳаммасини

кейинроқ ўзи менга айтиб берган. Унинг аҳволини йил давомида қўшни семиз баққол, оддий эмас, икки дўкони бор баққол обдан кузатган. У аввалги икки хотинини ура-ура ўлдириб, энди учинчисининг илинжида эди. Ифлос кўнгли шу қизни тусабди: «мўмингина, камбағалликда ўсди, етимларимнинг ғамини еб уйланаман». Чиндан ҳам етимчалари бор эди. Элликни уриб қўйган бу баққол қизга совчи қўйиб, холалари билан тил бириктира бошлаган. Қиз – даҳшатда! Худди шу вақтда «Голос»га эълон бериш мақсадида менга йўлиққан. Холаларига ялиниб-ёлвориб ўйлаб кўриш учун жичча вақт беришни сўради. Жичча вақт беришди, бошқа, бир дақиқа ҳам қўшишмади. Кулоқ-миясини еб юборишди: «Ўзимизга егулик нарса йўқ, текин-томоқлардан безормиз...» Мен буларни билардим. Ўша куни эрталаб қиз келиб кетгандан кейин бир қарорга келдим. Кечқурун баққол ярим сўмлик ширинлик олиб уларникига кирди: қиз у билан бирга ўтирарди. Ошхонадан Лукерьяни чақиртириб, қизнинг қулоғига шипшит, зарур гапим бор, дарвоза олдида кутаман, дедим. Қилган ишимдан кўнглим тўлди. Умуман ўша куни ўзимдан-ўзим беҳад мамнун эдим.

Дарвоза ёнидаёқ унга, Лукерья орқали чақиртирганимдан ҳайратга тушган қизга мақсадимни тушунтирдим: унинг ризолиги мен учун бахт эканини айтдим. Иккинчидан: бу ҳаракатимдан, дарвоза ёнида турган «ҳамма гапдан бохабар» одамнинг дангал таклиф қилишидан ҳайрон бўлмаслигини сўрадим. Алдамаётган эдим, чиндан ҳам дангалчи эдим. Ҳе, тупурдим! Мен фақат тарбия кўрган одамнинг сиполиги билан эмас, энг муҳими янгича оҳангда гапирдим. Нима, буни тан олиш гуноҳми? Мен ўзимни ўзим айбламоқчиман, айб-лаяпман ҳам. Мен барчасига pro va contra² айтишим керак, айтаман ҳам. Мен бу дамни, кейинчалик ҳам

² Ҳам оқлашим, ҳам қоралашим маъносида (лотинча).

роҳат билан эслар эдим, гарчи тентаклик бўлса ҳам биринчидан, айтарли иқтидорга эга эмаслигимни, ҳавас қиладиган даражада ақлли эмаслигимни, ҳатто, хушфеълликдан узоқлигимни, бир чақага қиммат худбин (Бу ибора аниқ эсимда: кела-келгунча ўйлаб топиб, кўнглим хотиржам бўлган эди.) эканимни ва бошқа масалаларда анчагина кўнгилсизликларга сабаб бўлишим мумкинлигини ҳеч қандай хижолатсиз, тараддудсиз, дангалига айтдим. Буларнинг бари ўзингизга маълум алфозда – алоҳида бир мағрурлик билан айтилди. Албатта, камчиликларимни олижаноблик ила маълум қилгач, «буларнинг ўрнига мана бу, мана бу яхшиликлар ҳам бор», деб фазилатларимни баён қилишга тушмадим – бунга фаросатим етарди. У дамда мен унинг ниҳоятда кўрқаётганини кўриб турардим. Кўриб-билиб туриб, ҳеч нимани юмшатмадим, аксинча, баттар кучайтирдим: қорни тўқ бўлишини, хилма-хил либослар, театр, зиёфатларга эса йўл йўқлиги, орадан вақт ўтиб мақсадимга эришгач, балки булар ҳам амалга ошиши мумкинлигини очиқ айтдим. Гапларимдаги қатъий оҳанг мени ўзига мафтун этарди. Шу ишга қўл урган эканман, яъни гаровчиликни бўйнимга олган эканман, бир мақсадим борлигини, бир шароит мажбур қилаётганини сўз орасида қистириб ўтдим. Шундай дейишга ҳақим бор эди: чинданам бир мақсад, маълум бир шароит туфайли эди бу юмушим. Тўхтанг, жаноблар, мен умрим бўйи бу юмушдан нафратланганман, нафсиламрини айтганда, ўз-ўзига сирли иборалар билан баён қилиш кулгили туюлса-да, «жамиятдан ўч олишим» чин эди, чин эди, чин эди! Шу боис унинг эрталабки «ўч олиш»им ҳақидаги қочирими ўринсиз эди. Яъни, биласизми, агар мен унга тўғридан-тўғри «Ҳа, жамиятдан ўч оляпман» десам, хахолаб юборарди, умуман бу жавобим кулгили

чиқарди. Бошқа ёққа ишора қилиб, сирли ибора билан тасаввурни ўғирлаш мумкин экан. Ундан ташқари бу пайтда мен ҳеч нимадан кўрқмас одим: семиз баққолга нисбатан ўлсам ўлигим ортиқлигини, дарвоза олдига халоскор сифатида келганимни яхши билардим. Буни тушунардим. О, қабихликни одам аъло даражада тушунади! Бу қабихлик эдими? Қандай ҳукм чиқариш керак? Ахир ўша пайтдаёқ уни севмас эдимми?

Тўхтанг: ҳиммат ҳақида, шубҳасиз, ярим оғиз ҳам гап айтмовдим: аксинча, о, аксинча: «марҳамат нурига сиз эмас, мен йўғриламам» – ўзимни тутолмай буларни сўз билан ифодалаган эдим, юзининг бир учиб тушганига қараганда, гапим телбанамо чиққан эди. Хуллас калом, узил-кесил ғалаба қозондим. Тўхтанг, бу ифлосликларни эслаётган эканман, сўнгги тўнғизлигимни ҳам ёдга олай: мен унинг рўпарасида турардим, бошимда эса хаёллар гувиллайди: бўйинг баланд, келишган эркаксан, одоблисан, ва ниҳоят, мақтанишдан ташқари, бип-бинойисан. Каллам шу гаплар билан банд эди. Шубҳасиз, у шу ердаёқ, дарвоза ёнидаёқ хўп деди. Лекин... лекин хўп дейишдан олдин, шу ерда, дарвоза ёнида узоқ ўйга толганини унутмаслигим керак. Шу қадар кўп, шу қадар кўп ўйладики, тоқатим тоқ бўлиб «Хўш?» деб юборишдан ўзимни тутолмадим. Шунчаки, «хўш!» эмас, киборларча «Хо-ош, нима дейсиз?» деб сўрадим.

– Шоширманг, ўйлаб олай.

Чехраси шу қадар жиддий эдики, ўйларини ўқиб олишим ҳеч гап эмасди! Аммо мен ундай қилмадим – кўнглим ранжиди: «Наҳотки мен билан баққолни солиштириб, танласа», деб ўйладим. О, мен унда тушунмас эдим! Ҳеч нарсани, ҳеч нарсани тушунмасдим! Ёдимда, кетаётганимда Лукерья мени йўлда тўхтатди. «Ойимтиллага уйланаётганингиз учун худо сиздан

марҳаматини аямайди, жаноб, фақат унга ҳиммат қилаётганингизни айта кўрманг, у жудаям мағрур қиз», деди шоша-пиша.

Мағрур эмиш! Ўзим ҳам мағрурларни ёқтираман. Мағрурлик қачон ярашади?.. Бошқаларга нисбатан қудратлироқ эканингизни билиб турганингиз-да, тўғрими? О, пасткаш, бесўнақай одам! О, мен қандай мамнун эдим. Ўша дарвоза ёнида мени ҳайрон қолдириб, узоқ ўйга ботиб турганда, хаёлига мана бу фикр келиши мумкинмиди: «Ҳамонки бахтсизлик у ерда ҳам, бу ерда ҳам бор экан, энг ёмонини танлаганим маъқул эмасми? Семиз баққолни танласам, маст ҳолда тезроқ уриб ўлдириб, мени бу азоблардан биратўла қутқаргани дуруст эмасми!» Хўш? Нима деб ўйлайсиз, шу фикр хаёлига келиши мумкинмиди?

Ҳа, ҳозир ҳам тушунмайман, ҳеч нимани тушунмайман. Ҳозиргина икки бахтсизликдан энг ёмонини, яъни баққолни танлаши ҳақидаги хаёлга бориши мумкинлигини айтдим. Ўша пайтда у учун ёмонроғи ким эди – менми ё баққол? Савдогарми ё Гётедан мисол келтириб гапирадиган гаровчимми? Шу ҳам саволмиш! Саволга бало борми? Нимага тушунмайсан: жавоб стол устида ётибди-ку! Саволинг нимаси? Тупуриш керак менга! Ҳозирги гап мутлақо менда эмас. Дарвоқе, гап мендами, мендамасми, нима аҳамияти бор энди. Мана шуни фаҳмлаб ололмаяпман. Ундан кўра ухлаганим маъқул. Бошим оғрияпти.

3

ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ ЎЗИМ ҲАМ ИШОНМАЙДИГАН ОЛИЖАНОБ

Ухлолмадим. Ухлаш қаёқда, бошим лўқиллайди. Буларнинг ҳаммасини, ифлосликларнинг барчасини англаб етгим келади. О, нопоклик! О, мен уни қандай ботқоқдан чиқариб олдим! Ахир буни тушуниши, ил-

тифотимни қадрлаши лозим эди-ку! Менга турли хаёллар, айтайлик, ўзимнинг қирқ бирда эканим, унинг энди ўн олтига тўлгани ҳақидаги хаёл жуда ёқарди. Мана шунга мафтун эдим, тенгсизлик ҳисси ширин эди, оҳ жуда ширин эди.

Мен, мисол учун тўйни а Lanqlaise³ фақат иккаламиз ва яна икки гувоҳ иштирокида (гувоҳларнинг бири шубҳасиз Лукерья бўларди) қилиб, ўша заҳоти вагонга ўтириб Москвагами (айтмоқчи, воқеа ўша ерда бўлган), бирон меҳмонхонагами жўнаш ниятида эдим. У қаршилик билдирди, рухсат бермади ва мен холалари ҳузурига қиз узатувчи қариндошлар ҳузурига боргандай илтифот билан бордим. Ён босдим унга, холаларининг иззатини ҳам жойига қўйдим. Мен яна бу махлуқларга юз сўмдан пул бердим, устига яна ваъда қилдим, шубҳасиз, бу пасткашликдан озор чекмасин деб, унга лом-мим демадим. Пулни олгач, холалари ипакдек эшилиб қолишди. Сеп ҳақида тортишув бўлди: унинг ҳеч вақоси йўқ эди, ўзи ҳам ҳеч нимани хоҳламасди. Мен унга ҳеч ниманг керакмас, деб ишонтирдим, сепни ҳам бўйнимга олдим, мендан бошқа яна ким сеп қиларди? Келинг, ўзим ҳақимдаги гапларга тупурайлик. Баъзи ғояларим билан уни ўша дамнинг ўзида таништиришга улгурдим, ҳеч бўлмаганда умумий жиҳатларидан бохабар бўлсин, дедим. Балки шошқалоқлик қилгандирман? Энг муҳими, ўзини тутишга қанчалик уринмасин, у аввал бошида-ноқ, бағримга муҳаббат билан отилиб кирди, кечалари қайтганимда кутиб олиб, ҳаяжон билан шивирлаб (ажиб, бокира шивир билан) гўдаклигини, болалигини, уйларини, ота-онасини гапириб берарди. Аммо мен бу завқ оташини совуқ сув қуйиб дарҳол совутардим. Менинг ғоям шундан иборат эди. Унинг ҳаяжонларига мен сукут билан жавоб қайтарардим, албатта, бу онда хайри-

³ Инглизчасига (франц.)

хоҳлигимни яширмасдим... шунга қарамай у иккимизнинг тамоман бошқа-бошқа эканимизни, менинг турган-битганим жумбоқ эканини тез фаҳмлаб етди. Мен энг муҳими, шу жумбоққа зўр бердим. Балки шу жумбоқни ечиш учун ҳам мен бу тентакликни кашф қилган эдим! Даставвал қаттиққўллик – остона ҳатлаш билан шу қаттиққўлликни татиди. Хуллас, ўшанда мамнун юрган ҳолда ўзимга хос тартиб турларини яратдим. О, бу тартиб ҳеч бир зўриқишсиз, ўз-ўзидан яралди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди, мен бу тартиб тўрини шафқатсиз шароит талабига кўра яратдим, ахир ўзимни чўқитиб қўёлмасдим-ку. Тартиб ҳақиқатга зид эмасди. Йўқ, сиз охиригача эшитинг, одамга гуноҳ ортишдан олдин, сабабини билиш керак... Эшитинг!

Нима деб бошласам экан, тушунтириш жуда оғир. Ўзингни оқлашни бошласанг – тушунтириш оғир кечади. Биласизми, ёшлар кўп нарсадан, масалан пулдан ҳам нафратланади, мен эса, пулга муккамдан кетган эдим. Пул устига ўлигимни ташлаганим сайин – у нафасини ичига ютаверди. Катта кўзларини жовдиратиб қараб, тинглаб, оқибатда жим қолаверди. Ёшлар олижаноблар, аниқроғи, яхши ёшлар ҳам олижаноб, ҳам шиддаткор, шунданми, сабр-тоқатсиз, сал насага лов этиб ёнишади-ю, нафратларини яширишолмайди. Мен эса кенгликни истардим, кенглик уруғини унинг юрагига сепмоқчи эдим, таъбир жоиз бўлса, юрак кўзи билан кенгроқ қарашга ўргатмоқчийдим. Тубан бир мисол келтирай: хўш, мен қандай қилиб бундай феъл-атворли одамга гаров хазинамни тушунтира олардим? Шубҳасизки, агар тўғридан-тўғри бу ҳақда гап бошласам, шуғулланаётган юмушим учун узр сўрагандай бўлардим. Шунинг учун ўзимни мағрур тутдим, қарийб сукут билан гапирдим. Сукут билан гапиришга суягим йўқ менинг, бутун умрим сукут билан гапиришда ўтди, бошимга тушган мудҳиш савдоларни

ҳам сукут билан енгдим! О, ахир мен қандай бахтсизликларни бошимдан кечирмадим! Мени кўкрагимдан итариб, худди кераксиз матоҳдай итқитиб ташлашган эди, унутиб юборишган эди, буни ҳеч ким, ҳеч ким билмайди! Кутилмаганда бу ўн олти ёшли оймтилла разил одамлар тилидан мен ҳақимдаги ярамас гапларни эшитиб, ҳамма нарсадан хабар топдим, деб ўйлабди, эзгуликлар одамнинг фақат кўкрагидагина қолганини эса фаҳхламабди. Мен эса сукутни сақлайвердим, айниқса, у билан бирга бўлганимда тилим тиш ҳатламасди. Кечаги кунга қадар шундай давом этди. Нима учун «Ичимдагини топ», деб сукут сақладим? Мағрурлигим туфайли. Мен бу одам тўғрисидаги бор ҳақиқатни, унинг кўнглидаги яширин эзгуликларни ўзи, тубан одамлар ҳикояси орқали эмас, балки ўзи англаб етишини истардим. Уйимга бошлаб келар эканман, мен ундан тўла ҳурмат, эътибор кутган эдим. Мен унинг бошимдан кечирган азобларим эвазига тиз чўкиб ибодат қилишини хоҳлаган эдим – шунга арзирдим. О, мен ҳаминиша мағрур бўлганман, ҳеч қачон ўртамиёнага тоқат қилмаганман, ё ҳаммасига эришишни ё ҳаммасидан биратўла воз кечишни истаганман. Яримта бахтга тоқат қилолмаганим, яхлит, бутунига интилганим сабабли ҳам «ўзинг билиб ол ва қадримга ет» қабилда иш тутишга мажбур эдим. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, агар мен унга тушунтиришни, айтиб туришни бошласам, ялтоқлансам ҳурмат қилишини сўрасам – гадодан нима фарқим қолади?.. Дарвоқе... дарвоқе... нима учун мен буларни гапираётиман?

Тентаклик, тентаклик, тентаклик ва яна тентаклик! Ўшанда мен унга ёшларнинг олижаноблиги жуда гўзал, аммо бир чақага арзимаслигини икки оғиз сўз билан очик ва шафқатсизларча (шафқатсизлигимни таъкидлагим келади) тушунтирдим. Нима учун бир чақага қиммат? Шунинг учунки, ёшларга ҳаммаси

осондай туюлади, олижанобликлари, енгил қўлга киритилган, яъни ҳаётнинг ҳали аччиқ-чучугини тати-май туриб, ҳаётдан олган дастлабки таассуротлари асосида юзага келган; меҳнат исканжасига тушишгач аҳволларини бир кўрамиз. Арзон олижаноблик ҳам-ша енгилтак бўлади. Ҳатто ҳаётини ҳам арзон-гаровга бериши мумкин – чунки қони қайнаб, кучи ошиб-тошиб ётибди, кўнгли гўзалликка жон-жаҳди билан интилади! Қани, оғир ва сокин, жарангсиз, ҳашамсиз, ғийбатларга тўла, заррача шуҳрат келтирмайдиган, аммо қурбонлик талаб этувчи олижаноблик жасоратини олайлик-чи. Хўш, бу жасоратни татиб кўринг-чи, йўқ-йўқ, рад этасиз. – Ер юзидаги барчадан номуслироқ бўлганингиз ҳолда жамоатга аблаҳ сифатида кўрсатилган ёруғ юзли одам, қаердасиз, – дейишга ҳақлиманми? Ҳа. Чунки мен бу жасоратни бир умр кўтариб ўтязман. У аввалига мен билан астойдил баҳслашди, кейин жим бўла бошлади, охири нафасини ютди, кўзларини даҳшат билан очиб тинглади. Кўзлари катта-катта эди... Шу аснода мен... мен унинг кўзларида сокин, ёқимсиз, ишончсиз бир кулгини кўрдим. Ана шу кулгиси билан мен уни уйга олиб кирдим. Тўғрироғи, унинг бошқа борадиган жойи йўқ эди...

4

НУҚУЛ РЕЖАЛАР, РЕЖАЛАР

Ўшанда ким биринчи бўлиб бошлади?

Ҳеч ким. Биринчи қадамданоқ ўзи бошланди. Мен уни қаттиққўллик билан уйга етаклаб кирдим, дедим, аммо қаттиққўлликни илк одимдаёқ ўзим юмшатдим, қаллиқлик чоғидаёқ, гаровга буюм олиб қолиб, пул бериш билан шуғулланиши тушунтирилган, у эса индамаган эди (Буни эслаб қолинг). Энг қизиғи,

бу ишга астойдил киришувди. Албатта, уй, жиҳозлар ўша-ўша эди. Уйим икки хонали: бири катта зал, озгина қисминигина касса эгаллаган; иккинчиси ҳам кенг-мўл, ётар-турар жойимиз шу ерда. Жиҳозларимнинг мазаси йўқ, ҳатто холалариникидан ҳам хароброқ. Шамчироқли иконам залда, касса ёнида: хонамдаги жавонда (калити менда туради) бир неча китоб ва гаровларнинг шартлари: яна тўшак, стол, стуллар... Емоқ-ичмоғимиз учун Лукерья учовимизга, мен уни оғдириб олган эдим, кунда кўпи билан бир сўм ажратажагимни айтиб, «Уч йилда ўттиз минг жамғаришим керак, тежаб-тергашга мажбурман», деб тушунтиргандим. У қаршилик билдирмаган эди, шунда ҳам мен кунлик харажатни кўпайтириб, бир сўму ўттиз тийин деб белгиладим. Бунинг ёнига театр кўшилди. Қаллиқлик даврида театр деган гап йўқ, деган эдим, бироқ қароримни ўзгартириб, ойда бир марта борадиган, борганда ҳам юмшоқ ўриндиқлардан жой оладиган бўлдим. Уч марта бирга бордик, «Муҳаббат изидан қувиш», назаримда яна –«Сайроқи қушлар»ни кўрдик шекилли (о, тупуриш керак бунга, тупуриш!) жимгина бориб, жимгина қайтардик. Нима учун, нима учун илк қадамимиздаёқ сукутни раво кўрдик. Ахир дастлаб орамизда низо бўлмаганди-ку! Сукут нимаси эди! Эсимда, у менга тез-тез кўз қири билан қараб қўярди, мен уни сезардим, сега туриб баттар сукутга берилардим. Тўғри, сукутга у эмас, мен жон-жаҳдим билан ёпишдим. У бир-икки марта ўзини тутолмай қучоқлашга ташланганда ҳам совуқ муомаламни ўзгартирмадим. Чунки унда уйғонган тўлқин дардчил, жазавали эди: менга эса унинг астойдил эъзозидан келиб чиқадиган чинакам бахт лозим эди. Мен ҳақ эдим: ҳар бир тўлқиндан кейин эртасигаёқ орада низо чиқарди.

Тўғрироғи буни низо дейиш ҳам қийин. Чунки жанжалимиз ҳам сукутда ўтарди – унинг қарашларида

борган сайин «Исён ва мустақиллик»ка мойиллик кучаярди, аммо қарашларини амалга оширишга ожиз эди. Ҳа, бу маъсума чехра кундан-кунга дағаллашарди. Инонсангиз, инонмасангиз у мендан жиркана бошларди – мен буни яққол ҳис қилиб турардим. Баъзан ички тўлқинларини жиловлай олмай ўзидан кетишига шубҳа йўқ эди. Мисол учун айтсам, кечагина пол ювишдан боши чиқмаган ойимтилла ночорлик ботқоғидан қутулиб, бугун камбағаллигимдан бурнини жийирадиган бўлиб қолди! Туриш-турмушимиз покиза, керак жойда ҳашамга ҳам ўрин бор, айтмоқчиманки, менинг уйимда қашшоқлик эмас, тежамкорлик ҳукмрон эди. Мен илгарилари ҳам эрнинг саришталиги хотиннинг кўнглини банд этади деб ҳисоблар эдим. У менинг қашшоқлигимдан эмас, тежамкорлигимни бахиллик ҳисоблаб, «аниқ мақсади борлигини, қатъий иродасини кўрсатмоқчи», деб нафратланарди. Театрдан кутилмаганда ўзи воз кечди. Мазахли чимирилишлари беш баттар кўпайди... Мен эса сукутни кучайтирдим, сукутга зўр бердим.

Ахир ўзимни оқламайман-ку! Бу ерда энг муҳими қарз кассаси. Илтифот қилинг: мен аёлнинг, айниқса ўн олти ёшида, эркакка бутунлай бўйсунмаслиги мумкин эмаслигини билардим. Аёлларда оригиналлик йўқ, бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат, ҳатто ҳозир ҳам бу мен учун исботсиз ҳақиқат! Залда ётган бўлса нима қилибди; ҳақиқатни ҳақиқат дейиш керак, бу ерда Милль⁴ ҳам ожиз. Севувчи аёл эса, о, севувчи аёл эса, кўнгли майлини олган кимсанинг барча камчиликларини ҳатто ёвузликларини илоҳийлаштиради.

Ўша кимса ёвузликларини ювиш учун арзирли баҳона топа олмайди. Аммо севувчи аёл унга фатво топиб беради. Бу олиҳимматлик, аммо оригиналлик эмас. Аёлни фақат нооригиналлик бадном этади. Қайтарсам нима

⁴ Милль – XIX аср инглиз файласуфи, утилитаризм (фақат фойда олишга интилиш) тарафдори назарда тутилган бўлса керак. (тарж.)

бўлибди, стол устини нимага имлаб кўрсатяпсиз? Стол устидаги оригинал демоқчимисиз? О-о?

Билиб кўйинг: унинг муҳаббатига ўшанда амин эдим. Ахир бўйнимга осилиб олган эди-ку. Демак, севарди, аниқроғи севишни истарди. Ҳа, шундай эди: севишни истарди, муҳаббатини изларди. Энг муҳими шундаки, бу у фатво топиб бериши лозим бўлган ёвузликнинг ўзи йўқ эди. Гаровчилигимни айтяпсизми? Буни ҳамма гапиради. Гаровчи бўлсам нима! Олижанобларнинг олижаноби шу ишни ўзига лозим кўрган экан, демак сабаби бор. Биласизми, жаноблар, ғоялар бор... Яъни биласизми, агар ўзга ғоя айтилса, сўз билан ифода қилинса жуда аҳмоқона чиқади. Ўзимдан-ўзим уялиб кетаман. Нимага? Ҳеч нимага. Чунки биз ярамас одамлармиз, ҳақиқатга чидолмаймиз, агар гапимни ёлғон десангиз, билмадим, қандай одам эканмиз. Мен ҳозир «олижанобларнинг олижаноби» дедим. Кулгилими, лекин гапнинг чини шу! Ахир бу ҳақиқат, яъни ҳақиқатлар ичра энг олий ҳақиқат-ку! Мен бу касани очиш, ўзимни ўзим таъминлаш истагига тўла ҳақли эдим: «Сиз мени четга суриб чиқардингиз, сиз одамлар, ҳа, сиз мени жирканч сукутингиз билан ораларингиздан ҳайдадингиз. Сиз томонга эҳтирос ва шиддат билан интилишимга жавобан бир умрга ранж-алам қайтардингиз. Шундай экан, энди мен қалин девордан тўсиқ қилиб олишга, ўша ўттиз мингни тўплаб, Қримданми, Жанубий соҳилданми ер-мулк сотиб олиб, умримнинг қолган қисмини тоғларда, узумзорларда, энг муҳими – сизлардан узоқроқда, аммо сизларга кек сақламасдан, кўнглимдаги олий мақсадим билан, юракдан севувчи аёлим билан, худо берса оилам билан, ён кўшнилardan ёрдамимни аямасдан яшашга тўла ҳаққим бор». Яхши ҳамки бу гапларни энди овоз чиқариб ўзимга ўзим айтяпман, агар илгарироқ унинг қулоғига қуйганимдами, бундан бемаъ-

нироқ иш бўлмасди. Менинг мағрурона сукутим ҳам, жимгина ўтиришларимиз ҳам айнан шундан. Ахир у тушуна олармиди? Ўн олти ёш – ёшликнинг биринчи поғонаси – у менинг важ-корсонларимни, азоб-уқубатларимни англашга қодир эмасди. Тўғрилиқ, ҳаётни билмаслик, болаларча арзон имон, «гўзал қалблар» хусусидаги кўр-кўрона тушунча, энг муҳими гаров кассаси (Ҳолбуки, миждларимга нисбатан ёвузлик қилмас эдим! Меъёридан ошиқча олиб қолмаслигимни ўзи яхши биларди, кўрган эди!) уни ҳақиқатга олиб борувчи йўлларни тақа-тақ беркитиб ташлаган эди. О, бу ёруғ оламдаги ҳақиқат нақадар даҳшатли! Бу малак, бу маъсума, бу осмон – мустабид эди, қалбимнинг чидаб бўлмас даражадаги шафқатсиз мустабиди, ситамгири эди! Агар буларни айтмасам, ўзимга-ўзим туҳмат қилган бўламан! Сиз менинг севгимга ишонмаяпсизми? Шундай деб ким айта олади? О, бу шўри-ғавғо, тақдир ва табиатнинг истехзога тўла шўри-ғавғоси эди! Бизга қарғиш теккан, одамзотнинг ҳаёти (жумладан, меники ҳам) қарғиш остида қолган. Мен қаердадир янглишганимни тушуниб турибман-ку! Қаердадир мўлжални тўғри ололмадим. Ҳаммаси аниқ-равшан эди, режаларим ҳам осмон каби покиза эди: «Қаттиққўл ва мағрур, бировнинг руҳий таскинига муҳтожлик йўқ, сукут билан азоб чекиш». Шундай эди, алдамадим, сира алдамадим! Бунга кейинроқ ўзи гувоҳ бўлади, бунинг олижанобликдан эканини ўзи кўради (аммо, сезолмади), қачондир билса, олижаноблигимни ўн чандон ошириб баҳолайди ва қўлларини кўксига қўйиб худонинг зорини қилади. Режам шу эди. Лекин мен бу ерда ниманидир унутдим ёки ниманидир тушириб қолдирдим. Ниманидир амалга оширолмадим. Бас, етар бас! Энди кимдан узр сўрайман? Тамом бўлди, тамом бўлди – тан олиш керак. Э, одам, қаддингни тут, ерпарчин бўлма! Айбдор сен эмассан.

– Хўп, яхши, мен рост гапни айтаман. Ҳақиқат билан юзма-юз бўлишдан чўчимайман: У айбдор эди, айбдор у эди!..

5

МАЪСУМАНИНГ ҒАЛАЁНИ

Орамиздаги низо бундай бошланди: ҳеч кутилмаганда у пулни ўз хоҳишига кўра берадиган, буюмларни меъеридан ортиқ баҳолайдиган бўлди, бу ҳам етмагандек, мен билан икки марта баҳслашди. Ён босмадим. Шу пайтда оёғимиз остидан капитаннинг беваси чиқиб қолди. Бева кампир медальонни, яъни марҳум эрининг совғаси, демак қадрли ёдгорликни олиб келди. Ўттиз сўм бердим. Минғирлаб, арз-дод қилиб буюмни асрашимизни илтимос қилди – асрамай нима қилардик. Хуллас, беш кундан кейин яна пайдо бўлиб, саккиз сўмга ҳам арзимайдиган билакузукка алмаштириб беришни сўради. Мен шубҳасиз, рад этдим. Ўшанда бу айёр кампир хотинимнинг кўзида меҳр кўрганми, ҳар ҳолда мен йўғимда келиб муддаосига етди – у медальонни билакузукка алмаштириб берибди.

Бундан хабар топишим билан қисқа, аммо қатъий, жўяли гапимни айтдим. У тўшак устида ерга тикилганча ўтирар, ўнг оёғининг учини ликиллашиб, гиламчани уриб-уриб кўярди (бу унинг маънодор ишораси), лабларида истехзо қотган эди. Шунда мен, овозимни мутлақо кўтармасдан, пул меники эканини, ҳаётга ўз кўзларим билан боқишга ҳақим борлигини, уни уйга таклиф қилганимда, ҳеч нарсани яширмаганимни хотиржам бир алфозда эслатдим.

У эса бирдан сапчиб турди, аъзойи бадани титради, кейин – нима деб ўйлайсиз – депсина бошлади: шу туриши ваҳшийликнинг ўзи эди, тутқаноқ эди, тутқа-

ноғи тутган ваҳший эди. Мен ҳайратдан муз қотдим: бу қилиқни сира кутмагандим. Аммо ўзимни йўқотмадим, ҳатто қимирламадим, ўша хотиржам овозда бундан буён юмушларимга аралашиш ҳуқуқидан маҳрум этажагимни маълум қилдим. У башарамга қараб туриб хахолади-да, уйдан чиқиб кетди.

Гап шундаки, менсиз уйдан чиқишга унинг ҳақи йўқ эди. Тўйдан олдиноқ шунга келишган эдик. Кун бўйи қайлардадир санқиб, кечқурун қайтди – чурқ этмадим.

Эртасига эрталабдан яна ғойиб бўлди, индинига ҳам. Кассани беркитиб, холалариникига бордим. Тўйдан кейин улар билан борди-келдини йиғиштириб қўйган эдим. Остоналарини ҳатлашга мажбур бўлдим: Бу ерга қадам босмабди. Холалари гапларимни диққат билан эшитиб, «Сизга ҳали бу ҳам кам» деб мазах қилишдан тойишмади. Кулги бўлишимни билардим. Ўша заҳоти кичик холасига – қари қизга юз сўм ваъда қилиб оғдириб олдим, йигирма бешини нақд санаб бердим. Икки кундан кейин у уйимга хунук хабар билан келди: «Поручик Ефимович деган одам, сиз билан бир полқда хизмат қилган офицер сувни лойқалатиб юрибди». Ҳайратда қолдим. Бу Ефимович деганлари полқда менга нисбатан разиллик қилгани етмагандай, бир ой муқаддам гаровга нарса қўйинг баҳонасида кетма-кет икки марта беҳаёларча уйимга келиб, хотинимга шилқимлик қилган эди. Ўшанда унга яқинлашиб, муносабатларимизни унутмай, уйимга қадам босишга журъат этмаслигини айтгандим: иш бу даражага бориб етиши хаёлимга ҳам келмаганди, шунчаки суллоҳ деб ўйловдим. Мана энди холаси хотинимнинг ўша суллоҳ билан учрашув тайин қилганини, бу иш уларнинг эски танишлари, полковникнинг беваси Юлия Семёновна раҳнамолигида амалга ошганини маълум қилиб турибди: «Хотинингиз ўшаникига қатнаяпти».

Бу тафсилотларни қисқартираман. Бу иш охир-оқи-батда менга уч юз сўмга тушди. Аммо икки кун ичи-да мақсадга эришдим: кўшни хонада туриб, қия очиқ эшикдан хотинимнинг Ефимович билан биринчи gender – vousga⁵ гувоҳ бўлиш, гапларини эшитиш им-кониятини кўлга киритдим. Бу воқеага тайёргарлик кўраётган пайтимда, бир кун аввал, жуда қисқа давом этган, аммо мен учун ниҳоятда муҳим ҳодиса юз берди.

Кечкурун у ёқдан бу ёққа юрди, тўшакка ўтирди, менга тикилиб, масхаралаб тиржайди, оёқ учларини шитирлатиб гиламчага тап-тап урди. Унга қараб туриб, дафъатан калламга бир фикр урилди: ўтган ой давоми-да, тўғрироғи ўтган икки ҳафта мобайнида феъл-атво-ри жуда ўзгариб кетди: қандайдир асовлик, ҳужумкор-лик, беҳаё дея олмайман, аммо бетартиблик, изтиробга мойиллик пайдо бўлди. Буларни сиртига чиқармас-ликка ювошлиги сабаб эди. Изтироблари чегарадан чиққан бўлса-да, ўзини зўрлаб ушлаб тургани, бу учун ўзидан-ўзи ҳазар қилаётганини сезмаслигим мумкин эмасди. Бунақалар бир қутурмасин, қутурса жиловлаб бўлмайди. Шунақа пайтда улар айтадиган, қуюшқон-дан чиқиб кетадиган гапларни эшитиб, кулоқларингга ишонмайсан. Қалбан бузуқликка одатланганлар эса, аксинча юмшатадилар, қабиҳликларини ҳам батартиб, илтифот билан юзага чиқарадилар, ана шу разиллик-ларида устунлик қилиш даъвоси бўлади.

Ўша куни у асовлик билан арқонни узди:

– Дуэлга чиқишга кўрққанингиз туфайли полкдан ҳайдаб юборганлари ростми? – деб сўради у кутилма-ганда, кўзларида эса ўт чақнади.

– Рост, офицерларнинг қарори билан полкни ташлаб кетишимни сўрашди, унга қадар ўзим истеъ-фога чиқаман деб ариза берган эдим.

– Кўрқоқ сифатида ҳайдашганми?

⁵ Ишқий учрашувига (франц.).

– Ҳа, улар шундай айб қўйишди менга. Лекин дуэлдан бош тортишимга сабаб қўрқоқлик эмас. Менинг шахсимни ҳақорат қилишмаган ҳолда дуэлга чақирсам бемаънилик бўларди. Мен уларнинг мустабидона қарорларига бўйсунмадим. Билиб қўйинг, – шу ерга келганда ўзимни тутолмадим, – ўз хатти-ҳаракати билан бундай мустабидликка, оқибатларини била туриб қарши бориш, ҳар қанча дуэлга чиқишдан кўпроқ жасорат, мардлик талаб қилади.

Мен ўзимни тута олмадим, шу гапларим билан гўё ўзимни оқлашга уриндим; унга эса худди шу – янада тиз чўкиб, хўрланишим керак эди. У ғазаб билан кулди.

– Уч йил Петербургда дайдиларга ўхшаб тиламчилик қилиб, биллиард столларининг тагида ётиб қолганларингиз, ростми?

– Мен Сеннада, Вяземскийнинг уйида ҳам ётиб қолардим. Полкдан кейин жуда кўп ҳақоратли тушкун онлар бўлди, аммо руҳан чўкмадим, чунки қилғилиғимни ўшанда биринчи бўлиб ўзим айблаган эдим. Тушкунлигим боиси, ўшандаги аҳволимдан умидсизликка берилиш оқибатида ақлим ва иродамининг ожизланиб қолганидан эди. Буларнинг бари ортда қолди...

– О, сиз эндиликда кўзга кўринган одамсиз – пулдорсиз!

Яъни, бу гаров кассасига қилинган истехзоли ишора эди. Мен ўзимни қўлга олишга улгурдим. Унинг мени янада ҳақоратлашга олиб борувчи тушунтиришларимга чанқоқ эканини сездим – бунга эришишига йўл бермадим. Гаровчининг қўнғироғи айни муддао бўлиб, залга чиқдим. Орадан бир соат ўтгач, у тўсатдан кийинди-да, уйдан чиқаётиб рўпарамда тўхтаб, шундай деди:

– Ҳар ҳолда сиз булар ҳақида тўйдан олдин оғиз очмаган эдингиз?

Мен жавоб бермадим. У чиқиб кетди.

Хуллас, эртасига чўнтагимда тўппонча билан қия очик эшик ортида туриб тақдиримнинг қандай ҳал этилаётганига диққат билан қулоқ тутиб турардим. У ясан-тусанга ўтирарди, Ефимович эса унинг рўпарасида қийшангларди. Хўш, нима бўлди, ўзим сезмаган ҳолда, нимани ўйлаган бўлсам (номусим ҳаққи гапираман буни), нимани кўнглим сезган бўлса, кутган бўлсам ўша юз борди. Билмадим, тушунарли қилиб сўзлаяпманми?

Бўлган воқеа мана бундай: эшик ортида туриб, уларнинг суҳбатига бир соат қулоқ тутдим, бир соат мобайнида олижаноб юксак ҳис-туйғу эгаси бўлган аёлнинг оқсуяк мазҳабидан чиққан бузуқ, қалби нопок, бераҳм ҳайвон билан олишувига гўвоҳ бўлдим. Бу маъсума, бу камгап, бу содда жувон шунча гапни қаердан билади, деб ҳайратга тушдим. Оқсуякларнинг севимли комедияларини тўқувчи зукко муаллиф ҳам бузуқ ишларга ҳиммат камарини боғловчиларга нисбатан олий нафрат ва дўлвор кулги уйғотувчи бундай масхарали саҳнани ўйлаб тополмаган бўларди. Унинг гапларида, сўзларида қанчалар шукуҳ, тезкор жавобларида қанчалар ўткирлик, мулоҳазаларида қанчалар ҳақиқат, айтиш чоқда қизларга хос соддалик бор эди! Малъун Ефимовичнинг севги изҳорига, қилиқларига, гапларига жавобан кўзларига қараб мазах қилиб куларди. Муддаога осонлик билан, бир хуруждаёқ эришиш ниятида келган Ефимович унинг қаршилиқ қилишини кутмаган экан, дарров чўкди. Мен дастлаб унинг хатти-ҳаракатини «Бузуқ, аммо оқила мавжудотнинг нархини ошириш мақсадидаги ноз-фироғи», деб оддий ноз-карашмага йўйишим мумкин эди. О, йўқ, ҳақиқат қуёш янглиғ порлаб, шубҳаларга ўрин бермади. Менга нисбатан бўлган ғайритабиий ва шиддатли нафрати туфайли, тажрибасиз бу жувон мана шундай учрашувга журъат қилиши мумкин эди, аммо эркакнинг пинҳона муддаоси сув юзасига қалқиб

чиққач, унинг кўзи очилди. Бу мавжудот қандай қилиб бўлмасин мени ҳақоратлаш қасдида бетоқат тўлғониб, ҳатто бу балчиқдан ҳам ҳазар қилмади, аммо бетартибликка чидам беролмади. Айнан уни, кўкрак сутидай покиза, бокира, олий мақсади бор жувонни Ефимович ёки унга ўхшаш бирор бошқа оқсуяк махлуқ йўлдан оздира олармиди? Аксинча, у фақат масхара бўлди. Хотинимнинг қалбида бор ҳақиқат уйғонди ва ғазаб юрагидаги аччиқ истехзони юзага чиқарди. Қайтараман, бу масхарабоз охир-оқибат бутунлай чўкди, тумтайиб олди, саволларга ҳам беҳуш жавоб қайтара бошлади, ҳатто тубанлик билан ўч олиш қасдида хотинимни ҳақорат қилиб қўймасин деган кўркув баданимга тарқади. Яна такрорлайман, бу сахнани қарийб ҳайратсиз тингладим. Мен гўё таниш воқеага дуч келгандай эдим. Мен гўё у билан учрашиш ниятида йўлга чиққандим. Тўппонча олволганимга қарамай, мен ҳеч нимага ишонмай, ҳатто айбномаларга парво қилмай келдим – бу айни ҳақиқат. Шундай экан, мен уни бошқача тасаввур этишим мумкинмиди? Хўш, мен нима учун севдим. Нима учун эъзозладим, нима учун уйландим унга? О, менга нисбатан нафратининг нақадар улуғлигига, айни пайтда, ўзининг қанчалар бокиралигига ўша онда амин бўлдим. Шартга эшикни очиб, бу масхарабозликка чек қўйдим. Ефимович сапчиб тушди. Хотинимнинг қўлидан олиб, мен билан юришини сўрадим. Ефимович дарҳол ўзига келди, жаранглаб, яйраб кулди.

– О, илоҳий эр-хотинлик ҳуқуқига монелик қиллолмайман, олиб кетинг, олиб кетинг! Аммо билиб қўйинг, – деди у изимдан, – олижаноб одамларнинг сиз билан олишуви бемаънилик бўлса ҳам, аёлингиз ҳаққи ҳурмати хизматингизга тайёрман... Агар журъат қилолсангиз албатта...

– Эшитяпсизми, – дедим унга, остонада бир нафас тўхтатиб.

Уйга етгунча, йўл бўйи чурқ этилмади. Мен уни қўлтиқлаб олган эдим, бунга қаршилик билдирмади. Аксинча, у беҳад ҳайратда эди, аммо ҳайрат пардаси уйга етгач кўтарилди. Уйга кириб стулга ўтирди-ю, менга бақрайиб тикилди. Унинг рангида ранг қолмаган эди: лаблари шу дамда истехзога мойиллик билан чимирилса-да, кўзларида олишувга даъват этувчи қатъийлик, улуғворлик бор эди: назаримда дастлабки дақиқаларда тўппончадан отиб ўлдиришимга қаттиқ ишонган эди. Аммо мен индамай тўппончани чўнтакдан чиқариб, стол устига қўйдим. У бир менга, бир тўппончага қараб қўйди (тўппончанинг унга таниш эканига диққатингизни тортаман. Шу дўконни очганимдан бери ўқлоғлик туради. Кассани очар чоғимда катта итларни ҳам, Мозерга ўхшаб бақувват малайларни ҳам ушламасликка қарор қилдим. Мижозларимга эшикни ошпаз хотин очади. Бироқ бу ҳунар билан шуғулланувчи одам ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя чораларини ўйлаб қўймаса бўлмайди. Шу сабаб тўппончам ҳамиша ўқлоғлик туради. У уйимга келган дастлабки кунлардаёқ тўппончага қизиқиб қолди, сўраб-суриштирди, мен ҳатто тўппончанинг тузилишию қурилишини тусунтириб бердим, ҳатто ўзи ҳам отиб кўриб, мўлжални беҳато уришига ишонди. Буни унутманг.) Унинг қарашидаги кўрқувга эътибор бермай, ярим ечинган ҳолда тўшакка чўзилдим. Соат ўн бирдан ошган. Мен ўлардай ҳолдан тойган эдим. У жойида яна бир соатча қимирламай ўтирди, кейин шамни ўчириб, кийимларини ечмай девор томондаги диванга ётди. Биринчи марта бошқа ётди – буни ҳам эслаб қолинг.

МУДҲИШ ХОТИРА

Энди бу мудҳиш бир хотирот...

Барвақт уйғондим, ҳар ҳолда хона ёруғ, чамамда соат саккизлар бор эди. Фикрим тиниқлашиб бирдан уйғондим кўзларимни катта очдим. У стол ёнида тўппонча ушлаган ҳолда турарди. У уйғониб қараб ётганимни сезмади. Бир маҳал тўппончанинг оғзини менга тўғрилади. Кўзимни юмиб, ўзимни ухлаганга солдим.

У тўшагимга яқинлашиб, тепамда туриб олди. Мен ҳамма нарсани эшитиб ётардим: хонада ўлик сукунат ҳукмрон, мен сукунатни ҳам эшитардим. Шу пайт титроқ бир ҳаракат сезилди – ўзимни тутолмай кўзларимни очдим. У тўғри менга, кўзларимга тикилиб турар, тўппонча эса қарийб чаккамга тиралганди. Кўзларимиз тўқнашди. Нигоҳлар тўқнашуви бир нафасдан ошмади. Ўзимни мажбурлаб кўзимни юмдим, энди нима бўлса ҳам, қимир этмайман, деб бор қувватим билан ўзимни мажбурладим.

Умуман, баъзан шунақа бўлиб туради, қаттиқ ухлаган одам бирдан кўзини очади, ёстикдан бошини кўтаради, атрофга аланглайди-да, бир сония ўтмай ҳушидан кетгандай, бошини ёстикқа ташлаб, яна қаттиқ уйқуга кетади, уйғонгандан кейин сўрасангиз, ҳеч нимани эсламайди. Нигоҳларимиз тўқнашиб, чаккамдаги тўппончани ҳис қилиб, бирдан кўзимни чирт юмиб, қаттиқ уйқудаги одамдай қимир этмай қолганимда у ухлаётганимга, ҳеч нимани кўрмаётганимга аниқ ишониши мумкин эди, чунки уйғоқ одамнинг мен кўрганни кўриб, бу дақиқада яна хотиржам кўзларини юмиб ётишига ақл бовар қилмасди.

Ҳа, ақл бовар қилмасди. Аммо у ҳақиқатни билиши ҳам мумкин эди – бу фикр хаёлимга ўша заҳоти урил-

ди. О, инсон онгининг самовий кудратига минг-минг офарин – ярим лаҳзада бошимни қанча хаёллар, қанча ҳислар тўлқини кезиб чиқди. Демак, бу ҳолда, ҳақиқатни билиб, айёрона кўз юмиб ётганимни билган бўлса (буни сезардим), унда мен ўлимга тайёр эканим билан уни енгиб ташладим, энди қўли қалтираши турган гап. Аввалги қатъийлиги эндиги таассуроти билан тўқнашиб парчаланиши тайин. Чўққидагиларни қандайдир куч пастга, тубсиз жарга тортиб туради, дейдилар. Назаримда тўппончани қўлга олишга улгуриш – жуда кўп қотилликлар ёки ўз-ўзининг жонига қасд қилишларга сабаб бўлади. Бу ҳам тубсиз жарлик, қиялиги қирқ беш градус, сирғанмаслик мумкин эмас, нимадир сизни муқаррар тепкини босишга ундайди. Аммо ҳамма нарсани кўрганим, унинг қўлидан ўлим топишга ризо эканимни билиш уни бу қияликда тутиб қола оларди...

Сукунат давом этарди, бирдан чаккамга, сочларимга совуқ темир тегди. Жон сақлашингга имонинг комил эдими, – деб сўрашингиз мумкин. Худо олдида жавоб бергандай сизга ҳам тўғриси айтмай: ҳеч қандай умидим йўқ эди, юздан бир имконият билан тирик қолишимнигина билардим. Унда ўлимга нима учун шай эдинг, дейсизми? У ҳолда сиз ҳам бир сўроғимга жавоб беринг: суюкли маҳбубам чаккамга тўппонча тирагандан кейин менга яшашнинг нима қизиғи қолар эди? Бундан ташқари мен бутун вужудим билан бир нарса ни аниқ ҳис қилиб ётардим: айни чоқда орамизда, кечаги кўрқоқ билан, кўрқоқлиги учун ўртоқлари томонидан ҳайдалган ўша кўрқоқ билан унинг орасида кураш, ҳаёт-мамот жанги борарди. Мен буни билардим, агар ухламаётганимни фаҳмлаган бўлса, у ҳам биларди.

Балки бундай бўлмагандир, балки ўша онда буларни ўйламагандирман, аммо булар фикрдан ўтмаса ҳам юз бериши лозим эди, чунки шундан кейин ҳаётимнинг ҳар бир соати шу хаёллар билан банд бўлди.

Энди сиз «нима учун уни ёвузликдан асраб қолмадинг» деган саволни беришингиз мумкин. О, кейинчалик мен бу лаҳзани ҳар эслаганимда, эгим музлаб, бу саволни ўзимга-ўзим минг марталаб берганман. Унда қалбим мавҳум бир умидсизлик чоҳида эди: ўзим жон таслим қилардим, шу аҳволда кимни қутқара олардим? Қолаверса, бировни қутқариш истаги бўлганми йўқми, сиз қаердан биласиз? Нималарни ҳис қилганимни ким билиб ўтирибди.

Сезгиларимнинг жизғанаги чиқарди: лаҳзалар ўтди, сукунат ўликлигича қолди; у эса тепамда ҳамон тик турибди – бирдан ялт этган умиддан сескандим! Шошиб кўзимни очдим. У хонада йўқ эди. Ўрнимдан турдим: мен ғалаба қозондим – у умрбод мағлуб бўлди!

Самоварнинг олдига бордим. Қайноқ самовар одатда биринчи хонага келтирилиб, чойни ҳар сафар у қуйиб берарди. Мен жойимга жимгина ўтириб, у узатган чойни олдим. Беш дақиқалардан сўнг унга қарадим. У ҳам менга тикилиб турар, ранги кечагидан беш баттар оқариб кетган эди. Бирдан қарашимни илғаб, рангсиз лабларида рангсиз истехзо, кўзларида журъатсиз савол назари пайдо бўлди. «Афтидан биладими ё билмайдими, кўрқдими ё кўрқмадими деб ҳали ҳам иккиланяпти». Мен хотиржамлик билан ундан нигоҳимни олдим. Чойдан сўнг кассани беркитиб бозорга тушдим-да, темир каравот билан парда сотиб олдим. Уйга қайтгач, каравотни залга қуйиб, парда билан тўсиб қўйишни буюрдим. Бу каравот унга аталган эди, аммо ўзига бу ҳақда оғиз очмадим. Шу каравотни кўриб «ҳаммасини кўрганимни, ҳаммасини билишимни» сўзсиз англаганига шубҳам йўқ.

Тунда тўппончани одатдагидай яна стол устида қолдирдим. У ўзининг янги тўшагига ётди: никоҳ бузилди, у «мағлуб этилган, аммо кечирилмаган эди». Тунда алаҳсирай бошлади, эрталаб эса иситмаси кўтарилди. У олти ҳафта ўрнимдан турмай ётди.

МАҒРУРЛИК УЙҚУСИ

Лукерья уйимда бўлак яшамаслигини, бойвуччани дафн этгач, чиқиб кетажагини ҳозиргина маълум қилди. Тиз чўкиб, бир соат ибодат қилмоқчи эдим, беш дақиқадан нарига ўтолмадим, ўйлаб ўйимга етолмайман, фикрларим хаста, бошим хаста – тавбанинг нима фойдаси бор, ибодат қилдинг нима – қилмадинг нима бари бир гуноҳкор бандасан! Яна ажабланарлиси шуки, сира уйқум келмаяпти, ҳолбуки, оғир, беҳад оғир ғам-ситамлاردан сўнг, дастлабки руҳий портлашлардан кейин одамнинг уйқуси келади. Айтишларича, ўлимга маҳкум этилганлар сўнгги тунда қаттиқ ухлар эканлар. Табиатан шундай бўлиши керак, йўқса одамнинг иродаси дош беролмай синиши мумкин. Диванга ётдим, бари бир ухлолмадим.

Мен, Лукерья, касалхонадан ёллаганим ҳамшира – уч киши бўлиб олти ҳафта мобайнида туну кун касални боқдик. Пулни аямадим, аксинча унга сарф қилгим келаверди. Доктор Гредерни чақириб, ҳар келишига ўн сўмдан тўладим. У ҳушига келгач, кўзига камроқ кўришишга интилдим. Буларни баён этишимнинг нима ҳожати бор! У оёққа тургач, хонамдаги алоҳида стол ёнига оҳистагина яқинлашиб, жимгина ўтирди. Бу столни касал ётганида унга махсус сотиб олган эдим. Чиндан ҳам икковимиз сукут сақладик, тўғри, кейинроқ гаплаша бошладик, лекин оддий мавзудан четлашмадик. Мен, албатта атайин эзмалиқдан, ёйилиб гаплашишдан қочардим, унинг ортиқча гап айтиб юбормаётганимдан хурсанд эканини ҳам сезиб турардим. Бу қилиғи менга

табийдек туюларди. У «узил-кесил мағлуб бўлганидан бениҳоя изтиробда, – деб ўйладим, – демак, ўтганларни унутиш, кўникиш учун имкон бериш зарур». Шу аснода сукут сақлардик, аммо мен ҳар дақиқа ўзимни келажакка тайёрлардим. Назаримда, у ҳам шайланарди, ўзи ҳақида энди нималарни ўйлаётганини билиш мени ғоят қизиқтира бошлади.

Яна бир гапни айтмасам, юрагим тошиб кетади: касал ётганида унинг тепасида туриб қанча афғон чекканими, қанча азобларга тоқат қилганими биров билмайди. Фиғонларим фақат ўзимга маълум, ҳатто Лукерьянинг нолаларини ҳам қалбимга яширганман. Мен унинг ҳеч нарсани билмай ўлиб кетиши мумкинлигини тахмин қилиш у ёқда турсин тасаввур ҳам этолмасдим. Аниқ ёдимда, аҳволи бир оз яхшиланиб, хавф чекиниб, сиҳати тиклана бошлагач, тез ва қатъий хотиржам бўлдим. Устига-устак келажакимизни кўя туришга, маълум муддат орқага суришга, ҳозирги аҳвол ҳақида қайғуришга аҳд қилдим. Ҳа, ўшанда ғалати, ажиб бир ҳолга тушдим, буни ўзгача ифода этишим мушкул; мен ғалаба нашидасини сураётган эдим, шу ҳақда ўйлашимнинг ўзиёқ мени номаълум ҳисларга чирмаб ташларди. Қиш шу зайлда ўтди. О, мен беҳад хурсанд эдим, умримда ҳеч вақт кўнглим бу қишдаги каби хуш бўлмаган.

Биласизми, ўша воқеага қадар, яъни хотиним билан орамизда ҳалокат юз бергунгача ҳар кун, ҳар соат мени эзиб келган, ҳаётимнинг обрўсизланишим ва полқдан кетишимга боғлиқ мудҳиш бир ташқи жиҳати мавжуд эди. Икки оғиз сўз билан айтсам: менга нисбатан мустабидларча ноҳақлик қилинган. Тўғри, ўртоқларим оғир, балки кулгили феълими ҳазм қилишолмасди, мени ёмон кўришарди, ҳолбуки кўп ҳолларда сиз учун буюк, сизга илоҳий туюлган, сиз сиғинадиган нарса айни чоғда атрофингиздаги ўртоқларингиз тўдасини кулдиради. О, мени ҳеч қачон, ҳатто мактабда ҳам

яхши кўришмаган. Мени ҳамма вақт, ҳар жойда ёмон кўришган. Мени Лукерья ҳам ёқтирмайди. Полкдаги воқеа, гарчи мени яхши кўрмасликларининг оқибати эса-да, тасодифан содир бўлган эди. Буларни эслашимга сабаб: ёнингдан булут каби сузиб ўтиб кетиши мумкин бўлган турли сабабларнинг бемаъни йирик-лашуви, юз бермаслиги мумкин бўлган тасодиф туйфайли ўлиб кетишдан баттарроқ ранж-алам йўқдир. Ҳар ҳолда, зиёли одам учун бундан ўтадиган хўрлик мавжуд эмас. Воқеанинг мағзи мана бу:

Театрда, танаффус пайтида емакхонага чиқдим. Гусар Л-в икки гусар ошнаси билан бирданига ёпирилиб кирди-ю, жамоа орасида, овозини баралла қўйиб – бу ерда офицерлар ҳам кўп эди – полкимиз капитани Безумцев даҳлизда жанжал кўтарганини гапира бошлади. Гап орасида «афтидан капитан ғирт маст эди» деб қистириб ўтди. Уларнинг бу мавзудаги гаплари узоққа чўзилмади, чунки Безумцевнинг мастлиги ёлғон, даҳлиздаги «жанжал» жанжал дейишга арзимас ҳам эди. Гусарлар бошқа гапларга ўтиб, тинчишди, аммо бу латифа эртасигаёқ полкимизга етиб бориб, шивир-шивир бошланди. Яъниким, гусар Л-в, капитан Безумцев номини булғаётганда емакхонада полкимиздан фақат мен бор эканман, мен унга танбеҳ бериб тўхтатмабман. Хўш, нима учун мен танбеҳ беришим керак? Безумцевда алами бўлса – бу уларнинг шахсий ишлари, мен аралашиб нима қилдим? Офицерлар эса бу шахсий масала эмас, полкка бевосита алоқадор эди деб тонишди. Нима эмиш, емакхонада полкимиз офицерларидан биргина мен бўлганим учун ҳам емакхонадаги жамоага, жумладан барча офицерларга полкимиз шаънига ва ўз ғуруримга доғ тегишидан унча ғашим келмаслигини исботлаганмишман. Бу хулоса билан келишишим мумкин эмасди. Шунга қарамай, вақт ўтган бўлса ҳам, ҳали кеч эмаслигига, хатоимни тўғри-

лашга, Л-в билан муносабатимни ойдинлаштириб олишимга имконим борлигига шаъма қилишди. Мен буни хоҳламадим, қаттиқ ғазабланганим туфайли, мағрурлик билан рад этдим. Сўнг ўша заҳоти истеъфого чиқдим – бор гап шу. Мен полкни мағрурона, аммо руҳан чилпарчин бўлган ҳолда ташлаб чиқдим. Иродам заифлашиб, ақлан тубанликка шўнғидим. Худди ўчакишгандай ўша пайтда синглимнинг эри Москвадаги шинамгина мулкимизни, жумладан, ундаги менинг озгина улушимни ҳам буткул совуриб юборди: мен бир чақасиз кўчада қолдим. Мен хусусий хизматга ёлланишим мумкин эди, хоҳламадим, офицерлар либосини ечиб қандайдир темир йўлга боришни ўзимга ор билдим. Уят бўлса – уят, шармандалик бўлса – шармандалик, тушкунлик бўлса – тушкунлик-да, қанча баттар бўлса шунча яхши, дедим. Мана шу баттарини танлаганимдан кейинги уч йилдан фақат қайғули хотиралар қолган, бунинг ичида Вяземскийнинг уйи ҳам бор эди. Бир ярим йил муқаддам Москвада бадавлат кампир – чўқинтирган отам вафот этишидан олдин, сира кутилмаганда бошқа меросхўрлар қаторида менга ҳам уч минг сўм васият қилди. Мен танамга ўйлаб кўриб, ўшандаёқ ёзуғимни белгиладим. Одамлардан тиланчилик қилиб юрмай гаров кассаси очишга аҳд қилдим. Пул бўлса бор, режам – бир бурчакни ижарага олиб – эски хотиралардан йироқда янги ҳаёт бошлаш эди. Қолаверса, қайғули ўтмишим, бутунлай барбод бўлган номус-орим мени ҳар дақиқа, ҳар соат исканжага олиб турарди. Шундай аҳволда уйландим. Бу тасодифми, йўқми билмайман. Аммо уни уйга бошлаб кираётганимда, дўстни олиб киряпман деб ўйловдим. Чунки чин дўстга жуда-жуда зор эдим. Бироқ, мен бу дўстни ҳали маънан тайёрлаш, шакллантириш, ҳали мағлуб этиш лозимлигини аниқ-равшан билган эдим. Ўн олти ёшли қизга, нотўғри фикрларга кўмилиб ётган

гўдакка буларнинг ҳаммасини бирданига тушунтириш мумкинмиди? Йўқ! Айтайлик, тўппонча билан боғлиқ ўша ҳалокатли, тасодифий воқеа бўлмаганда ўзимнинг кўрқоқ эмаслигимга, полкдошларим кўрқоқ деб ноҳақ айблашганига қандай ишонтира олардим. Бахтимга ўша ҳалокат айнан вақтида юз берди. Тўппончага чаккамни хотиржам тутиб, буткул зулмат ўтмишимдан қасос олдим. Бундан ҳеч ким хабар топмаса-да, у билди, менга шуниси керак эди, чунки у менинг борлигим, орзуимдаги келажагимнинг бор умиди эди. Менга ундан бошқанинг кераги йўқ, зеро, у келажагим учун тайёрланаётган ягона одам эди. Унинг бор ҳақиқатдан хабар топиши, ҳеч бўлмаганда ғанимлар сафига барвақт, ноҳақ ўтганини билиши мен учун катта гап эди. Бу фикрдан фахрим тошарди. Энди унинг кўзига аблаҳ бўлиб эмас, балки ғалати одам бўлиб кўринаман: энди юз берган воқеадан кейин бу фикр мени аввалгидай ғашимга тегмади; ҳар ҳолда, ғалатилик айб эмас, аксинча вақти келса, аёлнинг феълига ўтиради. Хулласи калом, ечимни атайин орқага сурдим. Бўлиб ўтган воқеа хотиржамлигим учун етиб ортарди. Орзуларим учун ранглар тўлиб тошганди. Орзуларимга ранг етарли дедим, у эса кутиб туради дедим; расволик ҳам худди шунда – хаёлпарастлигимда.

Бутун қиш ниманидир кутиш билан ўтди. Ўзининг столчасига тирсакларини тираб ўтирган чоғида уни ўғринча кузатишни хуш кўрардим. У уйдаги майда-чуйда ишлар билан ўзини овутарди, кечалари жавонимдаги китоблардан олиб ўқирди. Жавондаги китобларнинг саралиги ҳам, назаримда менинг фойдамга хизмат қиларди. У деярли ҳеч қаерга чиқмасди. Ҳар куни овқатланиб олгач, қош қораймай туриб уни сайрга бошлардим, тоза ҳавода юрардик, аввалгидек оғзимизга талқон солиб олмасдик. Мен ўзимни жим эмасдай, бир-биримизга маъқул оҳангда гаплашаётгандай қилиб кўрсатишга уринардим. Аммо, айтга-

нимдай, зоҳирий кўришишимиз билангина «ширин суҳбат» қурардик. Мен ўзимни атайин шундай тутардим, унга вақт бериш керак дердим, қизиқ, мен-ку унга зимдан қарашни хуш кўраман, нима учун у менга қарамайди, деган ўй бутун қиш бўйи бир марта ҳам хаёлимга келмабди. Мен буни ҳадиксирашдан деб билдим. Қолаверса, касалликдан кейин унинг кўринишида қувватсизлик, журъатсиз бир маъсумалик аниқ зоҳир эди. Йўқ, кутгин, дедим ўзимга-ўзим, «унинг ўзи дафъатан олдинга келади...»

Бу фикр менинг кўнглимни ғоят чоғ қилди. Очиғини айтсам, баъзан ўзимни-ўзим атайин руҳан эзардим, қовурардим, гўё ундан хафа эканимга ўзимни ўзим ишонтирмоқчи бўлардим. Бу маълум муддат давом этди. Менинг нафратим қалбимга илдиз отиб, мустаҳкамланиши мумкин эмасди. Бунинг шунчаки ўйинлигини сезиб турардим. Ўшанда каравот ва парда-тўсиқ олиб келиб, никоҳни ўзимча бузганим билан, уни ҳеч қачон жинойтчи сифатида тасаввур қилолмасдим. Унинг айби бўйича енгилтаклик билан ҳукм чиқарганим бунга сабаб бўлолмасди. Йўқ, мен шунчаки, ўша дастлабки куниеқ, ҳали каравот олмаёқ унинг гуноҳидан ўтишни лозим деб топган эдим. Бир сўз билан айтилса, бу менинг ғайриоддийлигим, тўғри, аммо хулқий қоидаларга қаттиқ эдим. Кўзим олдида у шунчалар мағлуб этилган, енгилтак эдики, баъзан беихтиёр раҳмим келарди, айти чокда хўрлаш ғояси дилимни яйратарди. Орамиздаги тенгсизлик ёқарди менга...

Шу қиш мобайнида бир неча марта атайин яхшилик қилдим. Иккита қарздан буткул кечдим, бир бечора аёлга гаровсиз пул бериб юбордим. Бу ишларни хотиним билсин учун қилмадим, мутлақо шу сабабли оғиз очмадим: аммо аёлнинг ўзи деярли тиз чўкиб миннатдорчилик билдиргани келиб меҳрибонлигим-

ни ошкор қилди. Назаримда, аёлга яхшилик қилганимдан у мамнун бўлди.

Апрель яримлаб, баҳорнинг нафаси келиб қолган эди. Қўштабақа деразаларнинг кўча томонини олиб ташлагач, сокин хоналаримиз қуёшнинг ёрқин шуълаларига йўғрилди. Аммо қаршимда қалин булут қатлами турганидан, ақлимни қоронғилик пардасига ўраётганидан беҳабар эдим. Мудҳиш ва машъум қатлам эди бу! Қатлам қандай йўқолди, кўзим қандай очилди, ақлим қандай пешланиб, воқеаларни қандай фаҳм эта бошладим? Тасодиф юз бердим, ҳал қилувчи куннинг келиши бирдан тезлашдим, қуёш нурлари ўтмаслашиб қолган ақлимда фикр ва идрокимни уйғотдим? Йўқ, фикр ҳам, идрок ҳам мутлақо алоқасиз бу ерда. Юрагимда ўла бошлаган томирлардан бири тўсатдан тирилди, бир титради-ю, ҳаётга қайтди ва қалбимдаги зим-зиёликни, зим-зиёда яшириниб ётган, мени йўлдан ураётган мағрурлик шайтонини ёритди. Бу кутилмаганда, тўсатдан, оқшом арафасида, овқатдан кейин, соат бешларда содир бўлди... ўрнимдан сапчиб турдим...

2

ҚОРА ҚАТЛАМ ТЎСАТДАН ЙЎҚОЛДИ

Мақсадга ўтишдан аввал эътиборингизни бошқа нарсага тортаман. Бир ой муқаддам унда ғалати ўйчанлик пайдо бўлганини, ҳа, ҳа, сукут сақлаш эмас, айнан ўйчанликни тўсатдан сездим. У тикиш билан машғул бўлиб, бошини эгиб ўтирар, тикилиб турганимни билмасди. Ана шу дамда унинг беҳад озиб чўп бўлиб қолгани, рангида ранг қолмагани, лабларидан қон қочгани – буларнинг бари ўйчанлигига кўшилиб мени фавқулудда саросимага солди. Аввал эътибор бермаганим, айниқса тунлари енгил йўталиб қўйиши

энди кўнглимда ғулғула уйғотди. Унга ҳеч нима демай доктор Шредерни чақиргани кетдим.

Шредер эртасига келди. У докторни кўриб, бир менга, бир Шредерга ҳайрон бўлиб қаради.

– Мен соппа-соғман, – деди жилмайишга ҳаракат қилиб.

Шредер уни дурустроқ ҳам кўрмади (умуман бу доктор зоти баъзан ҳаддан ташқари безътибор бўлади), кўшни хонага чиққанимизда буларнинг ҳаммаси касаллик оқибати экани, баҳорда имкон туғилса денгиз томонга борилса, йўқса, чорбоққа чиқилса дуруст бўлажагини айтди. Хуллас, ҳали бемадорликдан қутулмаганини айтгани дейилмаса, дори-дармон тугул, тайинли маслаҳат бермади. Шредер кетгач, у менга қаттиқ тикилиб туриб, ўша гапини яна такрорлади:

– Мен соппа-соғман.

Шундай деди-ю, уятданми, қизариб кетди. О, буни энди фаҳм этяпман: у ҳали ҳам эри эканимдан, ҳақиқий эри каби парвона бўлаётганимдан уялган. Мен галварс ўшанда буни тушунмаганман, ройишга йўйганман. (Қора қатлам!)

Ниҳоят, орадан ой ўтгач, апрелнинг қуёшли кунларида, соат бешларда, ҳисоб-китоб билан ўтирган чоғимда, кўшни хонадан унинг овози келди... У... шикаста овозда хиргойи қиларди. Бу янгилик мени ларзага солди, ҳали-ҳали ўзимга келолмайман. Шу пайтгача, уйга янги бошлаб келган кунларим, тўппонча отиб шўхлик қилган дамларимизни ҳисобга олмаганда, унинг ашула айтганини эшитмаганман. Унда овози асабийроқ туюлса ҳам, жуда ёқимли, соғлом, қаттиқ жарангдор эди. Эндиги кўшиқ жонсиз эди, о, йўқ, буни мунгли кўшиқ деб бўлмасди, қандайдир романс эди у, аммо унинг овози алланечук дарз кетган, синган, гўё у эмас, балки ашуланинг ўзи хаста-ю, овози унга жон киритишга ожиз эди. У хиргойи қиларди, бирдан овози кўтарилди-ю, узилди

– хаста овози – ачинарли тарзда узилди, йўталиб олиб яна секин-секин, аста-аста хиргойисини бошлади.

Ҳаяжонимдан куладилар, бари бир ҳеч қачон, ҳеч ким ҳаяжонланишим боисини тушуна олмайди. Йўқ, ҳали унга ачинмас эдим. Мендаги туйғу мутлақо бўлакча эди. Дастлаб, аниқроғи, дастлабки дақиқаларда даҳшатли ва ғалати, оғриқли ва ҳатто қасосга мойил туйғу, таажжуб ва ҳайратда қотдим: нима бу «Менинг борлигимни унутдими? Менга эътиборсиз куйлаши нимаси!»

Вужудимни изтироб исканжасига топшириб, жойимдан жилмай ўтирдим, кейин бирдан ўрнимдан туриб, нима қилаётганимни ўзим ҳам билмаган ҳолда, шляпамни олиб ташқарига йўл олдим. Қаёққа, нима учун отланганим ўзимга ҳам номаълум эди. Лукерья пальтомни узатди.

– Ашула айтяптими? – сўрадим Лукерьядан беихтиёр. Лукерья тушунмади, ажабланиб қаради: шу тобда менга тушуниш чиндан ҳам мушкул эди.

– Биринчи марта ашула айтяптими?

– Биринчи эмас, сиз йўқлигингизда баъзан айтарди, – деб жавоб берди Лукерья.

Ҳаммаси аниқ эсимда. Зинадан пастга тушдим, кўчага чиқдим, кейин бошим оққан томонга юрдим. Муйилишгача бориб, тўхтадим, атрофга алангладим. Одамлар оқими орасида қолган эдим, туртиб ўтсалар ҳам сезмасдим. Извошчини чақириб, Полиция кўпригига ҳайда, дедим. Сўнг, бирдан фикримдан қайтиб унинг кўлига бир танга тутқаздим.

– Сени безовта қилганим учун, – дедим извошчига маъносиз кулиб. Бироқ юрагимда тўсатдан қандайдир завқ уйғонди.

Қадамимни тезлатиб, уйга қайтдим. Қалбимдаги дарз кетган, узилай-узилай деб турган бечора торлар бирдан созланиб, жаранглади. Энтикиб, кетдим: кўз

олдимдаги қора қатлам йўқоларди, йўқоларди! Мен боримда мени унутиб куйлабдим – энг кўрқинчли ва аниқ-равшан ҳақиқат шу эди. Буни юрагим сезиб турарди. Қалбимдаги шавқ тобора ўт олиб кўрқинчли сиқиб чиқарарди.

О, тақдирнинг шўри-ғавғоси! Ахир бутун қиш бўйи вужудимда шу шавқдан ўзга ҳеч нима йўқ эди, бўлиши ҳам мумкин эмасди-ку, мен қаерда эдим? Мана шу қалбим билан яшар эдимми? Зиналардан шошилиб, югуриб чиқдим, бироқ ичкарига журъат билан кирдимми, билмайман. Оёқларим ости тўлқин ургани, ўзимни гўё дарё узра енгил сузиб юрганимнигина эслайман. Хонага кирдим: у ўша жойида бир нимани тикиб ўтирарди, кўшиқ айтмасди. Мен томон қизиқишсиз югурук қараб олди, буни ҳатто қараш деб ҳам бўлмайди, одатда хонага бирор кимса кирса мана шунақа одатий, эътиборсиз ҳаракат қилинади.

Мен мияси айниган одамдай тўғри келиб унинг ёнига ўтирдим. У кўрқиб кетгандай менга тезгина қаради: мен эса унинг қўлини олиб нимадир дедим, нималиги эсимда йўқ, тўғрироғи нимадир демоқчи эдим, аммо ўша аҳволда бир сўзни эплаб айтишга қурбим етмасди. Овозим ўзимга бўйсунмай, сўзлар чала ярим отилиб чиқарди. Ҳа, нима дейишни билмас эдим, нуқул энтикардим.

– Гаплашиб... олайлик... биласанми... нимадир дегин... – тўсатдан отилиб чиққан бу сўзлар тентакнамо эди, тан оламан, бироқ ўша тобда ақлли гап тизадиган аҳволда эмасдим.

У юзимга қаради, сесканди, кучли бир кўрқинч билан ўзини четга олди, кўзларида қатъий ажабланиш зоҳир бўлди. Ҳа, ажабланишда қатъийлик бор эди, у менга катта-катта кўзлари билан боқарди. Бу қатъийлик, бу қатъий ажабланиш мени бир ҳамладаёқ буткул мажақлаб ташлади. У индамаган бўлса-да, бу ажабла-

нишда «Ҳали сен муҳаббат истаяпсанми? Муҳаббат керакми сенга?» деган савол жарангларди. Йўқ, мен бу сўзларни ўқиб олдим, ҳаммасини ўқидим. Аъзойи баданимга титроқ югурди, ўзимни тутолмай оёқлари остига шилқ этиб тушдим. Ҳа, мен оёқлари остига куладим. У ўша заҳоти сапчиб тушди, аммо мен бор кучим билан қўлларидан ушлаб қолдим.

Руҳий тушкунлигимни мен яхши англаб турардим, жуда яхши англардим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, юрагимдаги шавқ шу қадар қайнардики, ҳатто ўлиб қоламанми деб ҳам ўйлардим. Мен – бахтдан маст бўлган, лаззатдан ҳушини йўқотган одам унинг оёқларини ўпдим. Ҳа, ҳа, бу беҳисоб, беҳудуд бахт эди, руҳий тушкунлигимни англаган ҳолда бахтга йўғрилган эдим. Мен йиғлардим, нималардир дердим, аммо гапира олмасдим. Ундаги кўрқув ва ҳайронлик ўрнини бирдан қандайдир ташвишли фикр, фавқулодда савол эгаллади; энди менга ғалати, ҳатто ёввойи қараш қилди, у ниманидир тезроқ тушуниб етиш истагида кулимсиради. Оёқларини ўпаётганимдан ҳаддан ташқари уяларди, оёқларини тортиб оларди, аммо мен ҳозиргина оёғи турган ерни ўпардим. Аҳволимни кўриб уятдан кула бошлади. (Уятдан қандай кулишларини кўрганмисиз?) Асабдан қўллари титради. Буни кўрдим. Аммо мулоҳазага чоғим келмади, довдираб, нуқул севишимни, ўрнимдан турмай «бир умр тиз чўкиб унинг ҳақиқага ибодат қилишимни» айтардим... «кел, кўйлақларингдан бир ўпай...» Билмадим, эсимда йўқ... бирдан у титраб кетди, уввос тортиб йиғлай бошлади; мен уни кўрқитиб юборган эдим, тутқаноғи тутди.

Уни кўтариб тўшакка олдим. Хуруж қўйиб юборгач, қаддини кўтариб эзгин бир аҳволда тўшакка ўтирди-да, қўлларимни ушлаб, тинчланишимни сўради: «Ўзингизни қийнаманг, бас, етар, тинчланинг», – менга тинчланинг деб, ўзи йиғини бошлади. Кечаси билан ёнидан

жилмадим. Овози хаста эканини, буни яқингинада ўзим эшитганимни, икки ҳафтадан сўнг Булонга, денгиз соҳилига олиб кетажагимни, кассани ёпиб Добронравовга сотажагимни, ҳаммаси янгитдан бошланажагини, энг муҳими Булон, Булонга кетажагимизни гапириб чиқдим. У индамай, аммо ҳадик билан эшитиб ётди. Гапирганим сари ҳадиги орта борди. Мен учун булар муҳим эмасди. Унинг оёқлари остида ётиш, оёқларини ўпиш, оёқлари турган ерни ўпиш, унинг қаршисида тиз чўкиб ибодат қилиш истаги бутун қудрати билан вужудимга ҳукм ўтказарди. «Сендан бошқа ҳеч нимани, ҳеч нимани сўрамайман, менга жавоб берма, бор-йўқлигимни билмасанг ҳам майли, фақат бурчакдан ўғринча қарашимга изн бер, мени бирон бир буюмингга, майли, кучукчангга айлантириб ол»... Бу гапни неча қайта такрорладим. У эса йиғи билан жавоб қайтарди.

– Мени, шу ҳолда ташлаб қўясиз деб ўйлабман – бу гап унинг бўғзидан бирданига ва беихтиёр отилиб чиқди. Ҳатто қандай айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. О, унинг бу сўзлари – мен учун ҳал қилувчи, энг муҳим, ўша тун айтилган сўзлар ичра энг тушунарлиси – юрагимни пичоқ янглиғ тилиб юборди. У ҳаммасини тушунтириб берди, ўшанда ёнимда, кўз олдимда эди, бундан умидим уфқи ёришиб турарди, бахтим ҳам беҳад эди. О, ўша кеч уни жуда толиқтирдим, буни билиб турсам-да, ҳаммасини қайта қуришни бетўхтов ўйлардим. Тун оққанда бутунлай ҳолдан тойди, ухлашга кўндирдим, у тезда, қаттиқ уйқуга кетди. Алаҳсирармикин деб кутдим, енгилгина алаҳсиради. Тун бўйи дам-бадам туриб, унга қараш учун шип-пақда овоз чиқармай юриб келардим. Ўшанда уч сўмга сотиб олган темир каравотга, ундаги тўшакка, тўшакдаги бу бечора, хаста зотга қараб юзларимни юлиш даражасида афсус-надомат чекардим. Тик чўкардим, аммо (унинг рухсатисиз!) ухлаб ётган чоғида оёқла-

рини ўпишга журъат этолмасдим. Худога ибодат қил-
гали тиз чўкардим, аммо тез орада туриб кетардим.
Лукерья ошхонадан чиқиб, мендан тез-тез хабар олар-
ди, мен унга кириб ётавериши мумкинлигини, эртага
бутунлай ўзга ҳаёт бошланишини айтдим.

Мен шундай бўлишига кўр-кўрона, телбаларча,
ашаддий ишонар эдим. О, шавқ, фақат шавқ бодаси-
дан лаззатланардим мен! Мен фақат эртанги кунни
кутардим. Энг муҳими, баъзи бир белгиларга қарамай,
фалокатга ишонмас эдим. Кўз олдимдаги қора қатлам
йўқолган бўлса-да, идроким тиниқлашмаган. Идроким
узоқ вақт, жуда узоқ, то бугунги кунгача тиниқлашма-
ди. Қандай тиниқлашсин, ахир унда у тирик эди, у ме-
нинг рўпарамда, мен эсам унинг қаршисида эдим. «Эр-
талаб уйғонганда ҳаммасини айтаман, у ҳаммасига ўзи
шоҳид бўлади». Менинг ўша тобдаги фикр-ўйларим
оддий ва равшан эди, шавқим ҳам шундан ўт оларди!
Муҳими – Булон. Нимагадир, Булон бор-йўғимизни ҳал
қилади, Булонда тақдиримиз ўзгача чирой очади, деб
ўйлардим. «Булонга, Булонга», юрагим шундай тепар-
ди. Мен тонгни телбаларча орзиқиб кутардим.

3

ҲАДДАН ЗИЁД ТУШУНАМАН

Ахир бу бир неча кун, беш кун, атиги беш кун аввал,
олдинги сешанбада бўлган эди! – Яна озгина вақт, яна
заррача чидаганда мен атрофимиздаги қоронғилик-
ни тарқатиб юборардим! Наҳотки тинчлана олмасди?
Ахир эртасигаёқ, бир оз саросимасига қарамай, гапла-
римни кулиб эшитган эди-ку... Муҳими, бу вақт даво-
мида, беш кун мобайнида парокандалик ё уятдан сиқи-
ларди. Кўрқарди ҳам, жуда-жуда кўрқарди. Баҳслашиб
ўтирмайман, тентакларга ўхшаб ўз гапимга ўзим қар-

ши ҳам бормайман: кўрқув бор эди, ахир шу вазиятда қандай қилиб кўрқмасин? Ахир жуда узоқ вақт бадалида бир-биримизга бегоналашиб қолувдик-ку, бир-биримиздан бу қадар узоқлашиб, кутилмаганда... Аммо мен ундаги кўрқувга қарамадим, чунки янгилик барқуриб келмоқда эди!.. Хатога йўл қўйганим тўғри, минг-минг маротаба тўғри. Балки бир эмас кўплаб хатога йўл қўйгандирман. Бундан ҳам бўйин товламайман. Эртасига (яъни чоршанба куни) уйғонишимиз билан хатога йўл қўйдим: уни бирданига ўзимга дўст деб билдим. Мен шошилдим, беҳад шошилдим, бироқ тавбам зарур эди, истиғфор келтириш ҳар нарсадан зарурроқ эди. Мен ҳатто бир умр ўзимдан яширган сирларимни ҳам ошкор этдим. Бутун қиш бўйи унинг муҳаббатига умид боғлаганимни очиқ айтдим. Гаров кассаси риёзат чекиш оқибатида иродам заифлашуви, онгим тушкунлиги туфайли туғилган худбинларча шахсий ғоям эканини тушунтирдим. Ўшанда театр емакхонасида чиндан кўрққанимни, аммо дуэлдан эмас, ўз феълимдан, ўз бадгумонлигимдан кўрққанимни, аниқроғи, емакхонадан, вазиятдан лол қолганимни, гусарни дуэлга чақиришим бошқаларга бемаъни бўлиб туюлмасмикин, деган хаёлда гумонсираганимни, дуэлдан эмас, айнан шу гумондан чўчиганимни, сўнг бу кўрққоқлигимни бўйнимга олмай ҳаммани, ҳатто уни азобга қўйганимни, уни азобга қўйиш учун ҳам уйланганимни айтдим. Умуман гапларимда тартиб йўқ эди, гўё иситма аралаш валақлардим. Унинг ўзи қўлларимдан ушлаб, бас қилишимни сўрарди: «Сиз ошириб юборяпсиз, сиз ўзингизни қийнаяпсиз» – шундай дерди, кейин кўз ёши бошларди, тутқаноғи тутишга оз қоларди! У хотираларимга нуқта қўйиб, гапирмаслигимни илтижо билан сўрарди.

Унинг илтимосларига қарамасдим ёки кам эътибор берардим. Ахир олдинда – баҳор, қуёшли Булон! У ерда бизни янги қуёшимиз кутяпти – буларни гапир-

май бўладими! Кассани ёпиб, ишни Добронравовга оширдим. Чўқинтирган онамдан қолган уч мингдан ташқари бор будимизни муҳтожларга улашиб, ўша уч мингга Булонга бориб келгач, янги ҳаёт бошлаб, пешона тери билан тирикчилик қилишни таклиф этдим. Шунга келишдик, чунки у таклифимни жавобсиз қолдирди, фақат жилмайиб қўйди. Назаримда, мени хафа қилмаслик ниятида, кўнгил учун жилмайди. Унга оғирлигим тушаётганини кўрдим. Мени буни кўрмайдиган даражада тентак ва худбин деб ўйламанг. Мен ҳаммасини, сўнгги чизиқчасигача кўрдим, кўрганда ҳам бошқалардан аниқроқ кўрдим: менинг барча изтиробларим шундай кафт устида эди.

Мен унга ўзим ҳақимда, у ҳақда ва Лукерья тўғрисидаги ҳамма гапни айтдим. Йиғлаганимни айтдим... О, баъзан гапни чалғитдим, баъзи нарсаларни эслатмасликка ҳаракат қилдим, ҳатто у бир-икки жонланди, эсимда, аниқ эсимда! Нима учун қараб туриб ҳеч нимани кўрмагансан, деяпсиз? Агар бу содир бўлмаганда ҳаммаси қайта тириларди. Ахир учинчи куни суҳбатимиз чоғида, қиш бўйи ўқиган китоблари ҳақида гап кетганда Жиль-Блаз билан архиепископ Гренадский орасидаги можарони эслаб, кула-кула айтиб берган эди-ку! Кулгиси худди қаллиқлик давридагидек (о, у онлар!) нақадар мунис, мулойим эди, бунда менинг қувончим чекини чамалаб бўлмасди. Архиепископ можаросини эшитиб, ҳайратга тушдим: қаранг, ўша қишда ўтирган чоғида дурдона асардан лаззат олишга, кулишга руҳий хотиржамлик ва бахтли онлар топа билибди-да! Демак, у шу ҳолда ташлаб қўйишимга ишонч ҳосил қилиб, овуна бошлаган экан. «Мени шу ҳолда ташлаб қўясизми, деб ўйлабман» – ўша куни, сешанбада шундай деди! О, ахир бу ўн ёшли қизалоқларнинг ўйи-ку! Демак, у ҳамма нарса шу ҳолда қолишига ишонган, тўла ишонган: яъни у ўз столида, мен ўзим-

никида ўтираман, шу зайлда олтмиш ёшимизга қадар айримиз... Бирданига, ҳеч кутилмаганда мен тиз чўкаман, мен – эр – муҳаббатга муҳтожман! О, бу менинг хатоим, бу менинг ожизлигим эди!

Унга шавқ билан қарашим ҳам хато эди; ўзимни тутишим лозим эди, чунки шавқим уни қўрқувга соларди. Ахир мен ўзимни тутиб ҳам олдим, оёқларини бошқа ўпмадим. Ҳатто бирор марта бўлсин унга... эр эканлигимни шама қилмадим, бу ҳатто хаёлимга ҳам келмади. Мен фақат ибодат қилдим, ҳа, ибодатдан бошқасини ўйламасдим. Ахир бутунлай гапирмаслик, сукут сақлаш ҳам мумкин эмасди! Гапларидан лаззат олишимни, унинг ўзимга нисбатан чексиз, ҳа, чексиз билимдон ва етук эканини ҳам яширмадим. У қизариб кетди, ноқулай аҳволга тушиб, «ошириб юборяпсиз» деди. Ана шунда, мен аҳмоқ калла, ўзимни тутолмай, эшик ортида писиб унинг олишувини, бокиралик билан махлуқ орасидаги олишувни тинглаганимни, болаларча оққўнгил бўлган ҳолда ақли, зарофати шуъласи, менга беҳад лаззат бағишлаганини айтиб юбордим. У сесканиб, бутун вужуди титраб кетди, яна ошириб юборяпсиз демоқчи бўлди-ю, бирдан чехрасига қайғу югурди, юзини қўллари билан тўсиб хўнграб юборди... Мен яна ўзимни тутолмадим, яна йиқилиб оёқларини ўпа кетдим. Ўтган сешанбадаги каби тутқаноқ билан якунланган бу воқеа кеча кечқурун содир бўлди. Эрталаб эса...

Эрталаб?! Тентак, эрталаб бугун эди, бугун эрталаб эди, яқинда, яқинда эди...

Яхшилаб тинглаб, уқиб олинг: яқинда (кечаги жазавадан кейин) чойга ўтирганимизда у ўзининг хотиржамлиги билан мени лол қолдирди. Ҳа, шундай бўлди. Мен эсам туни бўйи кечаги воқеа туфайли қўрқувдан типирчилаб чиққан эдим. Бирдан у менга яқинлашди, тиз чўкди, қўлларини қовуштириб (яқинда, яқинда-я!) ўзининг жиноятчи эканини, буни яхши

билишини, жинояти қиш бўйи азоб берганини, азоб
исканжасидан ҳали ҳам қутулмаганини... олижаноб-
лигимни чексиз қадрлашини айтди: «вафодор хоти-
нингиз бўламан, сизни эъзозлайман...» Шунда мен
сапчиб туриб уни телбаларча қучоқлаб олдим! Уни
ўпа кетдим, юзларидан, лабларидан ўпдим, узоқ айри-
ликдан кейин қайтган эр мисол ўпдим. Шундан кейин
нимага кетдим-а, икки соатгагина... хорижий паспорт-
лар орқасидан... Э, худо, беш дақиқагина, беш дақиқа
олдин қайтсам бўлмасмиди? Дарвозамиз олдидаги
оломон, уларнинг нигоҳлари... Э, худо!

Лукерьянинг айтишича (о, мен энди Лукерьяни
сира қўйиб юбормайман. У ҳаммасини билади, бутун
қиш бўйи у билан бирга бўлган, энди менга ҳикоя
қилиб беради!), мен уйдан чиққач, қайтишимга бор-
йўғи йигирма дақиқа қолганда хонамизга кирган,
бойвуччадан ниманидир сўрамоқчи бўлган, нималиги
эсимда йўқ, кириб қарасаки, унинг иконаси (ҳов ўша,
гаровга келтирган, Биби Марям иконаси) нақшиндор
қопламадан чиқарилган, стол устида турибди, бой-
вучча худди ҳозиргина сажда қилгандай. – Сизга нима
бўлди, бойвучча? – «Ҳеч нима, Лукерья боравер... Тўх-
та Лукерья». Яқинлашиб ўпибди.

– Бахтлимисиз, бойвучча? – деб сўрабди. – «Ҳа, Лу-
керья». – Аллақачонлар сиздан узр сўрашлари керак
эди... Худога шукр, ярашиб олдинглар. – «Яхши, Лу-
керья, бор, боравер Лукерья» – шундай деб жилмай-
ибди, жуда ғалати жилмайибди. Шу даражада ғала-
ти жилмайибдики, Лукерья ўн дақиқадан сўнг хабар
олиш учун яна изига қайтибди. «У шундай дераза ол-
дида, тирсаги билан деворга суяниб, бошини қўлига
қўйиб, ўйланиб турибди. Жуда қаттиқ ўйга толгани-
дан қўшни хонага кирганимни, тикилиб қолганим-
ни сезмади. Қарасам, жилмаяётганга ўхшади, турган
қолича ўйлаб жилмайгандай бўлди. Унга қараб ту-

риб-туриб, орқамга ўгирилиб, секин чиқдим. Энди ўзимча ўйга толгандим, дераза очилгани эшитилди. «Бойвучча, ҳали ҳавонинг захри бор, шамоллаб қолманг» дегани кириб, қарасам – у деразада турибди. Очиқ деразада бутун бўйи-басти билан менга орқасини ўгириб турибди. Кўлида Биби Марям. Юрагим узилиб тушди. Жон ҳолатда «Бойвучча, бойвучча!» деб қичқирдим. У овозимни эшитди, ўгирилмоқчи эди, ўгиролмади, ташқарига қараб қадам қўйди, Биби Марямни кўкрагига босиб – ўзини деразадан ташлади».

Мен фақат бир нарсани яхши эслайман; дарвозадан ҳатлаб ўтганимда у ҳали совуб улгурмаган эди. Муҳими – ҳамманинг кўзи менда. Аввалига бақираётган эдилар, кейин бирдан жимиб қолдилар. Оломон икки томонга сурилиб йўл очилди ва... уни Биби Марямни кучоқлаган ҳолда кўрдим. Ғира-шира эслайман, унга жимгина яқинлашдим, узоқ тикилдим, чекинаётган оломон ичидан менга нималардир дейишди. Лукерья шу ерда экан. Мен билан гаплашганмиш. Фақат мешчан ёдимда, у нукул тошдаги қонни кўрсатиб: «оғзидан бир ҳовуч қон чиқди, бир ҳовуч! Бир ҳовуч!» деб бақирарди. Мен, афтидан, қонга бармоғимни теккиздим, қонга буланган бармоғимга қарадим (бу эсимда), мешчан эса нукул «бир ҳовуч, бир ҳовуч!» деб бақирди.

– Бир ҳовучинг нимаси! – деб қайнаб кетибман, бор кучим билан унга ташланибман.

О, ваҳшийлик, ваҳшийлик! Англашилмовчилик бу! Ножоизлик, ақлга тўғри келмайдиган ҳол бу!

4

АТИГИ БЕШ ДАҚИҚАГИНА КЕЧИҚДИМ

Нотўғрими? Ҳақиқатга тўғри келмайдими? Жоиз дейиш мумкин эмасми? Бу аёл нимани деб, нимага ўлди?

О, ишонинг, тушунаман; аммо унинг нима учун ўлгани муҳим муаммо. У менинг муҳаббатимдан кўрқди, қабул қилсамми, қилмасамми, деб ўзидан-ўзи жиддий сўради, охир саволига жавоб тополмай, ўлимни раво кўрди. Биламан, биламан бош қотиришнинг ҳожати йўқ: ваъдаларни керагидан ортиқча бериб юборди, ваъдага вафо қилолмаслигини билиб кўрқди – бу равшан нарса.

Бу ерда ниҳоятда мудҳиш бўлган бир неча вазият бор. Ҳар ҳолда у нима учун ўлди? деган саволга ўрин бор. Бу савол бетиним тикиллаяпти, айнан менинг миямда тикиллаяпти. Агар у шу ҳолда қолишни истаганда, мен уни шу ҳолда қолдирардим. У эса бунга ишонмади, мана гап қаерда! Йўқ, йўқ, мен алдаяпман, гап бу ерда эмас. Масала оддийроқ, мен билан ҳалол муносабатда бўлиши керак эди; севадиган бўлса бутун жону тани билан севиши лозим, баққолга инъом этиши мумкин бўлган севги менга мутлақо керак эмасди. У баққолга лозим бундай муҳаббатга кўнолмасди. Иффатли, бениҳоя покиза бўлгани учун ҳам мени алдаб юришни истамади. У севги ниқоби остида ярим севги ёки чорак севги билан мени лақиллатишни хоҳламасди. Ҳаддан ташқари бокира эди, мана гап қаерда! Қалб кенглигини жорий этмоқчи эди, эсингиздами? Ғалати фикр...

У мени ҳурмат қилармиди? Буни ўлардай билгим келяпти. Мендан нафратланармиди ёки йўқми? Ўйлашимча, нафратланмасди. Ғоят таажжубланарлиси шундаки, мендан нафратланармиди деган савол бутун қиш бўйи калламга келмабди. Мен унинг нафратидан ҳоли эканимга сўнгги дақиқагача, менга қатъий ажабланиш билан, айнан қатъий қарагунга қадар олий даражада ишонардим. Ана шунда мен унинг нафратланишини тушундим. Абадулабад, умрбод англадим! Оҳ, майли эди, бир умр нафратланса ҳам майли эди, мен учун тирик бўлса, тирик юрса бас эди! Яқиндагина юрувди, гапирятувди. Қандай қилиб деразадан ташлади, сира

ақлим бовар қилмаяпти. Ҳатто беш дақиқа олдин ҳам буни тасаввур эта олмасдим. Лукерьяни чақирдим. Энди уни сира кўйиб юбормайман, сира! О, биз ҳали тил топишишимиз мумкин эди. Биз фақат қиш бўйи даҳшатли равишда бегоналашиб қолдик, ахир яна яқинлашувимиз мумкин эди-ку! Яна меҳр нуқтасида учрашиб, янги ҳаёт бошлашимиз наҳот, наҳот мумкин эмасди? Мен олижанобман, у ҳам – учрашув нуқтамиз шундан иборат! Яна икки кунгина, кўп эмас, чидаса, яна бир неча сўз билан ҳаммасига тушуниб етарди.

Муҳими, бу ҳодиса – оддий, ёввойи, жоҳил ҳодиса – ана шуниси алам қилади. Шундан дилим оғрийди! Беш дақиқа, бор йўғи, бор йўғи, беш дақиқа кечикдим! Беш дақиқа олдин келганимда ҳаммаси булут каби сузиб ўтиб кетарди, бу иш кейин хаёлидан кўтариларди. Ҳаммаси унинг тушуниб етиши билан якунланарди. Энди эса яна бўш хоналар, яна ёлғизлигим... Ана соат капгирри тиқиллаяпти, унга нима, раҳм, шафқат деган нарсани билмайди. Энди ҳеч ким йўқ – ранжу аламим ҳам шу!

У хонадан бу хонага сарсари кезаман. Биламан, биламан, айтмай кўяқолинг, тасодифдан, беш дақиқа кечикканимдан зорланишим сизга кулгили туюляпти. Аммо аён ҳақиқатни тан олгингиз келмаяпти. Ўзингиз ўйлаб кўринг: у бошқалар каби ҳатто «ўлимимда ҳеч кимни айбламанг» деган икки энлик хатча ҳам қолдирмабди. «У билан сен ёлғиз қолган эдинг, деразадан итариб юборгансан» деб ҳатто Лукерьяни сарсон қилишларини наҳот ўйлаб кўрмаган бўлса! Агар ҳовлидаги тўрт киши унинг деразада Биби Марямни қучоқлаб турганини, сўнг ўзини ташлаганини кўришмаганда, айбсиз бўлишимизга қарамай тоза саргардон қилишарди. Ахир одамларнинг туриши, ҳодисага гувоҳ бўлгани ҳам тасодиф-ку! Йўқ, буларнинг барчаси – лаҳза, ғайришуурий лаҳза. Ногаҳонийлик ва бежиров хаёл! Хўш, икона қаршисида ибодат қилган бўлса

нима? Бу ўлим олдида тавба қилди, деган гап эмас-ку! Ҳаммаси бир лаҳзагина давом этган. Балки қандайдир ўн дақиқа ичида – деворга суяниб, бошини кўлига кўйганича жилмайган пайтида бир қарорга келгандир. Қалласига шу хаёл урилгану боши айланиб, бу қарор қаршисида ўзини тута олмаганми?

Хоҳ истанг, хоҳ истаманг, бу ерда қандайдир тушунмовчилик бор. Мен билан яшаши мумкин эди. Камқонлик бўлса нима қипти? Камқонликдан силласи қуриб ҳаётини қувватнинг тугаганидан дейсизми? Йўқ, у киши билан чарчади, мана гап қаерда...

Кечикдим!!!

Тобутда ётганда бунчалар хипча, бурни бунчалар сўллаиб қолмаса! Киприклари камон ўқлари каби ётибди. Йиқилиши ҳам беозоргина бўлган – ҳеч ери синмаган, ёрилмаган. Фақат шу «бир ҳовуч қон». Яъни бир қошиқ дегани. Ич-ичидан қалққан. Ажиб фикр: кўммаслик мумкин бўлганда эди? Уни олиб кетишгач, унда... о, йўқ, олиб кетиш мумкин эмас! О, ахир мен олиб кетишлари лозимлигини биламан, мен телба эмасман, алаҳсираётганим ҳам йўқ, аксинча, ақлим ҳеч маҳал ҳозиргидай ойдинлашмаган. Мен бир нарсани ҳазм қила олмаяпман: яна уйда ҳеч ким қолмайдими, яна ҳайҳотдай бу хоналарда гаровга кўйилган буюмлар билан ёлғиз яшайманми? Алаҳсираш, алаҳсираш, мана алаҳсираш қаерда! Мен унинг силласини қуритдим, мана гап қаерда!

Энди қонунларингизни бошимга ураманми? Энди одатларингиз, таомиларингиз, ҳаётингиз, давлатингиз, динингизни сариқ чақага олмайман. Майли, мени сизнинг ҳакамингиз сўроқ қилсин, майли, мени ўша судга, очик судингизга бошлаб боринг, ҳеч нимани тан олмаслигимни ўша ерда ҳам айтаман. Ҳакамингиз «Жим бўлинг, офицер!» деб қичқиради. Мен эсам унга: «мени қулоқ осиганга мажбур этувчи қудратинг қани?»

Нима учун бу зим-зиё жаҳолат мен учун ҳамма нарсадан қадрли бўлган нарсани мажақлади? Қонунларингиз менга нимага керак? Менга энди бегона булар!» деб бақираман. О, энди менга бари бир!

Ожиз, ожиз! Жонсиз у, эшитмайди! Сенга қандай жаннат яратиб берардим, билмайсан. Жаннат қалбимда эди, чор атрофимни жаннат билан ўрардим. Сен мени бари бир севмас эдинг, хўш, нима қипти? Ҳаммаси ўша ҳолда бўларди, ўша ҳолда қоларди. Дўстга гапириб бергандай гапирардинг менга – бир-биримизнинг кўзимизга тикилиб қувонардик, кулардик. Шундай яшардик. Бошқани севиб қолсангми? – Майли, рози эдим! Сен у билан юриб кулардинг, мен бўлсам кўчанинг бу бетида туриб кузатардим... О, фақат бир мартагина кўзини очса, ҳаммасига рози эдим! Бир лаҳза, фақат бир лаҳза (!) менга қараса эди, худди яқингинада олдимга келиб вафодор хотин ўламан деб қасам ичаётгандай бир қараса эди! О, бир қарашдаёқ ҳаммасини англади эди!

Жаҳолат! О, табиат! Ер юзидаги одамлар ёлғизлар – алам қиладигани шу! «Майдонда тирик жон борми?» деб қичқиради рус паҳлавони. Паҳлавон бўлмасам-да, мен ҳам қичқираман – ҳеч ким жавоб бермайди. Қуёш оламга жон беради, дейдилар. Қуёш чиққанда унга бир қаранглар – ахир у ўлик эмасми? Ҳамма нарса ўлик, ҳамма ерда жонсиз мурдалар. Фақат одамлар, атрофларини сукут ўраб олган – Ер шундан иборат. «Одамлар, бир-бирингизни севинг!» Буни ким айтган! Кимнинг ўгити! Соат капгири унсиз, нафратни кўзғатадиган даражада тикиллайди. Тун оғди – соат икки. Ботинкачалари каравоти олдида турибди, гўё бекасини кутяпти. Йўқ, жиддий айтяпман, эртага уни олиб кетишгач, мен нима қиламан?

1876 йил

Рус тилидан Тоҳир Малик таржимаси

СТЕФАН ЦВЕЙГ

Австрия

(1881 - 1942 й.й.)



НОМАЪЛУМ АЁЛ МАКТУБИ

Тоғ бағрида уч кун дам олиб қайтган машхур ёзувчи Р. саҳар пайтида Вена вокзалига етиб келди. Газета сотиб олиб, унинг санасига кўзи тушди-ю, бугун туғилган куни эканлигини эслади. Қирқ бирга кирибман-а, деган фикр хаёлидан ўтди, бунга суюнмади, хафа бўлмади ҳам. Газетанинг шалдироқ саҳифаларини варақлаб чиқди-да, кейин такси ёллаб уйига жўнади. Хизматкори, шу кунларда уни икки киши йўқлаб келганини, сўнгра бир неча бор телефон қилишганини айтди ва йиғилиб қолган хатларни патнисда олиб келди. Ёзувчи мактубларни эринчоқлик билан кўздан кечираркан, баъзи бирларининг номларига қизиқиб, очиб ҳам кўрди, эътиборини тортган, нотаниш киши томонидан ёзилган салмоқли бир мактубни ажратиб четга суриб қўйди. Шу орада хизматкори чой ҳозирлади. Ёзувчи креслога ўрнашиб олиб, газетага яна бир бор кўз югуртирди-да, келган каталогларни синчиклаб қараб чиқди, сўнгра сигара тутатиб ҳалиги мактубни қўлига олди.

Мактуб ўттиз бетча бўлиб, номаълум аёл томонидан шошиб ёзилган бўлса керак, қинғир-қийшиқ, шу сабабли мактубдан кўра кўпроқ кўлёзмага ўхшаб кетарди. Ёзувчи Р. бошқа бирор хат-пати йўқмикин, деган хаёл билан беихтиёр конвертни яна бир бор ушлаб кўрди. Бироқ конверт ичи бўш, устига бирон кимсанинг номи ҳам, манзили ҳам ёзилмаган эди. Қизиқ, деб хаёлидан ўтказди-да, мактубни яна қўлига олди. Мактуб «Мени асло билмаган», деган сўзлар билан бошланганди, бу нима, мурожаатми ёки сарлавҳами-

кин, деб ҳайрон қолди ёзувчи... Кимга аталиб ёзилган? Менгами ёки хаёлий қаҳрамонгами? Ёзувчи мактубга жуда қизиқсиниб ўқишга тутинди...

Болагинам кеча жон берди – жажожигина, ожиз жигаргўшамни деб уч кечаю кундуз жонимни жабборга бердим; шўрлик қирқ соат олов бўлиб ёниб, ажал билан олишди. Қирқ соат мижжа қоқмай тепасида ўтириб чиқдим. Лов-лов ёнган пешанасига муз кўйдим, титраб-қақшаган жажожи кўллари кечасию кундузи кўлимдан чиқарганим йўқ. Учинчи кун деганда, кечга бориб ҳолдан тойган бўлсам керак, кўзларим беихтиёр юмилиб кетибди. Стулда ўтирганимча уч соатми, тўрт соат ухлаб қолибман, шу орада шўрлик болагинам оламдан ўтибди. Уйқудан кўз очганимда оппоғим қандай ётган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай узун каравотида чўзилиб ётибди. Зийрак қора кўзлари юмуқ, оқ кўйлакчаси устида кўллари қовушган. Каравотчасининг тўрт бурчагида тўрт дона шам шуълаланиб турибди. У томонга қарашдан ҳам, қимирлаб ўрнимдан туришдан ҳам кўрқаман, чунки шам шуъласи лопиллаб яна болагинамнинг юз-кўзларига, юмуқ лабларига соя тушса, унга яна жон кириб, кўнғирокдай жаранглаган овозлари билан эркаланиб гаплашадигандай. Унинг дунёдан ўтганини биламану, лекин умид шарбатига ва ноумидлик заҳарига тоқатим қолмаганидан унга қарашга юрагим йўқ. Биламан, болам кеча жон берган, энди ёруғ дунёда мен учун фақат сен қолдинг. Ҳа, ҳаётни ўйинчоқ қилиб олган сен беғамдан бошқа ҳеч кимим йўқ, сен бўлсанг дунёда мендек ғариб-нотавон борлигини билмайсан ҳам. Мени ҳеч хаёлингга келтирмаган бўлсанг ҳам меҳру муҳаббатим ҳамиша сенда бўлди.

Бешинчи шамни ёқиб, сенга хат ёзяман. Мен энди болагинамнинг ёнида ёлғиз қолишдан кўрқаман, бошимга тушган мусибатларни айтиб уввос солиб

йиғлашга эса мадорим йўқ, бас, шу мудҳиш дақиқаларда ўз дардимни сенга айтмасам, кимга айтай, ахир, сени ҳозир ҳам жонимдан азиз деб биламан. Эҳтимол, юрак дардимни сенга тузукроқ баён қилолмасман, балки бунга сен тушуна олмассан – фикрим чувалашиб кетган, чакка томирларим лўқиллаб турибди, аъзойи баданим қақшаб кетяпти. Иссиғим баланд бўлса керак, менга ҳам грипп касали юққан бўлса ажаб эмас, нега деганда, ҳозир бу фалокат касал уйма-уй изғиб юрибди-да. Майли, кошкийди юққан бўлса, болагинам билан қўш мозор бўлардим, ўзим ҳам бу дунё азобидан қутулиб қўя қолардим. Гоҳо кўзларим тиниб кетади, бу мактубни ёзиб тамомлашим ҳам даргумонга ўхшайди, майли, нима бўлса бўлар, бор кучимни йиғиб, бир марта, ақалли бир мартагина сен билан, бир умр мендан беҳабар юрган севгилим билан суҳбатлашмоқчиман.

Ёлғиз сен билан суҳбатлашишга муштоқман, умримда биринчи марта юракдаги дардимни изҳор қилиш орзусидаман: бутун ҳаётимни ёлғиз сенга бағишлагандим, сен бўлсанг бундан мутлақо беҳабар эдинг, энди ҳаммасини шу мактубимдан билиб оласан. Лекин билиб қўй, мени ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлаб турган иситма чиндан ҳам ажалимнинг боши бўлса, мен бу дунёдан ўтсам, шундагина сиримдан воқиф бўласан – тағин менга хат ёзаман деб овора бўлиб юрмагин, дейман-да. Ажалим етмай, тирик қолсам, мактубни йиртиб ташлайман, шу кунгача дамимни чиқармай келгандим, нима қилибди, бундан кейин ҳам миқ этмай юравераман. Мактуб қўлингга бориб тегса, билгинки, марҳума ўз умр саргузаштини, дастлабки онгли дақиқаларидан то сўнгги дақиқаларигача сенга бағишлаган умр саргузаштини ҳикоя қиляпти. Бу сўзларимдан ташвишланмасанг ҳам бўлади. Ўликнинг нима ҳам даъвоси бўларди, у на муҳаббат, на раҳм-шафқат ва на тасалли талаб бўлади. Сендан битта тилагим бор, у ҳам бўлса, илҳақ бўлиб сенга

талпиниб турган юрагим дард-алами, фарёдига ишонсанг бўлгани. Ҳамма гапларимга ишон, илтимосим шу, холос. Биттаю битта фарзандининг ўлиги устида қон йиғловчи ғариб онанинг тили ёлғон калимага борармикин?

Қулоқ сол, севгилим, бутун умр саргузаштимни сенга ҳикоя қилмоқчиман. Ҳаётим саҳифаси чиндан ҳам сени билган кунимдан очилган эди. Бунгача ўтган кунларим эсимда ғира-шира қолган, ўй-хаёлларим у кунларга ортиқ ҳеч қайрилиб боқмай кўйганди, кунларим қандайдир узун-узун ўргимчак ини босган ертўлада ўтарди. Бу ертўлада истиқомат қилиб турган одамларни аллақачонлар дилимдан суғуриб ташлагандим. Сени учратганимда ўн уч яшар қиз бола эдим. Ҳаётимнинг сўнгги нафаси бўлмиш ушбу мактубни кўлингда ушлаб турган шу ҳовлида истиқомат қилардим, биз турган квартира эшиклари сенинг квартирангга рўпара-рўпара эди, бизлар бир зинадан чиқиладиган уйда турардик. Эсингда қолганмикин, чиновникдан тул қолган муштипар онам билан (онам ҳаммиша аза тутиб қора кийиниб юрарди) озғин бир қизча, балки қачонлардир хотирангдан кўтарилиб кетган бўлса керак – ахир биз ўзимизни панага олиб бечораҳол мешчанлар сингари, бир амаллаб тирикчилигимизни ўтказиб юрардик. Номимизни ҳам ҳеч эшитмаган бўлсанг керак, чунки эшигимизга номимиз ёзилган тахтача ҳам қоқилмаганди, ҳеч ким бизни йўқлаб келмасди ҳам. Э-ҳа, бунга озмунча бўлди дейсанми, ўн беш-ўн олти йил илгариги гапларни айтяпман, азизим, албатта булар хотирангдан кўтарилиб кетгандир. Мен эса, икир-чикирларигача ҳаммасини ташналик билан эслайман. Сени дастлаб кўрган, сен тўғрингда дастлаб эшитганларим худди бугунгидай эсимда қолган. Кўзим очилиб дунёни таниган ўшал кунни эсда сақламай бўларканми! Севгилим, қулоқ сол, ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қилай, илтижо қиламан, чорак соат вақтингни менга тухфа қил, сен-

дан ўзгани демай, сабри қаноат билан бутун умрини оёғинг остига ташлаган бир нотавон дардини сен ҳам сабр билан тингла.

Биз турган ҳовлига кўчиб келмасингдан олдин, ҳозир сен яшаган уйда чакаги тинмайдиган баджаҳл, ифлос одамлар туришарди. Ўзлари камбағал бўла туриб, кўни-кўшнилариинг қашшоқлигидан кулиб юришарди, бизларни бўлса кўргани кўзлари йўқ эди, чунки биз улар билан борди-келди қилмасдик-да. Оила бошлиғи пияниста эди, уззукун хотинини тутиб урарди, стол, идиш-товоқларнинг тарақа-туруғидан ярим кечаларда уйғониб кетардик, бир кун сочлари тўзиган хотини қора қонига бўялиб зинапояга отилиб чиқди, орқасидан итдай маст эри ҳайқириб қувибди, кўни-кўшнилари полицияга хабар қиламиз, деб қўрқитиб зўрға босиб қўйишди. Онам бошдаёқ бу эр-хотин билан ҳеч қанақа борди-келди қилмасликка аҳд қилиб, болалари билан гаплашма, деб менинг ҳам қулоғимни бураб қўйганди. Аламига болалари ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб мендан ўч олиш пайида бўлишарди. Кўча-кўйда орқамдан бўлмағур гапларни айтишарди; бир кун қорбўрон қилиб юз-кўзимни моматалоқ қилишди. Каттакон ҳовлида турувчиларнинг бари уларни ёмон кўриб қолишганди. Бир куни нимадир бўлди-ю, ўша пияниста ўғрилиқ устида қўлга тушиб, оиласидагилар кўчиб кетадиган бўлиб қолишди, бу хабардан ҳаммамиз енгил тортдик. Бўшаб қолган уйни ижарага қўйиш ҳақидаги эълон икки-уч кун дарвозада осифлиқ тургач, олиб қўйишди, уй мутасаддиси, қандайдир сўққабош мўътабар бир ёзувчи ижарага олди, деган хабар тарқатди. Дастлаб номингни ўшанда эшитгандим.

Орадан икки-уч кун ўтгандан кейин бўёқчию сувоқчи; дурадгорлар келиб ишга тушиб кетди, яна аллакимлар келишиб ахлатларини тозалашди. Онам бўлса, ҳа, кўшнилариимизнинг жанжал-тўполонларидан қутула-

диган кунимиз ҳам бор экан-а, деб суюнди. Кўчингни келтиришди-ю, ўзинг кўринмадинг, ҳамма ишларингга сочига оқ оралаган, паст бўйли, вазмин маҳраминг қараб турарди, у ҳам унча-мунчага эътибор қилмасдан, шовқин қилмай, салобат билан ишини битирарди. Бизга у ёқиб қолди, нега деганингда, авваламбор, биз томонларда маҳрам сақлаш қаёқда дейсан, яна сабаби шуки, у ҳамма билан бирдай хушмуомалада бўлар, шу билан бирга, ўзини оддий хизматкорларга тенг тутмас, улар билан апоқ-чапоқ бўлмасди. Дастлабки кунлардан бошлаб онамнинг ҳурматини жойига қўяр, ҳатто мен гўдак қиз болани кўрганида ҳам салом бериб, иззатимни бажо келтирарди. Сенинг номингни ҳаммиша қандайдир иззат-икром билан, ҳатто ихлос билан тилга оларди, бу – хизматкорнинг хўжасига шунчаки садоқатидан ҳам юқори нарса эканлиги кўзга ташланиб турарди. Одамохун кекса Иоганн ҳаммиша сенинг ёнингда, хизматингда юришига ғайирлигим келса ҳам, кейинчалик уни жуда яхши кўриб қолганимни билсанг эди!

Азизим, буларни майда-чуйдаларигача ҳикоя қилишдан мақсадим шуки, юрагини олдириб қўйган, кўрқоқ гўдак қиз боланинг кўнглини илк марта ўзингга қандай ром қилганингни билиб қўй, демоқчиман. Ҳаётимга кириб келмасингдан анча бурун, назаримда сени қандайдир бир нур чулғаб олгану, бошингда аллақандай сирли шуҳрат тожи намоён бўлганди; узоқ шаҳарчанинг чеккасидаги тор бир кулбада истиқомат қилиб турувчи биз нотавон махлуқлар йўлингга интизор бўлиб кутиб юрардик. Тор бир муҳитда яшовчи жамоа аҳлидан ҳеч бир воқеа қочиб қутулмаслигини, улар ҳар бир воқеадан хабардор бўлиб туришларини ўзинг ҳам биласан-ку, азизим. Бир куни мактабдан қайтиб келсам, уйимизнинг олдида уй анжомлари ортилган арава турибди, ана ўшанда сени кўрарга қанчалик муштоқ бўлганимни билсанг эди! Оғир буюмла-

рингнинг кўпини ҳаммоллар юқорига чиқариб, майда-чуйдаларни ташиб туришган экан; буюмларингни кўриб оғзим очилиб, эшик олдида томоша қилиб туриб қолибман, нимага десанг, умримда бунақанги нарсаларни кўрмагандим-да: ҳинди маъбудалари-ю, италян ҳайкаллари, катта-катта ажойиб суратлар, беҳисоб чиройли китоблар... ўнгимми, тушимми, деб кўзларимга ишонмасдим. Китобларни тахлаб, эшик олдига обориб хизматкорингнинг кўлига бериб туришибди, у бўлса ҳар биттасини авайлаб кичкина супурги билан чангини қоқиб тозалаяпти. Азбаройи ҳайратда қолганимдан кўзларим косасидан чиқаёзиб, уюлиб ётган китоблар атрофида парвона бўлиб юраверибман; хизматкоринг мени ҳайдамади-ю, лекин рўйхуш ҳам бермади, шу сабабдан, китобларнинг майин чарм муқоваларига кўл тегизиб кўргим келса ҳам юрагим дов бермади. Кўрқа-писа уларнинг номига кўз қиримни ташладим: билсам, французча, инглизча китоблар экан, баъзи бирларининг номи аллақандай мен билмайдиган тилда ёзилган: китобларни томоша қилишдан зерикмасдиму, ойим уйдан чақириб қолди.

Кўрдингми, ўзингни кўрмасам, билмасам ҳам шу кеча хаёлим сенда эди. Ўзимнинг ҳам қоғоз муқовалари йиртилиб-титилиб кетган ўнтача арзонбаҳо китобим бор эди, шуларни ихлос билан қайта-қайта ўқиб юрардим. Шунча кўп ажойиб китобни ўқиб туширган, анча тилни биладиган, бадавлат, бунинг устига яна ўқимишли киши қандай бўларкин, деган фикр миямга жо бўлиб, тинчимни бузиб қўйди. Назаримда, у ғайритабий бир зот эди. Хаёлимда суратингни чизишга ҳаракат қилиб кўрдим; жуғрофия муаллимимизга ўхшаган узун оқ соқолли, кўзойнак таққан чол сиймосини кўз олдимга келтирдим, лекин бу дилкашроқ, чиройлироқ, меҳрибонроқ бўлса керак, деб ўйладим. Нимагадир, сабабини билмайман, сени кекса деб тасаввур қилганимда ҳам,

чиройли бўлса керак, деб ишонардим. Ўшанда кўрмаган, билмаган бўлсам ҳам сени тушимда кўриб чиққандим.

Эртасига ўзинг ҳам етиб келдинг, бир кўрай деб ҳар қанча уринсам ҳам, ҳаракатларим зое кетди, шундан кейин яна ҳам иштиёқим ошди. Ниҳоят, учинчи кун деганда сени кўрдиму, гўдаклик тасаввуримдаги «маъбуд»га асло ўхшамаслигини кўриб ҳайратда қолдим. Сенга қиёс қилган ўшал кўзойнак таққан хушфеъл кекса чол ҳақидаги тасаввуримни парчалаб, рўпарамдан истараси иссиқ, келишган бир йигит чиқиб қолди. Бу сен эдинг!.. Ўшанда тўқ малла, хушбичим спорт костюмида ёш йигитчалардек шўх-шўх қадам ташлаб келдинг, икки-икки поғона ҳатлаб юқорига чиқиб кетдинг. Кўлингдаги шляпангу завқ тўла юзингни, нов-вот ранг сочларингни кўриб ҳайратдан ўзимни йўқотиб кўяёздим. Рост айтаман, кўрқиб қутим учиб кетди. Ёшлигинг, чиройинг, қадди-қоматингни кўриб, хушим бошимдан учди. Қизик, шу биринчи кўришдаёқ икки ёқламалигингни дарҳол пайқаб олдим, фақат менми десам, бошқаларни ҳам мудом ҳайратда қолдирган шу хислатингнинг бири: серзавқлигинг, енгилтаклигинг, ўйинқароқлигинг, саргузаштга ўчлигинг бўлса, шу билан бирга, ижодий ишингда бениҳоя жиддийлигинг, жуда ҳам доно, бурчингга содиқ, ўқимишли бўлганинг эди; икки ёқлама ҳаёт кечириб юрганингга бошқалар сингари менинг ҳам кўзим етди: ялтироқ, ранг-баранг томонинг ташқи дунёга қаратилган бўлса, нариги, қоронғи томони эса ёлғиз ўзингга аён; ишқингда ўртаниб юрган мен ўн уч яшар қиз бола сенда чуқур илдиз олган бу икки ёқламаликни, ҳаётинг сирини бир қарашдаёқ фаҳмлаб олгандим.

Мендек норасида назарида сен бориб турган сеҳр-гар, ажойиб жумбоқ бўлиб қолганингни энди тушунгандирсан, азизим. Адиблиги билан, менга ёт бошқа бир дунёдаги шуҳрати билан кишиларни ўзига ром

қилган у кимса – йигирма беш яшар олифта, хушчақ-чақ, навқирон йигит экан! Шу кундан бошлаб яшаб турган жойимизда, бутун гўдаклик ҳаётимда сендан бўлак ҳеч кимса мени қизиқтирмаганини ўн уч яшар болага хос ўжарлик, қайсарлик билан фикри зикримни ёлғиз сенга бағишлаганимни, фақат сенинг турмушингга маҳлиё бўлиб қолганимни гапиришнинг ҳожати бормикин? Ўзингга, юриш-туришингга, келиб-кетиб юрган ёру дўстларингга ҳамиша разм солиб юришни одат қилдим, иштиёқмандлигимни қондириш у ёқда турсин, фикри ёдимни баттар ўзингга банд қилдинг, нимага деганда, сеникига келувчи хилма-хил одамларни кўрганимда икки ёқламалигинг яна ҳам равшанлашди. Уйингга ёш-ёш йигитлар, ошна-оғайниларинг келишарди, чақчақлашиб вақтихушлик қилардинглар; усти боши юпун студентлар ҳам келиб туришарди; баъзида автомобилларда хонимлар келишарди, бир куни сеникига опера театрининг директори, машҳур дирижёр келди, уни мен кўлида дирижёрлик хивичини ушлаб турганида узоқдан кўргандим; тижорат мактабида ўқиётган ёш-ёш қизларнинг келганини ҳам кўрганман, улар уялганларидан тезроқ ўзларини эшикдан ичкарига олиш пайдан бўлишарди – нимасини айтасан, хотинлар жуда кўп келишарди. Бу томонини унчалик ўйламасдим, бир куни эрталаб мактабга кетаётганимда юзига қалин тўр тутиб сеникидан чиқиб кетаётган бир хонимни кўрганимда ҳам унчалик ғайирлигим келгани йўқ. Ахир энди ўн уч ёшга кирган қиз бола эдим, кўз-қулоқ бўлиб, ҳар бир қадамингни пойлаб юришларим муҳаббат аломати эканини ўшанда қаердан ҳам билардим.

Лекин, азизгинам, бутун қалбим билан сени бир умр севиб қолган кун ва соатимни жуда аниқ биладиман. Бир куни дугонам билан мактабдан келиб, дарвоза оғзида гаплашиб тургандик, шу пайт бир автомобиль

келиб тўхтади-да, мени ром қилган, ўзингга ярашган олифталигинг билан сакраб ерга тушдинг. Югуриб бориб сенга эшик очганимни ўзим ҳам сезмай қолибман, бир-биримиз билан уришиб кетишимизга сал қолди. Ўшанда мени мафтун этувчи илиқ, мулойим қараш қилиб, ширин табассум ҳадя қилгансан, ҳа, ширин табассум ҳадя қилгансан-да, эшитилар-эшитилмас: «Катта-кон раҳмат, фройлейн», дегансан.

Бўлгани шу, азизим, лекин шу дамдан бошлаб мулойим, ширин табассумингни ҳис қилганимдан буён сенга шайдо бўлганман. Кейинчалик, орадан оз фурсат ўтгач, билсам, ёнингдан ўтган ҳар бир аёлга, ҳар бир дўкондор қизга, сенга эшик очиб турган ҳар бир хизматчи аёлга қучоқ очиб ўз бағрига чорловчи, фусункор, шу билан бирга, таслим қилувчи табассумни ҳадя қилиш одатинг бор экан, билсам, бу нигоҳнинг ихтиёри сенда эмас экан, бирон ҳис-туйғу ифодаси ҳам эмас экан, шунчаки аёлларга кўзинг тушган кезларда қарашинг ўзидан-ўзи илиқ ва мулойим ифода касб этаркан. Мен ўн уч яшар норасиданинг бундан хабарим йўқ эди. Бу навозишу табассумингдан ўтда ёниб бутун борлиғимни сенга қурбон қилибман.

– Ким бу? – деб сўради дугонам. Унга бирданига жавоб беролмадим. Шунча қилсам ҳам номингни тилга олишга ўзимни ожиз сездим, номинг шу лаҳзада сир тутишим лозим бўлган муқаддас ном бўлиб қолди.

– Ким бўларди, қўшнимиз-да, – деб тутилиб, бир амаллаб жавоб бердим.

– Ҳо, нега мунча қизармасанг? – дея болаларга хос бағритошлик билан заҳарханда қилди дугонам. Сиримни очиб масхара қилганидан юз-кўзларимга қон қуйилиб, чаккаларим ловиллаб кетди. Хижолат бўлганимдан дағаллик билан:

– Ўлгудай аҳмоқсан-да! – деб бақриб юборибман. Менга қолса, бўғиб ташлагим келди-ю, аммо у баттар

мазах қила бошлагач, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ундан юзимни ўгирдим-да, чопганимча тепага чиқиб кетдим.

Шу пайдан бошлаб сенга меҳр кўйдим. Биламан, хотинларнинг эркатойисан, бунақа гапларни улардан кўп эшитгансан, лекин сўзимга ишон, сени ҳеч ким менчалик садоқат билан, вафодорлик билан севган эмас, мен бир умр шайдойинг бўлиб қолдим, чунки норасида қизнинг ўғринча муҳаббатига дунёда ҳеч нарса тенг бўлолмайди, унинг муҳаббати қаноатли, вафодор, маъсума, сезгир ва шавқ-завқли бўлади, ёши бир жойга бориб қолган сурбет, ёпишқоқ, беихтиёр бўлса ҳам шилқимлик қилувчи хотинларнинг муҳаббати қаёқда-ю, гўдакнинг муҳаббати қаёқда. Норасида ўз муҳаббатини пинҳон сақлаб юради, бошқалар ҳис-туйғуларини дугоналарига айта берадилар. Кўринганга сирларини очиб, ҳис-туйғуларини сийқалаштириб кўядилар, улар муҳаббат тўғрисида кўп эшитиб, кўп ўқиганлар, бу ҳар бир тирик жоннинг бошига тушадиган савдолигини биладилар. Бундайлар назарида муҳаббат бамисоли бир ўйин, дастлаб оғзига папирос олганда мағрур бўлган тирмизак бола сингари, муҳаббатларини кўз-кўз қилиб юрадилар. Менинг эса дилимни очиб гаплашадиган, ўгит-насихат қиладиган, ёмон йўлдан қайтарадиган ҳеч кимим йўқ эди, ҳеч нимани кўрмаган содда қиз эдим, тақдирим шу экан, деб ўзимни жаҳаннам қаърига отибман. Дилимда қайнаб-тошган ҳис-туйғуларимни, розимни фақат сенга ишониб айтяпман, негаким, ширин хаёлларим рамзи сен эдинг; отам аллақачонлар вафот этган, боши ташвишдан чиқмай, пенсия билан бир кунини ўтказиб юрган шўрлик онам билан сирдош эмасдим, енгилтак мактабдошларимни жиним ёқтирмасди, нега деганда, мен учун энг муқаддас бўлган эҳтиросни улар бамисоли бир ўйинчоқ деб билишарди, шундай бўлса-да,

қалбимда майда-чуйда зарралардай сочилиб турган, даф қилинса ҳамки, бетоқат бўлиб яна отилиб турган бутун ҳис-туйғуларим сенга қараб талпинарди. Сен мен учун, – нима деб тушунтирсам бўларкин сенга буни? Ҳар қанақа муқояса ҳам, ёнига бир нима қўшиб айтмасанг, жуда ожизлик қилади, – борлиғим, бутун жон-танзим сен эдинг. Мавжудот сенга алоқадор бўлгани учунгина қийматга эга эди, ҳаётимдаги муҳим воқеалар сен билан боғланган бўлса, шу тақдирдагина бир маъно касб этарди. Бутун ҳаётим бошқа изга тушиб кетди сени деб. Шу дамгача бепарво, ўртамиёна шогирд эдим, тўсатдан синфда биринчи талаба бўлиб қолдим, юзлаб китобларни ўқиб ташладим, ярим кечагача бошимни кўтармасдан китоб ўқирдим, чунки сен китобни яхши кўришингни билардим; бир вақт қарасам, зўр бериб рояль чалишни машқ қила бошлабман, чунки сени мусиқани яхши кўради, деб гумон қилгандим, буни кўриб онам ҳам ҳайрон. Пала-партиш кийинаркан, дея кўнглингга келтирмаслик учун уст-бошларимни тозалаб, ямаб оладиган бўлдим, онаминг эски кўйлагидан бичиб тикиб олган тўртбурчак ямоғи бор мактаб фартугимни ҳар кийганимда уялганимдан ерга кириб кетгандай сезардим ўзимни. Ямоқни кўриб қолиб, мендан ҳазар қилишингдан кўрқардим, шу важдан ҳар гал зинапоядан юқорига югургилаб чиқиб кетаётганимда китоб солинган жилдимни чап ёнимга қисиб олардим, шунда ҳам яна кўзи тушиб қолмасайди, деб титраб-қалтирардим. Аслида буларнинг ҳаммаси кулгили эдику-я, нега десанг, ахир сен менга бирор марта ҳам қиё боқмасдинг-да!

Шунда ҳам кун бўйи қиладиган ишим, кўзим тўрт бўлиб сени кутиш, йўлингни пойлаш эди. Эшигимизнинг мис гардишли кичкина туйнукчасидан эшигинг кўриниб турарди. Бу туйнукча, – йўқ, азизим, мендан кулма, шу туйнукча олдида ўтказган соатларимдан

ҳозир ҳам уялмайман! – шу туйнукча менинг ойнаи жаҳоним эди; онам сиримдан воқиф бўлиб қолмасайди, дея китобимни қўлтиқлаб, юрак ҳовучлаб, оқшомларни шу совуқ йўлакчада пойлоқчилик қилиб ўтказардим. Сен яқинлашган сари титраб, ихтиёрим ўзимдан кетарди. Шунда ҳам сендан кўзимни узмай қадам-бақадам орқангдан пойлаб юрардим. Лекин бу пойлоқчиликларим зим-зиё кечаларда сабру тоқат билан кунларингни санаб, йўлларингда юрак уришидай сенга ҳамроҳлик қилувчи чўнтак соатинг пружинасининг чирпиниши сингари арзимас нарса эди, сен бўлсанг соатинг миллион-миллион марта тик-тик урганда бир мартагина кўз қирингни ташлаб кўясан, холос. Ҳамма қилиқларингни, тақиб юрган ҳамма галстукларингни, ҳамма костюмларингни ипидан игна-на-сигача билардим, ёру дўстларингни ҳам билардим, бир оз фурсат ўтгач, уларни бир-бирларидан ажратадиган бўлиб қолдим, улар орасида менга маъқуллари ҳам бор эди, жиним ёқтирмайдиганлари ҳам; ўн уч ёшимдан ўн олти ёшимгача жони таним сен бўлдинг. Э-ҳа, озмунча тентаклик қилдимми? Қўлинг теккан эшик дасталарини ўпардим, уйингга кираверишда ташлаб кетган сигара қолдиқларини муборак нарсадек ердан кўтариб олардим, ахир, унга лабларинг теккан эмасми? Қечқурунлари қайси ойнанда чироқ ёқиғлик эканини билиш ва кўзим кўрмаган суратингни яқинроқ ҳис қилиш учун бирон баҳона билан кўчага югуриб чиқишларимнинг эса сон-саногини ҳам йўқотдим. Узоқ сафарга кетган чоғларингда – Иоганн сариқ жомадонингни кўтариб тушиб келаётганини кўрганимда ҳар гал юрагим орқамга тортиб кетарди, бир неча ҳафта ҳаётим сўнгандай бўларди. Қовоқ-тумшуғим осилиб, зардам қайнаб, ўзимни кўярга жой тополмас, онам маъюслигимни, йиғлаган кўзларимни кўриб қолмасайди, деб жон ҳовучлаб юрардим.

Биламан, бу ҳикояларим ҳаммаси сен учун норасида боланинг кулгили қилиғидай гап. Булардан мен уялиб хижолат тортсам бўларди, лекин мен уялмайман, чунки сенга бўлган муҳаббатим ҳеч қачон ўша норасидалик шавқ-завқларим сингари жўшқин ва мусаффо бўлган эмас. Ҳатто афти ангоримни аниқ кўрмаган бўлсанг ҳам ўша кезларда бутун ҳаётимни сенга бағишлаганимни соатлаб, кунлаб ҳикоя қилишдан ҳам қайтмасдим, афти ангоримни аниқ кўрмаган бўлсанг ҳам, дейишимнинг боиси шуки, зинапояда тўқнаш келиб қолган чоғларимизда, оловдай ёндирувчи кўз қарашларингдан кўрқиб, бошимни қуйи солиб, худди ўзини ўтдан сақлаб, сувга ташлаган одамдай ёнингдан лип этиб ўтиб кетардим. Аллақачонлар унутиб юборган ана ўша йилларингки сенга соатлаб, ҳатто ойлаб жон деб ҳикоя қилиш, ҳаётинг саҳифаларини кўз олдингда бирма-бир варақлаб кўрсатиш қўлимдан келади, лекин меъдангга тегиб, сенга азоб беришдан кўрқаман, азизим. Болалик чоғимдаги энг қувончли яна бир воқеани сенга ҳикоя қилмоқчиман, лекин ўтинаман, зинҳор мендан кулма, нега деганда, ҳар қанча арзимаган воқеа бўлганда ҳам мендек норасида учун бу улуғ бахт эди. Якшанба кунларидан бири бўлса керак, қаергадир кетган эдинг, хизматкоринг катта бир гиламни ҳовлида қоқиб тозалаб, очиқ эшигингдан квартирангга олиб кирмоқчи бўлиб турган экан. Қарасам, кекса хизматкоринг жуда қийналиб кетди, шунда юрак ютиб тўппа-тўғри ёнига бориб: «Қарашиб юборайми?» – деб сўровдим, хизматкоринг ҳайрон қолди, лекин шахдимни қайтармади, шу баҳона билан квартирангга кириб, истиқомат қилиб турган жойингни, ўтириб ишлайдиган ёзув столингни, столингда турган кўк вазадаги гулларингни, жавонларинг, суратларингни, китобларингни кўрдим. Бу жиҳоз, буюмларингни кўрганимда юрагим алланечук бўлиб, кўзларим ўйнаб кетганини сенга баён этиш

қўлимдан келса кошкийди! Ҳаётинг дафтарига бир кўз югуртириб чиқишга улгурдим, холос, чунки содиқ маҳраминг, Иоганн, турмушинг билан яқиндан танишишга, албатта, йўл қўймасди, бу турган гап, лекин шу бир кўз ташлашимдаёқ квартирангдаги бутун муҳитни қалбимга сингдириб олдим, тушимда ҳам, ўнгимда ҳам сен ҳақингда ширин хаёл суриб юришим учун шунинг ўзиёқ менга кифоя эди, ҳатто битмас-туганмас озиқ манбаи бўлиб қолди.

Шу воқеа кўз юмиб очгунча ўтган болалик чоғимдаги энг бахтли пайт бўлган эди. Азизим, ёнгинангда бир инсон боласининг ҳаёти куйиб кул бўлганини ақалли билиб қўйгин, деган ният билан бу воқеани сенга баён қилгим келди. Сенга шу воқеани, эвоҳ, ордан сал ўтмай содир бўлган яна бир бошқа воқеани ҳам ҳикоя қилгим келганди. Ҳали айтдим-ку, сени деб ҳамма нарсадан кечиб юборгандим, онам ҳам кўзимга кўринмай қолганди. Ҳеч кимга, ҳеч нимага парво қилмай қўйгандим. Ёши қайтган инсбурклик бир савдогар тез-тез келиб, бизникида узоқ ўтириб кетадиган бўлибди-ю, шунга ҳам эътибор бермабман, бундан ҳатто суюниб юрдим, чунки у киши баъзида ойимни театрга олиб кетарди, мен ёлғиз ўзим уйда қолиб, сен тўғрингда бемалол хаёл сурардим, сени пойлардим, бу мен учун бирдан-бир улуғ бахт эди. Кунлардан бир куни ойим қандайдир тантанали оҳангда мени хонасига чақириб, сенга айтадиган жиддий бир гапим бор, деди. Рангим оппоқ оқариб, юрагим гуп-гуп уриб кетди, кўнглида бирон шубҳа туғилган, бирон нарса сезган бўлса-я, деб кўрқдим! Ақлимга дарров сен келибсан, чунки мени дунё билан боғлаган сири асрорим сен эдинг-да! Бир вақт қарасам, ойим ўзи уялинқираб турибди, суйиб юзимдан бир-икки ўпди-да (қизиқ, ўпадиган одати йўқ эди), мени диванга, ёнига ўтқазди, тутила-тутила қизариб-бўзариб гап бошлади: хотини

ўлиб тул қолган қариндошим менга уйланмоқчи, сени деб рози бўлдим, деди. Юрагим баттар гупиллаб уриб кетди, онамнинг оғзидан бу сўзларни эшитганимда бошимга фақат бир фикр келди, сени ўйладим.

– Ишқилиб, ўзимиз шу ерда қоламизми? – деб зўрға тилим калимага келибди.

– Йўқ, Инсбрукка кўчиб кетамиз, Фердинанднинг у ерда чиройли уй-жойлари, боғи бор экан, – деди онам.

Шундан бошқа гаплари қулоғимга киргани йўқ. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Кейин билсам, ҳушимдан кетиб, йиқилибман. Онам нариги хонада кутиб ўтирган ўгай отамга шивирлаб, қўлларини кериб, гурс этиб ўзини ерга ташласа бўладими, деб гапирганини эшитиб қолдим. Шундан кейинги кунларда нималар содир бўлганини, мендек ожиза, норасида боланинг ота-она ихтиёрига қарамай, қандай курашганимни сенга таъриф қилишдан ожизман. Ҳозир шуни ёзиб турганимда ҳам қўлларим қалт-қалт титраяпти. Сиримни ошкор қилишга юрак бормиди менда, бас, кўрсатган қаршиликларим ҳам шунчаки беҳуда ўжарлик эди. Кейин ҳеч ким мен билан бу ҳақда гаплашмади ҳам, ўз билганларини қилаверишди. Мактабдалиқ вақтимда менга билдирмасдан кўчиш тараддудини кўриб бораверишди; ҳар куни уйга қайтиб келганимда қарасам, ё бир нарсасотилган ёки олиб кетилган бўларди. Кўз олдимда биз турган квартира билан менинг ҳаётим ҳам барбод бўла борди. Бир кун мактабдан келсам, одамлар ҳамма уй анжомларимизни жойлаб, олиб чиқиб кетишибди. Қуп-қуруқ хувиллаб қолган хоналарда тахт қилиб қўйилган сандиқлар, онам билан менинг буклама икки каравотимиз турибди: биз яна бир кун тунаб, эрта билан Инсбрукка жўнаб кетишимиз лозим эди.

Шу куни сендан йироқда яшолмаслигимни аниқ тушундим. Нажоткорим ёлғиз ўзинг эдинг. Ўша кезларда нималарни ўйладимикин, дурустроқ муҳокама юри-

тиш кўлимдан келдимикин, буни ҳануз билолмайман. Онам қаёққадир кетганди шекилли, шартта ўрнимдан туриб, мактаб кўйлагимда сеникига кириб бордим. Ўз ихтиёрим билан борганим йўқ, қандайдир енгиб бўлмас бир куч мени эшигинг томон судрарди. Аъзойи баданимда қалтироқ туриб, шол одамдай оёқларимни аранг судраб босардим. Ниятим нималигини ўзим ҳам билмасдим, лекин оёқларингга бош кўйиб, ўзингга хизматкор, чўри қилиб бўлса ҳам мени ёнингда олиб қол, деб ёлворишга ҳам рози эдим! Ўн беш яшар қиз боланинг эси пастлигидан куларсан, деб кўрқаман; лекин, азизим, ўшанда совуқ даҳлизингда кўрқиб-титраб турганларимни, қандайдир сеҳрли кучга бўйсуниб, титроқ кўлларимни гавдамдан узиб олгандай кўтариб, бутун бир умрдай туюлган бир лаҳзалик даҳшатли курашдан кейин кўнғироқ тугмасини босишга кўлимни қандай мажбур қилганларимни бир билсанг эди, мендан кулишга ўзинг ҳам уялардинг. Тўсатдан келиб урилган қаттиқ кўнғироқ товуши ва ундан кейинги сукунат ҳали ҳам қулоғимдан кетган эмас, шунда аъзойи баданимдаги, бутун қон қотиб қолгану, юрагим уришдан тўхтагандай бўлди, фақат қадам товушингга қулоқ солиб турганимни биламан, холос.

Аммо, сен ёнимга чиқмадинг. Ҳеч ким чиқмади. Уйда йўқ эдинг шекилли, Иоганн ҳам ул-бул харид қилгани кетган бўлиши мумкин. Оёғимни аранг судраб, вайрон, шип-шийдам квартирамизга қайтиб келдим, азбаройи ҳолдан кетганимдан бориб, қандайдир бир тугунга ўзимни таппа ташладим, қулоғимда ҳамон кўнғироқ товуши жаранглар эди. Тўрт қадам босибману, бир неча соат тизза бўйи қор кечиб юргандан ҳам беш баттар чарчабман. Лекин нима бўлса ҳам мени олиб кетмасларидан бурун сен билан кўришиб, гаплашиб олиш истаги тобора кучайиб аланга ола бер-

ди. Худо ҳақи, бошқа бирон нарса хаёлимга ҳам келгани йўқ, дунёдан беҳабар эдим, бунинг сабаби шу эдики, сендан бошқа бирон кимсани ўйлаган ҳам эмасдим; фақат сени кўриш, яна бир марта кўриш, ўзимни ёнингда ҳис этиш орзусида эдим. Жонгинам, ўша кеча, узундан-узоқ мудҳиш тун бўйи сени кутиб ётдим. Онам ўрнига ётиб, кўзи уйқуга кетиши билан секин даҳлизга чиқиб, пойқадамнингга қулоқ солиб туравердим. Тун бўйи, январнинг совуқ кечасида мижжа қоқмай сени кутиб чиқдим. Ҳолдан кетиб, аъзойи баданимда оғриқ турди, ўтирай десам, ўриндиқ ҳам йўқ, ҳолдан кетганимдан кейин, эшик тагидан совуқ уриб турганига қарамай, муздек ерга кўйлакчан узала тушдим. Одејалга ўраниб олсам ҳам бўларди, лекин иссиқ элитиб кўзим уйқуга кетиб қолса, қадам товушларингни эшитмай қоламан, деб кўрқдим. Совуқ жонимдан ўтиб, букланган оёқларимнинг томири тортишиб, азоб едим, қўлларим дир-дир титраб чиқди, бир оз исиниб олиш учун дам-бадам ўрнимдан турардим, қоронғи йўлагимиз совуқ зиндондай жой эди. Шунга қарамай, сени ўз тақдиримни кутгандай кутиб туравердим.

Ахири, – кечаси соат икки ё учларда бўлса керак, – кўча эшигининг очилиб-ёпилгани, кейин зинапояда қадам товушлари қулоғимга чалинди. Совуқни ҳам сезмай қолибман, танним олов бўлиб ёниб туришига қарамай, эшикни оҳиста очиб, истиқболингга отилмоққа, оёғингга бош кўймоққа шайланиб турдим. Ўшанда нима қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Қадам товуши яқинлашиб, шамчироқ кўринди. Титроқ қўлларим билан эшик дастасини ушлаганча сенмикинсан ёки бошқа бирон кишимикин, дея иккиланиб турдим.

Ҳа, азизим, ўзинг эдинг, лекин ёлғиз эмасдинг. Аста кулганинг, ипак кўйлакнинг шитирлаши ва шивирлаган овозингни эшитдим, қандайдир бир хоним билан қайтиб келган эдинг уйингга...

Шу кеча қай аҳволга тушганимни ўзим ҳам билмайман. Эрта билан, мени Инсбрукка олиб кетдилар, ортиқ қаршилиқ кўрсатишга мажолим қолмаганди.

Болагинам кеча кечқурун жон берди, агар тирик юриш менга яна насиб этса, яна ғариблигимча қолавераман. Эртага қора кийинган кимсалар келиб болагинамни, жигарбағрим, нуридийдамни тобутга солиб олиб кетадилар. Ким билсин, дўстларим ҳам келишар, гулчамбар ҳам олиб келишар, лекин тобут ёнига қўйилган гулдан менга не наф? Менга тасалли беришадди, овутиш учун униси-буниси гапириб кўради, лекин бундан менга нима фойда? Бари бир, биламан, яна ёлғиз ўзим қоламан. Одамлар орасида ёлғиз қолишдан ҳам даҳшатлироқ нарса бормикин дунёда? Бунимен ўн олти ёшимдан ўн саккиз ёшимгача Инсбрукда ўтказган ўша узоқ икки йил мобайнида билдим, ўшанда мен оиламда хўрланган асира сингари кун кечиргандим. Мулойим табиатли, камгап ўгай отам менга яхши кўз билан қарарди; онам шўрлик бирон гуноҳ қилиб қўйгану, шуни ювишга ҳаракат қилгандай ҳамма истакларимни бажо келтирар, ёш йигитлар кўнглимни олиш пайида бўлишарди, лекин мен қандайдир қайсар, ўжарлик билан ҳаммани ўзимдан бездиришга ҳаракат қилардим. Сендан йироқда менга бахтнинг ҳам, кўнгилхушликнинг ҳам кераги йўқ эди. Атайлаб ўзимни-ўзим қийнаб, ёлғизлик ўтида ёниб юравердим. Янги уст-бош олиб беришса, киймасдим, концерт, театрларга боришга унамасдим, шаҳар атрофидаги сайргоҳларга борувчиларга аралашмасдим. Остона ҳатлаб кўчага чиқмадим, десам бўлади, айтсам ишонмайсан, азизим, икки йил бадалида шу кичкинагина шаҳарчада билган кўчаларим ўнтадан ҳам ошгани йўқ. Ғам-ғуссадан бошим чиқмади, лекин ғамдан халос бўлишга ҳам раъйим йўқ эди, айрилиқ ўтида

ўртаниб, дард-алам шарбатининг ҳар бир томчисидан маст бўлиб юравердим. Шуниси ҳам борки, эҳтиросимдан халос қилишларини истамасдим, ёлғиз сен билан ҳаёт нашъасини сургим келарди. Кун бўйи кўлим ишга бормай, сени ўйлаб ўтирардим, сен тўғрингдаги ҳар бир майда-чуйда хотиралар, сени учратган кунларим, кўзим тўрт бўлиб кутганларимни қайта-қайта хаёлимдан кечирар, мана шу майда-чуйда ҳодисаларнинг ҳаммасини саҳнада кўргандай кўз олдимга келтириб, шу билан ўзимни овулардим. Ўтмиш онларини такрор-такрор эслаганимдан, бутун болалик чоғларим хотирамга шундай аниқ-равшан жо бўлиб кетдики, ўша узоқ йиллардаги ҳамма саргузаштларимни, худди кечагина қонимни тўлқинлатиб, ҳаяжонга солгандай яққол ва эҳтирос билан ҳис қиламан.

Ўша кезларда фикр-зикрим сенда эди, азизим. Сен ёзган ҳамма китобларни сотиб олгандим, номингни газетада тилга олсалар, ўша кунини мен учун байрам бўларди. Ишонасанми, китобларингни тез-тез ва қайта-қайта ўқиганимдан улар менга ёд бўлиб қолган. Агар кечаси мени уйқудан уйғотиб, тўғри келган бир бетини ўқишса, уни ҳозир, орадан ўн уч йил ўтгач ҳам ҳеч адашмай, бемалол давом эттиравераман; ҳар бир калима сўзинг мен учун муқаддас оят бўлиб қолган. Олам ҳам, назаримда, сен туфайли мавжуд; Вена газеталарида концертлар, премьералар ҳақида босилган эълонларни ҳам қайси бири сенга манзурлигини билиш ниятида ўқирдим-да, қош қорайганда узоқдан сени кузатиб борардим: залга кирганинг, бориб жойингга ўтирганларингни ҳам кўриб турардим. Шуларни минг марталаб кўз олдимга келтирардим, чунки сени концертда фақат бир марта кўргандим-да.

Бироқ буларнинг, бир ғариб-норасиданинг изтироб чекиб, ўзини ўзи даҳшатли қийноққа солганларини узундан-узоқ ҳикоя қилишнинг нима ҳожати бор, ҳеч

қачон ҳеч нимадан шубҳа қилмаган, ҳеч нарсани пай-қаммаган одамга буни ҳикоя қилишнинг ўзи лозимми? Айтгандек, ўша кезларда чиндан ҳам мен норасида эдимми? Ёшим ўн етти, ўн саккизга тўлган, кўча-кўйларда йигитлар қайрилиб қараб қолишарди, менинг бундан баттар жаҳлим чиқарди. Сендан бўлак бирон кимсани севиш ёки шунчаки кўнгил ёзишни хаёлимга ҳам келтирмасдим, бундай бўлиши асло мумкин ҳам эмасди, бу тўғрида ўйлашнинг ўзини хиёнат деб билардим. Сенга бўлган эҳтиросим аввалгидай эди, лекин норасидалик даври тугаб, ҳис-туйғуларим уйғониши билан бу муҳаббатим янада оташин, яна ҳам нозик тус олиб, балоғатга етди. Беихтиёр қалб амрига бўйсуниб, эшигинг олдида кўнғироқ тугмасига бармоғини босган қиз боланинг фаҳми етмаган нарса, яъни ўзни тухфа қилиш, қучоғингга кириш бирдан-бир фикру зикрим бўлиб қолди.

Таниш-билишларимиз мени юраксиз, одамови дейишарди, нега деганда, тишимни-тишимга кўйиб юрардим, ичимдагини сиртимга чиқармасдим. Лекин юрагимда секин-аста қатъият, жасорат етила борди. Венага, ёнингга қайтиб боришни туну кун ўйлайдиган бўлиб қолдим. Феъли атворим бошқаларга гарчи тутуриқсиз кўринган эса-да, айтганимни қилдим. Ўгай отам бадавлат одам эди, мени ўз қизидай кўрарди, лекин тирикчилигимни ўзим ўтказаман, деб қаттиқ оёғимни тираб туриб, ахири, Венага бориб, бир қариндошимизнинг кийим магазинига ишга кирдим.

Туман тушган куз кунларидан бирида, – ҳа, шундай кун ҳам бор экан-а! – Венага етиб келганимда дастлаб қаёққа йўл олганимни сенга айтишнинг кераги бормикин? Жомадонларимни вокзалда қолдирдим-да, югуриб бориб трамвайга чиқдим, – трамвайи қурмагур ҳам худди судралиб бораётгандай, ҳар тўхтаганида юрагим бир орзиқиб тушарди, – трамвайдан тушдим,

тўғри эски уйимизга қараб югуриб кетдим. Деразаларингдан чироқ шуъласи тушиб турарди, суюнганимдан кўзларимга ёш қалқди. Мени жуда совуқ кутиб олган, шовқин-суронлари қулоғимни кар қилаёзган шаҳарга, назаримда, энди жон киргандай сезилди, сенинг яқинлигингни, сўнмас орзу-хаёлимнинг ушалишини ҳис қилгандай бўлдим. Узоқларда, тоғ-тошлар, дарёларнинг нарёғида сенга қанчалик ёт бўлсам, ҳозир, деразангдан нур таратиб турган юпқа ойнак ҳам сенга интизор кўзларимни шунчалик тўсиб турганига фаҳмим етмас эди-да. Юқорига, ундаги нурга, қадрдон уйингга қараганимча қотиб тураверибман, уйинг назаримда бутун бир олам эди. Шу дақиқаларни роса икки йил орзу қилгандим, ахири орзум ушалди. Чироқинг ўчмагунча шу илиқ, ғира-шира эқшомда деразангдан кўз узмай тураверибман. Кейин ўзимга макон излаб кетдим.

Шу алпозда ҳар куни кечқурун деразанг тагига келиб, интизор бўлиб турардим. Магазинда иш оғир эди, соат олтигача мадорим қурирди, лекин иш билан овуниб ғам-аламларим бир қадар енгиллашарди. Шу кунларимга ҳам шукур айтардим. Магазин эшик ва деразаларининг темир қопқалари тарақлаб ёпилди дегунча уйингга қараб чопардим. Бирдан-бир истагим сени кўриш, сен билан дийдор кўришиш, ақалли бир марта узоқдан юзингга кўз ташлаб олиш эди! Чамаси, бир ҳафталардан кейин тўсатдан сени учратиб қолдим. Икки кўзим деразаларингда эди. Кўчани кесиб ўтиб келавердинг. Шу лаҳза яна ўша ўн уч яшар қиз болалигим тутиб қолди – юз-кўзларимга қон қуйилганини ўзим сезиб турибману, менга бир қиё боқармикин, деган умидим ҳар қанча зўр эса-да, беихтиёр бошимни қуйи солиб, ўқдай ёнингдан ўтиб кетдим. Юраксизлик қилиб қочганимдан эса кейин ўзим ҳам уялдим – чунки мактаб боласи эмасдим, кўнглим нима тусашини

яхши билардим: сен билан учрашишга илҳақ бўлиб, шунча йил куйдиргани ҳам етар, энди мени тан олсин, кўнгил кўйсин, деб орзиқиб юргандим.

Мен ғариб ҳар куни оқшом пайтлари қор-бўронларга ва Венанинг қаттиқ, изғирин шамолларига қарамай, зор-интизор уйинг атрофида парвона бўлиб юравердим, сен эса сезмасдинг. Баъзан бир неча соатлаб кутганларим бекор кетарди, баъзан бир маҳалда уйингдан чиқардинг, лекин ёнингда ёру дўстларинг бўларди, икки сафар сени хотинлар билан кўрдим; ана ўшанда норасидалик вақтим ўтиб кетганини, сен билан бемалол кўл ушлашиб кетаётган бирор бегона хотинни кўрган заҳотим юрагимга наштар санчилиб, тарс ёрилгандай бўлаётганини, қандайдир бир туйғу мени ўз домига тортаётганини илк бор ҳис этдим. Бу мен учун кутилмаган бир ҳодиса эмасди; сеникига хотинлар келиб туришини ёшлигимда ҳам билардим, энди эса бу нарса дилимга қаттиқ тегадиган, бирон хотинни яқин тутиб ошкора юрганингни кўрсам, ич-ичимдан куйиб, ғайирлик қиладиган бўлиб қолгандим. Бир куни гўдак боладай ўжарлигим тутиб, – аслида ҳам шундай эдим, ҳозир ҳам шундай бўлсам керак, – манманликка берилиб уйинг ёнига бормадим; қилгуликни қилиб кўйдиму, лекин шу оқшом ўзимни кўярга жой тополмадим! Эртаси куни яна ювош боладай бошимни ҳам қилиб, мен учун мажҳул ҳаётинг истиқболида бир умр кутганим сингари деразаларинг тагига бориб турдим.

Ниҳоят, кунлардан бир кун менга кўзинг тушди. Сени узоқдан кўрдиму, сендан ўзимни опқочмаслик учун ихтиёримни кўлга олдим. Бахтимга, кўчада бир аравадан юк туширишаётган экан, аравани ёнлаб шундайгина ёнимдан ўтиб кетдинг. Менга паришон бир назар ташладинг, кўзларимни сенга тикиб турганимни сезишинг биланоқ ўзим билган қараш қилдинг, шу қарашинг эсимга тушган пайтларда юрагим «шув»

этиб кетарди! Бу – хотинларни кўрганда юзингда пайдо бўладиган нозик, фусункор, ҳам таслим қилувчи қатъий, амирона табассуминг эди, бир вақтлар мен норасида қиз болани ошиқи шайдо қилган ҳам шу эди. Бу қарашинг бир-икки дақиқа мени маҳлиё қилди, – кўзимни сендан олиб қочишга ихтиёрим қолмади, буни истамас эдим ҳам, – шу билан ёнимдан ўтиб кетдинг. Юрагим гупиллаб беихтиёр қадамимни секинлатиб, орқамга қайрилувдим ҳамки, орқамдан қараб турган экансан. Қошларингни уйиб, қизиқиб қараб туришингдан танимаганингни дарров пайқадим.

Ўшанда ҳам танимадинг, кейин ҳам, бир умр танимадинг-а! Азизим, ўша дақиқадаги дил шикасталигимни сенга қандай таъриф қилсамикин? Ахир пешанамга ёзилганини – бир умр мени танимаслигинг азобини ўшанда биринчи марта татиб кўришим эди! Ўшанда аҳволим не кечганини сенга қандай таърифлаб берсамикин! Биласанми, Инсбурқда кечирган икки йил ичида, бутун фикру зикрим сен билан Венада учрашиш орзусида юрган кезларимда, гоҳида кўнглимни ширин хаёллар чулғар, баъзан эса кўз олдимни қоронғилик босарди. Хаёлимдан нималарни кечирмадим; мушкул дақиқаларда кўкрагимдан итариб, ҳазар қилиб тескари қараб кетади, деб ўйлардим, нега деганда, ўзим ҳам бир дарди бедаво эдим-да. Мени хуш кўрмай, совуқ қарашларинг, илтифотсизлигинг азоб-уқубатларига хаёлимда бардош бериб келдим, лекин қаттиқ умидсизликка тушган кезларимда, ўзимни севгингга номуносиб билиб, айниқса, дилим шикаста пайтларда ҳам дунёда борлигимдан аслида ўзи хабари йўқ-ку, деган мудҳиш фикрни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Қизлар ва хотинларнинг чиройли эркаклар учун қанчалик беқарор нарса эканлигига энди ақлим етди – буни менга сен ўргатдинг! Аёлнинг ҳусни, кўпинча гоҳ эҳтирос, гоҳ гўдак инжиқлигини,

гоҳ руҳий тушкунликни акс эттириб турадиган бир ойна, холос, шундай экан, ойнада акс этган нарсанинг хотирадан кўтарилиши осон бўлгани сингари, у ҳақдаги тасаввур ҳам тезда ёддан кўтарилиб кетади; шу важдан, агар йиллар хотин кишининг юз-кўзидаги нур билан соялар мавжини ўзгартириб юборса, кийим-кечак унга янги тус берса, эркакнинг чиндан ҳам ўша аёлни таниши қийин гап. Дарҳақиқат, тақдирга тан берган одамгина доно ҳисобланади. Мен эса жуда ёш эдим, бас, сенинг фаромушхотирлигинг ақлимга сиғмасди. Яна кечаю кундуз хаёлим сенда бўлганидан, у ҳам мени тез-тез ўйлаб, кутиб юргандир, деган фикр билан ўзимни овутиб юрардим; сенинг олдингда қадрим уч пуллигини, ҳатто бир лаҳза эсингга тушмаганимни, ҳеч қачон ташвишланмаганимни билганимда, кунларим ўзимга татирмиди, азизим! Қарашинг мени ғафлатдан уйғотди-ю, ўзимни танидим, бу ҳол мен учун биринчи беомон зарба, тақдиримдан дарак берган илк сезги бўлди, кўз қарашингни шу маънода тушундимки, сенга мени эслатувчи, иккимизнинг ҳаётимизни бир-бирига боғлаган ақалли қилчалик ҳам хотира иплари йўқ экан.

Ўшанда сен мени танимадинг. Орадан икки кун ўтгач, яна учрашганимизда таниш одамга қарагандай қараб қўйганимизда ҳам мени ўша ошиқ қиз деб билганинг йўқ, икки кун муқаддам шу жойда учрашган ўн саккиз яшар кўҳликкина қиз деб билдинг, холос. Ажабланиб, очик юз билан боқиб қўйдинг. Лабларингда енгилгина табассум ўйнаб турарди. Яна ёнимдан ўтиб кетдинг. Яна илгаригидай одимингни секинлатдинг, суюнганимдан ичимда титроқ турди. Бошим осмонга етди, илоҳо менга гап қотсин, деб тилак тилаб турдим. Илк бор мени одам ўрнида кўриб, тан олганимни тушуниб мен ҳам қадамимни секинлатдим, қочмасликка қарор қилдим. Орқамдан келаётганимни ўгирилиб қарамасам ҳам билиб, ҳали-замон севимли овозинг

қулоғимга етишини, биринчи дафъа менга сўз қотин-шингни сезиб турардим. Кутиб эсанкираб қолибман, юрагимнинг қаттиқ уришидан ўзим ҳам сал бўлмаса тўхтаб қолардим, худди шу пайтда сен ёнимга етиб келдинг. Эски кадрдонлардай бемалол, кулиб туриб гап бошладинг, оҳ, ҳеч нимадан, қандай ҳаёт кечирганимдан ҳам сира хабаринг йўқ экан! Мен ҳам ўзимни тутиб олиб, довдирамасдан гапларингга жавоб бердим. Муйилишга етувдик: «Бирга овқатлансак, нима дейсиз», деб сўрадинг, мен: «Майлингиз», деб жавоб бердим. Сўзингни қайтаришга юрак қайда эди дейсан?

Иккимиз кичикроқ бир ресторанда овқатландик, қардалиги эсингда қолганми? Йўқ, бу оқшомни бошқа шу хил кўпгина оқшомлардан фарқ қилолмасанг керак, ахир мен сен учун юзта жазманингдан биттаси, иттифоқо оёғинг остидан чиқиб қолган бир саргузашт ва ниҳоят, занжирдаги бир ҳалқа эдим-да! Нима ҳам мени сенга эслатарди? Миқ этмай сўзларингга қулоқ солиб ўтиришнинг ўзи мен учун катта бахт эди. Бу азиз, бебаҳо дақиқалар беҳуда кетмасин, бебаҳра қолмай, деб сенга савол беришдан ҳам, ортиқча гап айтишдан ҳам қўрқардим. Сертакалуф эдинг, лекин ортиқча хушомадгўйлик ва бачканалик қилмасдан, эркин ва дўстона оҳангда гап бошладингки, агар аллақачон фикру хаёлим, бутун вужудим билан сеники бўлмаган тақдирда ҳам мана шу эркин ва дўстона муносабатларингнинг ўзи мени мафтун этган бўларди. Ахир беш йилдан буён ардоқлаб келаётган орзуларимни ерга урмай, умидимни рўёбга чиқарганингни қаёқдан ҳам билардинг!

Овқатланиб бўлганимизда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ресторандан чиқаётиб: «Агар зарур ишингиз бўлмаса, яна бир оз айлансак», дединг. Оҳ, сўзингни қайтаришга тилим борармиди, жонгинам! Ҳали вақтим бор дедим. Шунда бир дақиқа тараддудланиб қолдинг-да: «Бўлмаса меникига кириб, у ёқ бу ёқдан

гаплашиб ўтирсак нима дейсиз», деган эдинг. «Жоним билан», дедим ҳаяжонимни босолмай, дарров розилик бера қолганимни кўриб хижолат тортдингми ё суюниб кетдингми, ишқилиб, ажабланганинг юзингдан сезилиб турарди. Нега ўшанда ҳайрон қолганингни энди яхши биламан: одатда, хотин кишининг кўнгли тусаб турганда ҳам ўзини ёр қўйнига ташлаш ниятини сир сақлайди, ё бир чўчиб тушади ёки ғазаби келгандай кўрсатади ўзини; қайта-қайта илтижо қилиб, ёлвориб, ёлғондакам ваъдалардан кейингина кўнади. Ишқ-муҳаббатни ўзига касб қилиб олган фоҳишаларгина ёки ҳеч нима кўрмаган тажрибасиз норасидаларгина бундай таклифларга дарров «Хўп», деб кўна қолади. Буни ўзим ҳам биламан. Ҳолбуки, менинг жавобим сўз билан ифодаланган мустаҳкам ирода, қон йиғлаб ўтказган мингларча кунларимнинг сиртга отилиб чиққан алангаси эди. Ҳар ҳолда, сен ҳайрон бўлиб, менга қизиқиб қолдинг. Кўз қирингни ташлаб ажабланганингни сездим. Фаҳм-фаросатли, инсон боласининг бутун хислатларидан хабардор йигит бўлганингдан, бу дилбар, маъсума қизнинг қандайдир бир сири асрори, ғайритабиий бир фазилати борлигини бир зумда билиб олдинг. Сенда қандайдир мароқланиш ҳисси туғилиб қолди, эҳтиёткорлик ва синамоллик билан берган саволларингдан билсам, шу сирнинг тагига етмоқчисан. Лекин мен тўғри жавоб беришдан қочдим: сиримни ошкор қилгандан кўра, кўзингга аҳмоқ, овсар қиздай кўринишни афзал билдим.

Уйингга чикдик. Севгилим, зинапоядан кўтарилаётганимда, даҳлизингга қадам қўйганимда юрагим ўйнаб кетди, маст бўлиб, ҳушимдан кетишимга сал қолди. Бу бир жиҳатдан азобу, иккинчи томондан мисли йўқ бахт эди, бу сўзларим қизиқ туюлади сенга десам, мени кечир, азизим. Ҳозир ҳам шуни эслаганимда кўзларимдан ёш оқиб кетади, ҳолбуки кўз

ёшларим куриб қолган-ку. Ахир ўзинг бир ўйлаб кўр, ундаги бор нарсалар мен учун жондан азиз эди, ҳаммаси ёшлигим, ҳижроним рамзи эди; минг марталаб йўлингга интизор бўлиб турган даҳлиз ҳам, қадам товушларингга қулоқ солиб турганимда дастлаб сенга кўзим тушган зинапоялар ҳам, бутун вужудим билан сенга талпинган пайтларимда мўралайдиган туйнукча ҳам, эшигинг олдидаги пойандозинг ҳам (бир гал шу пойандозингга чўккалаб туйнукчадан қарагандим), эшик қулфининг шиқ этиб очилишлари ҳам (шу товушни эшитганимда ҳар гал бир сапчиб тушардим), бутун ёшлигим, бутун шавқи завқим мана шу тор маконга занжирбанд эди; бутун ҳаётим мана шу маконга жо бўлганди, энди эса бутун салобати билан босиб қолди, ахир, ҳамма орзу-ҳавасларим ушалди, мен ёримнинг ёнгинасида – сен билан бирга эдим! Сенинг уйингда, уйимизда эдим! Ўзинг бир ўйлаб кўр, – бу бачканалик бўлиб туюлар, лекин бошқача ифода-лашга иложим йўқ, – то остонангга боргунча бўлган дақиқа мен учун ҳақиқат, яъни, кундалик ҳаёт эди, ундан кейин эса гўдак бола ҳаёлидаги ажойиб олам – Аловиддиннинг салтанати бошланарди, ҳозир мен қадам босиб кираётган шу эшикка минг марталаб термилиб қараганман, шу ажойиб дақиқалар ҳаётимда энг ноёб онлар бўлганини ҳис этяпсан, азизгинам, ҳис этасану, аммо ҳеч қачон тушунолмайсан!

Тун бўйи сеникида қолдим. Шу пайтгача бирон эркак зотининг менга қўли тегмагани ва баданимга кўзи тушмаганидан беҳабар эдинг. Севгилим, қаёқдан ҳам билардинг буни, мен сенга қаршилиқ ҳам кўрсатмадим, шарм-ҳаёни ҳам йиғиштириб қўйдим, муҳаббатим сиридан воқиф бўлмасайди, деб тилак тилаб туравердим, агар муҳаббатим ошкор бўлиб қолса, сен чўчиб кетардинг, бу турган гап, нега деганда, сен енгил-елпи, бир зумлик роҳатни ёқтирасан, холос, бирон кимсанинг

қисматига шерик бўлишдан кўрқасан. Сен ўзингни исроф қиласан, ўзингни бутун оламга қурбон қиласану, лекин ажал талаб эмассан. Жонгинам, агар энди мен сенга, кўз очиб кўрганим сен эдинг десам, зинҳор гапимни нотўғри тушунма! Бўлиб ўтган ва тақдиримни белгилаган бу воқеа учун сени гуноҳкор қилаётганим йўқ-ку, мени йўлдан оздирганинг ҳам йўқ, алдаганинг ҳам, авраганинг ҳам йўқ, – мен ўз оёғим билан келиб, қучоғингга отилдим, тақдиримга пешвоз чиқдим. Зинҳор-зинҳор сени гуноҳкор билмайман, ҳамиша сендан миннатдор бўлдим, чунки умримда ўзимни бунчалик бахтиёр сезмагандим, шу кеча бошим осмонга етди!

Тун қоронғисида кўзимни очиб, ёнимда ётганингни сезганимда, нега осмонда юлдузчалар чарақламайди, дея ажаблангандим. Йўқ, азизим, ҳеч қачон пушаймон бўлганим йўқ, шу бир соат ҳамдамлик ҳамма дард-аламларимни ювиб кетди. Ҳали ҳам эсимда бор, уйқуда нафас олишингни эшитиб, сенга етишганимдан қоронғида тўйиб-тўйиб йиғлаб олгандим.

Эрталаб шошилиб чиқиб кетдим. Магазинга вақтида етиб боришим керакэди, бундан ташқари, хизматкорингга кўринишни ўзимга эп билмадим. Кийиниб, ёнингга келганимда мени қучоқлаб, анчагача юз-кўзларимга қараб турдинг; шу лаҳза ғира-шира хотиралар хаёлингга жонландими ёки яшнаб турган вужудимдан бахт нури сочилиб кўзингни қамаштирдими, кейин лабимдан ўпдинг. Секин сирғалиб эшикка юзландим.

– Гуллар олиб кетишни хоҳлайсанми? – дединг.

– Ҳа, – деб жавоб бердим. Ёзув столидаги кўк биллур вазадан тўрт дона оқ атиргул олиб (норасидалик вақтимда квартирангга мўралаб қараганимда бу вазани кўргандим), қўлимга тутқаздинг, бу гулларни уйимда бир неча кунгача авайлаб сақладим.

Биз ваъдалашиб, яна учрашадиган бўлдик. Айтилган вақтда келдим. Яна бошим осмонга етди. Яна бир

кечангни – учинчи кечангни ҳам менга ҳады қилдинг. Шундан кейин: «Мен жўнаб кетишим керак», дединг; бундай саёҳатларингни ёшлигимдан хуш кўрмай келардим. «Қайтиб келишим билан дарҳол хабар етказман», деб ваъда бердинг. Сенга талаб қилиб олинадиган хат манзилини бердим, номимни айтгим келмади. Сиримни ошкор қилмадим. Хайрлашаётиб кўлимга яна гул тутдинг!

Икки ойгача кунда хабар олиб турдим...: йўқ, йўқ, бу гапларнинг нима кераги бор, интизорлик ва фиरोқ ўтини тасвирлашдан нима фойда? Сени айбламайман, қандай бўлсанг, шундайлигингча яхши кўраман, жўшқинлигинг ҳам, унутувчанлигинг ҳам, ошиқлигинг ҳам, бевафолигинг ҳам менга ёқади, ҳамиша қандай бўлган бўлсанг, шундайлигингча яхши кўраман. Борган жойингдан аллақачон қайтиб келдинг ҳам, буни ойналарингдаги чироқ шуъласидан билдим, лекин менга хат ёзмадинг. Мана, ҳозир, сўнгги дақиқада кўлимда сенинг бир сатр мактубинг ҳам йўқ, бутун умримни сенга қурбон қилибману, сендан бир энлик ҳам хат олмабман-а! Тўрт кўзлаб кутдим, сабр-қаноат билан кутдим. Аммо лекин сен мени йўқламадинг, бир энлик хат ҳам ёзмадинг... бир сатр ҳам...

Болагинам кеча жон берди, бу сенинг ҳам фарзандинг эди. Ҳа, сенинг ҳам. Ўша тунларнинг бирида бунёд бўлган эди у; буни сенга қасам ичиб айтаман, ўлим тўшагида ётганнинг ёлғонга тили бормаслигини ўзинг ҳам биларсан. Қасамёд қиламанки, бу иккимизнинг фарзандимиз эди, чунки кучоғингга кирган соатимдан кўз ёргунимча менга бирон эркакнинг кўли теккани йўқ. Баданимга кўлинг теккан пайдан бошлаб танам табаррук бўлиб қолгандай эди. Ахир мен қандай қилиб ҳаёт йўлимда фақат бир лаҳзагина дуч келиб, умрим маъносига айланган сен азизимдан кеча олардим. Ҳа,

болагинам иккимизнинг фарзандимиз эди, менинг чуқур муҳаббатимдан ва сенинг ўйламай сахийлик билан эркалатишларингдан дунёга келган фарзанд – яккаю ягона зурёдимиз эди. Эҳтимол, сен кўрқиб кетиб ёки ҳайрон бўлиб: «Нега шунча йил оғиз очмай, энди – бола дунёдан кўз юмганда, буни менга айтяпсан», деб савол ҳам берарсан. Ахир буни сенга қайси юрагим билан айтаман? Айтганимда ҳам сўзимга асло ишонмасдинг, негаки, иттифоқо учрашиб уч кеча сен билан кўнгилхушлик қилган, нози истиғносиз ўзини қучоғингга отган бир нотаниш аёлнинг нолалари қулоғингга етармиди! Унинг сендек бевафога, мен вафодоринг эдим, бу сендан бўлган фарзанд, деганимда ва бу сўзларим ҳақиқатга ўхшаб кўринган тақдирда ҳам дилингда: «Бадавлатлигим учун бировлардан орттирган ҳаромзодасини менга тўнкамоқчи», деган фикрингдан қутулишинг маҳол эди. Менга шубҳа кўзи билан қарардинг, орамизга совуқлик тушарди, бир-биримизга инобатимиз қолмасди. Шу сабабли бунга кўнглим чопмади. Чунки сени билардим-да, лекин сен ўзингни менчалик ҳам билмасдинг, фақат беташвиш, енгил-елпи нарсаларгагина ҳушинг бор, муҳаббатни бир ўйинчоқ деб тушунишинг, шу туфайли бирданига ота деган номни олиш, бировнинг тақдирига жавобгар бўлиб қолиш сен учун жуда мушкул иш эди. Эркинликка ўрганиб қолганлигинг боисидан менга боғланиб қолишингни, агар сенга осилиб қолсам, беихтиёр, бутун нафратингни менга қаратишингни яхши билардим. Аммо сенга оғирлигим тушиб, кўзингга ёмон кўринишга ғурурим йўл қўймади, мен тўғримда ёмон ўйларга бормасин, деган ниятда ҳамма машаққатларни ўз устимга олишни афзал кўрдим: «Уни яхши кўрган аёллар ичида энг севимлиси бўлай, мендан кўнгли қолмасин», дедим. Бироқ сен мен тўғримда ҳеч қачон ўйламадинг ҳам, қайтага унутиб юбординг.

Азизим, сени гуноҳкор деб билмайман, сенда гуноҳ йўқ, агар бу сатрларимга озгина бўлса ҳам гина-кудурат аралашиб қолган бўлса, мени кечир, ахир ёнимда липиллаб турган шамлар тагида фарзандимизнинг мурдаси ётибди-ку, худога мушт кўтариб: «Қотилсан», деб ундан ёзғирдим, фикр-ўйларим чувалашиб кетган. Зорланишларимни кечир, мени афв эт! Биладан, сен юмшоқ кўнгил, меҳрибон одамсан, ҳар қандай ғарибга ёрдам кўлингни чўзасан, ким мадад сўраса, ҳатто нотаниш одамлардан ҳам ёрдамнинг аямайсан, сенинг сахийлигинг ўзига хос бир оламки, унинг эшиги ҳар бир кимсага очиқ, ҳар бир кимса бу хазинангдан кўлига сиққунча дурру гавҳар олади; лутф хазинангнинг таги йўқ, бепоён, лекин мени кечирасан, у танбал, иззатталаб. Сенга мурожаат этганларида, илтимос қилганларидагина шунда ҳам ўз хоҳишинг билан эмас, балки уялганингдан, ночорлигингдан ёрдам қиласан. Очиқ айтишга мени мажбур қилган яна бир нарса шуки, сен бошига мусибат тушган одамдан кўра ўзингга ўхшаган эркатойни зиёда кўрасан. Ишқилиб, сенга ўхшаганларга – энг шафқатлисига ҳам одамзотни муҳтож қилмасин. Норасидалигимда бир кун туйнукчадан қараб тургандим, эшигингни тақиллатиб келган бир гадойга садақа бераётганингга кўзим тушиб қолди. У оғиз очмасданоқ кўлига пул тутқаздинг, анчагина пул бердинг, лекин тезроқ даф бўл дегандай, бир нарсадан хавотирланиб, шошиб кўлига пул тутқаздинг; назаримда, унинг кўзига ҳам тик боқишдан ҳайиқдинг шекилли. Гадейнинг дуосига ҳам қулоқ солмай, бир нимадан хижолат тортиб садақа берганинг ҳали-ҳали ёдимда. Шу важдан сенга мурожаат қилганим йўқ. Чунки бола сеникилигига ишонмасанг ҳам менга тасалли бериб, кўлимга пул тутқазшингни ва қандай қилиб бўлса ҳам тезроқ қутулиб олишингни билардим. Турган гап: «Болани туғмаслик иложини қилсанг қандай бўларкин», деб ялиниб

ҳам кўрардинг. Кўпроқ ана шундан кўрқдим, чунки ҳарна қилганимда ҳам шунга жазм қилсанг, сўзингни ерда қолдиришга журъат қила олармидим, азизим! Ҳолбуки, бу дунёга келиб пешанамга битилгани шу ёлғиз болам-ку, ахир у сенинг пушти камарингдан бўлган, қуйиб қўйгандай ўзинг, лекин у беғамлик билан ўз кўнглини хушнуд этиб юрган бир бахтиёр кимсанинг боласи эмас, балки менга абадий тухфа қилинган (менинг назаримда шундай эди), жисмимга жо бўлган, ҳаётим билан чамбарчас боғланган отасининг боласи. Ахир, сени танамга сингдириб олгандим, яйраб, етилиб бораётганингни бутунлай ҳис қилардим, сенга ризқ бериш, ташналигингни қондириб, ўпиб, қучиш менга насиб бўлганди, ҳар эркалатганимда юрагим олов янглиғ ёнар, шу вадан, жонгинам, болангни қорнимда кўтариб юрганимда ўзимни шу қадар бахтиёр ҳис этардимки, сендан буни яшириб юрганимнинг сабаби ҳам шу эди.

Севикли ёрим, хаёлимда орзу қилиб юрган ўша бахтиёр онлар узоққа чўзилмади, даҳшат ва азоб-уқубат дамлари етиб келиб, юрагим ларзага келди, кишиларнинг разиллигини кўриб қалбим нафрат ва ғазабга тўлди, турмушим оғирлашди. Охирги ойларда эса ишга боришга ҳам оёғим тортмай қолди, чунки қариндошларим сезиб қолишса, уйимга хабар беришлари турган гап эди. Онамдан пул сўрашга юзим чидамай, бисотимдаги баъзи бир буюмларимни сотиб, кунимга яратдим. Туғишимга бир ҳафта қолганда кирчи жавондан сўнгни бир неча крон пулимни ўғирлаб кетди, шу сабаб есирлар туғруқхонасига бориб ётишдан бошқа иложим қолмади. Аччиқ муҳтожлик дастидан паноҳ излаб келувчи бечора камбағаллар, хору зорлар ғарибхонасида дунёга келди фарзандинг. Етимхона кўрқинчли эди. Ҳувиллаб турувчи бу гўшада ётган бечоралар етти ёт бегона, бир-биридан ҳазар қилар, лекин бошимизга тушган шу фалокат – дард баримизни мана шу хло-

роформ ва қон ҳиди бурқсиган, йиғи-сиғи, оҳу воҳлар тўла палатага олиб келиб тиққанди. Ғариб-мискинларнинг пешанасига ёзилган хўрлик, ор-номус нималигини у ерда фоҳишалар ва бетоб аёллар қатори татиб кўрдим, улар билан ёнма-ён ётганимдан хўрлигим келиб, қон йиғлаганларимни кўрсанг эди; ёш-ёш докторлар тиржайиб туриб устингдан кўрпангни олиб ташлар, ожиз қолган ҳимоясиз аёлларнинг баданига худди бирон илмдан хабари бор одамдай беҳаёлик билан қўл теггизиб кўришарди, бу сурбетлигу хизматкор хотинларнинг очкўзлигини кўриб жиғибийрон бўлардим: бу қандай бедодликки, унда инсоннинг уят ҳиссини бир қараш билан поймол қиладилар, бир сўз билан яксон этадилар. Бутун бошли одамдан номи ёзилган тахтача қолади, холос, каравотда ётган гавдани – шунчаки текшириш учун чўзилтириб ётқизиб қўйилган бир бурда қалтироқ гўштни буюм деб биладилар; ўз хонадонларида севгили меҳрибон эрларига фарзанд туғиб берувчи аёллар ғариб бечораларнинг лаборатория столидай жойда не азобда бола туғишини қаёқдан биларди! Ҳозир ҳам китобларда «дўзах» деган сўзга кўзим тушганда димиқиб кетган сассиқ, ифлос палата, дод-войлар, бақирӣқ овозлар, дағал кулгилар, қўйингки, бутун шармандаю шармисорлик кони бўлган ўша жой беихтиёр ёдимга тушиб кетади.

Буларни тилга олганим учун мени кечир, азизим. Бу биринчи ва охириги маротаба тилга олганим бўлсин; энди у ҳақда гапирмайман. Ўн бир йил дамимни чиқармасдан келдим, яқинда уним ҳам ўчади, лекин ақалли бир марта дардимни айтиб, юрагимни бўшатиб олишим керак-ку, бахтим ҳам, саодатим ҳам биттаю битта фарзандим каравотчасида чўзилиб ётса-ю, уни қандай машаққатлар билан топганимни айтиб фарёд кўтаришга наҳотки ҳақим бўлмаса. Тортган машаққатларимни-ку, аллақачонлар болагинамнинг табассумини,

эркалашларини кўрганимдаёқ суюнганимдан унутиб юборганман, лекин ҳозир нуридийдамнинг жон бериши юрагимни ўртаб юборди, бас, фарёд кўтармасдан иложим йўқ. Шунда ҳам гуноҳни, сенга эмас, худога тўнкайман, чунки у менинг бутун оху фиғонларим, тортган азобларимни бир пул қилди. Қасам ичиб айтаман, асло сени гуноҳкор деб билмайман, ҳеч вақт, ҳеч қачон, ҳатто жоним ҳалқумимга келган чоғларда ҳам сенга қарши туғён кўтарган эмасман. Туғишим олдида тўлғоқ тутиб, аъзойи баданим титроқ босганда ҳам, азбаройи оғриқнинг зўридан юрагим тарс ёрилай деганда ҳам, парвардигор олдида сени гуноҳкор қилганим йўқ; ўша оқшомларимизни эслаб пушаймон бўлганим йўқ, сенга, муҳаббатимга ҳеч замон лаънат ўқиганим йўқ; ҳамиша сенга содиқ қолдим, учрашган вақтларимизни ҳурмат билан хотирлаб шукрона билдириб келдим. Етимхонадаги даҳшатли соатларим яна такрорланса, яна не-не кўргиликлар борлигини олдиндан билсам ҳам яна шунга рози бўлардим, яна ва яна, минг карра рози бўлардим, жонгинам!

Фарзандимиз кеча жон берди, сен уни бирор марта кўрганинг, борлигини эшитганинг ҳам йўқ. Ҳеч қачон, ҳатто бир лаҳзалик, тасодифан учрашганимизда ҳам пушти камарингдан бунёд бўлиб, очилаётган ғунчага назар ҳам ташламасдинг. Мен анчагача сендан яшириниб юрдим; бола кўрганимдан кейин эса сендан хотирим жамроқ бўлиб қолди шекилли, ҳар ҳолда илгариги бетоқатлик, бесаранжомликларим барҳам еди. Меҳримни сен билан ўғлим ўртасида тақсимлашга кўнгил бормади, шу сабабдан умримни ҳаёт нашъасини суриб юрган сен эркатойга эмас, болагинамга бағишладим, нега деганда, у менга муҳтож эди, унга она сути бериб парвариш қилишим, бемалол ўпиб, бағримга босиш ихтиёри ҳам ўзимда эди. Мен учун бошқа «сен»

– ўзимники бўлган «сен» дунёга келган кундан бошлаб мен қисмат чангалидан озод бўлгандай ҳис этдим ўзимни; ҳар замон ҳар замонда келиб уйингни зиёрат қилиб кетардим. Туғилган кунинг ҳар йили сенга атаб оқ гуллар юборардим, эсингдами, ўша биринчи севги оқшомида менга шундай оқ гуллар ҳадя қилган эдинг. «Ўн-ўн бир йилдан буён менга ким гул юбораркин?» – деб ақалли бирор маротаба ўзингга ўзинг савол берганмикинсан? Балки қачонлардир ўзинг шундай гул ҳадя қилган бир муштипар аёл эсингга тушгандир? Бу саволга жавобингни шу вақтгача эшитмадим, бундан кейин ҳам эшитмасам керак. Ҳар йили ақалли бир марта зулмат кўйнидан шу гулларни сенга узатсаму, шу билан ўша кечамиз хотирасини эсингга тушириб турсам дердим, биттаю битта тилагим шу эди.

Шўрлик боламизни билмасдинг, бутун сендан уни яшириб юрганларимга пушаймон бўлдим, кўрсанг меҳр кўйиб қолармидинг. Шўрлик боламиз билан дийдор кўришмадинг, сендай ақлли, кулганда қора кўзларидан нур сочилиб, бутун оламини мунаввар этарди. Бирам хушчақчақ, ширин бола эдики! Бутун ғайратинг, шиддатли, жўшқин хаёлчанлигинг унда такрорланган эди. Сен ҳаёт билан ўйнашганинг сингари, боланг ҳам соатлаб ҳамма нарсани унутиб, ўйнаб ўтирарди-да, сўнгра қошларини уйиб узоқ вақт китобларига тикилиб қоларди. Афт-ангори ҳам худди ўзингга ўхшаётганди. Сендаги икки ёқламалик, жиддийлик билан енгилтаклик болангда ҳам аниқ кўзга ташланаётган эди, сенга ўхшаб борган сари унга муҳаббатим оша борди. Ўзи яхши ўқирди, французчани балодай гапирарди, китоб-дафтарларини озода тутарди, қора духоба костюми билан оқ матрос кўйлакчаси ўзига бирам ярашардики! Қаерда бўлмасин, ҳамиша чиройли, озода кийиниб юрарди; Градодадаги пляжда айланиб юрганимизда хотинлар тўхтаб, узун-узун малла сочларини

силаб кўйишарди; Зиммерингда чана ўйнаб юрганида одамлар қайрилиб қараб қолишарди. Шундай ёқимтой, нозик, ширин эдики. Шу йил Терезианум интернати-га кирганди, ўн саккизинчи аср сипоҳилари сингари форма кийиб, кичкина шамшир тақиб юрарди – ҳозир эса биттаю битта кўйлакчада ётибди, лаблари кўкариб кетган, кўлларини кўкрагига қовуштириб кўйишган.

Эҳтимол, сен мендан: «Болани бундай зеб-зийнат ичида боқиб парвариш қилишга, зодагонлар сингари енгил, хушчақчақ ҳаёт кечиришга пулни қаёқдан топдинг?» – деб сўрарсан. Севгили ёрим, сен билан зулмат қаъридан туриб гаплашяпман, уяладиган ҳолим қолган эмас, саволингга жавоб ҳам бераман, лекин чўчима, азизим – мен ўзимни пуллардим. Тўғри, кўча-кўйларда санқиб, фоҳишалик қилганим йўқ, лекин бозорга солганим рост. Бой-бадавлат дўстларим, жазманларим бор эди; дастлаб уларни мен қидириб топдим, кейинчалик улар мени қидириб қолишди, чунки мен гўзал эдим, буни сен ҳам фаҳмладингми йўқми, билмайман. Кимнинг бағрига кирсам, у мендан миннатдор бўлиб, элакиб қолар, яхши кўрарди, фақат сен ёқтирмадинг, севгилим!

Ростини айтганим-чун мендан ҳазар ҳам қиларсан! Биламан, ундай қилишга кўнглинг бормайди, ҳаммасига ақлинг етади, сени деб, болангни деб шу йўлга кирганимни тушунасан. Бир куни туғруқхона палатасида қашшоқлик даҳшатлари билан юзма-юз келдим, ғариб, нотавонларнинг умри ҳамиша хўрликда ўтишини, бу дунёда камбағалга рўшнолик йўқлигини ўзим ҳам билардим, шу ваздан фарзандинг, оппоғинг ертўла, зиндонларда, чувриндилар орасида, кўча-кўйларда, ваҳшийлик ва разолат ичида, сасиб-бурқсиб кетган ахлатхоналарда сарсон-саргардон бўлмасин, дедим-да, азизим. Унинг бежирим дудокларидан ёмон сўз чиқмасин, етмиш-ямоқ ёпинчиғи момикдай ба-

данига ботмасин, дедим; боланг ҳеч нимадан кам, бу дунёнинг ҳамма нози неъматини-ю, ҳузур-ҳаловатидан бенасиб бўлмасин, сендай мартабаси улуг, ҳаёт гулшанидан баҳраманд бўлсин, дедим.

Севгилим, фақат шуни деб ўзимни бозорга солдим. Буни мен фидойилик деб ҳам билганим йўқ, чунки номус ва шармисорлик деган нарсаларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмаганди; сен мени яхши кўрмадинг, тан-жоним фақат сенга аталганди, сенки яхши кўрмаганингдан кейин, бошқа ҳаммаси мен учун бефарқ бўлиб қолганди. Эркакларнинг эркалатишлари, астойдил ёниб-куйишлари ҳам менга асло қилмасди. Лекин баъзи бирларини жуда ҳурмат қилардим, беилтифот қолган муҳаббатим ёдимга тушиб, уларга чин юракдан ачинардим. Таниш-билишларим – ҳамма менга раҳмдил эди, мени ҳаммалари эркалатиб бошларига кўтаришар, иззатимни бажо келтиришарди. Ёши бир жойга борган, хотини ўлган бир граф мени ўз қизидай яхши кўрарди, никоҳсиз туғилган болангни Терезианумга жойлаш учун жонкуярлик қилган ҳам шу одам. Уч-тўрт марта мени никоҳига олмоқчи бўлиб рухсат сўради, хўп десам, ҳозир Тиролда ажойиб қасри бор бека бўлиб юрардим, ҳамма ғам-ташвишларимдан ҳам қутулардим, боланг меҳрибон, раҳмдил оталик ҳам бўларди, мен эса олижаноб, раҳм-шафқатли, хушфеъл эрлик бўлардим. Рад жавобим кўнглига қаттиқ ботишини билсам ҳам розилик бермадим. Бу қилган ишим, балки ақлдан эмасдир, йўқса ҳозир кунларим бирон боғи эрамда, ҳузур-ҳаловатда ўтарди, нуридийдам ҳам ёнимда бўларди, лекин сенга энди тўғриси айтмай, қўл-оёғимни боғлаб қўйгим келмади, севган ёрим учун ҳар бир соат ҳозир турай, дедим. Қаердадир, қалбимнинг бир бурчагида болалик чоғимдаги орзум, ақалли бир соатга бўлса ҳам ҳали мени ёнига чорлайди, деган ўй яшириниб ётарди-да. Кўрдингми, шу бир соатни деб

ҳаммасидан воз кечдим, қўлим боғланмасину, чорлаган замон ёнига етиб борай, деган умид билан юравердим. Ахир ёшлиқдан, кўзим очилган дақиқадан бошлаб бутун ҳаётим сенинг фироқингда ўтди-ку!

Дарҳақиқат, орзиқиб кутганим шу висол соати ҳам етиб келди. Лекин, севгили ёрим, сен уни билмайсан, ундан беҳабарсан! Бу гал ҳам мени ҳар қачонгидек танимадинг! Ахир, илгарилари ҳам тез-тез театр, концертларда, пратерда, кўча-кўйларда сени кўриб юрардим – ҳар кўрганимда юрагим орқамга тортиб кетарди, лекин менга қиё ҳам боқмасдинг: ташқи қиёфам жуда ўзгариб кетганидан, кўрқоқ ўсмир болалик ёшидан ўтиб, расмана хотин бўлиб қолгандим, қадди-қомати келишган, суқсурдай жувон дейишарди мени; ҳамиша башанг кийиниб юрардим, жазманларим атрофимда гирдикапалак эди. Ғира-шира ёруғда ётоқхонангда кўрган кўрқоқ қиз эканимни қаёқдан ҳам билардинг. Баъзида ҳамроҳларимдан биронтаси сен билан саломлашса, саломга алик берардингу, менга бир кўз ташлаб кўярдинг, одоб юзасидан совуққина қараш қилардинг, бир дақиқалик қизиқсиниш аломати эди бу, нотаниш, етти ёт бегонанинг кўз қараши эди бу. Танисмай ёнимдан ўтиб кетишларингга кўникиб қолган бўлсам ҳам бир кун кўнглимга жуда қаттиқ тегиб кетди; театрда эдик, дўстим билан биз бир ложада, сен ёнимиздаги ложада эдинг. Увертюра бошланди, чироқ ўчди, шундан кейин юзингни кўролмай қолдим, лекин ёнгинамда ўшатундаги сингари нафас олишингни эшитиб ўтирдим, нозик, ингичка қўлингни ложаларимизни бир-биридан айириб турган бахмал тўсиққа қўйиб ўтирган экансан. Бир вақтлар мени эркалатган, қанча бегона бўлса ҳам шунча суюкли қўлингни эгилиб бир ўпгим келдики! Мусиқа садоларидан ҳаяжоним жўш уриб кетди. Телбалардек ўзимни йўқотиб, қўлларингга лабларимни қўйиб, қаттиқ-қаттиқ ўпиб олишимга сал қолди, ўзимни

зўрға босиб олдим. Бир пардадан кейин уйимга олиб бориб қўйишни дўстимдан илтимос қилдим. Қоронғида шундоққина ёнимда ўтирсангу, кўнглинг шунча олисда юрса – ёнингда ўтиришга ортиқ тоқат қила олардимми?

Лекин кутган соатим келди, умрим хазон бўлганда, сўнгги марта яна келди. Бундан бир йил илгари, туғилган кунинг эртасига бу воқеа рўй берди. Қизиқ, ўшанда кун бўйи хаёлим сендан нари кетмаса-я, чунки туғилган кунинг азалдан мен учун улуғ айём эди-да. Сахарлаб уйдан чиқдим, оқ атиргул сотиб олдим-да, ҳар галгидай у гулларни эсингдан чиқариб юборган ширин онларимиз хотирасига атаб сеникига юбордим. Кундузи ўғлим билан тоза ҳавода сайр қилдик, уни Демель кондитерхонасига, кечқурун театрға олиб бордим – у ҳам ҳеч нимадан шубҳаланмай, ёшлик чоғидан шу кунни қандайдир сирли байрам деб эслаб юрсин, дедим. Эртаси кечқурун ўша кезлардаги брүнлик дўстим, ёш фабрикант билан концертға бордик, у билан икки йилдан буён бирға турардик. Меҳрибон, иззат-хурматимни жойига қўювчи бу йигитнинг ҳам бошқалар сингари менга уйланиш нияти бор эди, ўғлим билан иккала-мизга тез-тез совға олиб келиб турарди, шундай одамнинг таклифини ҳеч сабабсиз рад қилиб келардим: ўзи анча бамаъни, тузук одам эди, бир қадар калтафаҳмроқ эди-ю, лекин садоқати зўр бўлганидан у билан бошқачароқ муомала қилиш керак эди. Концертда танишларимизни учратиб қолдик, ҳаммамиз Ригнштрасселдаги ресторанға кетдик, ўйин-кулги орасида нимагадир Табарен танцахонасини кўнглим тусаб қолди. Одатда шунақа жойларға таклиф қилганларида ўзим унамасдим, чунки шовқин-сурон, маст-аласт, вақтихушлик қилишларни жиним ёқтирмасди; бу гал қандайдир сеҳрли бир куч мени шундай таклиф қилишға мажбур этганди, ҳамма жўралар бажонидил таклифимни қувватлашди. Сабабини ўзим ҳам билмайман, лекин, негадир юрагим

орзиқиб ўша жойга боргим келаверди, гўёки у ерда қандайдир ғайриоддий, тасодифий бир ҳол мени кутиб тургандай. Ҳамроҳларим ҳамиша кўнглимни топиш пайида бўлиб туришарди, шу ондаёқ ўринларидан туриб, ҳаммамиз Табаренга жўнаб кетдик, унда шампан виноси ичдик, мен жававаси тутиб қолган одамдай чунонам шўхлик қилдимки, асти қўяверасан, илгарилари ҳеч бундай бўлмасдим. Уст-устига ичаверибман дегин, шўх, ўйноқи қўшиқ айтувчиларга қўшилиб мен ҳам қўшиқ айтибман, ўртага тушиб ўйин тушишимга ёки бутун зални бошимга кўтариб қаҳ-қаҳ уришимга сал қолибди. Тўсатдан юрагим муз қотгандай, ёинки олов бўлиб ёнгандай ҳис қилдим ўзимни – сени кўриб қолдим: ёнимиздаги столда жўраларинг билан ўтирибсану, кўзларинг чақнаб менга шавқ эҳтирос билан қараб турибсан, бу қарашинг ҳар вақт у ёқ бу ёғимдан ўтиб кетарди. Ўн йил мобайнида яна бир бор менга зўр эҳтиросли назар ташладинг, бу фақат сенга хос фазилят эди. Аъзойи баданимда титроқ турди, кўтарган қадаҳим кўлимдан тушиб кетаёзди. Яхшиямки, ҳамроҳларимдан ҳеч ким саросимадалигимни фаҳмламади, чунки саросималигим қаҳ-қаҳ кулги билан мусиқа садоларига кўмилиб кетганди.

Борган сари қаттиқроқ тикила бошладинг, оташин назаринг мени ўтдай куйдираёзди. Ахири мени танидимикин ёки кўзига янги бир нотаниш аёлдай кўриндимми, деб разм солиб фаҳмлаб олишга уриниб кўрдим. Юзим ловиллаб кетди, дўстларимнинг саволларига паршонлик билан жавоб бердим. Нигоҳинг мени ҳаяжонга солиб қўйганини фаҳмламаслигинг мумкин эмасди, бир дақиқа вестибюлга чиқсангиз, дегандай бошинг билан билинар-билимас ишора қилдинг. Кейин атайин ҳаммага эшиттириб ҳисоб-китоб талаб қилдинг-да, ўртоқларинг билан хайрлашиб чиқиб кетдинг, кутаман, дегандай менга яна бир ишора қилиб қўйдинг. Баданим увушгандай, ичимдан титроқ турди, тилим калимага

келмай қолди, бутун вужудимни қамраб олган ҳаяжонни босишдан ожиз қолдим. Худди шу дақиқада бир жуфт негр пошналари билан ер қоқиб, чинқириб-бақириб ўша кезларда одатга кирган қандайдир ажойиб бир рақсни ижро эта бошлади; ҳамманинг кўзи ўшаларда эди, ўрнимдан туриб, дўстимга: «Ҳозир келаман», дедим-да, орқангдан чиқдим.

Вестибюлда, кийим иладиган жойда кутиб турган экансан: мени кўриб чеҳранг очилиб кетди, табассум билан менга пешвоз келдинг; танимаганингни дарҳол фаҳмладим; ўсмирлик чоғларим ҳам, қизлик вақтларим ҳам эсингга тушмади; мени яна қандайдир янги, номаълум аёл деб билиб майл қилдинг:

– Мен учун ҳам бирон соат вақтингиз топилармикин? – деб сўрадинг, бамайлихотир, дадил туриб гапиришингдан, мени бир кечага сотиб олса бўладиган аёллардан деб билганингни тушундим.

– Албатта, ҳа, – дедим ўша қалтироқ овоз билан, бундан ўн йил муқаддам «ҳа» деган бу сўзни бир кун қош қорайган пайтда кўчада кўрқоқ бир қиз оғзидан эшитгандинг.

– Қачон кўришсак бўларкин? – деб сўрадинг.

– Қачон хоҳласангиз, – дедим. Сендан уяладиган ерим йўқ эди-да. Ҳайрон бўлиб менга қарадинг, ҳу, ўша оқшомда ҳам худди шундай таклифингга дарров кўна қолиб, сени ҳайратда қолдиргандим.

– Ҳозир ҳам майлими? – деб бир қадар қатъиятсизлик билан савол бергандинг:

– Ҳа, майли, – деб жавоб бердим, – қани, кетдик, – дедим-да, мантомни олиш учун кийим осадиган жойга қараб юрдим.

Кийимларимизнинг номери дўстимда қолгани эсимга тушди. Қайтиб, бирон сабаб кўрсатмай номерни олиб чиқиш маҳол эди, лекин сен билан биргаликда ўтказадиган бир соатлик фурсатни – шунча орзу қилиб

кутган фурсатни қўлдан беришга ҳам асти кўнглим бўлмади. Ўйлаб-нетиб ўтирмай, кўйлагим устидан шол рўмолимни ташлаб, рутубатли тун кўйнига ўзимни урдим, мантом ҳам, мени жонидан азиз кўрган раҳмдил дўстим ҳам кўзимга кўринмади. Ҳолбуки, бир неча йилдан буён ўшанинг пули билан кун кўриб келаётгандим, энди уни иснодга қолдириб, шармандага шерик қилдим: ахир, икки йилдан буён бирга турган жазмани ҳамманинг кўз олдида қандайдир бир одамнинг пинжиги кириб қочиб кетса-я! Бу ишим нақадар пасткашлик, кўрнамаклик, шармандалик эканини ўзим ҳам яхши билардим; ножўя иш қилаётганимни, обрўли, содиқ дўстимни иснодга қолдириб хафа қилаётганимни тушуниб турардим, энди ёлчиб кун кўриб турганимда, яна ишим чаппасидан кетишига ақлим етарди-ю, лекин бетоқат истагимни қондириш, яна лабларингдан бўса олиш, эркалатиб айтадиган ширин-ширин сўзларинг олдида булар ҳеч нима эмасди. Сенга муҳаббатим шу қадар зўр эди: бўлар иш бўлиб ўтди, энди сенга буларни бемалол айтсам бўлаверади. Назаримда, агар ўлим тўшагида ётган тақдиримда чақирсанг ҳам орқангдан эргашиб кетишга қурбим етадигандек эди.

Ташқарида экипаж турган экан, уйингга жўнадик. Яна ўша таниш овозингни эшитдим, яқинлигингни ҳис қилдим, биринчи учрашганимиздек, бу гал ҳам бошим осмонга етиб, ёш боладай суюндим. Ўн йилча муддатдан кейин яна зинапоянгга биринчи қадам кўйиб, юқорига кўтарилдим. Йўқ, шу пайтда ҳамма нарсани – ўтмишни ҳам, ҳозирни ҳам икки ҳисса куч билан ҳис қилганимни, ўшанда ҳам ёлғиз сени ҳис этганимни айтишга тилим бормайди. Хонанг илгари қандай бўлса шундай турибди, янги суратлар, китоблар, бир оз янги анжомлар қўшилибди, холос, ўша-ўша ўзим кўрган нарсалар бари жой-жойида турибди. Ёзув

столингдаги вазада гул турибди – бу гулларни туғилган кунингга атаб кечагина ўзим юборгандим, шу онда лаби лабингга, қўли қўлингга тегиб ёнингда турса ҳам сен танимаган бир бечора хотираси учун юборганди. Нима бўлганда ҳам гулларимни сақлаб қўйганингни, атрофингда «мен»инг заррам, муҳаббатим нафаси уфуриб турганини кўриб ниҳоятда қувондим.

Мени қучоқладинг. Яна тун бўйи сеникида қолдим. Шунда ҳам мени танимасанг-а! Мен бўлсам ўзимни бахтиёр сезиб, эркалатишларингдан яйраб кетдим. Билсам, маъшуқангга ҳам, сотқин ўйнашингга ҳам муҳаббатинг бир экан, табиатинг ўзи шунақа бепарво, ҳотамтойлигидан нафсинг қурбонига айланган экансан. Тунги ресторандан бошлаб келган аёлни суйиб шунча эркалатдинг, дўстона самимият билдириб шунчалар мардонавор иззат-икром ва меҳрибонлик кўрсатдинг, айш-ишратга эҳтирос билан берилдингки, ўн йил илгаридай бу галги илтифотингдан ҳам бошим айланиб кетди, ўзингга хос икки ёқламалигингни – норасидалигим вақтида мени мафтун қилган ишқ эҳтироси бобидаги оташин шавқ-завқингни яна бир бор ҳис этдим. Бир дақиқалик роҳатни деб шунча шавқ оловини исроф қилувчи, пинҳон дил хазиналарини бошқа кимсага шунча сахийлик билан тухфа этувчи ўғлонни умримда биринчи кўришим эди, аввалига шундай ўктамсану, кейин эвоҳ, ҳаммасини табиатга хилоф, қандайдир бепоён фаромуш дарёсига ғарқ қилиб юборасан. Лекин мен ҳам ўзимни унутиб юборгандим. Сенинг ёнингда, бу қоронғи кечада кимман ўзи? Маъшуқангми, ё фарзандинг волидаси ёки ресторанма-ресторан юрадиган бегона аёл? Оҳ, роҳат берувчи эркалатишларинг илгари бошдан кечирганларимга ўхшарди-ю, лекин бунда киши ҳеч ҳам қониқмайдиган бир янгилик ҳам бор эди! Шу туннинг охири бўлмаса кошкийди, деб тилак тилаб чиқдим.

Бироқ тонг ҳам етиб келди, ўрнимиздан турганимизда алламаҳал бўлиб қолган экан; мени нонуштанга таклиф этдинг. Кўзга кўринмас меҳрибон қўллар тайёрлаган нонушта вақтидаги суҳбатимиз ҳам ширин бўлди. Бу гал ҳам оғзингдан бирон ножўя гап чиққани йўқ, қизиқсиниб савол ҳам бермадинг, апоқ-чапоқ гаплашиб ўтирдик. Кимлигимни ҳам, қаерда туришимни ҳам сўрамадинг, назарингда, мен тўсатдан оёғинг тагидан чиқиб қолган саргузашт, ҳавога тарқалиб кетадиган тутун сингари хотирдан кўтарилувчи бир дақиқалик бемаъни ҳавас эдим, холос. Яқинда икки-уч ойга Шимолий Африкага жўнаб кетсам керак, дединг; юрагим «шув» этиб, ичимдан титроқ турди, шодлик ўрнини маъюслик олди, чунки: «Тамом, энди ҳаммаси унут бўлиб кетади!» – деган сўзлар қулоғим тагида жаранглаб кетди. Ўзимни оёғингга ташлаб: «Мени ҳам олиб кетсанг-чи, шунча йилдан сўнг, ниҳоят, кимлигимни билардинг!» – деб фарёд кўтаргим келди. Лекин менда журъат етишмасди! Итоатли қулинг эдим! Мен фақат: – Афсус! – дедим.

Сен илжайиб менга қарадинг-да:

– Чиндан ҳам афсусланасанми? – деб сўрадинг.

Шу пайт ўзимни тутолмай қолдим, юрагим дукиллаб кетди. Ўрнимдан туриб, сенга узоқ тикилиб қарадим, сўнгра:

– Менинг севгили ёрим ҳам ҳамиша жўнаб кетарди, – деб кўзингга тик қарадим. «Ҳозир, мана ҳозир мени танийди!» – деган умид билан кўрқа-писа кутиб қалтирардим. Лекин менга бир илжайиб қўйдингу, тасалли бериб:

– Кетганларнинг, ахир, қайтиб келиши ҳам бор-ку, – дединг.

– Ҳа, – дедим мен, – лекин қайтсалар ҳам унутиб қайтадилар.

Бу сўзларни бошқачароқ оҳангда айтган бўлсам керак, улар қандайдир ғайритабиий, зўр эҳтирос билан жаранглади шекилли, сен ҳам ўрнингдан туриб, ажабланиб, меҳр билан юзимга қараб қолдинг. Қўлларинг билан икки елкамдан тутиб:

– Яхши нарса унутилмайди, сени ёдимдан чиқармайман, – дедим, худди суратимни хотирангда сақлаб қоладигандай кўзларимнинг ич-ичларига назар ташлаб. Бир нарсани қидиргандай кўзларимга тикилган, бутун вужудимни ўзига сингдириб олмоқчи бўлган шу назарингни ҳис этиб: «Ҳа! Кўзларини тўсиб турган парданинг тушар куни ҳам бор экан-а!» – деб хаёлимдан ўтказиб қўйдим. «Энди мени танийди, энди танийди!» – деган фикрдан дилим шу қадар севинчга тўлдики!

Ҳайҳот, мени танимадинг. Таниш у ёқда турсин, ҳатто ҳеч қачон сенга бунчалик ёт кўринмаган бўлсам керак, йўқса, орадан бир неча дақиқа ўтгач, қилган қилиғингга нима дейсан? Мени ўпдинг, яна бир марта қаттиқ қучиб ўпгандинг, тўзғиб кетган сочларимни яна эплаб тузатиб олишим лозим бўлиб қолди. Бир вақт ойна олдида туриб қарасам муфтамга икки дона катта қоғоз пулни секин қистириб қўйяпсан, уялганимдан ҳанг-манг бўлиб, йиқилиб тушишимга сал қолди. Бақриб юборишдан, юзингга шапалоқ уришдан ўзимни қандай тутиб қолдим, билмайман, болалигимдан меҳр қўйиб севганману, яна болангнинг онаси бўлсаму, бир кеча ётганим учун менга ҳақ тўласанг-а, ноинсоф! Мени Табарендан келган фоҳиша деб билиб, бир кечалик ҳақимни тўладинг-а! Унутиб юборганинг етмагандай, мен ғарибни яна ерга уришинг бормиди?!

Шошилиб нарсаларимни йиғиштира бошладим. Ишқилиб, шу ердан тезроқ йўқолай, дедим, дилим қаттиқ жароҳатланганди. Шляпамни қўлимга олдим, у ёзув столида, ўзим юборган оқ гуллар солинган ваза ёнида

турганди. Шу онда яна бир истак мени қамраб олди ва уриниб кўришга қарор қилдим.

– Оқ гулларингдан биттасини менга берсанг-чи, дедим.

– Жоним билан, – дея жавоб бердинг, дарров вазадан бир дона гул олиб.

– Бу гулларни сени яхши кўрадиган бирон аёл совға қилиб юборган бўлса-чи? – дегандим.

– Балки, билмадим, – деб жавоб бердинг.

– Совғага келган гулку-я, лекин ким юборганини билмайман. Шу ваздан бу гуллар менга азиз, дединг. Шу онда сенга бир қараб олдим.

– Ким билсин, бу гулларни ҳам сен унутиб юборган бирон аёл юборгандир!

Ажабланиб менга қарадинг. Мен эса кўзингга тик қараб туравердим. «Танисанг-чи, ақалли энди танисанг-чи», – дея фарёд қиларди кўз қарашларим. Аммо қарашларингда меҳр билан беҳабарлик аломатлари бор эди, холос. Яна бир марта лабимдан ўпдинг. Лекин мени танимадинг.

Шоша-пиша эшик томон қадам кўйдим, кўзларимдан тирқираб ёш оқишига сал қолди, лекин зинҳор кўз ёшимни сенга кўрсатмасликка аҳд қилгандим. Ўқдек отилиб чиқиб кетдим, йўлакда оз бўлмаса хизматкорингга ўзимни уриб олардим. У лип этиб ўзини четга олди, зўр илтифот билан менга эшик очиб турди. Худди шу лаҳзада, эшитяпсанми, худди шу лаҳзада ёшли кўзим билан кекса хизматкорингга қарагандим, унинг кўзида қандайдир бир нур порлади. Эшитяпсанми? Иоганн ёшлигимдан буён шу дамгача мени бирон марта кўрмаган бўлса ҳам, шу биргина лаҳзада у мени таниди. Мени танигани учун тиз чўкиб қўлларини ўпгим келди. Мени шармандаи шармисор қилган пулингни муфтамдан олиб хизматкоринг қўлига тутқаздим. Уни титроқ босди, олазарақ бўлиб менга боқди. Бутун умр бўйи

сен эсламаган мен ғарибнинг ҳолини хизматкоринг шу лаҳзада пайқади шекилли. Ҳамма мени жонидан азиз кўрарди, меҳрибон эди, фақат сен, ёлғиз сенгина мени эсламадинг, фақат сенгина танимадинг мен шўрликни!

Фарзандимиз жон берди, энди бу дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Лекин менга ким ҳам бўлардинг, сен, ҳеч қачон мени танимаган, ҳамиша ёнимдан тиниқ сув ёнидан ўтгандай ўтиб кетган тошни босиб ўтгандай юзимга оёқ қўйган, ҳижрон ўтига ташлаб, бир умр куттирган сен ким ҳам бўлардинг менга? Назаримда, бир гал сени топиб олгандай ҳам бўлдим, лек бу сенинг фарзандинг эди: у ҳам раҳм-шафқат қилмай мени ёлғиз ташлаб, саётига жўнаб кетди, муштипар онасини унутди, энди сира қайтиб келмайди. Яна бу дунёда ёлғиз ўзимман, яна баттар ғариби нотаваонман, қўлимда сендан бирон ёдгорлик ҳам йўқ: на болам бор, на ўзинг, на сўзинг, на бир сатр мактубинг, на бирон нишонинг; номим қулоғингга бориб етганда ҳам у сенга бирон маънони билдирмайди! Сен учун ўлик эканман, нега ўлим тиламайин ўзимга, сен мени ташлаб кетган экансан, нега мен ташлаб кетмай сени? Йўқ, севгили ёрим, сендан гина қиладиган ерим йўқ, шодлик тўла уйингни ғамхонага айлантириш ниятим йўқ; кўрқма, ортиқ жонингга ҳам тегмайман; кечир мени, болагинамнинг жон берганини кўриб, юрагимни бўшатиб олмасдан иложим бўлмади. Сенга бир мартагина дарди аламларимни изҳор қилмасам бўлмасди, кейин яна зим-зиё йўқолиб кетаман, ҳузурингда ҳамиша гунг эдим, яна гумдон бўламан-қоламан. Хотирингни жам қил, тириклигимда дод-фарёдимни эшитмайсан, сени ҳаммадан яхши кўрган, лекин сен, асло тан олмаган, умр бўйи йўлингда зор-интизору, ёнига чақирармикан, деб кўзи тўрт бўлиб кутган аёл васиятномаси ўлганимдан кейин қўлингга бориб тегади. Эҳтимол, ўшанда ёнингга чорлайсану, ле-

кин у биринчи марта сенга бевафолик қилади: гўримда даъватинг қулоғимга бориб етмайди. Сенга бирон сурат ҳам, бирон хотира-нишона ҳам қолдирмайман, сен ҳам менга атаб бирон нарса қолдирганинг йўқ-ку, ахир; ҳеч қачон мени билмадинг, бундан буён ҳам билмайсан. Тириклигимда қисматим шу эди, майли, ўлганимда ҳам шу бўла қолсин. Умримнинг охири дақиқаларида сени ёнимга чорлаб нима қилдим, мен бу дунёдан бош олиб чиқиб кетаман, номимни ҳам билмай, юз-кўзларимни ҳам кўрмай қолаверасан. Осонгина жон бераман, нега деганда, олисда буни сезмайсан ҳам. Ўлимим сенга оғир туюлганда, жон беришим жуда малол бўларди.

Ортиқ ёзишга мадорим қолмади... бошим зилдай оғир тортиб кетди... аъзойи баданим қақшаяпти, иссиғим баланд... Ётмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Бир оздан сўнг ҳаммаси тамом бўлар, эҳтимол, бир мартагина тақдир менга раҳм-шафқат қилиб, болагинамни қандай олиб кетишларини кўрмасман... Ортиқ ёзишга мадорим йўқ... Алвидо, севгилим, раҳмат сенга. Нима бўлган бўлса, ҳаммаси яхшиликка бўлди, майли... сўнгги нафасимга қадар сендан миннатдорман. Дилимдаги ҳамма дардимни айтиб, енгил тортиб олдим, сен ҳаммасидан хабардорсан, йўқ, сенга муҳаббатим қанчалик зўр бўлганини фақат тусмоллаб биласан, холос, лекин муҳаббатимнинг сенга оғирлиги тушмайди. Соғиниб қийналмайсан ҳам, бундан ҳам кўнглим тўқ. Гўзал, порлоқ ҳаётингда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди... ўлимим ҳаётингга доғ туширмайди... бунга кўнглим тўқ, азизгинам.

Лекин, туғилган кунларингга атаб энди ким оқ гул юбориб туради? Вазанг бўшаб қолади, ҳаётимнинг йилда бир бор сенга келиб турган шабадаси ҳам таралиб, йўқ бўлиб кетади! Азиз ёрим, қулоқ сол, илтимос қиламан... биринчи ва сўнгги илтимосим... мени десаңг, шу илтимосимни бажо келтир: ҳар йили туғил-

ган кунингга атаб гул сотиб олиб, кўк вазангга келтириб қўй, ахир ҳар бир кимса ҳам туғилган куни ўзини ўйлайди-да. Азизгинам, шу илтимосимни бажо келтир, бошқалар оламдан ўтган азиз кишиларни йўқлаб дуо-фотиҳа қилганлари сингари, сен ҳам менга атаб гул сотиб ол. Лекин мен ортиқ худога ишонмайман, дуосининг ҳам менга кераги йўқ, сенга ишонаман холос, сени севаман... оҳ, йилда бир мартагина, ҳеч кимга билдирмай, эшиттирмай умримни сенинг қошингда ўтказганим сингари... вужудингда яшагим келади. Илтимосимни бажо келтир, азиз ёрим... бу менинг ҳам биринчи, ҳам охирги илтимосим... раҳмат сенга, севгили ёрим, севгилим... алвидо...

Ёзувчининг қўллари титраб кетди, мактубни бир чеккага суриб қўйди. Сўнгра узоқ хаёлга чўмди. Ғира-шира хотиралар хаёлида жонланди – қўшни бола, қизча, тунги ресторанда учратган аёли, хотиралари худди сув остида жимирлаб турган тош суратидай ноаниқ эди. Бир соя ўрнини иккинчиси олиб турарди-ю, лекин бирон аниқ сиймо кўринмасди. Унинг қалбида ниманингдир хотираси сақланарди-ю, лекин ниманинг хотираси эканини эслай олмасди. Назарида буларнинг барини ўқтин-ўқтин тушида, фақат тушида кўргандай бўларди.

Тўсатдан олдида, ёзув столида турган кўк вазага кўзи тушди. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта туғилган куни ваза бўш қолганини кўриб, бир сесканиб тушди; тўсатдан ғойиб эшиги очилиб, тинч хонасига бошқа бир оламдан совуқ шамол босиб киргандай бўлди. Ўлим нафасини ҳам, ўлмас муҳаббат нафасини ҳам ҳис қилди; қалбида нимадир очилгандай бўлди-ю, бесамар шарпадай, узоқ эҳтиросли таронадай ўтиб кетган ҳаётини ўйлаб қолди.

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШ

Ўзбекистон

(1962 йилда туғилган)



СУНБУЛАНИНГ ИЛК ШАНБАСИ

Сентиментал қисса

I

...Зоҳиран, тараддуд бир ой-қирқ кун бурун бошлангучи эди.

Баайни ўзига орқаворатдан тақалган «Довдир» лақабини оқлаётгандай, ҳамхонам алланечук ҳаяжонланган-тўлиққан аҳволга туша борар; кўллари қалтираб, ёноқлари пир-пир учаётганини истаган одам беш газ наридан илғаб олиши мумкин бўлиб қолган маҳаллари эса ич-ичига ботган бесаранжом кўзларида қандайдир телбавор жунун учкунлари ўйнай бошларди. Шунда у энди-энди оламни англаб бораётган гўдак мисоли ҳуда-беҳудага ўз-ўзидан маъсумона жилмаяверар, бошқа пайтлари бир туки қилт этмай эшитадиган латифаларни айтиб қолгудай бўлсам, менинг ҳар бир сўзимни ҳайратланиб, ютоқиб тингларди-да, гоҳ шарақлаб, гоҳ силласи қотиб қолгунча яйраб кулаверарди-кулаверарди. Шодумонлик боиси менинг латифаларим эмаслигини яхши англаб турардим, илло орадан бир сония ўтар-ўтмас у мутлақо бошқа мавзудан сўз очиб қолар ёхуд столида ётган истаган мавзудаги мақолани шариллатиб, оҳангдор маромда ўқишга тушиб кетарди. Мен одатда, ўзимча «Кўр кўзнинг очилиши» дея андак истехзо билан атайдиган жараён ибтидоси шундай кечарди.

Ҳамхонам чиндан-да бадбахт сўқирлик балосидан секин-аста мосуво бўлиб бораётган бахтиёр довдир мисо-

ли менга, хонадаги алмисоқдан қолган буюмларга, деразага, осмонга, столида уюлиб ётган қоғозларга – гўё буларнинг барисини энди-энди кўриб тургандай – ташналик, ихлос билан тўймай тикилар; баъзида деразага келиб кўнган битта пашша ҳам унинг ҳаяжон вулқони отилишига баҳона бўлаверар, шундай фурсатлари у ўрнидан отилиб турасола ойна қошига келарди-да: «Бунни қаранг-а, Аптиқайим ака (у менинг исмимни сира тўғри талаффуз қилолмасди), бунни қаранг-а!» деб ўзи маҳлиё бўлиб термулаётган пашшагами, чивингами ишора қилаверар, менинг мийиғимда илжайганча: «Хўш, қарадим, кейин-чи?» деган сўроғимга баттар ҳаяжонланиб, улуғ бир кашфиёт яратаётгандай: «Зўр-а, зўр-а!» деганча, дир-дир титраётган бармоғини бизнинг ташвишларимиздан беҳабар ҳолда ўзича минғиллаб учиб юрган безабон жондорга ниқташини кўймасди. Бундай маҳаллари хонада иккаламиз бўлсак-ку, яхши, ҳар қалай, мен унинг бунақанги ажабтовур қилиқларига кўникиб қолганман. Бироқ хонада кўпинча бегоналар, хусусан, мақола ё шиғир-пиғир кўтариб келган муаллифлар ҳам ўтирган чоғлари, айниқса, улар аввалига ҳамхонамга ажабланиб қарашиб, сўнг менга «Жинни экан-ку бу!» демоқчи бўлишаётгандай гўёки дўстона, аслида ачинишиб ёхуд майна қилишиб, энг ёмони – бадхоҳлик ила кўз қисганларида (ў, нечун бировнинг камчилигини кўрган заҳоти ўша одамга нисбатан ҳурматимизни йўқотиб, дарров уни менсимай кўямиз-а), баъзи бирлари эса елкаларини учиришиб, турли имо-ишоралар қилишга уринганлари ҳолда менга ўз ҳамдардликларини изҳор этишга шошилишганлари маҳал туйқус кўксимни куйдириб ўтган ғазаб туйғуларига эрк берганча ўрнимдан турасола бу безбетларнинг башарасига солиб юборишга ҳаққим йўқлигини англаш туйғусидан уйғонган ночорлик аламидан бўғзимга муштдай бир нима келиб тикилади-ю, ҳамхонамнинг чақнаётган кўзлари-

га қараб бош ирғаб қўяман-да, бир амаллаб: «Ҳа, жўра, зўр, жуда зўр», дейман. Ўз фикрининг тасдиғини эшитиб янада тўлиқиб кетган, юз-кўзлари баттарроқ ловуллаб ёна бошлаган ҳамхонам қандайдир қоғозларни кўтариб чиқиб кетар-кетмас (ҳойнаҳой, у қуюлиб келган кўз ёшларини яшириш учун шундай йўл тутарди), қаршимда энди бемалол ялпайиб ўтириб олган безбет муаллифнинг «Кўшнингиз анақароқми дейман-а?» дея шаҳодат бармоғини чаккасига тақаб, айлантиришини кўрмаслик, ўзининг шундай эмаслигидан мамнунлик, ҳузур туйғулари мана-ман деб сезилиб турган палағда овозни эшитмаслик учуноқ, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, столимнинг барча жавонларини бирин-кетин қарсиллатиб очиб-ёпишга тушаман. Шу тарзда ўзимни кўру карга солиб, бемаъни машғулотимни кўзлари қизаринқираган ҳамхонам қайтиб келиб жойига ўтиргунга қадар давом эттираман.

Баъзида, юмушлар сал камайган маҳал, қоғозга қараб тургандай кўринсам-да, аслида уни кўз қиримда кузатаётганимдан беҳабар ҳамхонам ўз-ўзидан тўлиқиб, энтикиб, қайта-қайта оғиз жуфтлайди, стулини ғичирлатиб ўрнидан турмоққаям чоғланади, аммо, афтидан, фикримни чалғитиб қўйишдан чўчиса керакки, миқ этмайди. Шундай пайтлар мен қаламимни «тақ» этказиб столимга ташлайман-да, маза қилиб керишиб олгач, «Хўш, ука, – дейман овозимга бепарво тус беришга уриниб, – кенг оламда не гап?». «Э, ака, – дейди ҳамхонам шоша-пиша, гўё зўр янгилик айтаётгандай, – кенг оламда гап кўп, ака, гап кўп». «Бир шингил эшитайлик бўлмаса». «Шу, ака, энди-и...» Сезиб тураман, у қандайдир муҳим, жуда муҳим бир нимани айтмоққа чоғланади, бироқ сўнгги лаҳзаларда фикридан қайтади. «Шу, ака, шанба куни ишламаслигимиз зўр-да», дейди у ниҳоят янаям ажойиб гап айтаётгандай кўзлари чақнаб. «Ҳа, энди, бу ер шаҳар-да, – дейман кулимсираб.

Сўнг, қувлигим тутиб, қўшиб қўяман: – Лекин, ука, бу ойда бирон шанба ишласак керак-ов...» Ҳамхонамнинг капалаги учиб кетади: «Қайси шанба?» «Кўриб турибсиз, – дейман жиддий бўлишга уриниб, – иш кўп, шунга, бирон шанба ишга чиқсак, ҳеч ким халақит бермайди, ишам унади». «Йўғ-э, ака, – дейди ҳамхонам кўзлари пирпираб. – Ҳар қанча иш бўлса бераверинг, уйга олиб кетиб қилавераман. Фақат шанба куни ишламайлик». Ўзимни ўйланиб қолганга соламан: «Қандай бўларкин...» Ҳамхонам жовдираб қарайди: «Зўр бўларди-да, ака». Хуллас, мен бир муддат оёқ тираб туриб оламан-да, охири таслим бўламан. Ийиб кетган ҳамхонам менга қандай миннатдорчилик билдиришини билмай энтикиб қолади. Ҳолбуки, бу бир ўйин, холос. Зеро, мен ҳам, ҳамхонам ҳам, биз ишлайдиган ўн олти қаватли, тепасида соати бор бинонинг эшиклари шанба-якшанба кунлари тақа-тақ берк бўлишини яхши билардик. Мен шунчаки, деярли йил бўйи худ-бехуд аҳволда юрадиган ҳамхонамни гапга солишдан, уни бир кўрқитиб олишдан ҳузурланардим. Ҳамхонам эса... ким билади, эҳтимол, муҳим учрашувга бораётган одам ўз соатига ишонмасдан, бошқалардан қайта-қайта сўраб чиққани сингари, ўзини яна бир бор ишонтиришдан, кўнглини хотиржам қилишдан манфаатдордир. Тўғри, ҳамхонам менинг: «Свидания борми?» деган саволимга моҳпора ойимқиздай қип-қизариб: «Йўғ-э», дейишдан нарига ўтмас, бироқ унинг нигоҳида бир лаҳзагина акс этиб кетган орзиқиш, интиқлик ёлқиниданоқ кўп нарсаларни тусмолласа бўларди.

Алоҳа, афтидан, кутилган шанба яқинлашиб қолар, мен буни ҳамхонамнинг ҳамма нарсани буткул унутиб, ўзини тамоман жунунлик ихтиёрига ташлаганидан тахминлардим. Ҳамхонам орзиқиб кутилган кун арафасида менинг гапларимни эшитмай қолар, эшитса-да, англамас, бирон ишга қўл уролмас, қўл урган

тақдирда ҳам бошлашга бошлар-у, шу заҳоти ташлаб кўяр, бесаранжом аҳволда хонага кириб чиқаверар, гўёки босиб келаётган тутқаноқнинг белгиларини олдиндан сезаётган бемор янглиғ, жуда безовта, шу билан бирга недандир ҳайиққан, чўчиган, бир нимага гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай қолаётган одам сингари гарангсиб юрарди. Унга таъсир ўтказишга уриниш беҳуда ишлигини тажрибамдан билганим боис, мен ҳам оғзимга талқон солиб ўтиришни афзал кўрардим. Бор-йўғи қилган ишим шу бўлардики, раҳбарият ҳам-хонамга топширган шошилинич топшириқларни ўзиммамга олардим-да, тили заҳаргина бўлим мудирининг «Яна жийда гуллабди шекилли, а?.. Сал кечроқ эмасми?» қабалидаги пичингларига парво қилмасликка уринган кўйи ишлаб ўтираверардим.

Ҳамхонам сўнгги кунлар ухлаб ухлолмаса керакки, кўзлари киртайиб, ич-ичига ботиб кетар, юз териси сарғайиб, оғир хастаники мисоли сўлғинлашиб қоларди. У ўтирган жойида бир нуқтага тикилиб, нечукдир оғир хаёлларга ботар, гоҳ ҳарорати кўтарилиб кетган одамдай дағ-дағ қалтираб, бир нималарни шоша-пиша ёзиб қолар, ора-сира, афтидан, сал ўзига келган чоғлари, ранги қумдай оқариб, кўзлари жовдираган алпозда мендан узр сўраётгандай ботинмайгина қарар, бироқ унинг майда-чуйда, чучмал гап-сўзларига, ортиқча мулозаматларга тоби йўқлигини билганимдан, кечирим сўрашга тили айланмаслигига имоним комил ҳолда: «Сиз ишлаб туринг-чи», дердим-да, нарсаларимни йиғиштириб, хонадан чиқиб кетаётиб, албатта эшикни ташқарисидан қулфлаб, эшикка «Биз босмахонадамиз», деган ёзувли тахтачани илиб кўрардим. Шўрлик ҳамхонам шундай дақиқаларда мендан қанчалар ризолик туяётганини, кўзларига қалққан миннатдорчилик ёшларини яшириш учун жон ҳолатда қоғоз титкилашга тушаётганини бутун вужудим билан ҳис этиб турардим.

Хонадан-хонага ўтиб, мук тушганча ишлаётган ёинки чойхўрлик қилаётган ҳамкасбларим билан бир оз валақлашгач, айвонга чиқиб, сигарета тутуни булутти орасида нарх-наво, пул каби юки енгил мавзуларда баҳслашаётган кашандалар даврасига қўшилардим.

Аслида ҳиссиётлар юқумли бўладими ё ўзга сабаблар борми, ҳар нечук, ҳамхонам ўз йўлига, бироқ мен ҳам бора-бора яқинлашиб келаётган момақалди роқ исини туяётган усти юпун, қўналғасиз, яйдоқ чўлда ёлғиз қолган муштипардай хавотирга тушадиган бўлиб қолдим. Одатда, кўнгилда ихтиёримга қарши равишда уйғониб келаётган бу туйғу энсамни қотирар, ўзимдан ўзим аччиқланиб, «Менга нима?» қабалидаги пўписалар билан ўзимни чалғитишга, юмушларга алаҳситишга уринар, аммо барча саъй-ҳаракатларим бенаф кетаётганини англагач: «бор-э!» дея барига қўл силтаб қўя қолардим-да, воқеаларнинг ўз табиий ривожиди давом этаверишини ҳамдард гувоҳ сифатида кузатиб юраверишдан ўзга иложим йўқлигини эътироф этардим.

Ҳамхонамни изтиробу азоблар, илинжу гумонлар ўтида қовурган кун кетидан кун ўтар, ниҳоят, воқеа ривожининг юксак чўққисига чиқиб, аста-секин сусайиб ўтирмасдан, бир йўла чуқурга қулаб тушиб қўя қолса керакки, оғир кун – душанбада бир бурдагина юзи кўмирдай қорайиб кетган, елкасига ўн залвор юк ортиб олгандай қадди букчайган ҳамхонам нигоҳини мендан олиб қочганича, бўғиқ овозда «Ассалом» дея кириб келарди-да, ўриндиғига ўзини ташлайсола дуч келган биринчи қўлёмани олиб, бамисоли диққат билан ишламоқчи бўлаётгандай, ундан кўз узмай ўтираверарди. Ҳамхонамнинг ранг-рўйини кўриб юрагим симиллаб оғриб кетса ҳам, овозимда ачиниш, шафқат ҳиссиётлари сезилиб қолмаслиги учуноқ (агар шу тарзда гапирадиган бўлсам, унинг оғриқ юрагини баттар заҳарлашимни, ғурурини топтаб, мислсиз хўрлашимни сезиб турардим) мен ҳам мум тишлаганча жим ўтираверардим.

Ҳолбуки, ҳамхонамга раҳмим келарди. Жуда. Унга, дунёда чорак асрдан ошиқроқ яшаб қўйган бўлса-да, ҳали ўз йўлини, наинки йўлини, ҳатто ўз сўқмоқчасини топиб ололмаган, ўз орзу-хаёлларининг иродасиз бандисига айланиб қолган гўдакка қарагандай ачиниб қарардим.

Ҳолбуки, мен уни... баъзи-баъзида ўз азоб-изтиробларини яланғочлаб кўрсатиб, ҳузур топувчи худбин эмасмикин, деган гумроҳона ўйларга борсам-да... ҳурмат ҳам қилардим, шекилли. Рўзғор, қорин, уст-бош, буюм ташвиши деган тузоқларга ўралашиб қолиб, сўнгги йиллар ичида ўйлаган ўйларимнинг тўқсон фоизи ҳисоб-китоб, пул топиш, нарса олиш каби арзимас ташвишлар билан боғлиқ бўлиб қолганини тушуниб, энди бу гирдобдан орқага, орзу-умидлар, турли хаёллар соҳилига қайтиб чиқа олмаслигимни англаганим маҳал юрагимни ўтқир тирноқлари билан аёвсиз тимдаловчи ўкинч, армон, ғазаб, чорасизлик балоларидан қутулолмай жизғанагим чиқиб юрган кезларим, ҳамхонамнинг ўз эркини буткул ҳиссиётлар ҳукмига топшириб қўядиган бир ой-қирқ кунлик телбавор ҳаёт тарзини маъқуллагандай ҳам бўлардим. Тўғри, бу маъқулловни бегоналарга айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўзим ўзимча ҳам тан олмасдим. Аммо кўнглим тўрида шундай туйғу ожизгина ғимирлаб туришидан, энди ундан қутулиб бўлмаслигимдан воқиф эдим.

Шунга қарамай, бари бир, шакарнинг ҳам ози ширин, деб бежиз айтишмаган. Вақт ўтиб, кўп нарсаларга қарашларим ўзгара боргани сайинми, ҳамхонамнинг баъзи қилиқлари менга эриш туюла бошлади. Фикримча, у энди, айтайлик, ман этилган таомдан тотиниб кўрди, инчунин, мўътадил ҳаётга қайтиб, ҳамма қатори кун кечиравериши мумкин.

Бўлим мудиримиз ачитиб айтганидай, ҳамхонам учун «жийда гуллаган» давр бошланаётган кезлар,

у билан бир астойдил, юракдан суҳбатлашиб олиш тадоригини кўра бошладим. Ҳамхонам учта оилали қўшниси билан табиий эҳтиёж ва чўмилиш хонаси бир бўлган ётоқхонасига мени таклиф қилишдан орланишини билганим учун, унинг ўзини бирор баҳона билан уйга чақиришни мўлжаллардим.

Дангасанинг эртаси тугамайди. У деб-бу деб орадан бир ҳафтача ўтиб кетди. Бир куни қарасам, ҳамхонам столига эгилиб олганча, оғзига рўмолчасини босиб, ўпкаси узилгудай тинмай йўталапти. Унинг ўқлоғдай бўртиб чиққан бўйин томирларига, бўғриққан юзига, ёшланган кўзларига қараб туриб, «қаттиқ шамоллабди-ёв», деган хулосага келдим. Чиндан ҳам шундай экан. Ҳамхонам кечаси машинкадан чиққан матнларни асл нусхаси билан солиштириб ўқиб ўтириб, дим ҳавода нафас олишдан қийналганидан ваннага сув тўлдириб тушиб олган-да, чала-чулпа артинганча (вақтни қизғанган-да, шўрлик) очик эшик-деразаларни бекитишни унутиб, ишлашда давом этган. Чўмилган одамга елвизакдан ёмон нарса борми...

Бир-икки марта «Дўхтирга боринг», деб кўрдим, бироқ ҳамхонам унамади. Нуқул: «Кечкурун аччиқ шўрва қилиб ичиб, ўраниб ётаман, ўтиб кетади», дейди ёшланган кўзларини мендан обқочиб. Сезиб турибман, ичидан йўтал босиб келиб, аранг гапираяпти, яна мендан ўз аҳволини яшириш, каттиқроқ йўталиб юбормаслик учун жон-жаҳди билан тиришиб, мушталарини қисади бечора. Ҳеч чидай олмасдан, маҳкам тишлаган рўмолчаси ҳам кўмак беролмай, нафаси ичига тушиб, қув-қув йўталиб қолган кезлари кўзларидан ловуллаб ёш қуйилади-ю, ўзи мадордан кетиб, йиқилиб қолгудай аҳволга тушади.

Зўрлашларим бефойда эканини тушунгач, менинг олдимда баттар хижолат чекавермасин, деган қарорга келиб, котиба қиздан бир пиёла қайноқ чой билан

иккита йўталга қарши дори олиб келиб бердим-да, эшикни ташқаридан қулфлаб, «босмахонага кетдим».

Тушлик олдидан келиб қарасам, аҳвол ҳамон ўша-ўша: ҳамхонам қув-қув йўталади, кўзларидан дувиллаб ёш қуйилади, нафаси ичга тушиб, бир-икки дақиқа титраб-қалтираб туриб қолади. Оёқ тираб олишига қарамай, уни мажбурлаб ётоқхонасига чиқариб юбордим.

Эртаси куни у ишга келмади. Ҳамсоясининг айтиб кетишига қараганда, ярим кечаси унинг хонасида аввал нимадир гурсиллаб тушгани, сўнг ингроқ овози эшитилибди. Кўшнилари хавотирланиб, кириб боришса, ҳамхонам алангаи оташ бўлиб ёниб, алаҳлаб, ерда ётганмиш. Кўшнилари дарров «Тез ёрдам»га сим қоқишибди. Хуллас, дўхтирлар уни шифохонага олиб кетишибди. Буни эшитиб ҳар қалай, анча хотиржам тортдим.

II

Ҳамхонамни «Тез ёрдам»да олиб кетишганининг учинчи куни иккита иссиқ нон, бир шиша қатиқ, рафиқам махсус термосга солиб берган серпиёз қайнатма шўрвани кўтариб шифохонага келдим. Қабулхонада кўр тўкиб ўтирган ҳамширадан ҳамхонам учинчи қаватда, бир кишилик палатада ётганини билиб олгач, «қаранг-а, ойномамизнинг обрўйи анчагина баланд шекилли, оддий бир ходимимизга ҳам алоҳида хона беришибди-я», деган ўйдан масрурланиб, юқорига кўтарилдим.

Дарҳақиқат, ҳамхонамни йўлак охирида жойлашган, битта каравот, битта тумбаю битта ўриндиқ аранг сиққан хужрага жойлаштиришибди.

Эшикни ғичирлатмасликка уриниб, ёпаман деб, тиззамни ўриндиққа уриб олдим. Шошиб ҳамхонамга қарадим-у, турган жойимда қотиб колдим. Ў, худойим, наҳот одам уч кун ичида шунчалар ўзгариб кетса?! Бўйнигача ёпилган оқиш чойшаби мурдага ўхшатиб қўй-

ган, устига-ушак, ёноқ суяклари туртиб чиқиб, ўзи бир бурдагина юзини янада кичрайтириб қўйган, лаблари саҳрода сувсиз қолган одамникидай ёрилиб, қовжираб кетган, сочлари тўзғиб, етимчадай абгор аҳволда ётган ҳамхонам ҳам менга кўзи тушиши биланоқ, лаблари титраб, кўзлари намлана бошлаганини кўрдим-у, қон бир эмасми, хўрликданми, аламданми, шафқатданми, менинг ҳам ўпкам тўлиб, томоғимга муштдай бир нима келиб тикилгандай гапиролмай, туриб қолдим.

– Келинг, акажон, – деди ниҳоят бошини кўтаришга уринаётган ҳамхонам заиф овозда. Шунда, ё раб, унинг қовжираб кетган қуйи лабидан бир томчи қоп-қора қон силқиб, сийрак мўй қоплаган иягига тушди.

– Ҳа, жўра, бурга тепдими? – деёлдим кайфиятим тушиб кетганини билдирмасликка уриниб, термос билан қоғоз халтани тумба устига қўярканман.

– Шунақа бўп қолди, ака.

Кўришиш учун қўл чўздим, лекин ҳамхонамнинг қўли чойшаб тагида бир питирлагач, яна жимиб қолганини, ўзи эса айбдорона жилмайиб қўйганини кўргандан сўнг, афтидан, мадори етмади шекилли, деган қарорга келдим-да, бир оёғи йўқ ўриндиққа амаллаб жойлашиб олдим.

– Хўш, аҳволлар қалай?

– Шукр, ака, ёмон эмас.

Бироқ унинг ётишида, ўзини тутишида аҳвол ёмон эмаслигидан далолат берувчи бирор аломат пайқамагач, хавотирим ошиб сўрадим:

– Дўхтирлар нима дейишяпти?

– Ҳозирча анализ натижаларини кутиб туришибди, ака.

– Уларга бир учрашиб кўрсаммикан?

Бу – шунчаки мулозамат юзасидан айтилган гап эди. Илло, тўрт йилдан бери бирга ишласак-да, ҳали бирон марта бўлсин ҳамхонамнинг менга илтимос би-

лан мурожаат қилганини эслай олмайман, ҳатто касаб
ба кўмитасида ишлаб юрган чоғларим ойномамиз бош
муҳаррири номидан прописка муддатини узайтириш
тўғрисида ёзиб берган расмий сўров мактубини ҳам
у ётоқхона комендантига олиб бориб бермаган эди.
Таклиф этсалар йўқ демасди, аммо илтимос қилиш,
бирон нарса сўраш унинг учун бегона эди. Шундай
одам дабдурустдан жонланиб, сўлғин юзига ҳам олов
югуриб, ҳовлиққан алпозда шоша-пиша:

– Учрашинг, жон ака, учрашинг. Айтинг, мени қў
йиб юборишсин. Айтинг, ҳар қандай анализини келиб
топширавераман... – деб энтикиб-энтикиб такрорлаш
га тушганда мен даставвал ҳайрон қолдим.

Кўрдимки, индамасам худди кўринмас бир нимадан
қутулиб олишга уринаётгандай ҳансираб-бўғриқиб
кучанаётган ҳамхонам ўрнидан отилиб туриб, мен би
лан қўшилишиб жўнаб кетишдан ҳам тоймайди.

– Беш-олти кун дам олинг, соғлиқни тиклаб олинг,
иш бўлса қочмас... – қабалидаги одатий насихатларни
ўқирканман, ҳамхонам умуман мени эшитмаётганини,
чўкаётган одам хасга ёпишгандай жон-жаҳди билан
менга ялиниб-ёлвораётганини кўриб турардим.

– Боринг, ака, энг каттасига боринг, пул сўраса, айт
ганини беринг, ҳаммасини қайтараман, мақтаб ёз,
десаям, майли деяверинг, мен ўзим ёзаман. Фақат ай
тинг, мени қўйиб юборишсин. Анализларини келиб
топшириб тураман, ёт деса душанбадан келиб ётаман,
бир-икки кунга осмон узилиб ерга тушармиди, фақат
мени қўйиб юборишсин, айтинг, қўйиб юборишсин.
Айтасизми... айтасизми...

Шунда мен бугун пайшанба эканини эслаб қолдим.

– Бораман, ука, – дедим кўнглим бузилиб. – Борма
сам, нега келдим?!

– Раҳмат, акажон, минг раҳмат, илойим мендан
қайтмаса... – товуши титраётган ҳамхонам кўзлари-

ни чирт юмиб олган эди, икки мижжасидан дувиллаб ёш қуйилди. Мен ўрнимдан туриб, шифохонанинг энг катта дўхтири билан бир гаплашиб қўяй-чи, деган шахт билан эшик дастасига қўл чўзганим маҳал ҳамхонам шивирлаб: – Аптиқайим ака... – деб қолди. Бу товушдаги қандайдир ваҳимадан, кўрқувдан эгим музлаб кетиб, орқамга ўгирилдим. – Айтинг, Аптиқайим ака, агар жавоб беришмаса мен... мен ўлиб қоламан...

– Нафасингизни иссиқ қилинг-э! Уялмайсизми, йигит одам шундай дегани.

Мен йўлакка отилдим.

Эллик ёшлар атрофидаги ҳорғин қиёфали бўлим бошлиғи ҳамхонамнинг исмини эшитар-эшитмас тутақиб кетди:

– Қанақанги одамсиз ўзи, уч кундан бери оғриманган бошимга олтин исирға осиб қўйиб, яна хабар олай демайсиз?! Сиз унга ким бўласиз ўзи?

– Бирга ишлаймиз.

– Ҳм-м, – сал ҳовуридан тушди мудир. – Нима, журналларнинг ҳаммасида шунақа одамлар ишлашадими?

– Қанақа? – сўрадим гижиним келиб.

– Шунақа-да. Сал ғалатиноқми-ей, ўзбекчани туншунмайди-ей, ундай десангиз ўрисчалабам гапириб кўрдим, ҳеч бўлмагандан кейин лотинчалаб сўқдим ҳам. Бефойда. Деворга ваъз ўқиган билан баробар. Ўламан саттор, кетаман деб туриб олган. Билмадим, уйда хазина-пазинаси қаровсиз қолганми. Мана оқибати, менинг ҳам, ўзининг ҳам бошига бало орттириб, йўқ жойдан дард сотиб олди...

Хуллас, дўхтирнинг гапларидан маълум бўлдики, ҳамхонам деярли беҳуш ҳолида келтирилган, тунни ўтказар-ўтказмас, тонг саҳардаёқ («Уйку дориси қўшилган уколмизнинг таъсир қилмаганини қаранг-а», деди ажабланиб дўхтир) шифохона кийими-

да тентираклаб-гандираклаб нақ дарвоза ёнига етиб борганида қоровулга учраб қолган. Бироқ бу ҳали ҳолваси экан. Мажбурлаб ўрнига келтирилган (унда ҳали олти кишилиқ палатада ётган) қочқинчи мадорсиз, оёқлари қалт-қалт титраётган эса-да, ўз ниятидан қайтмаётганини, панд-насихат, дўқ-пўписалар, ҳатто уйқу дориси самарали таъсир бермаётганини кўрган мудир кечқурун уйга қайта туриб, навбатчи дўхтирдан шу палатада ўтириб чиқишни, у ёқ бу ёққа чиққан маҳаллари эса албатта, эшикни қулфлаб қўйишни илтимос қилади. Навбатчи бошлиқнинг айтганларига тўла риоя қилади. Аммо ярим кечаси ҳамхонам ўзининг чойшабларидан арқон ясаб, деразадан осилиб тушади. Афсуски, арқоннинг узунлиги бор-йўғи иккинчи қаватга қадар етади, холос. Шунда кўзига ҳеч нарса кўринмаётган ҳамхонам, афтидан, бир қаватгина қолди, ҳеч нарса қилмайди, деган қарорга келади шекилли, арқоннинг учини қўйиб юборибди-да, мувозанатини сақлай олмай қаттиқ асфальтга жуда муваффақиятсиз равишда – орқаси билан қулаб тушади. Зарба уни ҳушидан кетказган бўлса керак, у ғужанак ҳолида тонг саҳаргача ўша ерда қолиб кетади. Ҳовли супураётган фаррош кампир уни кўриб қолиб, дод солади. Ҳамма ёқ бирпасда чоп-чоп бўлиб кетади. Ҳамхонам қаддини тиклай олмагани боис, уни замбилга солиб тепага олиб чиқишади. Дарҳол текшириш ўтказишиб, бечоранинг умуртқа поғонаси жиддий лат еганини аниқлашади. Шошилишча қирилган мудир бор амалини қўллаб, ҳамхонамни ўзига келтиради, минг бир машаққатлар билан каравотга ётқизиб, рентгенга олади (сурат эртага эрталаб тайёр бўларкан). Умуман олганда, овқат ейишдан бош тортаётган, дармондорилар билангина ошқозони тўлдириб турилган ҳамхонамдан бутун шифохона аҳли норози эмиш («Яна битта шунақанги бемор келадиган бўлса, ўзим бирин-

чи бўлиб жиннихонага жўнаб қолишим ҳеч гап эмас!» деди мудир жиғибийрони чиқиб). Ҳамхонамнинг ички аъзоларида анча-мунча патологик ўзгаришлар ҳам борга ўхшаётгани учун узил-кесил ташхис қўйишга шошилмаётган мудир барча анализларнинг натижаларини ҳамда рентген суратини кутаётган экан.

– Мана энди ётибди ҳамкасбингиз алоҳида кабинетда, қўл-оёғи боғланиб... – деб ҳикоясини тугатди дўхтир афсусланганнамо бош чайқаб.

– Нима қилиб? – сўнгги жумлани яхши англолмай қолиб қайта сўрадим.

– Қўл-оёғи боғланиб. Ичида бир нимаси бордай типирчилайвергандан кейин шундан бошқа иложим қолмади-да, ука. Бунинг устига, ишқилиб, яхши ният қилайликку-я, лекин умуртқа поғонасининг эзилган жойи «қирт» этиб кетсами...

Энди, ука, ўз оёғингиз билан келиб қолганингиз жуда яхши бўлди. Сиздан илтимос, ҳамкасбингизга тушунтиринг, ҳадеб жоникавермасдан, танасини сал бўш қўйиб, бемалол ётсин, дам олсин, ухласин, ҳадеб ўйланавермасин, менгаям унақа ўқрайиб ё жавдираб қарайвермасин.... Сўнг, ҳа, айтгандай, ҳамширалар обкириб бераётган овқатларни албатта есин. Албатта, есин. Одам овқат билан тирик. Хў-ўш, шуни унутмангки, ҳозир бемор учун энг кераги – хотиржамлик, хотиржамлик ва яна хотиржамлик...

– Мен бир нарсани билмоқчийдим, агар рентген сурати яхши чиқса, ҳамкасбимга шанба-якшанба кунлари жавоб бериш имкони борми?

Саволимни эшитиб, мудирнинг кўзлари ола-кула бўлиб, афти қийшайиб кетди:

– Ҳой, эсларинг жойидами ўзи, а, ё тил бириктириб олганмисизлар?! Нима, шанба куни Лайлатулқадр ўтади-ю, дўстингиз бир қоп тилладан қуруқ қолади-ми? Йўқ, сиз аввал менга очиғини айтинг-чи, соғлиқ

керакми ё йўқми, а? Ахир бу нима деган гап-а, мен ўлай десам, сиз куласиз; ё мени мазах қилаяпсизми?..

Тили тагига битта валидол ташлаб олиб, энди нос чеккан одамдай ғўлдирашга ўтган дўхтирдан узр сўрай-сўрай ҳамхонам ёнига қайтдим. Бечора тик этса эшикка қараб ётган экан.

– Нима бўлди, акажон? – сўради у мен эшикни ёпар-ёпмасимдан ҳовлиқиб.

Унинг илтижо билан тикилиб турганини кўриб, негадир ростини айтишга юрагим бетламади.

– Рентген яхши чиқса, ўйлаб кўришаркан, – дейишим билан бўғилиб қолган чоғида бир ютум соф ҳаво берилгандай энтикиб нафас олган ҳамхонам шилқ этиб ёстиққа қулади. У ҳушидан кетган эди.

III

Эртаси, жума куни тушдан кейин нечукдир кўнглим алағда бўлиб, юрагим ҳаприқиб кетаверди. Иккала бош бармоғимни қизиб кетган чаккаларимга ўйиб юборар даражада қаттиқ босарканман, ҳадеб: «Бу ненинг аломати бўлдийкин-а?» деган ташвишли ўйларга борардим. Шундай паллалари қандайдир шарпа қулоғим остига келиб, ваҳимали овозда шивирлагандай бўлаверарди: «Мени кўйиб юборишмаса, ўлиб қоламан, ака...»

Йўқ, охири бўлмади, соат тўртларга яқин, қисқартирилган иш куни эканини рўкач қилиб, ишхонадан чиқдим-да, шифохонага йўл олдим.

Қарасам... ётибди, кечагидан ҳам баттар, чўп-устихон бир аҳволда, тишлаб ташланганми, пўрсиллаб ёрилган лабларида қонталаш излар. Кўнглини кўтариб кўяй деган мақсадда елкасига уриб-уриб кўйиш учун кўлимни олиб бораётиб, ногоҳ ток ургандай сесканиб кетиб, кўлимни шартта тортиб олдим – ҳамхонамнинг пешонасидаги бир тутам соч бамисоли кул тегиб ўтгандай оқариб қолган, бу ҳол унинг афтини янада сўлғин, янада қаримсиқ кўрсатиб кўйган эди.

– Жавоб беришмаяпти, акажон...

Ҳамхонамнинг биринчи айтган гапи шу бўлди.

– Сиз ҳам уларни тушунинг-да, соғлиқ билан ҳазиллашиб бўлмайди...

Гапираётган мен-у, ҳамхонамнинг кўзларидан шашқатор ёш оқаяпти.

– Жавоб беришмаяпти, акажон...

Эркак кишининг йиғисига гувоҳ бўлишдан оғирроқ вазият йўқ: на юпатишни биласан, на панд-насихатни, на дўқ-пўписани...

Эзилиб кетдим. Не қилай, осмон қўлимда бўлсаки, ташлаб юборсам; имконимда бўлсаки, шифохонани остин-устин этиб бўлса-да, ҳамхонамни оёққа турғазиб юборсам. Ҳамишадагидай, ожиз имкониятларим улкан истакларнинг милёндан бирини ҳам амалга оширолмаслигини тушунган ҳолда шармандаларча мағлуб бўлмоқда эди.

Ҳар нечук, ҳамхонам гўдак, мен эса энага эмасман, бу ерга ҳам унинг кўз ёшини артиб ўтириб, кўшилишиб пиқиллаш учун келмаганман, деган нисбатан қатъийроқ қарорда тўхтадим-да, дим ҳавода ёниб кетгандир, сал тоза ҳаво олсин дея бемор устидаги чойшабни кўтардим. Очилиб қолган бўз кўйлаги ёқасидан ҳамхонамнинг жиққа терга ботган бўйни, темирчининг босқонидай кўтарилиб тушаётган кўкраги кўриниб турарди. Мудир алдамаган экан – ҳамхонамнинг оёқ-қўллари йўғонгина арқонда каравотга чандиб боғлаб ташланган эди. Ҳадеб юлқинаверганидан бўлса керак, унинг, айниқса, қўлларида арқоннинг қонталаш излари яққол кўриниб турарди.

– Овқат емапсиз... одам овқат билан тирик...

Менинг одатда ҳар қандай беморга айтиладиган, бир-бирига боғланган-боғланмаган жумлаларимни кесиб, туйқусдан ҳамхонам шахд билан бошини кўтарди-ю, бўйин томирлари ўқлоқдай бўртиб, бўғриққан

юзини ювиб ўтаётган кўз ёшлари тийилмасдан ҳансираб, энтикиб, ҳирқираб, тез-тез сўзлай кетди:

– Жон ака, илтимос, мени қутқаринг! Эртага боринг!.. Эртага шанба! Айтинг, келади, денг, сира иложи бўлмай қолди денг! Айтинг! Келади денг! Борасизми? Борасиз-а!.. Борасиз-а, акажон!.. Айтинг, акажон, бораман денг! Айтинг!..

– Албатта бораман, – дедим муроса оҳангида кўринишидан тутқаноғи тутиб келаётган беморнинг ўйноқлаган асабларини салгина босиш, уни ҳовурдан тушириш учун. Шу билан бирга кўнгилга хавотир мўралади: «Дўхтирни чақириш керакмиди... Эҳтимол укол оладиган вақти бўлгандир...»

Ажабки, менинг розилик билдиришим, кутганимнинг аксича, оловга мой сепгандай таъсир қилди. Ҳаяжоннинг зўридан нафаси ичига тушиб, оғзини каппа-каппа очса-да, бир муддат тилсиз қолган ҳамхонам ниҳоят тутилиб, адашиб қизғин гапга тушиб кетди:

– Минг... минг раҳмат... Мендан қайтмаса... Бола-чақангизнинг... Минг...

Менинг «Қаерга боришим керак ўзи?» деган саволимни эшитган ҳамхонам терлаб турган ҳолида салқин эпкин эсиб ўтгандай жунжикиб, қалтираб кетди.

– Ўша ерга... узоқ эмас-ку... Ишхонамизнинг ёнида-ку...

– Аниқроқ айтишнинг иложи борми?

– Бор, акажон... ўша ерда... Навоий театри ёнида фаввора бор-ку. Ўша ерда... кумуш тусга бўялган устун бор, биласиз...

– Устун? Симёғочми? Улар анча-мунча эди шекилли, фавворанинг атрофи чир айлантирилиб устунлар билан ўралганди, а?

– Биттасининг олдида турасиз... Ертўлага тушадиган зинапоя бор. Ўша зинапоя тизза бўйи панжара билан ўралган... Ўша панжара ёнидаги устун... Кумуш тусга

бўялган... Эртага келади... Боринг, акажон, қутқаринг... айтинг... Бир умр... Жоним борича... Мен... У келади... Дарров танийсиз... Жуда... Бошқача... Сулув... Жуда...

Худди шу пайт дўхтир кириб келди-ю, росмана алаҳлаб, ўрнидан туриб кетишга жон-жаҳди билан интилаётган ҳамхонамни елкасидан босиб ўрнига ётқишишга уринаркан, «Ҳамшира!» дея қичқириб юборди.

Катта шприцдаги сарғиш суюқлик баданига юборилаётган чоғда ҳам неларнидир тинмай пичирлаб, вужуди қалқиб-қалқиб кетаётган ҳамхонамга кўнглим вайрон бир аҳволда тикилиб турган эдим, дўхтир мени судрагудай бўлиб ҳовлига олиб чиқди-да, беморни яна ҳаяжонлантирганим учун шаънимга бир-икки аччиқ-тизиқ гаплар айтаркан: «Агар бунақа қилар экансиз, ҳамкасбингиз тузалиб кетгунига қадар келмай турганингиз маъқул», деган маслаҳатни ҳам қистириб ўтиб кетди.

Узр маъносида бир нималарни ғўлдираб, ташқарига чиқдим.

Мужмал вазиятга тушиб қолганимни англаб турардим.

Ҳар қалай, ҳамхонам фақат қиз бола билан бўладиган учрашувнигина ўйлаб ақлдан озгудай аҳволга тушиши мумкинлигини фаҳмлаб олиш учун мантиқ соҳасининг билимдони бўлиш шарт эмасди, албатта. Бироқ, энг муҳими – қизнинг ташқи кўринишини, ҳеч бўлмаганда унинг исминию соат нечада кутишим кераклигини билиб ололмадим-да, буларни айтишга ҳамхонам улгурмади. Бир оғиз «бораман» деганимга жўшиб кетиб... Жиллақурса, афт-ангорим ҳамхонамникига ўхшасаям майлиди. Хўп, мўйловни-ку, олиб қутулармиз, лекин манави тарвуздай қоринни нима қиламиз? Ҳаво салқинроқ бўлсаям бошқа гап эди, камзул-памзул кийиб, бўйинбоғ тақиб дегандай...

Ҳай, майли, ўрислар айтгандай, ҳали тонг отишига вақт бор, бирон нима ўйлаб топармиз.

Афсуски, бекорга ўзимга тасалли берган эканман. Қоронғи тушгандан кейин шифохонага келиб суриштираман, аҳволи оғирлашган ҳамхонамни реанимация бўлимига ўтқозишибди. Зарур мутахассислар чақирилибди, кечаси лозим бўлиб қолган тақдирда операция қилишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас экан.

Тарвузим кўлтиғимдан тушиб, уйга қайтдим. На илож, афтидан, ҳамхонамнинг илтимосини адо этолмайдиганга ўхшайман.

IV

Дейлик, буғдой ичида ўсган, ғаллакор меҳнати нелигини билган одам ҳеч қачон нонни тепмайди. Шунга ўхшаб, боғбон фарзанди ҳам гулни топтай олмайди... Яратганга минг қатла шукрлар бўлсинки, камина ҳам то яшаб турганим Исо алайҳиссалом ёшига қадар виждонли, инсофли, диёнатли инсонлар билан кўпроқ мулоқотда бўлдим. Ҳар нечук, шундоқ фидойи, имонли инсонлардан, айниқса, қалам борасидаги устозларимдан нелардир сал-пал юқиб қолган шекилли, бировнинг изтиробини, қайғусини кўрган чоғимда тескари ўгирилиб ўтиб кета олмайман, иродамдан-да устун бир нима мени тўхтатиб, ҳеч бўлмаса, бир қур ҳамдardлик изҳор этишга ундаб, наинки ундаб, мажбурлаб туради.

Хуллас, ҳамхонамдан яна бирон-бир маълумот олишдан буткул умидимни узгач, саҳар палла ўрнимдан туриб, нонушта ҳам қилиб ўтирмадим-да, рафиқамнинг ошкор шубҳаланиб тикилиб-тикилиб қарашларига жавобан: «Иш... журнал...» маъносида, бир нималарни ғўлдираганимдан сўнг, ёлғон гапирарётганимни билдириб қўйиб, баттар ўнғайсиз аҳволга тушиб қолмайин, дея хайр-маъзурни ҳам насиё қилганча, эшикни очиб чиқдим-кетдим.

Шундай қилиб, бугун шанба.

Шанба, сенда не сир-синоат яширин, хабар бер, хабар...

Мана, Навоий номли театр биноти савлат тўкиб турибди. Мана, кўкка шодон сакраётган фаввора.

Ҳамхонам айтган жойни тезда топдим. Агар «Тошкент» меҳмонхонасига қараб турилса, фавворадан ўнг тарафда, ертўлага тушиладиган зина ўраб қўйилган панжара ёнидаги оддий устун; дарҳақиқат, кумуш тусда. Тепасида, ҳойнаҳой, ўрнатилганидан буён ёнмай келаётган лампочкасимон чироғиям бор.

Учрашув жойини-ку, топдим, энди, афтидан, бахтли тасодифга умид боғлаган ҳолда на исмини, на турқи-тароватини билладиган «жуда сулув» қизни кутишдан ўзга иложим қолмаган эди.

Ўзимнинг аҳволимга ўзимнинг ҳам кулгим қистаб, ҳам жаҳлим чиқиб, дўкондан бир кучоқ ўрисча-ўзбекча газет сотиб олгач, «фахрий қоровуллик»да туришим лозим бўлган жойга қайтдим...

Худойим-эй, кишига мавҳумликдан ёмони бўлмас экан. У қиз ким, қачон келади, шунча оломон орасидан уни қандай ажратиб оламан, ажратиб олган тақдиримда ҳам нима дейман... Бошим ғовлаб кетиб, кўлимга илинган бир газетни варақлай бошладим-у, шу заҳоти бу машғулотим мутлақо ортиқча эканини тушуниб қолиб, уни буклаб-буклаб кўлтиғимга қистириб олдим. Ахир, ўшал сирли қиз мен айна мутолаага берилиб кетган маҳалда келиб қолиши ҳам мумкин-ку. Илло, кўкнори ютиб олган нашаванд билан газетага «шўнғиган» қаламкаш орасида фарқ йўқ – уларнинг иккаласиям дунёни унутади.

Табиий, сигаретаси ёдидан чиқиб қолган одамдай асабийлаша бошладим. Яна ора-сира ўзимни ўзим кўнгилчанлигим учун сўкиб қўяман. Сўнг дарров режаси ўзгариб қолганидан чўчиган одамдай: «Аввало келмаслигим керак эди, раз келдимми, энди охиригача ўтиришим керак!» деган қарорга келаман.

Оломон эса... калити бураб кўйилган кўғирчоқлар издиҳомидай тиним билмайди. Кўзимни лўқ қилиб бу жонли оқимни кузатаман. Вақт ўтиши билан оқим шиддати сусайди, энди унда ошиққанлар, югургилаганлар сони камайиб, – афтидан, юмушга кечикаётганларнинг бариси ўтиб бўлди шекилли, – хотиржам, шошмасдан, ҳаттоки виқор билан қадам ташлайдиганлар кўпайишиб қолишди. Келганимга бир ярим соатлар чамаси бўлгач эса, фаввора атрофида мен шартли равишда «бекорчихўжалар» деб атаган фуқаролар пайдо бўлишди.

Ўтаётган ҳар бир дақиқа қизнинг келиб қолиши эҳтимолини ошираётгани учун мен энди чор-атрофни янаям диққат билан кузатишга ўтдим. Тўғри, «сулув» қизни таниб олишим имконияти менда деярли нўлга тенг эди, лекин, «ноумид – шайтон» деганларидай, мен қандайдир омад, бахтли тасодиф, ҳатто мўъжизага умид боғлашимни кўймасдим.

Ниҳоят, очликдан ичим таталаб, кўнглим беҳузур бўла бошлаган, бирон яқинроқ тамаддихонадан у-бу олиб келсамми, деб иккиланиб турган чоғларим мени қизиқтириши мумкин бўлган «сулув» қизчалар пайдо бўла бошлашди.

Улардан биринчисини дарҳол ҳисобдан чиқариб ташлашга мажбур бўлдим: ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги, елкасига осиб олган жажжи сумкачасидан тортиб, этаги бурама атлас кўйлагигача қоматига ярашиб турган жозибали қиз фаввора ёнига яқинлашар-яқинлашмас, шу маҳалгача сураткашлар ишини бепарво кузатиб турган йигирма беш ёшлардаги йигит қизни кўрасола гулдаста тутган кўлини кўтариб ишора қилди-да, унга пешвоз чикди. Уларнинг чин ошиқлар эканликлари қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам бутун оламини унутганларича бир-бирларига энтикиб-тўймай термулишларидан сезилиб турарди.

Узоқ кутишга тўғри келмади. Меҳмонхона тарафдан келаётган бу қиз дарҳол эътиборимни тортди. Нима десам экан, назаримда, упа-эликни меъеридан андак кўпроқ ишлатганини эътибордан соқит қилганда, анчайин кўҳликкина ва истараси иссиқ қиз кўз узмай турганимни ҳис қилди шекилли, орамиздаги масофа уч-тўрт қадам қолганда менга бир ўқрайиб қараб қўйгач, қадамини тезлаштириб ёнгинамдан зипиллаб ўтди-кетди. Мен гапиришниям, гапирмасликниям билмай аросатда тўлғаниб қолавердим. То бир қарорга келиб улгургунимча қиз кўздан йўқолди. «Ҳай, майли, эслаб қолдим-ку, агар ўша қиз бўладиган бўлса, бари бир, қайтиб келади», деб ўзимни юпантирган бўлдим-да, шу пайтгача бегоналар орасида эътироф этмаганим оддий бир ҳақиқатни, яъни, қизлар билан тез танишиб олиш, умуман уларга гап отиш укувидан мутлақо маҳрум эканлигимни яна бир бор аниқ-таниқ тан олдим.

Камчилигини тан олиш кимга ҳам ёқарди дейсиз? Ўз-ўзимдан ғазабланиб, ипсиз боғланиб кетилган аламзада шўрпешонадай жойимда яна бир соатча депсиниб турдим.

Тушга яқин мендан ўттиз қадамча наридаги ўриндиқ атрофи ёшлар билан гавжумлаша бошлади. Мен бу олақуроқ жамоага унчалик эътибор бермасдан, кўзларим тешилиб кетгудай бўлиб ўтган-кетганларни кузатишда давом этарканман, қандайдир савқи табиий билан даврандан кимдир ажралиб чиқиб, тўғри мен томонга келаётганини пайқаб қолдим-у, жон ҳолатда шу ёққа ўгирилдим. Йўқ, бекорга ҳаяжонланган эканман, қаршимда даста-даста чучмал «шиғир»лар келтиравериш, меъдага зиғир ёғдай урган «ёш шоира» Олимахон узун-узун сунъий киприкларини пирпиратганча, ҳам ажабланиб, ҳам қувониб турарди.

– Во-ой, Абдуқаюм ака, қарайман, ўзларими ё бошқалармикан деб, қарайман. Охири бориб бир кўриб келай-чи деб...

Одатига кўра, ўз вилояти билан пойтахт шевасини аралаш-қуралаш қилиб сўзлаётган қизга ноилож тишимнинг оқини кўрсатиб салом берарканман, «Худойим-эй, фалокат босиб, ҳамхонам кутган қиз шу бўлиб чиқса-я» деган ваҳимали тахмин дилимдан ўтди.

– Бировни кутаяпсизми, Абдуқаюм ака?

– Шунақа... Ўзингиз-чи, Олимахон?

– Во-ой, сиз билмайсиз-а, Абдуқаюм ака, – булбулигўё бўлиб кетди «ёш шоира», – мен ахир Тошкент техника дорилфунунининг «Саноат иншоотларида қаҳрабо қуввати» куллиётини тугатиб...

– Қанақа қувват? – ғашим келиб сўрадим.

– Политехниканинг энергофаки-да, Абдуқаюм ака.

– Шунақа демайсизми?

– Мен ўзбекчалаб айтаяпман-да.

Маълум бўлдики, Олимахон ўз курсдошлари билан биргаликда институтни битирганликларининг беш йиллигини нишонлашга йиғилишаётган эканлар.

Тинмай бидирлаётган «ёш шоира»дан қутулишга уринганим сайин, у баттар елимдек ёпишиб ола бошлади. Индамасам, мени судраб бориб курсдошларига таништирадиган. Афтидан, шу ердаям «фалон ойномада ишлайдиган шундай танишим бор» қабилида бир мақтаниб олмоқчи шекилли. Бош муҳарриримиздан тортиб ўзига «сал ғалатироқми-ей» бўлиб туюлган ҳамхонамгача ҳол-аҳволини эринмасдан суриштириб чиқаётган қиздан бир йўла қутулиб кўя қолиш учун тамом бетимни сидириб ташлаб:

– Биласизми, синглим, – дедим шартта унинг гапини бўлиб, – мен бировни кутаётгандим. Ҳар қалай сизни кўриб қолса...

– Қиз болами? – бефаросатларча луқма ташлади «шоира».

Жоним ҳиқилдоғимга келди:

– Шунақа десаям бўлаверади.

– Кеннойимга айтама-ан, – мутлақо суюлиб кетиб, менга пўписа қилди Олима.

Ҳазил ҳам шунчалар беўхшов бўладими? Ҳе, ўша сенга тарбия берганнинг... Тишимни тишимга босиб, атрофни кўздан кечириб қўярканман, энди «Гуллар дўкони» тарафдан келаётган бояги хушрўйгина қизни кўриб қолдим. Қараётганимни яна сизди шекилли, уям бошини кўтариб менга бир кўз ташлаб қўйди.

Жойимда типирчилаб қолдим. Нима қилиш керак? Шунда бирдан: «Олдимда қиз бола турибди-ку, бориб ундан бир оғиз гап сўрасам, дарҳол ёмонликка йўймас», деган фикр миямга келиб қолди-ю, қўлтиғимдаги газетларни Олимахонга тутасола, узр ҳам сўраб ўтирмасдан, илдам юриб кўҳлик қизга пешвоз чиқдим-да: «Кечирасиз, агар янглишаётган бўлсам минг бор узр, сиз мабодо фалончини кутмаяпсизми?» – деб сўрадим, мени айланиб ўтиб, юришда давом этган қизга етиб олишга ҳаракат қиларканман. Нотаниш қиз менга яна бир бор еб қўйгудай ўқрайиб қаради. «Кечирасиз, яхши қиз, мени тўғри тушунинг, фалончи менинг яқин ўртоғим бўлади, ўзи шифохонага тушиб қолиб...» дея шоша-пиша изоҳ бераётгандим, қиз қарғангандай оҳангда: «Бор-э, тошингни тер» – деб силтаб ташлади-да, қадамини тезлаштириб кетди-қолди.

Лавлагим чиқиб кетди. Тош борасидаги маслаҳатини яхшиям қиз шаллақилик қилиб, бақириб айтмади.

Заҳримни кимга сочишимни билмай «пост»имга қайтарканман, Олимахоннинг пинҳоний қувонч ва бадхоҳлик балқиб турган оҳангда: «Шуларни кутаётганмидингиз?» деган сўроғига жавобан унинг ўзини яниб олдим: «Йўғ-эй, бу қиз сизга ўхшаган ёш «шоира»лардан, шеърларини чиқармагандим, шунга тўнини тескари кийиб юрибди». Бироқ ўқим мўлжалга тегмади, ёш шоирамиз ё сиртига сув юқтирмайдиганларданми, ё табиатан сал бефаросатроқми, ишқилиб, пинагини бузмасдан:

– Шеърларимни «Саодат»да, «Гулистон»да босишмоқчи, «Адабиёт ва санъат»даги... акамлар ҳам яхши фикр билдирдилар, телевизоргаям таклиф қилишди... – дея яна ўзини ўзи ташвиқ қилишга тушиб кетди.

– Ойнаи жаҳонгадир, – дедим ачитиб.

– Нима-нима?

– Телевизорнинг ўзбекчаси шунақа бўлади.

– Во-ой, биламан, Абдуқаюм ака. Шуниям билмай ўлибманми... Нашриётга бир тўпламимни...

– «Шиғир»ларингизни тақризга бериб қўйганман, – дедим қиз айланиб-айланиб бари бир охирида ўз ижодига қайтишини билганим учун.

– Вой, кимга бердингиз, Абдуқаюм ака?

– Энди бунга айтилмайман. Ҳаққим йўқ. Лекин тақриз ҳаққоний бўлишига имоним комил. Кейинги ҳафталар хабар олсангиз бўлади. Йўқ, яхшиси, кўнғироқ қилинг. Ҳозирча хайр. Ўртоқларингизам кутиб қолишди...

Нимадир деб эътироз билдиришга оғиз жуфтлаган «ёш шоира»ни доғда қолдириб, тескари ўгирилиб олдим.

Хайрият, орадан бирон соатлар чамаси ўтар-ўтмас собиқ курсдошлар ғала-ғовур билан ресторанга кириб кетишди-ю, лаҳза сайин мен томонга қарайвериб асабларимни қақшатаётган, бунинг устига бармоғини бигиз қилиб дугоналарига мени кўрсатаётган Олимахондан кутулдим.

Ў, Тошкент, Тошкент, сулув қизларга бунчалар бойсан-а! Мен оч, аламзада, сабр косам тўлган аҳволда қоққан қозикдай бир жойда тик туришда давом этарканман, назаримда, вақт ўтган сайин сулув қизлар миқдори ҳандасавий кўпайтма асосида ўсиб бораётгандай эди. Ҳар бири манаман деган йигитни бахтиёр этишга қодир пари пайкарлар, гулчеҳралар, дилдоралар, хуру ғилмонлар тинмай у ён ўтишади, тинмай бу ён ўтишади, у томонимдан ўтишади, бу томонимдан ўтишади; уларга қарайвериб кўзларим тиниб кетди.

Нафсиламрини айтганда, бирон-бир ўзбек қизининг тўғри қошимга келиб: «Мен бу ерда фалончи билан учрашим керак эди, мабодо сиз у кишини танимайсизми?» дейишини тасаввур қила олмасдим.

Демак, ташаббус фақат ва фақат мен томондан бўлиши керак эди; худди ана шу нарса вазифамнинг энг оғир томонини ташкил қиларди. Ахир, бўйнимга «Мен фалончининг ўрнига келдим», деб ёзилган тахтакач осиб ололмайман-ку...

Хуллас, менга тошимни теришим кераклигини маслаҳат берган гўзални ҳисобга олмаганда, яна иккита қизга мурожаат этолдим ва, назаримда, кейинги сафар мўлжалга аниқ урдим. Аввалига юз тузилишидан қирғизга ҳам ўхшаб кетадиган, дўмбоққина, бодомқовоқ қиз эътиборимни тортди. У шундоқ ёнимдаги йўлакчадан шошилмасдан юриб келаркан, икки ёндаги дов-дарахтлар, ўриндиқлар қатори менга ҳам кўз ташлаб ўтди. Қиз менга янада яқинлашиб қолган ва иккинчи маротаба қараганида кўнглимдан: «Бу ерда бир гап бор», деган фикр ўтди-ю, яна бир бор «Бахташ таваккал!» деганча унга пешвоз чиқиб, одатдагидай аввало узримни айтиб, сўнг зиммамга юкланган вазифани мухтасар баён қилиб бердим. Қиз тўхтаб, осмондай тиниқ кўзларини мендан узмасдан гапларимни диққат билан эшитаркан, ора-сира бош ирғаб қўярди. Алоҳа, айтаримни тўкиб солганимдан сўнг ҳаммасини тушунгани авзойидан кўриниб турган қиз яна бир бор гапларимни маъқуллаб бош ирғагач, ширингина жилмайиб, миннатдорчилик билдиргандай газетларни қисимлаб турган кўлимни енгилгина сиқиб қўйди-да, мени айланиб ўтиб, шошилмасдан йўлида давом этди.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олдим: «Қутулдим-эй...» «Ҳар қалай, жуда дилбар, жуда хушрўй, жуда оқила қиз экан, – деган мулоҳазаларга бордим, – «Чурқ» этиб оғиз очмаса-да, кўлимни сиқиб қўйиб, ўз

ташвиши, қайғусиниям изҳор қилди, менгаям ҳамдардлик билдирди. Кўзларининг тиниқлигини. Осмон-а, осмон... Киройи суюклинг бўлса – шундай бўлса...»

Ғайриихтиёрий равишда ўз ўрнимга қайтдим. Деярли саккиз соат тик туриб, оёқларимдан мадор қочган бўлса ҳам, чарчоқларим ёддан чиқиб, кўнглим адо этилган мушкул вазифанинг қувончига, фараҳбахш туйғуларига лиммо-лим тўлди. «Бўлар экан-ку!..» деб ўз-ўзимга бир неча бор таъкидлагач, «Қаро кўзум»-нинг ўлмас оҳанглари минғирлаганча сурурли лаҳзаларни яна бир неча дақиқа чўзиш учун тизза бўйи панжаранинг ўткир учларига суяниб, бир лаҳзада чиройи ошиб, латофат касб этган чор-атрофга хайрлашув маъносида сўнгги бор кўз ташларканман, баногоҳ ўша йўлакчадан, фақат энди меҳмонхона тарафдан келаётган бояги бодом қовоқ қизни кўриб қолдим. Қиз ёлғиз эмас, ёнида дугонасиям бор. Улар нималарнидир қизғин... гаплашишиб... йўқ-йўқ, ҳалиги бор-ку, ойнаи жаҳон экранининг бир чеккасида ўтирадиган, янгиликларни сурдо таржима қилиб турадиган аёл... ўшанга ўхшаб бармоқлари, кўллари билан имо-ишоралар қилиб келишарди! Наҳотки?! Ҳушим бошимдан учди. Албатта, кўнгилнинг кўзи кўр, муҳаббат на ёш танлайди ва на ҳусн, аммо...

Тўғримдан ўтиб боришаётганлари маҳал бояги қиз менга қараб муғамбирона жилмайиб кўйди. Беихтиёр уларга эргашдим. Кетишаяпти... имо-ишоралар қилишиб; ортига ўгирилиш йўқ. «Синглим, ҳой синглим!» деб чақирдим икки марта. Томоғим қувраб кетганданми овозим бўғилиб, хирқираб чиқди. Товушимни кўтариб яна икки марта чақирдим. Қарамоқ қаёқда! Ким билади, эҳтимол, гунглигидан ташқари, қиз бечора кар ҳамдир... Бўлади-ку шунақаси ҳам...

Бир лаган лойдай бўшашиб жойимга қайтдим.
Янглишганим аниққа ўхшайди.

Афтидан, қиз мен билан ҳазиллашган шекилли. Ў, номард!.. Ў, юзсиз!.. Эрмак тополмасдан... табиатнинг ўзи бу ёқдан бекорга қисиб қўймагандирки... Ў, номард!.. Келиб-келиб, ҳазиллашишга топган вақтини! Биров ўламан деса... Шу ҳолида кўнглига шумлик сиққанини... Ў, жинни..

Қизни сиртдан янишда давом этаверишим мумкин эди. Аммо... туйқусдан биз ўзаро «икки ёқли қомус» деб атайдиган ўринбосаримизнинг бир ажойиб одатини эслаб қолдим. Ҳузурига ким келишидан қатъий назар, – етти яшар гўдакми, етмиш яшар чолми, аёлми-эркакми, ўғрими-тўғрими – бари-барисига ўзини тенг тутиб, бағоят самимий муносабатда бўладиган; бориб қолсангиз, бебаҳо китоблар остонага қадар босиб келганидан пойабзалингизни қўйишга жой тополмай қийналиб кетадиган бир хонали бетон каталакда яшайдиган; ўзиям ўқимаган китобию билмаган нарсаси қолмаган; мабодо аввал огоҳлантириб, сўнг энг аблаҳ, энг разил одамни рўбару қилиб қўйсангиз ҳам бари бир ўша одамдан фазилат қидириб қоладиган, ҳаттоки топишга ҳам муваффақ бўладиган афлотун сиймо, гўдакдай беғубор ўринбосаримизнинг одатдаги кўникмаларига таассубан, мен ҳам бояги қизнинг кўрсатган кароматларидан яхшилик уруғларини қидира бошладим. Илло, излаган – топади. Мисол учун, қизнинг айнан ўша йўлакчадан ортга қайтганлигининг ўзиёқ унинг менга нисбатан қилган катта марҳамати, таъбир жоиз бўлса, ўз ғурурини босиб ўтиб қилган ҳиммати эмасми? Хўш, қайтмаганида нима қилардим? Алданиб қолаверардим-да! Эрта-индин ҳақиқат аён бўлиб қолганида, додимни кимга айтардим? Унинг биринчи сафар қўлимни сиқиб қўйиш билангина кифояланганига келсак, нимаям дердим, қиз бола – бари бир қиз бола-да, дарров қусурини кўз-кўзлаб, менинг раҳимини келтиришдан орланган; устига-устак, менинг гапимнинг мазмунидан ҳам ғофил бўлса...

Энди эса нисбатан кўнглимни хотиржам этган ва шу баробарида бошимга анча-мунча ташвиш ёғдирган кейинги қиз ҳақида.

Безабон қиз зарбасидан сўнг мискин, ночор, иложсизликдан эзилиб, тамом тушкун аҳволда бепарво оломонга сарғайиб термулиб, панжара ёнидаги қулоч етмас йўғонликдаги дарахтга суяниб турарканман, ортимдаги йўлакчадан эшитилаётган қадам товуши шундай ёнгинамга келганда сусайганини эшитиб ўгирилдим. Албатта, ўн саккиз ёшли қизнинг хунуги бўлмайди. Бигиз пошналари асфальтга тақиллаб уриляётган сўлимгина қиз қадамини секинлатишга секинлатиб қўйиб, мендан кўз узмаган ҳолда энди тўхташнинг ниям-тўхтамаслигиниям билмай иккиланаётганини кўрдим-у, унга пешвоз чиқиб ўтирмасдан, турган жойимда: «Мен фалончининг ўртоғиман!» деб қичқирдим.

Қиз... тўхтади. Нигоҳида хавотир акс этиб, ниманидир зўр бериб эслашга уринаётган одамдай пешонаси тиришиб сўради:

– Кимнинг?

– Фалончининг... фалон ойномада мусахҳиҳ бўлиб ишлайди. – Гапларимни диққат билан эшитаётган қиз тараддудланиб қолганини кўриб, изоҳ беришга шошдим: – Унинг ўзи келмоқчийди, лекин озроқ мазаси бўлмай қолиб... Шунга, менга илтимос қилгандан кейин...

– Ҳа-а, – деди қиз ниҳоят излаган нарсасини топгандай юзи ёришиб.

Юрагим гурсиллаб уриб кетди. «Шу!» деган қатъий, заррача шубҳасиз қарорга келдим. Ниҳоят, ниҳоят топдим! Сал қопти-я кўрмай қолишимга.

Шунча хор, зор бўлиб турганим эвазига бу сулув билан би-ир мириқиб гаплашиб олай, дея энди бир-икки қадам қўйганимни биламан, қиз билан орамиздаги чамаси йигирма беш ёшлардаги, сийрак қошидан жинглак сочларига қадар сап-сарик йигитча осмондан туш-

гандай пайдо бўлди-қолди. У мени ғажиб ташлагудай нафрат билан бошимдан оёғимгача кузатиб чиқаркан, ортига ўгирилмасданоқ амирона оҳангда: «Сен бора-вер», деган эди, шуни кутиб тургандай, қиз индамасдан кетаверди. Учрашувнинг бу тахлит бемаъни тугашини кутмаганимданми, бир зум каловланиб, гарангсиб қолдим. Бу орада йигит мени кузатиб бўлди шекилли, гапнинг даромадини вишиллаб дўқ уришдан бошлади:

– Оғзим бор деб тўғри келган қизга гап отаверасизми, ака?

Ҳар қалай, унинг пўписасида зўраки чираниш аломатлари ҳам бор эди. Бунни сезиб мен ҳам баланддан келдим:

– Оғиз меники бўлгандан кейин истаган одамимга гап отаман-да, ука.

– Инсоф ҳам керак-да, ака. Кўринишдан туппа-тузук одамга ўхшайсиз-ку... – сал шаҳдидан тушди йигит.

Ўзи сабр косам тўлиб турган эмасмиди, муросага ўтиш ўрнига портлаб кетиб:

– Бориб тошингни терсанг-чи! – дея ўшқириб бердим ҳали ёдимдан чиқмаган ҳақоратни қайтариш имконияти туғилганидан ич-ичимдан қувониб.

Афтидан, маллавой ҳам жаҳли бурнининг учида турадиганлардан шекилли, титраб, гезариб кетди:

– Чеккароққа ўтайлик бўлмаса, ака.

Ёқалашув ҳидини сезиб қоним қизий бошлади, беихтиёр муштларимни маҳкам қисдим:

– Ўтсак ўтаверамиз-да.

Қишлоқдан келгани билиниб турган, назаримда то ётиб қолгунча ҳалол олишадиган маллавой муносиб жой излаб атрофга аланглади. Мен ҳам беихтиёр унга шерик бўлдим-у, баногоҳ: «Агар ҳамхонам кутган қиз бу бўлмаса-чи... – деган хаёлдан баданим музлаб кетди. – У қиз энди келса-я...»

– Менга қара, ука, – дедим сал ҳовурдан тушиб, – мен бу ерларни беш бармоғимдай яхши биламан. Ҳов анави

ерда каттагина ер ости ўтиш жойи бор. – Мен ишхона-миз тепасидаги соатга кўз ташлаб олдим. – Роппа-роса икки соатдан кейин ўша ерда кўришсак, майлими. Ҳозир мен бу ердан кетолмайман, зарур ишим бор.

– ...Арпа уни баҳона экан-да, ака, – масхараомуз тиржайди маллавой.

Қон миямга тепди:

– Менга қара, ука, агар икки соатдан кейин ўша ерда бўлмасам, йигит эмасман.

Қишлоқ жойларда айтиладиган энг қаттиқ қасамни эшитган йигит сал хотиржам тортди:

– Бўпти.

Маллавой кетди. Асабий зўриқишдан баттар мадорим қочиб, лаънати «пост»имга амаллаб қайтдим-да, кўнгилчанлигимга минг-минг лаънатлар ўқиган кўйи аччиқ ичакдай чўзилган бемаъни машғулотимни – ўтган-кетганларни кузатишни давом эттирдим.

Бир сўзни ҳадеб сақичдай чайнайверсангиз бора-бора унинг асл маъносини бутунлай ёддан чиқариб қўйганингиз сингари, мен ҳам одамларни кузатавериб чарчабманми, сал қолибдики, асл ният хотирамдан фаромуш бўлишига. Фақат ғайришуурий тарзда: «Мана бу жувон иккинчи маротаба бу ердан ўтаяпти», деб ўзимча қайд қилиб қўярканман, «иккинчи»нинг маъноси сўнгги лаҳзада онгимга етиб борди-ю, мен андак сергак тортиб, ўн қадамча наридан ўтиб бораётган жувонга қизиқиш билан қарадим.

Ким билади, сўнгги пайтларда жуда кўп такрорланаётган биомайдон, оҳанрабо тўлқинлари деган туншунчалар чиндан-да моддий мавжудми ёхуд барини жувоннинг жовдираб турган кўзлари ошкор этиб турармиди, ишқилиб, унинг мен тарафга тез-тез, бироқ ўғринча, айна пайтда хавотирланиб ва тоқатсизланиб қараб-қараб қўяётганини кўришдан аввал ҳис қилдим. Жувон ёлғиз эмас эди: бағрида чақалоғи, ёнида эса сий-

рак чўққи соқолли, бахмал дўппи, қора лас чопон кийган, лаш-лушларга тўла иккита тўрва халта кўтариб олган олтмиш ёшлардаги, қадди букилган, озғин чол.

– ЦУМга кириб-чиқиб, кетсак-кета қолайлик эмаса, – деб қолди чол ҳарсиллаб оғир-оғир нафас оларкан.

– Ҳозир, ота, ҳозир.

Янглишишим мумкин эмасди: жувоннинг товуши изтиробдан титраб кетди. У яна менга, йўқ-йўқ, айнан менга эмас, ён-атрофга тоқатсизланиш, жониқиш, ваҳима, ғусса, илинж, кўрқув ҳиссиётлари қоришиқ нигоҳини тикаркан, туйқусдан теп-текис йўлда қоқилиб кетди-ю, кўлидаги чақалоғи учиб кетишига бир баҳя қолди. Жон ҳалпида энгашиб қолган жувоннинг ёнига икки ҳатлашда етиб келасола чақалоқни кўтариб олишга кўмаклашарканман, ўз-ўзимга гапираётгандай: «Агар фалон ойномада ишлайдиган фалончини кутаётган бўлсангиз, у касал бўлиб шифохонага тушиб қолди, мен унинг ўртоғи бўламан», деб шивирлашга улгурдим. Амаллаб қадини ростлаган жувон эшитилар-эшитилмас титроқ овозда «Раҳмат», деди. Мен бошимни кўтардим ва жувоннинг кўзлари жиққа ёшга тўлганини кўрдим.

– Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдима, – жеркиб берди уни чол.

Чолнинг товушидан чўчиб кетдими, тўсатдан биғиллаб йиғлаб юборган чақалоғини маҳкам бағрига босиб олган жувон ўпкаси тўлиб «Азимжоним»ми, «Измжоним»ми деб шивирлади-да, оғир хаста мисоли оёқларини базўр судраб, Марказий дўкон томон юрди. Чол унга эргашди.

Мен жойимга қайтиб, қош қорайгунча, тахминан яна бир соат ўз вазифамни адо этгач, ер ости йўлаги қайдасан, дея йўлга тушдим...

– Саёқ юрган таёқ ейди, – деди рафиқам момата-лоқ бўлиб шишиб кетган ўнг қовоғимга нам сочиқни

босаркан, менинг ўнинчи бор айтаётган «Уришаётганларни яраштирмоқчи бўлгандим», мазмунидаги изоҳимни бошини сарак-сарак қилганча, бир оғиз сўзимга ҳам ишонмасдан эшитаркан.

V

Эртаси куни чошгоҳга яқин қора кўзойнагимни тақиб ҳамхонам ётган хонага кириб келдим.

– Келдими? – унинг оғзидан чиққан биринчи сўз шу бўлди.

Саломимга алик олмагани, ҳеч бўлмаса кўзойнак таққаним боисини сўрамагани учунми, – хом сут эмган бандамиз, ахир: кўнгилнинг туб-тубида жойлашиб олган худбинона ҳислардан қутулиш осон кечмайди, – жиндек оғриниб, ўзимни гўлликка солдим.

– Ким?

Баайни ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётгандай қаддини тиклаб олганча менга суратдай қотиб, ҳаттоки киприк қоқмай термулиб турган ҳамхонам саволимни эшитиб, жонсиз одамдай тўшакка гуп этиб кулади.

– Бормадингиз... нега... нега... ахир... – пичирлади у, лаблари аранг қимирлаб.

Унинг овозидаги беадад тушкунлик, изтироб-аламдан юрак-бағрим ўртаниб кетди.

– Бордим, ука, нега бормай, – дедим ўпкам тўлиб.

– Келдими... келдими... – ҳовлиқиб сўради бемор.

– Биласизми, ука...

– Келдими? Келдими?

Билдимки, аниқ жавоб айтмагунимча ҳамхонамнинг қулоғига бошқа гап кирмайди.

– Менимча... Келди, ука, келди.

Авалло Сўз бўлган... Сўз жон бахш этди. Мисоли кўринмас фаришта бемор устидан сеҳрли таёғини юрғазиб ўтди-ю, «Тур ўрнингдан, сен соғломсан...» деди...

– Келди! Келди! Келди!..

Кўзларидан учқунлар сачраб кетган ҳамхонам такбир ўқиётгандай шу биргина сўзни тез-тез энтикиб, ҳансираб, титраб-қақшаб такрорларкан, икки-уч марта ўрнидан сапчиб туриб кетишга жон алпозда уринди, аммо ҳар гал мадори етмасдан ўринга қулайверди. Дарров елкасидан бир муддат босиб туриб, уни тинчлантиришга уриндим. Шунда ҳамхонам тирсакларимни маҳкам қисимлаган ҳолда, нафаси етмай қолаётганидан оғзини каппа-каппа очиб, сўзларини чала-чулпа айтганча қизғин миннатдорчилик билдиришга тушиб кетди.

– Бўлди, ука, бу гапларнинг нима кераги бор? – дея уни тинчлантиришга уринарканман, туйқусдан «Мен адашган бўлсам-а, у қиз келмаган ё келган бўлсаям ҳамхонамни кўрмагач, индамай изига қайтган бўлса-я», деган гумондан юрагим музлаб кетди.

– Кепти... билгандим... мен... раҳмат... минг-минг... илойим... сиз...

Ниҳоят, тамом нафаси бўғилиб, энтикиб қолган ҳамхонам иккинчи бор ўринга жонсиздай қулаб тушди. Бироқ ҳамон ихраб-қалтираб қўяётганидан, дармонсиздай туюлган бармоқлари тўшакни асабий ғижимлаётганидан ҳамхонамнинг бутунлай ўзига келиб улгурмаганини, эҳтимол, ўзидан дарак бера бошлаган тутқаноқнинг авж нуқтаси ҳали олдинда эканини тусмоллаб ва бу жараёни секинлатиш, наинки секинлатиш, имкони бўлса бир йўла тўхтатиш илинжида оёғи куйган товукдай типирчилаб қолдим. Аммо менинг елиб-югуриб парвона бўлишларим, ёстиқ-чойшабларни тўғрилаб, опкелган у-бу нарсаларимни зўрлаб тиқиштиришларим ҳам, афтидан, ўз самарасини бермас, илло, ҳамхонам менинг жонсарақ бўлиб қолганимни кўрмаётгандай, бошқа мавзуларда бошлаган гапларимни эшитмаётгандай, ўттиз чақирим масофа-

ни босиб келган чопагон мисоли ҳарсиллаб, оғир-оғир нафас олиб, бир муддат шифтга қараб ётгач, аниқ-тиниқ қилиб, лекин заиф овозда деди:

– Мен билувдим... Бир кўришда таниб олишингизни билувдим... Уни бир кўришда... таниб олмаслик мумкин эмас...

Ноўрин мақтовдан ўнғайсиз аҳволга тушиб қолдим. Шунинг учун дангалига кўчиб қўя қолдим:

– Ростини айтсам, ука, мен бир эмас, уч-тўртта қизни сиз кутган қиз деб ўйлаб, уларнинг барига омонатингизни топширдим. Мен ҳозир уларни бир бошдан таърифлаб берай, сиз сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, керагини танлаб оларсиз, – дедим хи-жолатпазликдан қутулиш учун гапимнинг охирини ҳазилга буришга уриниб.

– Бир кўргандаёқ... танимадингизми? – деди ҳамхонам гўёки мен осмондаги қуёшни кўрмай қолгандек ҳайратланиб, айни пайтда кўнглига озор етганини, ҳафсаласи пир бўлганини яшириб ҳам ўтирмаган оҳангда.

– Ҳа, энди, ука, бунинг учун менда сизнинг кўзингиз, ҳеч бўлмаганда юрагингиз бўлиши керак эди. Шундай бўлсаям, сиз аввал бир эшитиб кўринг-чи, зора...

Мен бошладим. Ҳар эҳтимолга қарши, рақам салмоқлироқ бўлсин дея, менга тошимни териб юравершим кераклигини маслаҳат берган қизниям ҳисобга қўшиб, санокни ўшандан бошладим.

Ўзи аслида кишининг, айниқса, бир кўрган одамнингизнинг ташқи қиёфасини тасвирлаш рассомлар ёинки изқуварлар эплейдиган вазифа-да. Кеча еган овқатини базўр эслайдиган мендай паришонхотирроқ одам учун бу вазифа ғирт азобга айланди. Шунча зўр бериб ўйланаман, шунча пешонамни эзғилайман, шошганда «лаббай» топилмагани сингари, қани энди ўша шаддод қизнинг устидаги либосини эслай олсам! Либоси-ку, майли, айтайлик, учинчи-тўртинчи да-

ражали масаладир, лекин унинг юзини тасвирлашга келганда бутунлай калаванинг учини йўқотиб, довди-раб қолдим. Хўп, «сулув» дедим, «сочи бу ердан», деб сочи қаерданлигини кўрсатиб кўя қолдим, яна нима дейиш мумкин? «Сарвқомат» дейинми? Ё бўлмаса «лабига бўёқ суртилган», дейинми? Ҳозир қайси қиз лаббўёқсиз юради. «Бетида упаси бор эди», дейинми? Хуллас, «қизнинг иккита кўзи бор эди», қабилидаги гаплардан нарига ўтолмай миждовланиб турганимда, мени жон қулоғи билан эшитаётган ҳамхонамнинг сабр косаси тўлди шекилли, кўмакка шошилди:

– Ака, мени гапирганингизда нима деб жавоб қайтарганини айтсангиз бўлди.

Вазифам бирданига бунчалар енгиллашганидан хурсанд бўлиб кетдим.

– «Тошингни тер», деди, – дедим оғзим қулоғимга етиб.

Ҳамхонам бемажол қўл силтади:

– Кейингиси...

Равшанки, соқов қиз дарҳол ҳисобдан ўчирилди. Бироқ мен деярли юз фоиз ишониб турган, ҳамхонамнинг хаста эканини эшитиб чин кўнгилдан таассуф билдирган, ҳатто ўхшатиб туширилган бир мушт еб, куним кўзойнакка қолишига сабаб бўлган қиз ҳам чиқитга чиққач, тарвузим қўлтиғимдан тушиб сувга бўктирилган нондай шалвираб қолдим. Ҳамхонамнинг ранг-рўйига-ку, қараб бўлмасди; шунданми ё мендан нафратланиб кетдим, у ёнбошига ўгирилиб олди. «Тамом, – хулоса қилдим ўзимча. – Тамом-вассалом».

Хонага пашша учса эшитилгудай оғир сукунат чўкди. Ўрин билан битта бўлиб ётган беморга қарашга юрагим дов бермасди; озгина қимирласам ҳам ўриндиғим ғижирлаб кетишини билганимдан қилт этмай ўтириб, оёқ остига тушиб қолган бир дона конфет атрофида ғужғон ўйнаётган чумолиларни кузатардим. Уят, номус, айбдорлик туйғулари залвори ошиб

бораётган юкдай елкамдан тобора каттароқ куч билан босиб келар, назаримда, тезда дод солиб хонадан отилиб чиқиб кетадигандек эдим.

– Бўлдими? – қатл ижросига бораётган маҳбус мисоли тақдирга тан берган алпозда сўради ҳамхонам.

– Йўқ, – дедим овозим аранг чиқиб, – яна битта бор. Лекин у қиз эмас, жувон. Чақалоғини кўтариб олган. Ёнида отасими, қайнотасими бор. Мен томонга кўп қаради. Ҳар эҳтимолга қарши бориб, сизнинг касал бўлиб қолганингизни айтдим.

– У-чи?

Чўкаётган одам хасга ёпишади. Ҳамхонамнинг овозида ҳам илинж шарпалари сезиларди.

– Тўғри, жувон индамади, лекин, менимча, кўзига ёш тўлди. Рангиям оқариб кетди...

– Индамадими? – зорланиб сўради сўнгги илинжи ҳам чилпарчин бўлган ҳамхонам.

– Индамади... – минғирладим мен. – Фақат боласини маҳкам бағрига босиб «Азимжоним»ми, «Измжоним»ми деб икки марта...

– Нима?! – чинқираб юборди ҳамхонам.

Чўчиб бошимни кўтардим. Ҳамхонам... кўзлари шокосидан отилиб чиқиб кетгудай аҳволда, оғзини ёпишнIAM унутиб менга қадалиб турарди.

– Нима нима? – сўрадим ҳайрон бўлиб ўз навбатида.

– Нима деди?

– Индамади, дедим-ку...

– Боласини айтяпман, боласини!..

– Аниқ эшитолмадим, лекин, менимча, икки марта ё «Азимжоним», ё...

– «Измжон»... – гапимни яқунлаган ҳамхонамнинг лаблари титраб кетди. Сўнг нимадир демоққа бир-икки чоғланганда ҳар гал оғзи қийшайиб, ияги дир-дир қалтирайвергач, ахири бир амаллаб жилмайиб кўйишнинг эвини қилди-да... – Измжо-он... – деб шивир-

лади юрагидаги бор ғуборлардан тозаланаётгандай узун нафас чиқараркан. – Измжон... Измжон... – Бу ғалати исмдан мадор олаётгандай пичирлаб такрорлашни қўймаётган ҳамхонам туйқусдан менга бир зум лол бўлиб термулиб қолди-ю, бирдан... «Бу ўша! Ўша!» деб ҳансираб, титраб, тўлиқиб, илжайишга уринаркан, лаблари қийшайиб кетди-ю, яна «Ўша» деганча ҳўнграб йиғлаб юборди...

Хайрият-эй...

Ҳамишадагидай, омад кутилмаган жойдан чиқиб қолганини қаранг...

Ё Раб, ким экан у эркак кишининг кўз ёш тўкишига гувоҳ бўлиб ўтиришни энг оғир вазифалар қаторига қўшган. Бекорларни айтибди. Ичга ютилган кўз ёшдан ёмони йўқ. Қўлларимни синдириб юборгудай куч билан чангаллаб олган ҳамхонам титраб-қақшаб, бир нималарни айтишга уриниб энтикиб-бўғилиб қолар, кўзларидан дувиллаб қуйилаётган ёш унинг заъфарон юзини ювар, энди тасалли бермоқ зарурати қолмаганини англаб турганим боис, бу манзарани қониқиш, ҳаттоки ботиний ҳузур ила кузатиб турардим. Йиғла, укам, йиғла; аламларинг кўз ёшига қўшилиб оқсин, изтиробларинг кўз ёшингга қўшилиб ювилсин; кўнглингда қад ростлаган ваҳм музликлари қайноқ кўз ёшларинг тафтидан эриб кетсинлар. Йиғла, укажоним, тўйиб-тўйиб йиғлаб ол...

Ниҳоят, орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, ҳамхонам энтикиб, ҳиқиллай бошлаганини кўргач, амаллаб қўлларимни пўлат чангаллардан суғуриб олдим-да, хонани тарк этдим.

Эртаси куни қўнғироқ қилиб, бўлим бошлиғидан ҳамхонам шифохонага тушганидан бери биринчи бор, йигирма тўрт соатдан буён, гўдак мисоли пишиллаб, хотиржам, алаҳламасдан, ширингина уйқуда ётганини билиб олгач эса кўнглим бутунлай хотиржам тортди.

Таассуфки, худди омад мисоли, фалокат ҳам кутилмаган жойда, кутилмаган пайтда пайдо бўлиб қоларкан...

Сешанба куни шифохонадан кўнғироқ қилишиб, зудлик билан етиб келишимни сўрашди. Ҳовлиқиб келган заҳотим биринчи қаватда кутиб турган мудир қўлтиғимдан олиб чеккароққа бошлади. Ҳамхонаминг аҳволи оғирлашганмиш.

– Ахир, ўтган кунигина кўриб эдим, яхши бўлиб қолганди-ку, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Биз ҳам шу фикрда эдик, – афсусланиб бош чайқадим дўхтир. – Бироқ бемор танасининг кўплаб ички узвлари илвираб қолган экан, айниқса юраги, мана энди таъсири сезила бошлади... – Тиббий ваъз охирида мудир менга тик қараб туриб деди: – Бардам бўлинг. Биз қўлимиздан келган барча тадбирларни кўряпмиз, албатта, лекин... кафолат йўқ...

– Нега, нега ахир, – ҳамон қулоқларимга ишонгим келмасди. – Камбағалнинг оғзи ошга етганда... шу экан-да...

Мудир эътирозларимга қўлларини икки ёнга кенг ёзиб, елка қисиш билан жавоб қайтаравергач, тайинли изоҳдан умидимни узиб, юқорига чопдим...

Нечукдир пешонаси ҳам докада танғиб ташланган ҳамхонам қуриб, қовжираб кетган лабларини аранг қимирлатиб, менинг устма-уст қалаштириб ташлаган саволларимга:

– Шун... дай бўп... қол...ди... ака... – деб жавоб қайтарди.

– Нега, нима учун ахир? – ҳамон шу саволларнинг жавобини тополмай хуноб бўлардим мен.

– У ёғи... энди... бизга... но... аён... Биласизми, ака... – қийналиб, базўр «қулт» этиб ютиниб олди адоқсиз армон, интиҳосиз ўкинч акс этаётган нигоҳини шифтга тикиб, киши фақат ўз-ўзига сўзлагандагина туядиган илоҳий фараҳ, қувонч оҳанглари сезила бошлаган руҳда гапида давом этган ҳамхонам, – ...биз... ҳар йили...

сунбуланинг биринчи... шанбасида... фаввора ёнида учрашамиз... Шунга ахдлашганмиз... биринчи учрашувимиз ҳам шу ерда бўлган... Ўшандан бери... қаерда бўлсак ҳам... қандай қилиб бўлсаям... етиб келамиз... Шундай... Мен... бу йил... жуда уят бўлди... Ишқилиб, кечирган бўлсин... У кепти... ҳар йили келади... Гаплашолмасак ҳам... бир-биримизни кўриб... омонлигимизни билиб... сўнг... орқасидан бориб... олдидагиларга билдирмасдан... вокзалгача... кузатиб... деразадан қараб қолади... Йиғлайди... кўп йиғлайди... Шунда... ўзимни ўзим ўлдиргим келади... Энди... мен... – ҳамхонам ненидир англаб етгандай туйқусдан ўрнидан отилиб туриб, ўт бўлиб ёна бошлаган кўзларини менга тикиди-да: – Акажон! – деди ёлвориб. – Энди... энди мен боролмасман... Шунга... сиздан илтимос, келаси йили ҳам, сунбуланинг биринчи шанбасида... ўзингиз...

– Кўйинг-э, ука, – дедим баданим музлаб кетган бўлса-да, андак жеркиб гапиришга уриниб, – арзимаган дардга шунча ваҳимами?! Ҳозиргина дўхтир билан гаплашдим, насиб қилса, икки-уч кундан кейин отдек бўлиб кетасиз, ўйланманг, ҳали кўп учрашувларга чиқасиз.

Гапларимни тоқатсизланиб эшитаётган ҳамхонам бир-икки қур недир деб эътироз билдиришга чоғланиб, оғиз жуфтларкан, ногаҳон қаттиқ йўтали тутиб қолди. У, бўйин томирлари ўқлоғдай бўртиб қув-қув йўталаркан, ёстиғи остидан қип-қизил тусга кирган рўмолчасини пайпаслаб топиб олиб оғзига босди. Сесканиб кетдим.

– Илойим... Ўҳ-ҳў!.. Ўҳ-ҳў!.. Айтганингиз келсин... Ўҳ-ҳў! Ўҳ-ҳў!... Мабодо... Ўҳ-ҳў-ў!...

Ҳамхонам ўпкаси узилиб кетгудай қув-қув йўталганча энтикиб, энгашиб қолди.

– Бундай қилсак-чи, ука, – беморнинг азобини бир оз бўлса-да, енгиллатиш мақсадида масаланинг амалий томонига кўчдим, – сиз менга ўша сулув қизнинг адресини беринг, мен ё телеграмма жўнатай, ё ўзим бориб...

Ҳамхонам юзига сув сачрагандай чўчиб ўзини орқага ташларкан:

– Йўқ! Йўқ! – дея қип-қизил қон бўлган рўмолча тутган кўлини кўтарди жон ҳолатда. – Йўқ!

– Нега ахир?

– Йўқ! Йўқ! Бўлмайди!

– У... бировнинг хасмими?

– ...

Бир сукутки, ҳар қандай жавобдан кўра равшанроқ эди.

Ҳамхонам шилқ этиб ўринга қулади.

Эшикдан бош суққан мудир мени имлаб чақирди.

Ҳовлига чиқиб, сигарета тутатдик.

Кечга бориб, менга яна киришга изн беришди.

Ҳамхонамнинг аҳволи баттар оғирлашган эди.

Шўрлик, шамдай сўниб борарди...

Бутун вужуди алангаи оташ бўлиб ёнаётган, лаҳза сайин қовжираб кетаётган лабларига ҳамшира нам пахта босиб-босиб қўяётган ҳамхонамнинг кўзи менга тушиб, хурсанд бўлганини билдиришга уринаркан, бўғзидан ҳирқирашга ўхшаш товуш чикди, холос. Пиқ-пиқ йиғлаётган ҳамширани чиқариб юбориб, ўрнига ўзим ўтирдим.

Ниҳоят, не бир зўриқишу жонимни ўртаб юборган азоблардан сўнг ҳамхонам – менинг ялиниб-ёлворишларимга қарамай – лабларини жуфтлаштира олмаётгани боис бир амаллаб:

– Шундай... бўп қолди... – дея сўзларини бўлиб-бўлиб пичирлади. Сўнг ҳарсиллаб, калта-калта нафас олиб, тез-тез кўтарилиб туша бошлаган кўкрагига қўлларини оборишга уринаркан, қўшиб қўйди: – ...ака...

Дўхтир кириб эмлаб кетгандан кейин, сезишимча, ҳамхонамнинг аҳволи бирмунча ўнгланди. Ҳатто менинг юрак ютиб:

– Исми жуда ғалати... Измжон... мабодо ўзларига тегишли эмасми? – деб берган саволимга, анчайин дуд-малроқ бўлса-да:

– Шундай бўлишиям мумкин эди, – дея жавоб қайтарди.

Шу сўзларни айтаётган маҳал унинг юзи изтиробдан буришиб кетганини кўриб, дарҳол мавзуни ўзгартиришга шошдим. «Ҳамхонам тузалиб олаверсин-чи, – деган қарорга келдим, – кейин ҳаммасини билиб оламан...»

Не қилайки, элбурутдан қувонган эканман, шам ҳам сўниш олдидан бир бора ёрқинроқ ёниб оларкан...

Орадан беш дақиқалар ўтиб, билмайман, дорининг таъсири тугадими, ҳамхонам совқотаётгандай қунишиб, тишлари бир-бирига такиллаб урилаверди; кейин бирданига бўғриқиб, лаблари яна қовжираб кета бошлади; ҳозиргина ёниб турган нигоҳи лойқаланиб, маънисизлик касб этди.

Ҳушим бошимдан учиб, жон ҳолатда эшикни урдим. Чопиб келган дўхтир ҳамхонамни бир йўла икки марта эмлади. Бироқ бемор ўзига келиш ўрнига тўлғаниб, алаҳдай бошлади. Дўхтир унинг елкаларидан маҳкам тутиб, лаҳза сайин қувраб кетаётган лабларига нампахта босиб турди: мен эса дўхтирнинг ишораси билан ҳамхонамнинг дир-дир титраётган қўлларини уқалайвердим, уқалайвердим. Ҳамхонам бамисоли жуда муҳим бир нимани айтиб қолмоқчи бўлаётгандай жон-жаҳди билан тўлғаниб уринар, аммо томоғидан оташ ҳовурга қўшилиб қандайдир сўзларнинг узук-юлуқ бўғинларигина чиқар, улардан эса ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди.

Билмадим, шу алпозда неча фурсат ўтди, бу орада жиққа терга ботган дўхтир халатини ечиб ташлаб, битта кўйлақда қолди; бир пайт мен... ҳамхонамнинг қоқшоқ, қуруқ суяги қолган қўллари титрашдан тўхтаб, музлаб бораётганини ҳис қилдим, ҳушим бо-

шимдан учиб дўхтирга қарадим. У ҳамхонамнинг кўк-сига энгашиб, қулоғини бир муддат юрак устига босиб тургач, бошини кўтараркан:

– Тамом, – деди пичирлаб. – Юрак тўхтади...

Ҳали бу мудҳиш ҳукм маъноси онгимга етиб бормасидан ҳамхонамнинг кўкариб кетган лаблари билинар-билинемас қимирлагандай бўлди ва мен:

– Апти... қайим... ака... – деган сасни илғашдан кўра кўпроқ ҳис қилдим.

– У... у гапиряпти! – қичқириб юбордим мен.

Бошини кўтарган жойида ҳайратдан донг қотиб қолган дўхтир:

– Кўлини уқаланг! – деб бақирди менга, ўзи эса жон-жаҳди билан ҳозиргина ўзи «тўхтади» деб ҳукм чиқарган юракни массаж қила кетди.

Худди шу лаҳзада:

– Тўхта...анг... – деган яна бир заиф сас эшитилди ва дўхтир иккаламиз беихтиёр бу сўровга итоат этдик. – Ваъ...да бе... ринг... а-ка... келаси йили... сунбула...нинг бир...инчи... шанба...си... бо...риб ўзин...гиз... Ваъ...да...

Мендан олдинроқ ўзига келиб улгурган дўхтир жон ҳолатда бошини ирғаб, «Рози бўлинг! Рози бўлинг!» ишорасини қилаверди.

– Ваъда бераман! – дедим ўпкам тўлиб.

Шунда, ё раб, ҳамхонам кўлларимни пайпаслаб топгач, билагимдан маҳкам чангаллади-ю, юзи бир лаҳзагина илоҳий ёғдудан ёришиб кетиб... шу ҳолида кўкрагимга шилқ этиб тушди...

Кўнглим бўм-бўш бўлиб қолди.

Зулмат ридосига чулғанган кимсасиз кўчаларда узоқ тентиб юрдим...

Азим пойтахтга не излаб келган эдинг, укажон... Бир ихлос қўйган одамингки мен бўлсам... Ахир, бундай ўйлаб кўрсам, ўзимни сенинг саховатпеша ҳимоя-

чинг санаб, худбинона ҳисларимни қондириб юраве-
рибман-у, лоақал бир бора қайдан, не ниятда бу маз-
гилларда сарсон-саргардон бўлиб юрганинг билан
астойдил қизиқиб кўрмабман...

Азим пойтахтга не истаб келган эдинг, жигарим...

VI

Котиба қиз қучоқ-қучоқ хужжатлар ичидан то-
пиб берган адрес тўғри, бунинг устига, худо ёрлақаб,
телеграмма ҳам ўз вақтида етиб борган экан, эртаси
куни пешинларга яқин гулли чийбахмалдан қилинган
қора жегдасининг кўкрагига тақиб олган уч-тўртта
медалини шиқирлатиб етмиш ёшлардаги муштдайги-
на мункиллаган чол билан муттасил ичаверганидан
бўлса керак, гўштор чўтир бурни шолғомдай қиза-
риб қолган ўттиз беш ёшлардаги эркак «Вой, улим...
Вой, укам...»лаб кириб келишди.

Силласи қуриб йиқиладельган қарияни ҳамширалар
суяб қолишиб, сув-пув тутқазишаётган палла бу ман-
зарани кузатиб туришга ортиқ тоқатим етмай шифо-
хонадан чиқиб кетдим.

Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтгач, мудир иш-
хонага қўнғироқ қилиб, марҳумнинг акаси мен билан
гаплашмоқчи бўлаётганини айтди. Рози бўлдим.

Одатдаги мулозамат, ҳол-аҳвол сўрашиш, ҳамдард-
лик изҳоридан сўнг ака мақсадга кўчди:

– Дўхтирларга айтсангиз, салафангами ё презентга-
ми ўраб беришса.

– Нимани?

– Ўликни, ака, ўликни. Бўлмаса пойизга чиқармайди.

– Ҳали поездда опкетасизларми?

– Номи улуғ ишхоналарингиз битта мошин топиб
беролмагандан кейин, пойизда опкетмай, кўтариб ке-
тамизми, – айнан шу саволимни кутиб турган шекил-
ли, ака пихиллаб кулиб, мени узиб олди. – Ё такси пу-
лини чиқариб берасизларми?

Дастакдан хунук пишиллаши аниқ эшитилиб турган бу одамни ёмон кўриб кетдим.

– Мен ҳозир етиб бораман. Кутиб турунгизлар. Бирон нима ўйлаб топармиз.

– Майли, ака, кутамиз.

Нимаям ўйлаб топардим. Хизмат машинаси эшик ёнида буйруғимга маҳтал турсаки...

Одатда, бундай мушкул вазиятларда мия ҳам тез ишлаб қолади. Дорилфунунда кўп йиллардан бери иқтисоддан дарс берадиган, нечукдир ёзув-чизувга ихлоси тушиб қолган, ҳар гал янги мақоласини кўтариб келганда иккала кўлини кўксига кўйиб, «етса жони, етмаса мошинаси» хизматимизга тайёр эканини пеш қилиб турадиган фан номзоди Ҳосил акани эслаб қолиб, дарҳол гўшакни кўтардим. Бахтимга домла уйда экан. У кишининг ширин суханини эшитиб ўтиришга вақт йўқ эди. Шунинг учун дарҳол масалани кўндаланг кўйдим:

– Кўлимда учта мақолангиз турибди, мен уларни бирлаштириб, ўн-ўн беш қоғозли бир нима қилиб бераман...

– Ў, укажон! Тилингизга шакар!.. – дея қизғин миннатдорчилик билдиришга тушиб кетди домла.

– Тўхтаб турунг. Раҳмат айтишга улгурасиз. Аввал гапимни охиригача эшитинг. Мен номингиздан мақола тайёрлаб бераман, фақат эвазига бир хизмат бор.

– Буюринг, ука. Етса жоним, етмаса мошинам...

– Бир майитни...

– Нимани?

– Мурдани!.. Хуллас, майитни Самарқандга обориб ташлаш керак.

Домланинг нафаси ичига тушиб кетди-ёв, жим бўлиб қолди.

– Хўш?

– Шу, ука... Мақола чиқиши аниқми ўзи?

– Аниқ. Ҳозир ўн биринчи сонни тайёрлаяпмиз. Шу сонда чиқасиз. Умуман, домла, бу томонини ўйламанг, мақола чўнтагимда деб ҳисоблайверинг.

– Шу... ука, кичкинагина суратимизни ҳам қўшиб, дегандай...

– Келишдик. Кичикроқ оқ-қора суратингиздан ташлаб кетарсиз.

– Раҳмат, укажон! Анов масалага келсак, сиздай ука-хонимизнинг илтимосини қайтарармидик! Майли-да, савобиям бор экан...

Ҳа, муғамбир, мақоланию суратини нақд қилиб олгандан кейин савобни эслашини!

– Бўпти, келишдик.

...Офтоб кўкда нур сочиб турган саодатманд кунларнинг бирида ҳузурингизга хушрўйгина қиз кириб келса-ю, дабдурустдан: «У ерим ундоқ... Бу ерим бундоқ...» деб ўзининг қадди-қоматини таърифлашга тушиб кетса, қандай аҳволга тушган бўлардингиз? Ўнғайсизланасиз, қисиласиз, фахрия тезроқ тугай қолсайди деб дилингизда илтижо қиласиз, ниҳоят уялиб ҳам кетасиз, тўғрими? Кўринишидан дуппа-дуруст, айниқса зиёлинамо одамлар остонаданоқ ҳовлиқиб: «Жуда сизларбоп нарса ёзиб келдим-да, энди ўзиям гўзал нарса, айниқса манави, манави ерлари...» дея «дурдона»сидан бақриб-чақриб парчалар ўқишга тушиб кетишса ҳам худди ўшандай аҳволга тушиб қоларкансан киши. Ҳамхонам буни ҳис қиларди шекилли, сўзамол воизнинг қаншарига бақрайиб тикилиб ўтиравериш азобидан мени қутқариш учун бўлса керак, ўзи ўқиётган қоғоздаги керак-нокерак жойларга белгилар қўйиб ташлаб: «Шу ерларини зудлик билан тузатиб беринг, материал бугун босмахонага кетиши керак эди», дея қошимга етиб келиб турарди. Бундай олдиндан келишилмаган битим натижасида ҳар қандай безбет муаллиф ҳам но-

илож «дурдона»сини ташлаб, кейинроқ хабар олишга ваъдани бериб, секингина чиқиб кетарди.

Ҳай, майли, ўпка-гиналар ўз йўлига.

Бош муҳаррир ўринбосаримиз ғамгин оҳангда: «Бандалик экан... Энди, имконини топиб, ёш ижодкор сифатида ойномамизда таъзия изҳор қилсак, сурати билан. Болапақир у-бу нарса ёзиб ҳам юрарди, шекилли. Имкони бўлса, ижодидан бир-иккита намуна ҳам киритсак», деб қолгандан сўнг марҳум истиқомат қилган зах хонага келиб, кучоқ-кучоқ қўлёзмаларни титкиларканман, ҳамхонам – менга бу ҳақда бирон марта айтмаган бўлса-да – чиндан-да «шиғир» битишга ҳавасманд эканини, бироқ аксари чала қолган, битганлари ҳам бадхатлиги боис, ўқиб бўлмайдиган «ижод намуналари» матбуот, хусусан, бировлар ўқиши учун эмас, фақат ва фақат ўзи учун, «кўнглини бўшатиб олиш» учунгина битилганига амин бўлдим. Назаримда, уч нуқталару сўроқ белгилари бот-бот учраётган мисралар эҳтиросга лим-лим қалбдан сачраган томчилар янглиғ қийноқ, изтиробли, айна пайтда мубҳамлик либосига бурканиб олган эди... Агар тақризларда суюб ишлатиладиган иборамни қайтарадиган бўлсам, «шиғир»ларнинг асосини шахсий дард ташкил этарди, холос... Аввалига таъзияномага мўлжаллаб: «Яна тушларимга кириб келдими, Унутдим десам-да, унутмаганим. Яна хушларимга кутқу солдими, Кутмайман, десам-да, доим кутганим...» банди билан бошланувчи «шиғир»ни олдим.

Сўнг: «Ва ё Ҳумо қуши бошимга кўнар, Ва ё Ҳумо қуши учар бошимдан. Ҳар оқшом хобгоҳим кемага дўнар, Денгиз пайдо бўлар аччиқ ёшимдан... Тўлқинлар кемамни уради кўкка, Юлдузлар жаранглаб синиб тушади...» мисралари билан бошланувчи «шиғир»ниям қўшдим. Аммо шу йил эрта кўклам ошхонада ўтирган маҳалимизда гапдан-гап чиқиб ҳамхонам: «Институтни ташлаб кетганимга ҳам етти йил бўлибди», деганини эслаб қо-

либ, айниқса, «етти» рақами менга ҳамиша сирли, ғаро-
йиб туюлгани учунми, шу рақам иштирок этган бошқа
бир «шиғир» маъқулроқ кўринди:

*Вақт холис замона фармонларига,
Дилимни ўртаган азоблар йитмас.
Даво топғум дедим армонларимга,
Етти йил етмади,
Етмиш йил етмас.*

*Нечук асорат бу, саркаш, саргашта,
Нечук жароҳат бу, маддалар битмас.
Нечук талофат бу, руҳга пайваста,
Етти йил етмади,
Етмиш йил етмас.*

*Мен энди олишмай қўйдим, енгилдим,
Юрак урар экан қутқу тарк этмас.
Қайга ҳам борардим, англадим, билдим,
Етти йил етмади,
Етмиш йил етмас.*

*Азизам, аҳвол шу. Нажот йўқ асло,
Ҳар лаҳза чеҳранг кўз олдимдан кетмас.
Сени унутмоққа уриндим, аммо
Етти йил етмади,
Етмиш йил етмас.*

*Сен қушсан, қўлимдан учган ногаҳон,
Не қилай, вақт бир зум орқага қайтмас...
Даво тополмади азобли армон,
Етти йил етмади,
Етмиш йил етмас.*

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди.

Таъзияномага ҳам, ушбу шеърга ҳам матбуот юзини кўриш насиб этмаган экан. Тўғри, аввалига бу фикрни кўпчилик қизгин маъқуллади, ҳатто уларнинг мазмуни борасида маслаҳат берувчилар ҳам топилди, лекин сўнгроқ: «Қандай бўларкин... Бу нарсалар уч ойдан кейингина чиқса... уйдагиларнинг ярасини тирнаб...» деган мулоҳазалар ҳам пайдо бўла бошлагач, ўзим бориб уларни режадан олиб ташладим. Илло... фаввора ёнида жовдираб ҳамхонамни кутаётган шўрлик жувон сиймоси кейинги пайтларда тез-тез кўз олдимда пайдо бўлиб қолар, назаримда, у аёл ойномада ҳамхонамнинг қора рамкага олинган суратини кўриб қолгудай бўлса, сўнгги илинжидан ҳам ажралиб қоладигандек эди. Устига-устак, ахир, ваъда берганман, келаси йили, сунбуланинг илк шанбасида, Навоий театри биноси қаршисидаги ертўлага тушадиган зина ўралган тизза бўйи панжара ёнида ўша аёлни кутиб олишим керак...

Яхшилаб ўйлаб қарасам, ҳар қалай, ҳамхонам ҳақида баъзи бир маълумотларга эга эканман. Масалан, ўтган йили саккизинчи март арафасида Олой бозорига гул олгани борганимизда, у дарвоза ёнида «Гарячий самса, заказ самса!» деб қичқираётган дўмбоққина, қисик кўзли йигитга ишора қилиб: «Манави йигит билан уч йил бирга ўқиганмиз, калласи зўр эди», деб қолганди. Оёғимни кўлимга олиб Олойга югурдим. Бахтимга, бозорни бошига кўтариб қичқираётган йигитлар орасидан қисик кўзли сомсапазни дарров топа қолдим. Бироқ сомсапаздан тайинли бир гап олишнинг иложи бўлмади; у менинг саволларимни хушламай, ошкор ижирғаниб эшитиб турди-турди-да, кўрсатган суратимга безътибор назар ташлаб қўяркан, «Ўқиган бўлсам бирга ўқигандирман, нима қипти шунга?» деди ўдағайламоқдан бери бўлиб. «Шу... бир эслаб, у ҳақда гапириб берсангиз», дедим музтар бўлиб. Каловланиб қолганимни кўрган

сомсапаз баттар тутақиб кетди: «Ҳа, ана, ўқиганман. Уч йил. Юрарди довдирга ўхшаб. Бир яхши кўрадиган қизиям бор эди шекилли. Туркистонданмиди-ей... Учинчи курсда ўқишни ташлади-кетди. Бир пайт қарасак, ҳалиги қиз ҳам жўнаворган... Хўш, бошқа саволлар борми? Борми? Э, ока, қўйинг, бошимни қотирманг! Агар жуда сўроқ қилгингиз келаётган бўлса, керакли жойга чақириб, кейин сўранг!» Изза бўлиб, ортимга қайтдим...

Яхшиям шу куни ҳамхонамнинг бир қучоқ қўлёзмаларини ўзим билан уйга олиб келганим. Қийналиб, ҳижолаб, катталаштирувчи ойнадан қараб бўлса-да, уларнинг бир қисмини тунни билан ўқиб чиқдим. Ў, битикларнинг бош қаҳрамони агар ҳамхонамнинг ўзи бўлса, – бунга менинг заррача шубҳам йўқ эди, – ўшал кичкинагина вужудга бунчалар эҳтирос, бунчалар изтиробу азоблар пўртанаси қандай сиғди экан? Ё ўшал азоблар исканжасимикан унинг вужудини сиқа-сиқа абгор аҳволга солиб қўйган. Битиклар на мантиқий ва на ўзга жиҳатдан бир-бирини тўлдирмас, баайни жунун тўлғоғида телбаваш шоир ёзиб-чизиб, ўчириб ташлаган қўлёзмалар мисоли ўртанган дил номалари, фиғонлари, илинжу умидсизликларидан васф этувчи дostonнинг чала-чулпа қуроқларидай таассурот уйғотарди. Муаллиф битта шиғирнинг ўзида ёниб-куйиб, ўртаниб, ўт-олов мисраларда дил розини изҳор қила бораркан, мутлақо туйқусдан қаҳр-ғазабга тўлиб маъбудасини энг қаро, энг чиркин қарғиш-лаънатларга кўмиб ташлар, бу билан ҳам кифояланмасдан, ўзини-ўзи энг ифлос, энг разил, энг густоҳона сўзлар билан ҳақоратлашга тушиб кетар ва, алалоқибат, уч томонга тортилаётган арава мисоли асар шу жойда таққа тўхтарди-қоларди. Кўз ёшидан сарғайган баъзи саҳифаларда ҳамхонам суюклисини «фариштам, илоҳам» атаб, шунчалар нафис, шунчалар мулойим, шунчалар ҳароратли сўзлар ила эркалаб, суйиб, босган изларини кўзга су-

риб тавоф этмоққа ҳозирлигини билдириб илтижолар этардики, бу мисраларни ўқиётиб ичимга иссиқ бир нима қуйилгандай энтикиб, тўлиқиб кетдим. Айниқса, шафқатсиз чизиб ташлашларга, аёвсиз бўяшларга дучор бўлган, тангадай-тангадай жойлари унутиб қолдирилган сигарета туфайлими, ўйилиб, атрофи қорайиб қолган саҳифалардаги телба-тескари, остин-устин жумлалар орасида икки-уч маротаба «Изм» исми ҳам учраб қолди, лекин кўзларим тиниб кетгунчалик тикилсам-да, «...Кўзларинг қандай эди, қорамиди... Сочларинг силлиқмиди ё кўнғироқ.. Уволинг...» деган сўзлардан бошқасини ўқиёлмагач, ҳеч нарсага тушунмай, эҳтимол бу туғилмаган гўдакка (ойдин тунлари кўкда бодрокдай сочилган юлдузларга термулиб турган ошиқ хаёлига нелар келмайди!) ёхуд – худо кўрсатмасин! – туғилиши керак бўлган-у, бироқ.. туғилмаган гўдакка тавба-тазаррудир, деган дудмал тахминларга боришдан ўзга иложим қолмади...

Албатта, аслини олганда, ҳар битта одамнинг ўзи – сирли олам. Ва ўзгалар асроридан ҳеч бўлмаса бир чимдим билиб олиб, худбинона нафс эҳтиёжини қондириш қон-қонимизга сингиб кетган шекилли, тонггача мижджа қоқмай, қўлёмаларни ўқиб чиқиб ҳам аниқ бир хулосага келолмагач, «Ҳечқиси йўқ, келаси йили барини билиб оламан», деган тасалли билан ўзимни ўзим юпантириб, нисбатан енгил тортгандай бўлдим. Атиги бир йилгина қолибди, атиги бир йил. Бор-йўғи...

VII

...Мен жувонни узокдан, эндигина нашриётимиз биниси ёнбошидаги кўчадан ўта бошлаган маҳалдаёқ танидим. Жувон... ошиқарди; ошиққани боис сал қолди машинанинг тагига кириб кетишига. Такси чийиллаб тормоз берди. Чўчиб кетган жувон таққа тўхтаб, дикиллатиб судраб келаётган боласини (Измжони, шубҳасиз,

Измжони!) жон ҳолатда кўтариб олиб бағрига босди. Такси ҳайдовчиси очиқ деразадан бошини чиқариб ўшқариб берди. Худди шу маҳал орқадан чопқиллаб етиб келган ўттиз ёшлардаги найнов йигит жувоннинг бағридан гўдакни юлқиб олди-да, бир кўлида болани кўтариб, иккинчи кўли билан жувоннинг билагидан чангаллаганча катта-катта қадам ташлаб йўлни кесиб ўта бошлади. Йигит йўлакка етганда тўхтаб, болани пастга тушириб кўяркан, жувонга қараб бир нималар деб ўдағайлашга тушди. Йигит... йигитнинг нима алоқаси бор?! Жувон йигитга (эридир балки!) меровсираб қараб кўйгач, ўзини ярим қадам ёнбошга олди-ю, тўппа-тўғри мен томонга қараб қолди. Кўрган одам жувон эрининг панд-насихатларини унчалик ёқтирмасдан эшитаяпти, деб ўйлар, лекин... кўриб турибман, ахир; жувон ҳамхонамни изларди! Изларди! Тополмай, ҳайрон бўларди! Ваҳимага тушарди, юраги терак баргидай дир-дир титраб яна ва яна мен томонга термуларди... Бу интизор нигоҳ машъум хабарни эшитгандан сўнг қандай аҳволга тушиши мумкинлигини ўйлаб эзилиб кетдим... Кишини ёмон хабар еткизгулик қилмасин... Жувон бўлса... ўз кўзларига ишонмаётгандек, мен томонга қайта-қайта термулади, термулади...

Ниҳоят, тарбиявий соат тугади шекилли, найнов «кетдик», ишорасини қилиб Марказий дўкон томон йўл бошлади. Аммо ҳамон гарангсиб турган жувон болакайини етаклаб тўғри... мен томон юрди! Қараб турибман, найнов икки қадам босгач, ортига ўгирилди. Аёлнинг бошқа ёққа кетаётганини кўриб ғазабдан афти қийшайиб кетди. Эс-хушини йўқотаёзган жувон учун мен кўрқувга тушдим. Дарҳол кўлимдаги газетани ёзиб, гўёки ўқиётгандай саҳифага термулдим, ўзим бўлса кўз қирим билан уларни кузатаяпман. Найнов икки ҳатлашда жувонга етиб келди-да, бир силтов билан уни ўзига қаратди. Улар менга анча яқинлашиб қолишган эди. Жу-

воннинг ранги қув ўчиб кетганини илғадим. Найнов тишлари орасидан вишиллаб, паст овозда нимадир деди. Сесканиб кетган жувон шикаста овозда жавоб қайтарди, унинг нима деганини илғай олмай қолдим.

– Ўзинг ЦУМга борамиз деб еб қўювдинг-ку! – кўзининг пахтаси чиқиб ўшқирди найнов истиҳолани ҳам унутиб. – Энди дам олай деб бошимни қотирасан!

– Чарчадим-м...

Сесканиб кетдим. Бу – жонидан ҳам тўйиб кетаётган, сабр косасига сўнгги хўрлик-алам томчиси тўкилаётган, бироқ ҳали-ҳамон энг охириги сониядами рўй беражак нечукдир мўъжизага илинж боғлаб, ўша илинж воқеликка ёхуд саробга... тезроқ айланиб қўя қолишини ҳам зориқиб, ҳам даҳшатга тушиб кутаётган аёлнинг зорланиб айтган сўзи эди...

Оилавий можарони қаламга олишдан оғири йўқ.

Бир сўз билан айтганда, жувон... найновга эргашди. Арқон билан судраб кетишаётгандай... денг. Дамо-дам ўгирилиб, ҳамхонамни излайди. Мени кўрган, афтидан, таниган ҳам бўлса-да, бари бир, ҳамхонамни излайди. Излайди, тополмасдан дили вайрон бўлади, текис йўлда қоқилиб-суриниб кетади, дакки эштади, яна ўгирилади, яна излайди, яна қоқилади, яна излайди, яна қоқилади, яна дакки эштади, яна ўгирилади, излайди, излайди...

Эвоҳ, бу не қисматки, ҳамхонамни қанчалар азобларга гирифтор этган қиз билан бир оғизгина гаплашиб ололмасам...

Улар ортидан дўконга бордим.

Найнов жувонни ўзидан бир қадам нари жилдирмади.

Алоҳа, найнов бир кўйлакнинг нархи ёзилган қоғозчасини нақ бурнига теккизиб ўқитаётган палла мен илдам юриб бориб жувоннинг шундай ёнгинасида туриб олдим. У бошини кўтариб, жиққа ёш тўла кўзларини менга тикди. У ҳаммасини тушунганди...

Чидай олмадим. Нигоҳимни ерга тикиб, бўғилиб шивирладим: «Бандалик...»

Тез-тез юриб дўкондан чиқиб кетдим.

Бир муддатдан сўнг қаҳрдан афти қийшайиб кетган найнов жонсиз суратга айланган жувонни судраб чиқиб, сўка-сўка такси тўхтатиш жойи томон юрди...

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди.

Тушликка чиқсамми-чиқмасамми деб фол очиб ўтиргандим, кўшни хонадаги масъул котибимиз деворни дукиллантиб уриб қолди. Бу шартли сигнал менга кўнғироқ бўлганини билдирарди. Нарсаларни йиғиштириб котибнинг хонасига ўтдим. У пешонасини тириштириб стол устида ётган телефон трубкасига ишора қилди. Мен ўз навбатида деворга осиглиқ соатни кўрсатдим.

– Тушлик вақти – муқаддас, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаслиги керак. Агар иштаҳани бўғадиган сурбет муаллифлардан бири бўлса – мен йўқман. Умуман, қонун жиҳатдан олганда ҳам мен ҳақман: пастда ўқлоғдай ҳарфларда ёзиб қўйилган: «Муаллифлар соат иккидан кейин қабул қилинади».

– Ўзингиз гаплашинг, қандайдир ғалати қиз экан, – кўл силтади котиб. – Ҳалиги ҳамхонангиз бор эди-ку, вафот этиб кетган, аввал ўшани сўради. Шунақа бўлган, десам, бирдан пиқиллаб йиғладими-ей... «Тепага чиқа қолинг, пропуск заказ қиламан, бирон ҳужжатингиз борми?» десам, «Йўқ», дейди. Кейин сиз эсимга тушиб қолиб... Ҳар қалай, ҳамхонангиз билан яқин эдингизлар...

Сергак тортиб гўшакни кўтардим.

– Эшитаман.

– Сиз... сиз... – ора-сира энтикиб қўяётган қиз ҳамхонамининг исмини тилга олди, – ... акани танийсизми?

– Сиз кими бўласиз?

– Мен... Туркистондан...

Юрагим шувиллаб кетди. Наҳот ўзига ўзи ишонмасдан, текширгани келган бўлса?

– Ҳозир, ҳозир, синглим, мен ўзим пастга тушаман. Сиз телефон ёнидан кетмай тулинг. Мана, кетаяпман.

Лифтни кутишга ям сабрим чидамай уч-тўрт зинани бир қилиб ҳатлаб пастга отилиб тушдим.

Қарасам... ўзига ажабланиб тикилиб ўтаётганларга ҳам эътибор бермасдан, телефон ёнида кўзлари жиққа ёшга тўлиб мунғайибгина турибди... Мен бир ойча бурун фаввора ёнида кўрган жувон...га жуда-жуда ўхшаш, лекин анча ёш, тахминан ўн саккиз-ўн тўққизлар атрофидаги қиз.

Қизга яқин келиб ўзимни таништирдим. Ҳамхонам билан бирга ишлаганимни айтдим.

– Рост экан-да... – бўғиқ овозда сўради қиз.

– Афсуски...

– Менинг опам... у киши билан бирга ўқиган...

– Биладан. Опангиз эрга чиққан. Измжон исмли ўғли бор...

Қиз баногоҳ ўқ егандай чайқалиб кетиб, ялт этиб менга қараркан, чинқириб юборди:

– Сиз қаердан биласиз?

– Бунинг тарихи узоқ, – дедим иложи борича хотиржам гапиришга уриниб. – Вақтингиз бўлса, очиқ ҳавога чиқиб гаплашсак.

Мен қизни... ўша жойга бошлаб бордим. Келаяпти... Индамайди. Ўриндиққа таклиф қилдим. ўтирди. Сезиб турибман, қиз тобора безовталаниб, ҳаловатини йўқотмоқда эди.

– Ишқилиб, опангиз эсон-омон юрибдиларми, – дедим назаримда узоқ давом этадиган, мен учун ҳалигача жумбоқ бўлиб қолаётган асрорларнинг барисидан тўла-тўқис воқиф этадиган суҳбат орамизда кечишини тусмол қиларканман, беихтиёр... мамнун бўлиб, хаёлан кафтларимни бир-бирига ишқаб қўйдим... Айт-

гандим-ку, ўзгалар сири оҳанрабоси ман этилган таом сингари ўзига тортгани-тортган деб...

Қиз эса... бир зум менга лол бўлиб тикилиб қолди-да, тўсатдан:

– Опажон! – деганча изиллаб йиғлаб юборди.

Нохуш бир нимани туйиб томир-томирларимгача музлаб кетдим.

– Нима... нима бўлди, синглим, нега йиғлайсиз? – дея олдим гарангсиб.

– Ўтган куни... ўтган куни қирқини ўтказдик опамнинг, Абдуқаюм ака...

Оёқларимдан мадор қочиб, қизнинг ёнига ўтириб қолдим.

Қиз эзилиб-эзилиб узоқ йиғлади...

Э, дунёи кўтир, нечун қайғуларинг бу қадар кўп, нечун шодликларинг бу қадар кам... Ҳеч бўлмаса ўша муштипар жувон яшаб турса не қиларди... Абадий ҳаёт бериб қўйганмидингки... Ато этганинг бир тутамгина умр-ку, шуниям кўп кўрасанми...

Рўзномалар дўкони биқинидаги телефон-автоматдан ишхонага, бағоят покиза, эътиқоди устувор рассомимиз Рустам акага сим қоқиб, фаввора ёнига беш дақиқага келиб кетишини илтимос қилдим-да, қайтиб келиб жойимга ўтирдим. Қизнинг кўз ёшлари қуриган, аммо у ҳамон бир нуқтадан нигоҳини узмай, энтикиб-энтикиб қўярди.

– Ассалому алайкум!

Рассомимиз билан шу бугуннинг ўзида иккинчи маротаба қўл бериб кўришдим. Қиз билинар-билинмас бош ирғаб қўйди. Мен ўзимни зўрлаб кулимсираб:

– Рустам ака, – дедим, – биласиз, бизлар бир гуноҳкор, осий бандалармиз, бунинг устига боғча ёшидан даҳрийлик ақидаси суяк-суягига довур сингдирилган авлод вакилимиз. Бизга ўхшаганларнинг ти-

ловати ижобат бўладими-йўқми, бир Яратганга аён. Шунинг учун, илтимос, бевақт вафот этишган бир жигарим билан синглимни ёдлаб, тиловат қилиб берсангиз, зора уларнинг руҳлари шод бўлса...

– Хўп бўлади.

Рустам ака кун ботишига ўгирилиб, ўриндиқ ёнидаги заъфарон хазонлар гилами устига тиз чўқди ва кўлларини фотиҳага очиб, кўзларини юмганча ширали овозда қироат билан Қуръон тиловат қилишга тушди: «Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм. Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм...» Мен у кишининг ёнига чўнқайдим. Юракни сел қилувчи ҳазин муножотдан мумдай эриб, беихтиёр кўзларим юмилиб кетди, ўзим оҳиста тебрана бошладим.

– ...Ушбу тиловатимизни марҳум ва марҳума руҳларига бахшида этдик. Уларга доим Оллоҳнинг раҳмат нури ёғилиб турган бўлсин. Омин, Оллоҳу акбар!..

– Омин...

– Омин...

Бармоқларимни юзимга сийпаб, ўрнимдан турдим.

Рустам ака узр сўраб, ишхонага қайтиб кетди. Мен қизни вокзалгача кузатиб қўйдим.

Туркистон поезди жўнашига ўн беш дақиқача вақт бор экан, перронда туриб қолдик. Икковимиз ҳам ўз хаёлларимиз билан бандмиз, ҳар замонда бир-биримиздан арзимаган нарсаларни сўраб қўямиз, жавоб ҳам қисқагина бўлади; мен қизнинг ярасини тирнаб қўймай, деган хавотирда опаси ҳақида сўз очишга юрагим дов бермай турардим. Ниҳоят, қиз журъат этди:

– Измжонни уйдагилар Абдували деб чақирришади, ҳужжатда ҳам шундай ёзилган, бу исмни бобоси қўйган. Бизлар Валижон деб чақирамиз. Мен бир мартагина, опам меҳмонга келганида – ўшанда бирга ётиб қолгандик – ярим кечаси йиғлаб уйғонган боласини тебрата туриб «Измжоним... Измжоним...» деб қўшили-

шиб йиғлаганини кўриб қолгандим... Опам ҳамхонангиз ҳақида менга бир оғиз гапирмаган. Умуман, опам «ичимдагини топ»лардан эди, доим бир нарсани ўйлаб, паришон аҳволда юрарди. Кўп ўйланарди. Нимжон эди. Лекин уйда тиним билмасди, ҳамма ишни қиларди. Қайнона-қайнотаси уни яхши кўришарди... Бу ёқдан касал бўлиб қайтган экан. Биз билмабмиз. Уч кундан сўнг хабар қилишди. Борсак, иситмаси чиқиб, ўзини билмай ётибди. Оғзига бир қултум сув ҳам олмайди. Дўхтиргаям бормабди... Уч кун шундай ётди... қийналиб... жуда қийналиб кетди бечора... Ётади... кўзида бир томчи ёш йўқ... Нукул бир нимани кутади... Гапирсак, худди гуноҳкор одамдай мўлтираб қараб кўяди, лекин жавоб бермайди... Эзилиблар кетдим-ей... Кейин... саҳар узилибди... Билмайинам қопмиз... Индамасдан... Ухлади, деб ўйлабмиз...

– Сиз ишхонамизга қандай кеп қолдингиз?

– Ҳа, бу ергами? Опам бултур ҳам келибди Тошкентга. Ўшандаям мазаси бўлмай қайтган экан. Ўшандаям аҳволи бирдан жуда оғирлашиб қолганди. Томоғидан овқат ўтмайди, иситмаси баланд, алаҳлайди... Бизни жуда кўрқитган. Ўшанда... кечаси иккаламиз қолганда, ёстиғи остидан битта хат олиб берганди. Ялинди. «Тошкентга борсанг... ойномасига бор... шу кишига учраш, биз бирга ўқиганмиз...» – деди. Мен кўндим. Бирдан опам хатни кўлимдан юлиб олиб, майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Ўрнидан туришга мадори етмаганидан: «Дарров ўчоққа олиб бориб ёқиб юбор! Айтганларимниям унут! Мен алаҳлапман!» – деди. Мен ҳовлига чиқиб, хатни... ёқмадим. Яшириб қўйдим. Уйга келгандан кейин китобларимнинг орасига солиб қўйдим... Опам... қайтиш қилганидан сўнг хатни эслаб қолиб, излаб топдим. Лекин ҳали ўқиганим йўқ... бир оқ қоғозга ёпиштириб чиқиб майда-майда бўлган бўлақларни... ўқиб кўрайинми, деб ўйладим. Кейин... ҳамхонангиз хафа бўлар деб ўйладим-да...

– Хат... хат ёнингиздами? – сўрадим шошилиб.

– Сумкамда.

Шу пайт поездимиз жўнашини эълон қилиб қолишди. Биз вагонлар томон юрдик.

Вақт оз қолаётганини кўриб, ҳовлиқиб кетдим.

– Биласизми, синглим, ҳар йили, сунбула ойининг биринчи шанбасида, биз боя ўтирган жойда опангиз билан ҳамхонам учрашишган. Албатта, учрашишган. Қаерда бўлишмасин, ўша куни албатта фаввора ёнига етиб келишган. Узоқдан бўлсаям, бир-бирини кўриб кўйишган. Бундан хабарингиз борми?

– Йўқ, – деди вагонга чиқа бошлаган қиз.

– Ундай бўлса, мен сизга ҳали кўп нарсаларни айтиб беришим керак экан. Сиз ҳам келинг, келаси йили сунбуланинг биринчи шанбасида ўзингиз келинг, мен сизни боя ўтирган жойимизда кутаман. Майлими? Майлими?

Қиз бир зум тараддудланиб қолди. Сўнг:

– Майли, – деди қатъий.

– Унутманг, сунбуланинг биринчи шанбаси.

– Унутмайман.

Вагон ўрнидан кўзғалди. Паровоз чўзиб ўкирди. Купега кириб улгурган қиз деразадан мўралаб, менга қўл силкиб, хайрлашди.

Анча жойгача вагоннинг ёнида чопиб бордим.

– Ваъда бердингиз-а! Унутманг! Сунбуланинг биринчи шанбаси! Ўша жойда! Мен сизни кутаман! Хатни ола келишни унутманг, синглим! Хатни! – Қиз ойна ортидан жон ҳолатда: «қолинг, қолинг, йиқилиб тушасиз», мазмунида ишоралар қилавергач, нечукдир томоғимга муштдай бир нима тиқилгандай ўпкам тўлиб, кўзларимга ёш қалқаркан, чопишимни секинлаштириб, вагондан орқада қола бошладим. – Унутманг, синглим, мен сизни кутаман... кутаман... Сунбула... биринчи шанба...

VIII

Нафасни қайтаргувчи саратон оташларидан сўнг саррин эпкинлар қучоғида гўзал сунбула кириб келди. Сунбула...

Саҳар палла сесканиб уйғониб кетдим. Тушимда... ҳамхонам... суюклисининг қўлларини юзига суриб, ўпиб... юм-юм йиғлармиш.. Қиз ҳам кўз ёшларини тилмасмиш...

Муздай сувда ювиниб, артиниб бўлгач, айвонга чиқдим. Тонг бўзариб келмоқда эди. Маҳобатли машинанинг дастлабки қисмлари ғувиллаб ҳаракатга кела бошлагани сингари шаҳар ҳам уйғонмоқда эди.

Бугун шанба.

Туркистондан меҳмон келади. Ишончим комил, келади...

Кўрган тушимни яна бир бор эсларканман, туйқусдан яқин бир ой-қирқ кундан бери кўнглимни хижил қилиб юрган мубҳам оғриқ маънисини ғира-шира бўлса-да, англаб етгандай бўлдим. Ҳайҳот, ўзимни алдаш не ҳожат, мен ахир меҳмоннигина эмас, у олиб келадиган мактубни ҳам кутмаяпманми? Гўё сарф бўлган вақтим, ўлган асаб ҳужайраларим эвазига... ўлпон олиб келишларини кутаётгандай... Ахир, аслини олганда, мен қай бирини кўпроқ зориқиб кутаяпман: қизними, мактубними... Қанчалар майда, худбин одамман-а... Бир камим энди бировларнинг тўшагига кириб, уларнинг суҳбатидан воқиф бўлишим қолувди... Уят, уят, шу қадар уятки... Мактуб менинг номимга битилган бўлсаям майлийди... Ё дарров ворислик ҳуқуқини қўлга киритиб олдимми...

Номусдан юзим ловуллаб, ётоғимга отилиб кирдим. Деворга осиглиқ кўзгуга қарашга юрагим бетламасди...

Йўқ, ҳали ҳам кеч эмас, ўзимнинг иблисона ниятларимдан воз кечишим, барини, барини мутлақо бошқача тарзда бажаришим керак. Ҳозир... ҳозир... ўйлаб кўрай...

Санчиқ турган миямни маҳкам чангаллаб сабрсизлик билан чора излай бошладим.

Бўлди! Тамом! Мен энди аниқ биламан: хат ўз эгасига етиб бориши керак...

Хатни оламан-да, Самарқандга жўнайман! Ҳамхонамнинг қабрини зиёрат қиламан. Хатниям... топшираман... тупроққа... Иккалови ўртасидаги сир сирлигича қолсин. Ҳеч бўлмаса марҳумлар руҳини чирқиратмайин... Мозордан бир сиқим тупроқ олиб Туркистонга жўнайман... Бориб, тупроқни жувоннинг қабрига сочаман. Сўнг... у ердан ҳам бир сиқим тупроқ олиб, Самарқандга қайтаман...

Сал енгил тортгандай бўлдим.

Ҳар йили сунбуланинг илк шанбасида... фаввора ёнига келиб, ҳамхонам билан унинг суюклисининг руҳини шод этаман... этамиз...

Назаримда, машъум хатога йўл қўйишдан ўзимни вақтида тийиб қолдим...

...Ё раб, эрта, жуда эрта хазон бўлган икки жон – илоё, жойлари жаннатда бўлгур ҳамхонам ила суюклиси – қачонлардир бир замонлар йўл қўйилган адашишлару хатоларга шафқатсиз тўлов эмасми ахир!

1992 йил

Мундарижа

Севгим-севгилим. <i>Ўлмас Умарбеков</i>	5
Жамила. <i>Чингиз Айтматов</i>	86
Маъсума. <i>Фёдор Достоевский</i>	154
Номаълум аёл мактуби. <i>Стефан Цвейг</i>	208
Сунбуланинг илк шанбаси. <i>Абдуқаюм Йўлдошев</i>	258

Оммабон нашр

ЭНГ САРА МУҲАББАТ ҚИССАЛАРИ

**Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА**

**Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА**

**Бадий муҳаррир
Суннат МУСАМЕДОВ**

**Саҳифаловчи
Озода БОТИРОВА**

**Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ**

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2017 йил 27.02да рухсат этилди.

Бичими 84x108 ^{1\32}.

Босма тобоғи 6,5. Шартли босма тобоғи 16,8.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 65/055.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



ЭНГ САРА МУҲАББАТ ҚИССАЛАРИ

Сени айбламайман, қандай бўлсанг, шундайлигингча яхши кўраман, жўшиқинлигинг ҳам, унутувчанлигинг ҳам, ошиқлигинг ҳам, бевафолигинг ҳам менга ёқади, ҳаммisha қандай бўлган бўлсанг, шундайлигингча яхши кўраман. Борган жойингдан атлақачон қайтиб келдинг ҳам, буни ойналарингдаги чироқ шуъласидан билдим, лекин менга хат ёзмадинг. Мана, ҳозир, сўнги дақиқада қўлимда сенинг бир сатр мактубинг ҳам йўқ, бутун умримни сенга қурбон қилибману, сендан бир энлик ҳам хат олмабман-а! Тўрт кўзлаб кутдим, сабр-қаноат билан кутдим. Аммо-лекин сен мени йўқламадинг, бир энлик хат ҳам ёзмадинг... бир сатр ҳам...



ЯНГИ АСР АВЛОДИ



www.book.uz

Онлайн китоб дўкони

ISBN 978-9943-27-957-5



9 789943 279575